

Шавкат Бобожонов

**ШАРИФ
ШАҲАР
ЁДГОРЛИКЛАРИ**

*Бухоро
тариҳий
обидаларига
саёҳат*





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Шавкат БОБОЖНОВ

**ШАРИФ ШАҲАР
ЁДГОРЛИКЛАРИ**

*(Бухоро тарихий обидаларига
саёҳат)*

“БУХОРО” НАШРИЁТИ,
2017 йил

КБК 63.3(5У)

Б 79

ISBN 978-9943-367-90-6

Рисолада узок ўтмишга эга Шариф Бухоронинг 2500 йиллик тарихи давомида яратилган тарихий-меморий обидалари, нодир ёдгорликлари хусусида сўз юри-тилиб, обидаларнинг тарихи, курилиш архитектураси, улар билан багълик халқ афсона ва ривоятлари кенг ва батафсил баён этилган. Кадимий иншоотларнинг Шуролар замонидаги ахволи ҳамда истиқолол йилларида кайта кўрк очганлигини киёсий тахлиси хар бир ўкувчини Бухоро ўтмиши ва бугунни сахифаларига чорлайди. Китоб Бухоро тарихи билан кизиқувчи сайёҳ-зиёратчилар, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

Манзила Курбонова,

БухДУ доценти, тарих фанлари номзоди

Такриҷчилар:

Халим Турсев – БухДУ Бухоро тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

Роберт Альмесев – тарих фанлари доктори, "Бухоро мероси" илмий - талкикот маркази директори

Иборат Ражабова – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъюси

Рисола Бухоро давлат универсиети Тарих кафедраси Йигилиши (2017 йил 31 янавр №4 баённомаси) ва Тарих факультети илмий кенгашида (2017 йил 3 февраль навбатдан ташкири Йигилиш баённомаси) мухокама килиниб, нашрга тавсия этилган.

Шавкат Бобоҷонов,

Шариф шаҳар ёдгорликлари. Бухоро тарихий обидаларига саёҳат. – Бухоро: «Бухоро», 2018. – 310 б.

ISBN 978-9943-367-90-6

Шавкат Бобоғонов

“Ер юзидаги Бухоронинг таърифини эшиштмасан, уни билгичасан, уни умрида бирор марта ўз кўзи билан кўришини орзу қўлмасан маданиятни оғада ишқ дессан, асло хато бўлмас”.

* * *

“Ўзбекистоннинг қадимий, лекин обидаги навқирон ва ғўзат шаҳри – Бухоро ҳақиқатан жаҳон маданиятининг дўрдонаси бўлган нодир меъморчилик қўрикхоналаридан бири, очик ҳаводаги музей бўлиб, бу ерда асрлар давомида ноёб маданият вужудга келди, улугъ законат соҳиблари таваллууд топиб ижод қилидилар, тарихди учмас из қолдирдилар”.

* * *

“Бугун ҳам замин узра салобат кўтариб турган меъморчилик обидагатри, масжиду мадрасалар, савдо ва ҳунарманолар тимлари, шифохоналар ва хонақолар, ҳовузлар, майдонлар Бухоро бошидан кечирган буюк тарихнинг гувоҳидир”.

* * *

“Бухоро ўлқамиёнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятилари тараққиётига ўлкан ҳисса қўшиб келадиган, шарифлиқнома сазовор бўлган, муқаддас жойигардан бириди”.

* * *

“Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчалик салоҳиятидан, юқсак тараққиёт, илм-маърифат, маънавият ва маданият, фатсафа ва дин равнақи ўлиядан дарак беради”.

* * *

“Ҳозир Бухоро, унинг аҳолиси янги давлатчилик қарор топшиши, демократик жаҳареётлар ривожланиши, бозор иқтисодиёти шаклланиши босқичини бошдан кечирмоқда. Шаҳар янгитдан маънавият манбаларига, миллтий илдизларига қайтмоқда, бетакрор маданиятни ва маънавиятини қайта тикламоқда”.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти.

Дунёда алоҳида бир этга, алоҳида бир юртга багишлаб барто қитинган ёдгорликлар мажмуси камдан-кам учрайди. Бухорони шарифнинг ўлқалар қаторига киради.

* * *

“Оқсан дарё – оқаверади”, дейди ҳақиқимиз. Дарҳақиқат, ўтмишида қанча-қанча синов ва қийинчилкларга дуч келмасин. Бухорони шарифнинг илм-маърифат, маданият ва санъат дарёси ҳеч қачон тўхтаган эмас.

* * *

Бухоронинг қўйна ва боқий шаҳар, деб атапишида катта маъно бор. Бу ердаги қадимий обидаглар, осори-атиқалар, ҳақиқимизнинг бетакрор қадриятилари, ўлмас анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

КИМ БИЛМАЙДИ БУХОРОНИ

*Авлиё, пирлар диёри,
Дини ислом ифтихори,
Шариф шаҳарлар туғдори...
Тугамас мақтov маржони,
Ким билмайди Бухорони?!*

*Кўхна, қадим одатлари,
Хоқон, Бухорхудотлари,
Мадрасаю работлари,
Лол этмиш не-не даҳони,
Ким билмайди Бухорони?!*

*Сомонийдур, шайбонийдир,
Манғиту Аштархонийдур,
Ажаб, ҳаммаси фонийдур,
Валек тождур бошда шони,
Мангу боқиӣ Бухорони!*

*Бухорийлар, Наршахийлар,
Нақшбанду Дақиқийлар,
Ҳақ ўйлинда ҳақиқийлар,
Ватан тутган шул маъвони
Ким билмайди Бухорони?!*

*Минораи Калон бунда,
Ҳам Тоқи заргарон бунда,
Баски, жисм аро жон бунда,
Улгайтган Иён Синони
Ким билмайди Бухорони?!*

*Ибн Сурайж, Абу Сұғдий
Рубобийдин мерос ҳар күй,
Алҳони Нажми Кавкабий
Ҳануз мутриблар сарбони,
Ким билмайди Бухорони?!*

*Равон азал куй ва садо,
Истиқлолдан дилда зиё,
Мангуликка ўлмас наво
Яратмиш Мутал Бурхони,
Ким билмайди Бухорони?!*

Шавкат Бобојонов

Ҳар гумбазда юлдуз барқи,
Маҳобатли қадим Арки,
Боғи биҳиштдан йўқ фарқи,
Жаннат ўрганар арони,
Ким билмайди Бухорони?!

Ситораи Моҳи Ҳосса
Чор атрофда чил дарвоза
Ўғлони – шер, қиз-гулзода,
Рамзи дур ишку вафони,
Ким билмайди Бухорони?!

“Биз ҳеч кимдан эмасмиз кам”,
Дея тарихни этиб жам,
Бир обида зўр, муҳташам,
Бунёд этмиш юрт Сарбони,
Ким билмайди Бухорони?!

Чиндан қадим ва навқирон,
Самоларга қўйиб нарвон,
Оlam аҳлин қилар ҳайрон,
Бу элнинг қиз-ўғлони,
Ким билмайди Бухорони?!

Шаҳруд, Лаби ҳовуз зилол,
Сувларида сузгани ҳилол,
Оссиёнинг юзида ҳол,
Тугамас мадху достони,
Ким билмайди Бухорони?!

Ромитанми ё Шофиркон,
Қоракўлми ёхуд Когон,
Бири-биридан хушмакон,
Дастурхонда азиз жони,
Ким билмайди Бухорони?!

Тавоб айлаб, яна қайтдим,
Бориб кўрмаганга айтдим,
Шул эрур охир шоҳ байтим:
Ҳайфдир умри жовидони,
Ким кўрмаса Бухорони!
Ким билмаса Бухорони!

Муҳиддин ОМОН

СҮЗ БОШИ

“Замонлар утар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубха йўкки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг кадим тарихига кайта-кайта мурожаат этадилар” деган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов. Ҳакикатдан хам, Шариф Бухоронинг ҳар бир кадами, хам бир тоши сиру-синоат, гаройиботу ажойнботларга бой. Уни ўрганганинг сари мозийнинг янги сахифаларига, ҳикматлар бустонининг янада гаройиб вокеликларига рўбару келаверади киши. Чунки бу замин дунёнинг энг табаррук масканларидан бири бўлиши билан бирга, жаҳоний мўжизаларни дунёга келтирган мұътабар заминдир. Қарийб уч минг йиллик тарихга эга шаҳар Ғарб ва Шарк цивилизацияларида муносиб ўрин тутиб, маданиятлар чорраҳасида янада тараккий этмоқда.

Бухорий шарифда кад ростлаган ҳар бир обида, ҳар бир нодир ёдгорлик кўхна заминнинг ноёб архитектураси, бой курилиш тажрибаси, юксак маданияти, илму фани, фалсафа ва дин равнакидан дарак беради.

Бугунги кунда Республикаизда 7 мингдан кўпроқ ёдгорлик, шу жумладан, 2500 меъморий обида, 2700 дан зиёд археология ёдгорлиги, 1800 дан кўпроқ монументал санъат асари давлат муҳофазасига олинган. Кадимий Бухорий шарифда эса 660 та моддий-маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, 231 таси археология объектлари, 364 таси архитектура ёдгорликлари (8 та мақбара, 47 та масжид, 14 та карвонсарой, 39 та мадраса), 19 таси монументал санъат асарларн, 22 таси архитектура ансамбллари ва 24 таси диккатга сазовор жойлардир. Шулардан 331 таси республика аҳамиятидаги ва 329 таси маҳаллий аҳамиятдаги моддий-маданий мерос объектлари хисобланади. Очик осмон остидаги музей дея эътироф этилган шаҳарнинг

меъморий ёдгорликларини асраб-авайлаш максадида 1993 йилда Бухоронинг тарихий маркази БМТнинг Таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ташкилоти ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий меъроси рўйхатига киритилди. Шунингдек, Бухоро шаҳрининг жаҳон маданияти тараккиётида тутган алоҳида ўрнини хисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО бош конференцияси-нинг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида Парижда ўтган 28-сессияси Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳакида карор кабул килади. Мазкур ҳукукний асос асносида 1996 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” Қарори зълон килинади. Қадим ва навқирон шаҳарнинг кутлуг тантанаси 1997 йил октябрь ойида ҳалқаро миқёсида нишонланади.

Бухоронинг бой тарихи ва маданиятини тарғиб этиш, шаҳарга хорижий сайёхларни янада кўпроқ жалб этиш борасида бугун ҳам катор ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг 10-11 март кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухороға ташрифи давомида Арк қўргони мажмуасида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури тақдимотида билдириган фикрлари диккатга сазовордир: “Бухоронинг кўхна ва бокий шаҳар, деб аталишида катта маъно бор. Бу ердаги қадимий обидалар, осори-атикалар, ҳалқимизнинг бетакрор қадриятлари, ўлмас анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда. Чет элликларнинг, тарихчи ва мутахассисларнинг уларга кизикиши доимо юкори бўлган. Бундан самарали фойдаланиш керак”.

“Бухоро шаҳристони ичидаги тарихий-меъморий обидаларни жамласак, бутун Шарқдаги обидалардан кўплиги билан ажралиб туради” деган эди мозийшунослардан бири. Демакки, Бухоронинг нодир ёдгорликлари маржон доналаридек кўп ва сержилодир. Муаллифнинг мазкур рисоласи ҳам унинг бир неча йиллик ижодий изланишлари махсули бўлиб, унда Шариф шаҳар обидаларининг сиру синоатлари ҳакида фикр юритила-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ди, кадимийликка йўғрилган кўхна диёрнинг афсоналари, халк тилидан олинган хикмату ривоятлари, эътиқодий карашларига кулок тутади киши. Китобда Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиш тарихи, шаҳар турли номлари ва таърифларн баёни, Бухорода кадимги даврдан XX аср бошларигача бунёд этилган меъморий ёдгорлик ва обидалар, сардобалар, ховузлар, ҳаммомлар, тепаликлар, карвонсаройлар хусусида батафсил маълумотлар келтириб ўтилган. Меъморий ёдгорликлар ҳакида фикр юритилар экан, уларнинг номланиши, курилиш сабаблари, вазифаси, обидаларда муҳрланган дурдона битиклар, ҳар бир нмарат ким томонидан, канча маблаг эвазига қурилганлиги тўлиқ баён этилади. Шариф шаҳар обидалари хронологик кетма-кетлик тизими асосида, мантикий изчиликка риоя этилган холда ўрганилган.

Рисолада нафакат 50 га яқин шаҳар ичидаги ёдгорликлар, балки шаҳар ташкарисидаги тарихий-меъморий мажмуалар – Чор Бакр, Баҳоуддин Накшбанд қадамжоларининг ўтмиши ва бугунн хусусида кимматли маълумотлар келтирилган. Бундан ташкари, тарихий обидаларнинг сакланиш ҳолатини киёслаш, собик тузум даврида қай ахволга солингани, яъни турли хил вазифани бажарувчи бинога айлантирилгани, мустакиллик йилларида эса таъмирланиб, ўз ҳолига келтирилганлигини асослаш учун архив фотолавҳаларидан фойдаланилган. Шунингдек, обида безакларида яширинган сиру-синоатлар, белги ишоралар ортида яширинган мӯжизавий хилкат китобхонни ром этиши шубҳасиз.

Тарихий обидалар курилиши, архитектураси меъморий хазина сифатида минг йиллик тарихдан сўзлайди. Уларнинг бугунга кадар мавжудлиги сири ҳеч шубҳасиз, моҳир уста меъморларнинг билими, акл-заковати, иморатларда ишлатилган курилиш ашёлари натижасидир. Обидалар курилишида унинг коришмасига товук тухуми, очки сути, турли кукун ва мойларнинг аралаштирилганлиги катор китоб ва манбаларда учрайди. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда ҳам иншоотларнинг

умрбокийлигини аждодларимизнинг аниқ фанларни чукур ўзлаштиргани, ўлчов ва ҳисоблашларни бехато амалга оширгани таъминламоқда.

Китобда биноларнинг баландлиги, эни, бўйи, чукурлиги, диаметри, калинлиги, тарҳи ҳакидаги маълумотларнинг келтирилганлиги ҳар бир кишини кизиктириши, табиий албатта. Рисолада ҳар бир меъморий ёдгорликнинг безак техникаси, декорацияси, қурилишидаги ўзига хослик, ўхшашлиқ ва фаркли жиҳатлари имкон қадар очиб берилган. Кундалий, тиллакорий услуби, гирихли, ислимий (ўсимликсимон) накшлар, уштургардон, парчинкори, кошинкори, хотамкори услублари, изора, катиба, намоёна, шарафа, мукарнаслар ўкувчини меъмор санъатининг мафтункор оламига етаклайди.

Бундан ташқари, рисолада, ёгоч айвонлар, таг курсилар, меҳроб ва пештоқлар, тобадон, ҳавзаклар, ҳовузлардаги тарновлар, гулдасталар, гумбазлар, бурамасимон устунгўшалар, даҳма ва ҳазиралар меъморчиликнинг нозик ва нафис турлари хусусида сўз боради. Китобни вараклаганда Боло ҳовузнинг михсиз бану баст килинган ёгоч айвони, Абдулазизхон мадрасаси меҳробида яратилган ҳукмдор тасвири, 20 метр баландликда курилган Арки Олий, тўккиз асрлик минора, Моҳи Хоссадаги ок уй, чукурликдаги мағоклару қадимий ҳаммомлар хусусида маълумотларга эга бўлинади.

Китобни тайёрлашда катор тарихий манбалар ва нодир адабиётлардан фойдаланилган. Абулкосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбაъ улус”, Ҳофиз Таниш Бухорнийнинг “Абдулланома (Шарафномайи шоҳий)”, Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, Абул Аббос Толибнинг “Матлаб ут-толибин”, Мирзо Салимбекнинг “Кашқули Салимий таворихи муттақадимин ва муттаҳирин”, Сайид Мансур Олимийнинг “Бухоро – Туркистон бешиги”, Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи”, Нарзулла Йўлдошевнинг “Бухоро авлиёлари тарихи”, шунингдек, рус олимлари

Шариф шаҳар ёдгорликтари

Л.И.Ремпель, О.А.Сухарева, Г.А.Пугаченковаларнинг асарлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, китобни тайёрлашда “Бухоро шарқ дурдонаси”, “Ўзбекистон обидаларидағи дурдона битиклар” номли кимматли китоб ва энциклопедиялар, академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов, санъатшунос олим Корёғи Жумаевнинг асарларидан унумли фойдаланилган.

Ушбу китоб ёш авлодни тарихни севиши, уни чукуррок урганиш, тарих хикмати билан қороланиш, энг мухими, мавжуд осору-атикаларимизни асрраб-авайлаш руҳида тарбиялайди.

Диккатга сазовор жихати шундаки, муаллифнинг йиллар давоминда тарихий обидалар ҳакида рўзномаларда зълон килган публицистик маколалари бугунги күшга келиб, айни шу китобнинг яратилишига асос бўлди. Балким шунинг учундир, китобда муаллифнинг бокий шаҳар ҳакидаги руҳий кечинмалари, ўй-фиркалари ўз аксини топган. Чунки унда Бухорони севиши, унинг бир бўлаги эканлигини билиб яшаш, қадимий хилқат бағрида камолга етиш каби улуғвор тушунчаларни тұяди инсон.

Бухоро тарихий обидаларига саёҳат йўл кўрсаткичи сифатида тайёрланган рисола Сизга манзур бўлади деган умиддамиз.

Китоб яратилишида ўзининг илмий, маънавий ва амалий кўмаги билан ёрдам кўрсатган Бухоро давлат уннверситети ректори, техника фанлари доктори, профессор Абдуқобил Тұлаганов, тарих фанлари номзоди Феруза Бобожоновага муаллиф чексиз ташаккурини изхор этади.

Манзила Қурбонова,
тарих фанларни номзоди, доцент.

ҚАДИМ МАДАНИЯТ БЕШИГИ

Тарихдан маълумки, илк шаҳарлар ва давлатлар дарё ирмоқлари бўйида вужудга келган. Аммо, барча дарёлар хам цивилизациянинг онаси бўлавермаган. Бухоро шаҳрининг вужудга келиши бир томондан Зарафшон дарёснинг “Руди зар” ирмоги билан боғлик бўлса, яна бир томондан, бу ерлик ахолининг моддий маданияти натижасидир.

Ўлкамизнинг илк тадқиқотчиси Абу Бакр Мухаммад Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида шаҳарнинг вужудга келишини кўйидагича ҳикоя килади:

“Хозир Бухоро бўлган жойда аввал боткоқлик бўлнб, унинг бир кисми камишзордан иборат эди, бошка кисмларида дарахтлар, ўтлоклар бўлган эди. Баъзи жойлари шундай калин чангальзор бўлганки, улардан катта бирор ҳайвон ўта олмаган. Негаки, хозирги Самарқанднинг якин тог ва адирларидаи корлар эрнб, сув тўпланарди ва оқарди. Самарқанднинг четроғида бўлган катта дарёни Мосаф (Зарафшон – Ш.Б) деб атардилар. Бу дарёда кўп сув тўпланарди. Сув ўз окими йўлида ерларни ювар, жуда кўп лойларни олиб кетар, чукурликлар колдиради. Сув ва лойнинг кўп бўлиши натижасида хозир Бухоро жойлашган ерлар хам тупрок билан тўлиб, текисланган. Шу сабабли Сўғд дарёси лой, тупрок билан тўлдирган жойни Бухоро деб атай бошланлар. Бу ерга чор атрофдан кишилар кела бошлайди, обод этила бошланди. Аввал кишилар чайлалар куришган, сўнгра улар кўпая боргач, бинолар кура бошлаганлар”.

Куйи Зарафшон водийси (Бухоро)ни археологик ўрганиш ишлари XIX аср охири XX аср бошларидан бошланди. Бу вактгача факат Бухоронинг ёши 4000 минг йилдан зиёд эканлиги хакидаги маълумотлар маълум эди холос. (Наршахий-

Шириф шаҳар ёдгорликлари

нинг “Бухоро тарихи” асари). Айни шунга кўра, илмий ва моддий текшириш ишлари бошланди. XX асрнинг 20-30 йиллари оралигига шахардаги айрим ёдгорликларни таъмирлаш ишлари баробарида археологик жиҳатдан ҳам ўрганилди. Шаҳар ичидагастлаб Магоки Аттори масжиди (В.А.Шишкін), кейинчалик, 50-йилларда Минораи Калоннинг пойлевори атрофи ўрганилди (С.Н.Юренов). 60-йиллар охирига келиб, академик Яхё Гуломов раҳбарлигидаги маҳсус давлат экспедицияси шаҳарда казишма ишларини олиб борди. 70-80 йиллардаги тадқиқотлар Зиндон, Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Токи Заргарон, Абдуллахон тими, Аркнинг шаркий кисмида олиб борилган. Шаҳарнинг ёшини аниқлашда археологлар хulosаси, яъни Бухоро шаҳрининг вужудга келганлигига 2500 йил бўлганлигини исботлаб берди. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки барча казишмаларнинг (бир асрлик изланишлар) охиригача тугалланишига худудда ер ости сувлари сатхининг баландлиги имкон бермаганлиги, шаҳарнинг бошка кисмида ҳали моддий изланишларни давом эттиришни талаб этади.

Бухоро ўз даврида жўшкун савдо-сотик, маданият маркази сифатида танила боргач, бу ўлкада хукмронлик қилган сулолалар шаҳарни ўзларининг маъмурий марказларига айлантиришиди. Шаҳар Зарафшон дарёси этакларидағи қадимий Эфталийлар ва Бухорхудотлар (V-VIII асрлар) ҳокимлиги пойтахтн эди. 709 йили уни Араб халифалиги фатҳ этган, кейинчалик Сомонийлар давлатининг нойтахти бўлган. 999 йил Бухорони Қорахонийлар, 1220 йил мўгуллар босиб олган. 1370 йилдан Бухоро Амир Темур ва Темурийлар давлати, XVI аср бошидан Шайбонийлар (1533 йил бу давлат пойтахти Самарканддан Бухорага кўчирилиши туфайли Бухоро хонлиги деб атала бошли-

ган) ва 1756 йилдан 1920 йилгача Бухоро амирлиги (Мангитлар) маркази бўлган, сўнг шаҳар Бухоро босқини натижасида шуролар томонидан босиб олинган. 1920 йил 8 сентябрдан Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) нинг пойтахти бўлган. Шунингдек, Бухоро 1925 йил уч ой давомида Ўзбекистон ССР нинг биринчи пойтахти бўлган.

1938 йил 15 январда Бухоро вилояти ташкил этилган. Бу облас ташкил этилган дастлабки беш вилоятдан бири эди. Ҳозирги вактда Бухоро шаҳри Ўзбекистон Республикасининг таркибида ги Бухоро вилоятининг маъмурий маркази.

Бугунги кунда тарих шуни исботлаб турибдики, шаҳарларнинг нуфузи уларнинг қадимийлиги билан эмас, ўзида тарихни қай даражада саклаб қолганлиги билан белгиланади. Бу борада Бухоро тенгсизdir.



БУХОРОНИНГ НОМЛАРИ БАЁНИ

Коррии заминда шаҳарлар жуда куп. Уларниң ҳаммаси ҳам ўз халқи учун азиз ва мұғытабародир. Аммо, ер юзида Шариф шаҳарлар саноқлиодир. Ана шуидай шарифлик мақомига эга бўлган, “Танги жамоли”, “Илм маскани”, “Зебу зайнат шахри”, “фаҳрти шаҳар”, “очиқ шаҳар”, “Алоҳизазар қилиған” деган маънони англатувчи – Бухорои Шариф яккаю ягонадир.

Археологик маълумотларга кўра, Бухорага милоддан аввалги I-минг йиллик ўрталарида асос солинган. Унинг номи илк ўрта аср Хитой манбаларида турлича, яъни Аи, Аиси, Анго, Бухо, Буку, Бухэ, Бухаэр, Бухуэр, Бухала, Бухуала, Фухо, Пухуала ва бошқа номлар билан аталган. Бу атамалардан аввалги учтаси Бухоронинг хитойча номлари бўлиб, колгани “Бухоро” сўзининг хитой тилидаги талафузидир. Ўрта аср араб манбаларида эса Бухоро Нувижкат, Навмичкат, Бумичкат (Янги кўргон), Ал-Мадина ас-суфрийя (Мис шаҳар), Мадинат ат-тужжор (Савдогарлар шаҳри), Фохира (Фаҳрли шаҳар) каби номлар билан тилга олинган. Бухоро атамаси санскритча “вихора” сўзининг туркмўгулча шакли — “бухор” (“ибодатхона”) дан келиб чиккан деб таҳмин килнган. Кейинги тадқиқотларда бу атама сўғдийча “буғ” ёки “баг” (“тангри”) ҳамда “оро” (“жамол”) сўзларидан иборат бўлиб, “тангри жамоли” деган маънони англатади, деган фикр илгари суримокда.

Араблар Бухорага бостириб кирганида ҳам Усмон ибн Аффон дейдикни, “Бухоро фатҳи сенга насиб этса унинг халқига яхшилик кил, чунки у шаҳар кутли шаҳардир”.

Хузайф ибн Яъмон айтганки: “Кунлардан бир куни амирул мӯъмнин Умар Хаттоб Хуросон хусусида сўзлаб, уни камситган эди. Амирул мӯъмнин Али деди: - Кўй, эй Умар! Тангрининг Хуросонда бир ажойиб шаҳри бор. Уни Бухоро деб атай-

дилар. Бухоро қандан жой эканлигини сен нима биласан? Тангри киёмат куни Бухоро ахлини киргиндан асраб қолади. Бухоро, бошка халклар киёмат куни хавф остида колганларида ҳам бехишт билан башорат бўлади. Шу вакт Бухоро халки қандай яхши халкки, ҳар кеча тангри уларга раҳмат назари билан карайди. Улардан бири ёки қавмидан кимни истаса гуноҳини кечирали. Бу икки ҳадисни Қози Абу Бакр Заранжирний далил билан ривоят килган”.

Аҳмад ибн Наср дедики: “Бухоронинг номлари кўпки, Хурсоннинг ҳеч бир шахрига шунча кўп ном берилган эмас. Бухоро номи уларнинг барчасидан машхурроқдир. Бухоро сўзи “Бухор” сўзидан келиб чиккан бўлиб, оташпастлар тилида “Илм макони” демакдир. Бу талаффуз уйғур ва хитой бутнарастларининг тилига якиндир. Чунки уларда сигиниш жойлари бўлган бутхоналарни “Бухор” деб айтганлар. Бухоронинг яна бир номи аввалдан “Фохира” бўлиб келган. Имом Зоҳид Саид ибн Мухаммад Али Нужободий бир ҳадис ривоят килади: - У киши айтадики, “Расули саллоҳу алайхи васаллам дедики: - Менга жаброил алайхисаллом айтдики, Машрик томонда бир мамлакат бор. Уни Хуросон деб атайдилар. Уннинг учта шаҳрини киёмат куни ёкут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар. Улардан нур чиқиб туради. У шаҳарларнинг теварагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбих, ҳамд ва такбир айтадилар. Бу шаҳарларни эъзоз ва икром билан машҳаргоҳга олиб келадилар. Шаҳарларнинг ҳар бирига етмиш мингдан байрок, ҳар бир байрок тагида етмиш мингтадан шаҳид бўлади. Ҳар бир шаҳарнинг шафоати билан форс тилида сўзловчи етмиш минг муваҳҳад најот топади. Киёмат куни бу шаҳарларнинг ҳар тарафида: ўнгида, сўлида, олди ва кетида ўн кунлик йўл масофагача ҳаммаёқ шаҳидлар билан тўлган бўлади”.

Бу шаҳарлар учта бўлиб, биринчиси, араб тилида Қоснмий, форсчада Яшкард бўлиб, Термиз якинида жойлашган. Иккинчиси, арабчада Самарон, форсчада Самарканд дейдилар. Учинчиси,

Шариф шаҳар ёдгорликлари

арабчада, Фохира, форсчада Бухоро дейдилар. Бухоронинг нега Фохира деб аталиши сўралганда, айтиладики, Киёмат куни Бухоро шаҳри ўзида шахидларининг кўплиги билан фаҳр килади.

Бухоронинг ҳар бир тошида хикмат ва мўъжиза мужассам. “Бу афсонавий шаҳарни бирорта тошини кимки кийшик деса, у катта гунохга ботади” дея тўғри таъкидлаган эди Бобораҳим Машраб. Бухоро манбаларда “Римнинг тенгдоши”, бухороликлар эса “Ўрта Осиёнинг парижликлари” кабин номлар билан аталади.

XI аср бутун Ўрта Осиё шаҳарлари жуғрофияси ва тарихинн тадқик этган Ёқут Ҳамовий ўзининг “Мужъам ал Булдон” деган асарида “Мовароуннаҳрнинг кўрки тўрут томонда жойлашган шаҳардир. Уларнинг ҳар бири кўркли жаннатдан ҳам яхшироқдир. Биринчиси, илму фазл манбаи бўлган Бухоро. Унинг тупроги Рум ва Чин мамлакатларига фаҳрдир” деб ёзади. XIII аср тарихчиси Ҳожа Олоуддин Отамолик ибн Мухаммад Жувайнний “Тарихи жаҳон күшой” китобида Бухоронинг фазилати ҳакида шундай дейди: “Бухоро машрик шаҳарларидан бири бўлиб, “Куббатул Исломдир”. У томонда, яъни Мовароуннаҳрда Мадинат ул-ислом(Мадина) ўриида бўлиб, фукароси факихлар ва олимлар нури билан безалиб, унинг атрофи маънийлар маъшукалари билан зийнатланган. Бухоро қадимдан ҳар ерда ҳар қандай дин ахллари тўпланадиган жой бўлиб қолган”.

Бухоро мусулмон шарки фан, маърифат ва илоҳиётнинг ривожланишига ҳам улкан хисса кўшиб, мумтоз ўрта асрлар мусулмон оламида “Куббат ул-ислом” (“Ислом динининг гумбази”) ва “Бухорои шариф” (“Шарофатли шаҳар”) номлари билан шуҳрат топган.

Қарийб ўттиз асрлик тарихга эга Бухоро бугун ҳам дунё халклари томонидан иззат-икром, ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олинади. Шарқ гавҳари, жаҳон мўъжизаси, нурли шаҳар, Ўрта Осиё дурдонаси, Осиё жавоҳири номлари билан янада шуҳрат топиб, бой ўтмиши ва шонли келажаги бокий яшаб, тилларда достон бўлмоқда.

ПОЙКЕНТ - САВДОГАРЛАР ШАҲРИ

Уч минг йиллик тарихга эга ўзбек давлатчилиги ҳамда шаҳарсозлигининг илк пойдеворларидан бири бу – Пойкент хисобланади. Қадимий карвон йули устида жойлашган бу шаҳарни қадимги Хитой тарихчилари “Пати-ян”, араб тарихчилари Ат-Табарий, Ибн ал-Хордадбех ва Ибн Факихлар “Мадинат ат-тужжор”- савдогарлар шаҳри, Мухаммад Наршахий “Шаҳристони роин”-Бронза шаҳристони ёхуд “мис шаҳар” дея таърифлаганлар. Ўрта аср ёзма манбаларида эса шаҳар Бойканد, Хитой солномаларида Би номлари билан юритилган. Унинг номлари “Куйи шаҳар” маъносини англатади. Пойкент мустаҳкам мудофаа деворлари билан ӯраб олинганилиги сабабли “жездан курилган шаҳристон” (жез шаҳар) номи билан шуҳрат топган. Хитойликлар бу шаҳарни яъна “Шаҳри Ҳайбар”деб атаганлар. “Ҳай”-денгиз бўлиб, денгиз кўйнидаги шаҳар маъносини англалади.

Зарафшон дарёсининг куйи оқимида жойлашган ҳамда Мовароуннахрнинг жанубий дарвозаси хисобланган қадимий Пойкент шаҳри Бухородан 44 км жануби-ғарбда, Жондор ва Коракўл туманлари тулашган худудда жойлашган.

Пойкент қадимда 4 кисм: 1) дарвозали арк (майдони 1 га якин); 2) дарвозали ички шаҳристон (майдони 11 га); 3) дарвозали ташки шаҳристон (майдони 6 га); 4) шарқ, ғарб ҳамда жанубий томонларида кад кутарган (майдони 100 дан ошиқрок) улкан работлардан иборат бўлган. Бу машҳур антик шаҳарнинг атрофларида кўплаб кўргонлар барпо этилган. Пойкент атрофида 1000 та работ қурилганлиги ёзма манбалар асосида исботланган.

Бухородан қадимирик хисобланган Пойкент табиий тепалик устида қурилган бўлиб, ундаги арк кўргони - квадрат, 90 x 90 метрлик шаклида қурилган. Милодий V-VI аср бошлирига келиб Пойкент кенгайтирилган, Аркнинг жанубий-ғарбий

кисмига 13 гектарлик шаҳристон бунёд этилган. Орадан бир аср ўтгач шаҳар янада кенгайтирилади. Ғарб томондан 7 гектарлик майдонни ўз таркибига қўшиб олиб, умумий майдони 20 гектардан ошади. Бу кисм шаҳристон II деб юритилади.

Пойкент савдогарлар шаҳри номи билан юритилишига сабаб, биринчидан, Наршахийнинг ёзишича, шаҳар ахолисининг аксарияти савдогар бўлиб, улар Хитой ва денгиз бўйи мамлакатлари билан савдо килганлар ва жуда давлатманд бўлган. Иккинчидан эса, бу шаҳардан Бухорога томон йўналган карвон йули (кенглиги 20 м) нинг 2 ёкаси бўйлаб жойлашган 20 дан ортник карвон саройларнинг вайроналари кайд этилганидадир. Пойкент савдода муҳим ўрин тутган ва катта мавкега эга бўлган. Чунки, агарда бирон бир савдогар Пойкентга бориб савдо килмаган бўлса, уни савдогар деб тан олмаганлар. Бу эса шаҳарнинг Буюк ипак йулида жойлашиб, у ерда юксак даражадаги савдо-сотик ва гавжум бозорлар бўлганлигидан далолат беради. Бундан ташкири, Табарий ёзишича, араблар яъни Кутайбанинг Пойкентга боскини арафасида шаҳарнинг бойлигидан араблар ҳайратга тушганлар, ҳатто эритилган олтин-кумуш ва анжомлар ва бутларнинг тош қолипидан 150 минг мисқол микдорда ёмби ажратиб олинган. Бу ҳакида можар олимни Герман Вамбери ўзининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китобида тулиқрок маълумот келтиради: “...бу шаҳарда араблар беҳисоб ўлжа-бойликни кўлга киритган эдилар. Масалан, бир бутхонада 40 минг дирҳам оғирликдаги соғ олтиндан ишланган санамлар бўлиб, биттасининг кузлари ўрнида капитар тухумидек иккита инжу бор эди. Кутайба буларни ўлжанинг бир кисми билан бирга Ҳажжожга юборди”.

Пойкент шаҳри ҳакидаги маълумотлар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида қуйидагича келтирилади: “Байкандини шаҳарлар жумласидан деб ҳисоблайдилар. Байканд ахолиси, бирор кишининг Байкандин кишлок деб аталишига розилнк берган эмаслар. Агар бирор байкандлик Бағдодга борса ва ундан

“сен каердансан?” деб сұрасалар у Байкандданман деган, Бухороданман деган эмас”. Пойкентдан буюк олим ва алломалар етишиб чиккан. Булардан айримларининг номларини манбаларда учратишимиш мумкин: Абу Закриё ибн Жаъфар Аъян ал-Аздий Баҳрий (хадисшунос), Мухаммад ибн Салом (фикхшунос), Аҳмад ибн Юнус ан-Назр ибн Шамил (хатиб), Али ас-Сураймон (улуг мұхаддис), Абу Фазл Аҳмад ибн Али (хофиз), Мухаммад ибн Аҳмад ибн Ҳомид ибн Убайд (мұтазимий олим), Абу Амр Үсмон ибн Али ал-Пойкандий(имоми солих) ва бошқалар.

Пойкентда VIII-XII асрларда күпгина диний ва дунёвий илмлар каторида араб тили ҳам ривожланган ва тильтунослик бүйича мажлислар, сұхбатлар үтказилған.

Тарихий манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, “Ал-Жоми ас-Саҳиҳ” асарининг муаллифи, улуг мұхаддис Имом ал-Бухорийнинг боболари Мугийра ва бобокалонлари Бардизбах асли пайкентлик бұлғанлар. Ал-Бухорий сұнғги сафар – Маккай Мадинадан қайтишларида бобо юртлари Пойкентта кириб үтганини тарихчилар ёзіб колдирған.

Ушбу кадимий шаҳарға Эрон ҳукмдори Афросиёб асос солғанлиги тұғрисидаги маълумотлар мавжуд. (Афросиёб – афро-мукофот, сиёб(савб)-либос. Яъни Яратғаннинг мукофот либоси (подшохлик) ни кийган одам дегани). Абулкосим Фирдавсий Афросиёбнинг Эрон мамлакатидан Бухорога келиб, катта хазинага дуч келғанлигини, ушбу катта хазинанинг шархини үттиз беш йил ёзіб тугатиб билмаганлигини ёзди. Бу Буюк Туран мамлакати – Бихишттанғаннинг тарихи зди. Афросиёб Бухорода асос солған кальалар жуда күп бўлған. У Бихиштгандан кейин Кундуз шаҳрини яратади. Кундуз “кўп баходирлар жойлашган ёки жам бўлған шаҳар (калья)” маъносини билдиради. Афросиёб асос солиб, ўзига пойтахт килиб олган ўша маскан ҳозирги Пойкент шаҳридир. “Баҳодирлар шаҳри” да Афросиёбнинг Гаҳоний, Гарсеваз, Тажоб, Бурзуило, Ажнос, Аржосп (Афросиёбнинг невараси) каби паҳлавонлари бўлған.

Бу кадимий-тарихий шаҳар ҳакида ҳалқ орасида турли-туман ривоятлар мавжуд бўлиб, улардан энг машҳури - Фирдавсийнинг "Шоҳнома" достонида Кайхусрав Пойкентда олов ибодатхонасини куриб, унинг деворларида Зардуштийларнинг мукаддас китоби "Авесто" ни зарҳал ҳарфлар билан ёздирганлиги ҳакидаги афсонадир.

Буюк Инак йўли устида жойлашган, бир замонлар маданият ва санъат, мъемочилик, хунармандчиллик ва савдо ривожланиб, гуллаб яшнаган кадимий Пойкент шаҳри кейинчалик сувнинг етиб бормаслиги ва курғокчилик туфайли инкиrozга учраб ҳаробага айланади. Лекин Арслонхон ўз даврида бу ерга сув етиб келсин учун алоҳида ариқ қазишга буюради. Пойкенд унчалик ҳам баланд бўлмаган табиий тепалик тепасида жойлашган эди. Ҳокон тоғдан ариқ қазишга буюради. Тош шу даражада каттиқ эдикӣ, унда ҳеч бир дарз йўқ эди. Бу ишда ҳамма жуда жайронликда коладилар. Тошларни юмшатиш учун жуда куп ёғ ва сирка сарф бўлса ҳам бир фарсанг масофа ҳам қазиёлмайдилар. Кўп кишилар ҳалок бўлади, катта маблаг сарф қилингандан кейин арикни қазимай кўядилар. Шаҳар тушкунликка учраб, аҳоли бу ердан чикиб кетишга мажбур бўлади. Айрим манбаларда ҳаттоқи, Темурийлар даврида ҳам бу ерда кичик бир шаҳар пункти бўлганлиги ёзиб колдирилган. Илк цивилизация ўчокларидан бири бўлган Пойкент шаҳрининг кадимда шунчалик даражада юксак тараккий топганлиги аждодларимизнинг нечоғлик юксак ва мукаммал илм-фан эгалари бўлганлигидан далолат беради.



ЎРТА ОСИЁДАГИ ИЛК ДОРИХОНА

Минтақамиз илк цивилизация ўчокларидан бири булиши билан бирга, кўплаб кашфиёту ихтиrolарнинг, илм-фан тараккиёти ютукларининг замини ҳам хисобланади. Ғилдирак дейсизмн, ўқ-ёй, меҳнат қуроллари барчаси Ўрта Осиё ҳудудида инсон ақл-идроқи ва меҳнати натижасида пайдо бўлган. Шунингдек, айнан дори-дармонлар ва дорихона ҳам бизнинг заминимизда, яъни Бухородан қадимийрок саналган Пойкент шахри ҳаробала-ридан топилган. Франциянинг Лувр, Россиянинг Эрмитаж му-зеи ва Италия давлати археологлари билан ҳамкорликда олиб борилган археологик тадқикотлар натижасида VIII-IX асрға оид бўлган “Пойкент дорихонаси”нинг топилишн оламшумул янгилик бўлди. Текширишлар натижасида дорихонада табиб-лик ва дори тайёрлаш амалиётлари ўтказилганлиги аникланди. Тадқикотлар самараси ўлароқ у ердан жуда кўплаб шиша идишлар, буюмлар, шу жумладан фанда олимлар томонидан алембиклар деб аталадиган, табобатда кенг фойдаланадиган кон сўрвучи идишлар жамланмаси топилди. Бу эса шахримиз қадимдан та-бобат ва тиббиёт марказларидан бири бўлганлигидан далолат берали. Алембиклар хусусида Бухоро археология экспедицияси раҳбари профессор Г.Л. Семенов ҳам XIII аср миниатюрасида тасвиirlанган мотивларга асосланган ҳолда, ушбу идишлар тиббий мақсадларда ва айнан танадан кон сўришга мўлжалланган деган хulosага келган. 1980 йиллар бошларида Пойкентда очилган “Пойкент дорихонаси”дан жамн 12 дона алембиклар топилган. Шишадан ясалган бу кимёвий идишлар кўк рангли шиша-дан тайёрланган булиб, идишга 6-9 см ли найчалар бирити-рилган. Бундан кўриниб турибдики, юртимиизда буюк ватандо-шимиз, Авиценна номи билан машхур бўлган бобомиз Абу Али ибн Синодан ҳам олдин табиблиknинг илк куртаклари барқ ура бошлаган.

Пойкентдан сопол четларига битилган ёзувлар, бундан

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ташкари, сопол бўлакларига чекнб ёзилган арабча ёзув намуналари ҳам очилганки, бевосита бу бино фактат шу хусусидаги хизмат фаолият турига тегишли эканини исботлайди. Археологлар топган ёзма маълумотга кўра бу дорихона ва кимёвий лаборатория мижозларининг кўплиги билан алоҳида аҳамиятга молик бўлган. Буни эса тарихий хужжатлардан билиб олса бўлади. 30 июнь 790 йил санаси курсатилган араб тилида ёзилган ёзма манба шулар ҳакида хабар беради. Масалан, айрим исмлар ёзилган, хафтанинг маълум бир кунлари, йил, саналари кайд этилган. Буюртмачидан аптекар (доришунос)га буюртмани кабул килгани, ўша санани сопол бўлагига кора туш билан кайд этгани ёзиб колдирилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб утиш жоизки, шаҳарнинг хунармандлар яшайлиган маҳалласида шиша идишлар ишлаб чикарадиган устахона ва у ердан кишилардан кон оладиган пробирка ва банка-идишлар топилган. Бу ҳам Пойкентда табобат юксак ривожланганилигига яна бир исбот. Бундан неча минг йиллар олдин аждодларимиз илм сирларини чукур ўрганиб, бу каби ҳайратланарли ишларни амалга оширганилигига тан бермасдан иложимиз йўқ. Пойкентдан топилган дорихона ҳамда археологик ашёлар эса аждодларимизнинг олиб борган табиблик ишларига, не-не кашфиётларига гувоҳ бўлган бўлса ажаб эмас.

Пойкент йирик шиша ишлаб чикириш маркази ҳам хисобланган. Тайёрланадиган шиша идишлар фактат тиббиётда эмас, балки бошка соҳаларда ҳам кенг қўлланилган. Пойкент шишалари мураккаб кимёвий таркибга эга бўлиб, 6 хил кимёвий компонентлардан ташкил топган.

Бугунги кунда Пойкент ҳаробаларида археологик қазишмалар, илмий изланишлар давом этмоқда. Ҳалқимизнинг шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихи ўрганилмоқда. Бу ердан топилаётган тарихий ашёлар юртимизнинг дунё тамаддунида етакчин ўрин тутганилигини яна бир карра намоён этишига шубҳа йўқ.

ВАРАХША - БУХОРХУДОТЛАР САРОЙИ

Бухорхудотлар VI-VIII асрларда пойтахти Бухоро бўлган давлатни идора қилган сугола ҳисобланади. Мамлекатининг худуди ҳозирги Бухоро вилоятининг Бухоро, Когон, Рамитан, Жондор ва Коракул туминларининг каттагина қисмини эгаллаган. Бухорхудотхукмдорлардан Кономамлакатда биринчи бўлиб ўзининг тасвири ва унинг остига “Бухоро ҳокими” деган ёзув зарб қилинган кумуш таисаллар чиқарған.

Бухоро азалдан мўъжизалар шахри, дея зътироф этилиб, у дунё мўъжизаси, ҳайрат маскани сингари номлар билан аталган. Шаҳарнинг қадимий шаҳар қўрғонлари жозибадорлиги, гаройиблиги ҳамда инсониятнинг доно ақл-заковати билан бунёд этилган қасру саройлар ўзига хос меъморий ечимга эга.

Сайёху олимлар, меъмору тадқикотчиларнинг диккат марказида бўлиб келаётган ана шундай шаҳарлардан бири Бухоро вилоятида жойлашган Варахша шаҳридир. Манбаларда шаҳар Ражфандун, Фарахший, Афразий деб юритилган. Мозийнинг обод манзилгоҳи Варахша шаҳри тұғрисида Наршахий “Тарихи Бухоро” асарида қуйидагича маълумот беради: Варахша подшоҳлар туралиган жой бўлиб, мустаҳкам қасрга эга бўлган. Унда обод бир қаср бўлган, гўзалликда уни намуна килиб кўрсатар эдилар. Уни Бухорхудот бино килган бўлиб, курилганига минг йилдан ортиқрек вакт ўтган.

Бухородан кўра қадимиюрек тарихга эга Варахша ундан 40 км шимоли-гарбда, Даشتни Урганжи кўлининг қадимги Ражфандун воҳасида жойлашган. Варахша вайроналарининг умумий худуди 9 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, баландлиги 10-20 метрли катта тепалик шаклида сакланиб колган.

Буюк ипак йули ёкасида жойлашганлиги сабаб, шаҳарга савдо карвонлари келиб турган. Манбаларда келтирилишича, хар

Шариф шаҳар ёдгорликлари

15 кунда Варахшада бир кун давом этадиган Наврӯзи Кашоварzon (бозор сайили) – дехконлар янги йили нишонланган.

Милоддан аввалги II-I асрларда ва милодий I-II-асрларда Варахша ва унинг атрофида маданий ҳаёт ғуллаган. III-IV асрларда Варахша таназзулга учраган. V-асрда Варахша яна тикланиб Бухоронинг қадимги ҳукмдорлари — бухорхудотларнинг кароргохига айланган. Шу даврда Варахша мустаҳкам девор билан үралган, унинг жанубий кисмида арк курилган. VIII-X асрларда айникса обод бўлган. Варахша ва унинг атрофлари 12 канал билан сугорилиб, Ражфандун воҳасидаги энг йирик ва марказий қалъалардан бирига айланган.

Бухорхудот ҳукмдорлари санаалган Хотун подшо, Бидун, Тағшода ва унинг ўғли Бунёд ҳамда Хунукхудот даврларида шаҳар янада обод этилган. Варахша қалъасининг ўн бир жойида кузатув миноралари бўлиб, доимий сокчилик назорати йўлга кўйилган. Шаҳардаги бинолар ичидаги ҳукмдор саройи алоҳида ажралиб турган. У Шаркий ($11,5 \times 17$ м) ва Ғарбий ($6,6 \times 7,25$ м) меҳмонхона ҳамда Қизил хона (зал) ($8,5 \times 12$ м)лардан иборат бўлган. Сарой ғарб томонидан 3 равоқли ганчкори устунлар ўрнатилган ҳашаматли пешайвон билан үралган. Хона деворлари майда сомонли лой сувок устидан юпқа ганч сувок килиниб, деворий расмлар кизил, сарик, кулранг, кора, зангори, пушти ва жигарранг бўёклар билан безатилган. Айвон равоқларининг устунлари ва токлари ганчкори қабарик тасвирлар ҳамда турли хил гирихлар билан безатилган. Уларда турли хил манзаралар, фил минган шаҳзода ва чокарларнинг олд ва ортдан човут солган коплонлар билан олишуви; кайрилиб нишонга камондан ўқ узаётган от устидаги чавандоз, канотли тuya шаклидаги олтин таҳтда ўтирган ҳукмдор тасвирланган. Шаркий меҳмонхона деворида тиз чўкиб, кўлида кадаҳ тутған малика, белида шамшир, бир кўлида кискич ушлаган подшоҳ, ўртада вазасимом оташгоҳда ёниб турган мукаддас олов-азар-хурро, оташгоҳдан ўнгда белига ханжар такилган шаҳзоданинг тиз чўкиб ибодат қилаётган

тасвириң ёкн совут кийган, қулларида найза, қалкон ушлаган суворийларнинг жанг килаётган, шунингдек бутазор, тўқай ичидаги ов манзараси каби тасвиirlар айникса днқатга сазовордир.

Қасрдаги хоналар деворлари алоҳида-алоҳида накшинкор безаклар билан зийнатланган. Саройнинг машҳур Кизил хонасида Фил мингаш юнуси шахзода, чокарларнинг коплонлар билан олишуви, канотли тую шаклидаги олтин таҳтда ўтирган хукмдор тасвиirlанган бўлса, Кўк хонада катта таҳтдаги баҳайбат ҳўқиз, уруш худоси ва курбонлик килиш саҳнаси тасвиirlанган. Бу бундан уч минг йиллар илгари заминимида мейморчилик, тасвирий ва амалий санъат юксак даражада тараккий топғанлигидан далолат беради.

Варахша саройидан топилган нодир монументал санъат асарлари, бўртма ганчкор суратлар ва бошка муҳим ашёвий буюмлар музейларимиз тўридан жой олган бўлиб, аждодлардан авладларга уларнинг буюк кудратини намоён этиб туради.

Хозирги кунда Варахша ҳаробаларида археологик қазишма ишлари, илмий тадқиқот амаллари олиб борилмоқда. Ўзбек давлатчилиги илдизлари янада чуқурроқ ўрганилмоқда.

Варахша шахридан топилаётгани моддий ва маънавий буюмлар хаклимиznинг илғор бунёдкор салоҳиятини яна бир карра бутун дунёга намоён этиб, жаҳон тарихининг зарҳал саҳифаларида умрбокий муҳрланиши, шубҳасиз.



СИЁВУШНИНГ СИРЛИ САРОЙИ

Жонон цивилизацияларига назар ташлайдиган булсак, қадимги шаҳарлар даставаларе бўйлари ҳамда баланд тепаликлар устида пайдо бўла бошлаган. Миср Нил дарёсининг инъами, Мохенжадаро ва Хараппи Ҳинд, Ганг дарёлари бўйларида, алк Ҳитой шаҳарлари Ҳуваихе ва Янцизи дарёлари, Бобиц Дажса ва Фрот дарёлари бўйларида вужудга келган. Ҳудди шундай етти иқтиимга машҳур Бухоро ҳам Зарафшон дарёси узанида, шунингдек қадимги табиий уч тепаликлардан биринча яна Сиёвуш барпо этган, сир-синоатларга бой ҳозирги Арк қалъаси қад ростлаган.

Милод бошларида барпо этилган қадимиий кўргоннинг тарихи тилларда достон бўлган Сиёвуш ва Афросиёб номлари билан боғликдир. Манбаларда келтирилишича, Сиёвуш Форс ҳукмдори Кайковуснинг ўғли бўлиб, у жуда ҳам енгилмас паҳлавон сифатида донг таратади. Кайковуснинг кенжаси ма-ликаси Судоба навкирон баҳодирни севиб колиб, унга ўз макр-хийлаларини ишлата бошлабди. Аммо, Сиёвуш ўгай онасининг ишкий муносабатларини рад этибди. Алам ўтида ёнган Судоба йнгитни ҳукмдорга ёмонлатиб, бўхтонлар гирдобига ташлабди. Жаҳл отига минган Кайковус эса ўглини гулҳанда ёндириши буюрибди. Бироқ, тухмат ёмгирида колган паҳлавоннинг та-насига олов таъсир этмабди. Шундай кейин Сиёвуш ўз юртини тарқ этиб, Амударёдан ўтиб Турон замин ҳукмдори Афро-сиёб ёнига келади. Сиёвушни шаҳзодалардек зътибор билан кутиб олган Афросиёб ўз кизи Фарангисни унга никохлаб берибди. Афросиёб куёвига мамлакатнинг истаган майдонидан ер танлаб, кароргоҳ куришга изн берибди. Шаҳзода бутун лашкари билан тўқайзордаги кумларни жамлаб, каср тагжойини тиклашнабди. Пойлеворга кўйилган энг йирик харсангтошларни хеч ким силжита олмай, Сиёвушнинг ўзи кўтарган эмиш. Захматли

бир неча йиллик меҳнатдан сўнг маҳобатли қўргон тикланади ва Сиёвуш бугуиги Арк кальясининг асосчисига айланади.

Абулкосим Фирдавсий "Шохнома"сида кайд этилганидек, Сиёвуш Фараигиздан Кайхусрав исмли ўғил кўради. Сиёвуш каригач, ўз ўглига тахтни топширам деганда, ғанимлар уни шоҳ хотинига ёмон кўз билан караганликда айлашади. Бундан Афросиёб хабар топиб, Сиёвушни саройининг остонасига катл этади. Қароргоҳнинг икки дарвозаси булиб, гарб томондагиси "Дари Регистон", шарқдагиси "Дари гуриён" деб номланган. Аслида шарқ кисмидаги дарвоза сомонфурушлар дарвозаси булиб, "Дари Коҳфурушон" деб юритилган. Сиёвуш шаҳид бўлгач, бу дарвозани "Дарвозаи гуриён" дея атаганлар. Тухмат балосига учраган қаҳрамонни эса Бухоро ҳалқи ҳанузгача "Сиёвуш вали" дея авлиё даражасига кўтаришади. Шунингдек, мажусий (оташпаст) эркаклар ҳар йили Наврӯз куни күёш чикишидан олдин Сиёвушга атаб шу жойда биттадан хўroz сўйишади. Ҳозир ҳам бу анъанага риоя килиб Наврӯзда хўroz сўйиш одатга айланган. Бундан ташкари, воҳа аҳолиси орасида Сиёвушнинг ўлдирилишига атаб "Кини Сиёвуш" ("Сиёвуш жангномалари"), "Муглар йигиси", "Оташпастлар марсияси" сингари кўшикларни куйлаш урфга кирган.

Энди Арк қўргонининг ўзи ҳакида тўхталсак. Арки олий кўп асрлик тарихи давомида бир неча бор бузилган ва қайта тикланган. Милоддан аввалги VII асрда араблар истилосидан олдин қайтадан курилган. Бухорхудот Бидун деворларни қайта тиклатиб, каттароқ каср курди. Лекин, анча ўтмай, калъа кум устида курилганлиги учун яна кулаб тушади. Шунда Бидун олимларни йигиб, маслаҳатини олгандан сўнг, Катта Айик, айрим манбаларда етти оға-ини ботирлар юлдуз туркумига караб, 7 та тош устунда қайта курилади. Мустахкам асосга ўрнатилган қадим қўргоннинг баландлиги 20 метр булиб, 4 гектар майдонни згаллаган. Үраб олган деворнинг узунлиги 800 метрни ташкил этади.

Регистон майдонида салобат тўқнуб турган ушбу маҳобатли обидага юкорига кўтарилган йўлак оркали чиқилади. XVIII аср-

Шариф шаҳар ёдгорлик тари

да бунёд этилган дарвозадан кирганингиздан сўнг узун долон сизни жоме масжидига олиб боради. Долоннинг икки томони бўйлаб катор турган хужрачаларда маҳбуслар, кираверишдаги иккита гулдаста миноралар остидаги заҳ канахоналарда эса энг оғир жиноятчилар сакланган.

Минг йиллар давомида Бухоро хукмдорларининг мустаҳкам хисорига айланган Аркда давлат бошқаруви идоралари, амир ва унинг кариндошлари, амалдорларининг биноларн жойлашган бўлиб, уларнинг бекаму кўст яшашлари ва беъён мамлакатни бошқаришлари учун барча шароитлар мухайё этилган. Күшбеги биноларининг мажмуаси, Чорсу – тўрт йўл чорраҳаси бўлиб, улар Кўринишхона – тахтхона, Саломхона, отхона-саисхона ва Жоме масжидига борадиган йўллар хисобланган. Ҳар бир зал, суфа маълум бир вазифани бажарган. Масалан, күшбеги биноларида маъмурий хизматчилик жойлашган бўлса, кўринишхонада тахтга ўтказиш маросимлари ўтказилган. Саломхона кабулхона вазифасини ўтаган. Отхонанинг функцияси эса ўзи номидан яхши аъён. Қасрда йирик кутубхона, хазинахона, Чилдухтарон масжиди ва бошка жамоат биноларн жойлашган. Ҳозирги кунда Бухоро ўлкашунослик музейининг заллари жойлашган бинолар XII - XX асрларда барно этилган.

Бухорхудотлар, Сомонийлар, Корахонийлар, Шайбонийлар ва бошка хукмдорларнинг ушбу кароргохи ўз даврида жўшқин савдо-сотик маркази, илм-маърифат ўчогига айланган. Саройда уч мингга яқин аҳоли яшаганлиги тарихий манбаларда акс этган. Улугворлик ва кудрат тимсоли саналган кўргонни ҳар бир хукмдор баҳоли кудрат таъмир этган. Унинг кейинги даврларда нишик гиштдан курилганлиги мустаҳкам мудофаа кобилиятини оширган. Аркнинг ҳозирги деворлари Шайбонийлар даврига оидdir. Бино курилиши шу даражада мустаҳкамки, уста курувчилар уни эталон сифатида кабул килишган.

Арк асрлар давомида қаддини тик тутиб, боскничиларга мардонавор карши тура олди. 1220 йилда Чингизхон амири билан Арк ёкиб юборилган. Энг ачинарлиси, 1920 йилда Фрунзе бошлигидаги кизил аскарлар Аркка аёвсиз ва вахшиёна ёпирил-

ган. 10 минг кизил аскарлар шаҳарга бостириб кириб, 74 та замбарак тӯп билан деворлар ўкка тутилган. 12 та бомбардимончи аэропланлар эса Арк тепасида тинимсиз парвоз килиб, салобат ва хайбат обидасини портлатишган. Бу ҳам етмагандек, сарой тӯрт кечую кундуз ёнгин ичидаги колиб, кўплаб обидалар тиклаб бўлмас даражада шикастланган. Шариф шаҳар осмонида кора булатлар сузган ўша мудхиш дамларда бухороликлар метин ироваю, сабр-бардошни намоён этишган эди. Боскиндан сунг Аркнинг тўртдан уч кисми текис вайронга ҳолга келиб қолади. Аркнинг шаркий кисмидаги бу худуд хозирда археологик ёдгорлик хисобланади. Бугунги Аркдаги бинолар эса атиги 1 гектардан камрок майдонни ташкил этади, холос.

Минг йиллик тариҳдан сўзловчи маҳобат қасри ҳамма даврда ҳам душман ихтиёрига ташлаб кўйилмаган. Донишманд ахоли аклу заковат илин бир неча бор шаҳар ва кўргонларни вайронагарчиликдан муҳофаза этишган. Бухоро кальясининг бино этилиши ҳакидаги ривоятларнинг бирида шундай хикоя килинади: Хулоку номли ҳукмдор Бухорога бостириб келиб, шаҳарни эгаллашдан олдин ҳалкни тўплаб нега бу юртга келгани сабабини сўраб, уч кун муҳлат берибди. Агарда саволга жавоб топилса, шаҳарни омон колдираман, топилмаса, шаҳарга ўт кўйиб, кулини кўкка совураман дебди. Ҳеч ким саволга жавоб тополмабди. Фурсат этиб, Хулоку Бухорони ёндиримокчи бўлганида, ўспирин йигит тия билан эчкини етаклаб, унинг олдига борибди. Саволингизга мен жавоб берман, дебди. Шунда Хулокунинг жаҳли чикиб, Бухорода сендан каттарок одам куриб колибдими? Келиб-келиб сен саволимга жавоб берасанми? дея қаҳр килибди. Имом исмли йигит эса, Бухоронинг каттаси керак бўлса мана тия, кари соколлиси керак бўлса, мана эчки, аклли жавоб керак бўлса, мана мен. Бизнинг ноаҳиллигимиз, ёмонлигимиз, сизни бу заминга етаклади, дея жавоб берибди. Хулоку боланинг жавобидан мамнун бўлиб, уни Бухоронинг козиси этиб тайинлабди ва истаган тилагини сўрабди. Имомкозихон эса бир тия терисига сиғадиган жой сўрабди. Ажнабий ҳукмдор оддийгина ҳадядан хайрон колиб, боланинг тилагини бажо келтирибди. Имомхон

Шариф шаҳар ёдгорликлари

туя терисини соч толасидай килиб кесиб, хозирги Бухоро музо-фотини ўраб олган экан. Хулоқу эса ортига кайтиб кетибди. Бухоро ахли эса душман кайтиб келмаслиги учун шаҳар атрофини калин девор билан ўраб олибди. Албатта, бу ривоят. Лекин ривоят замирида ҳакикат учқунлари яширган бўлади.

Истиклол насимида Арк қўргони яна Бухоронинг рамзий дарвозасига, калб қўргонига айланди. Бухоронинг 2500 йиллиги арафасида қалъанинг регистон томонидаги деворлари таъмирланди. Шунингдек, 2016 йил Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Тошкент саммити меҳмонларини кабул килиш арафасида Арк янада янги кнёфа касб этди. Регистон майдони тош плиткалар билан безатилди.

Бугунги кунда Арк қурғонида Бухоро давлат бадиий мемориалик музей-қўриқхонаси фаолият қўрсатмоқда. Ташкилот ўз таркибига 4 та филиал, 15 та бўлимни камраб олади. Музейдаги умумий экспонатлар сони 125 000 та бўлиб, 78 131 асосий экспонатлар тарих, тангашунослик ва эпиграфика, археология, табиат, хозирги замон тарихи ва этнографияси бўлимларида ўрин олган. Музей қўриқхонада жами 54 нафар илмий ходим фаолият қўрсатиб, шундан 2 нафарн фан номзодлариридир. Араб ёзувидаги 6000 та қўлёзма ва тошбосма нодир асарлар ўз тадқиқотчиларига мунтазир. Музейнинг археология фондига 13 000, нумизматика фондига 30 000, кимматбаҳо жихозлар фондига 1600, картиналар фондига 1000, гиламлар фондига 120, ёғоч ўймакорлигига 2000, мармар, чинни, сопол фондига 2000, бадиий металл ва мис ўймакорлигига 4000 ҳамда курол-яроглар фондига 100 дан ошик ашёвий материаллар сакланмокда.

Шонли ўтмишга эга маҳобат обидаси шаҳар марказида салобат тўкиб, Бухорога ташриф буюраётган ҳар бир сайёҳу меҳмонни мўжизакор хилкати билан карши олаверади. Сирли саройдаги тарих кўзгулари эса аждодларимизнинг улугвор ўтмишидан авлодларга дарак бериб, яна неча асрлар мозий маёги сифатида узок тарихни ёритиб туради.

РУДИ ЗАР ЁХУД ОЛТИН АРИК

Киодим Бухорони сув манбии билан таъминлаган машхур Руди зар минг ўйилар дивамиди тарих ва тибиат синовларидан амон сақлааб, бугунга қадар бухороликларнинг оби ҳаёт тимсали бўлиб келмоқда. “Шахрруд”, “Шаҳар ариға”, “Шоҳруд”, “Шоҳ ариқ”, “Руди зар” номлари билан машхур бўлган инишоотнинг пайдо бўлиши ва бой тарихи купчилик учун муҳим ва қизиқартидир.

Бухоро воҳасини Зарафшон дарёсининг фарзанди дейиш мумкин. Шаҳарнинг шаклланиши ва тараккий этишида эса дарё ўзанларидан бири Шоҳруд ариғи муҳим рол ўйнаган. Археологик изланишларнинг далолат беришича, шаҳарнинг ҳозирги кичик рельефидан дарё шоҳобчасининг йўналишини билиб олиш мумкин. У Бухоронинг эсни кисмининг марказида бўлган. Шоҳруд ўрта асрларда яратилган ёзма манбаларда “Руди зар” яъни “Олтин ариқ” ёки “Руди зар” – “олтин ташувчи дарё” номлари билан аталган. Муаррих Наршахий эса Бухоро ва унинг атрофида ўн иккита анхор бўлиб, уларнинг ўн иккинчисини Руди Зар дейди. Бу шаҳарни сугорувчи анхоридир. Серсув бўлган бу дарёни халқ ўзи билан казиб чикарган, деб ёзади. Мазкур ариқ Бухоро пайдо бўлгунга кадар ҳозирги Улугбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Токи Заргарон, Мир Араб мадрасаси, Минораи Калон ва Масжиди Калон худудларидан оқиб ўтган. Шунингдек, Руди зарнинг икки соҳили бўйлаб шаҳар шакллана бориб, аввало, уч манзилгоҳ пайдо бўлган. Улардан бири дарёning ўнг соҳилида ҳозирги Арк қўргони, колган иккитаси Пойи Калон ансамбли ва ўрта аср шаҳристони худудларидир.

Маҳдимийнинг баён этишича, Руди зар суви Калобод худуди томонидан шаҳарга кирган. Мазкур худудда ёгочдан тўғон килинган. Ёз мавсумида сув сатҳи кутарилиб, тўғондаги ёгочлар бирма бир олиниб, дарё суви шаршаралар оркали Пой-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

кентга караб оккан. Сув йуналишнинг Қоракул худудига каратилганилгига сабаб шаҳарнинг сув босиши олдини олишдан иборат эди. Шунингдек, викорли дарёнинг шаҳарга кириш ва ундан чикадигай жойларини бошкариш учун мураккаб гидротехника иншоотлари ўрнатилган. Дарё шаҳарнинг Мозори шариф дарвозаси (хозирги Юридик колледжи худудлари) оркали кирап экан, Талипоч дарвозаси (хозирда Дехқон бозори ёнидаги шаҳар деворида жойлашган) оркали оқиб чиккан. Маълумотлардан шу аъён бўладики, Шоҳруд шаҳарнинг қадимий кисмини шарқдан гарбга томон кесиб ўтади.

Дарёлар инсоният цивилизациясида мухим ўрин тутгани барчамизга маълум. Бухорода ҳам Шоҳруд атрофларида секин-аста ҳаёт жонлана борган. Бухоро атрофларида яшай бошлаган ахоли томонидан Шаҳри рӯд билан экинзорлар сугорилган, ҳовузларга сув қуйилган, кўплаб сув тегирмонлар харакатга келтирилган. Зарафшоннинг табиий ирмоги саналган дарё шу кадар тез ва тошиб окканки, турли ҳавф-хатарлар олдини олишни тақозо этарди. Экинзор ва боғларни сув босиши ҳавфини бартараф этиш учун Руди зардан 12 та йирик шаҳар ариги ажралиб чиккан. Улардан бири эса Бухоро Арки атрофидаги хандакни сув билан тўлдириб турган. Шоҳруд ва ундан ажралиб чикадиган бошка ариклар икки томонида пишик гишт ва ҳарсанѓтошлар билан ётқизилган. Уларнинг айримлари устида кўприклар ҳам бўлган.

Айтиш жоизки, Шоҳруд ариги нафакат Бухоро ахолиси ва ерларини сув билан таъминлаш, сугорниш учун асосий ҳаёт томири, балки шаҳарнинг иклимини мўътадиллаштириб турган иншоот эди. Қизилкум кенг чўлларида оловдек кизиб турган шамолдан шаҳар ҳавосн учун бу ариқ роҳатбахш бўлганига шубха йўқ. Агар Бухородаги юздан ортиқ ҳовузлар ҳавони салқинлатиб турган бўлса, бухороликлар хонадонларининг сув таъминоти айни Руди зар зиммасида эди.

Асрлар оша Бухоро ҳалкига беминнат хизмат килган зар ариқ бора-бора тубида 10-12 метр сув лойлари чўкиб қола бошлан-

ди. Зарафшон сувининг бошка ҳудудларга кўплаб оқиб кетиши оқибатида ўз аҳамиятини йўқотади. Қадимий канал ичидаги лой үюмлари тўпланиб колди. 1970-1975 йилларда тарихий курилмани реконструкция килиш ишларига бел боғланди. Шаҳарнинг қадимий обидалари остидан оқиб ўтувчи ариқ ости 3 метр чуқурликда тозаланиб, XVI аср ҳолатига қайтарилиган эди. 150 минг кубометр тупрок тозалаш ишлари бажарилиб, 4 минг кубометр бетон, 9 минг кубометр темир бетонлар ёткизилди. Шунингдек, канал устида 13 та кўпприк курилди. Ҳозирда канал ости ва устининг кенглиги 2,8 дан 3,2 метргача бўлиб, секундига 3,5 кубометр сув оқиб туради.

Қадимий оби ҳаёт иншооти Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи ҳамда катор тантаналар арафасида кайта таъмирланди. Бугун Лаби ҳовуз ансамбли, Токи Саррофон, карvonсаройлар, Гавқушон мажмуаси бўйлаб сайр киларкансиз, тарихий иншоотнинг шаркона меъморчилигию замонавийлик уйгунилигидан беҳад шодланасиз. Мазкур арикни томоша кила туриб, етти иклимга машҳур Бухоро шу сув саҳоватидан бунёд бўлганига тасанинолар айтасиз. Бугун Бухорога заррин маржондек ярашиб турган Шоҳруд аригини асрраб-авайлаш, уни тоза ва обод саклаш нафакат бизнинг қонуний бурчимиз, балки, инсонийлик зийнатимиздир.

Бухорога ташриф буюраётган ҳар бир зиёратчи аввало Бухоронинг қадимий ариги тархига қизикади. Бухороликлар оби ҳаёт обидасини бугуни кунда ҳам бир тану бир жон бўлиб асрраб-авайлайди, деган умиддамиз.

БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ МУДОФАА ДЕВОРЛАРИ

Қадимги шаҳар-давлатчилик аиъаналарига назар ташлаидиган булсак, шаҳарларнинг давлатчилик булишига асосий оминалардан бири бу - уларнинг мудофаи деворлари билан ураб олинганидадир. Бухоро учта иҳота девори билан ураб олингац булган. Биринчиси Арк қатъа деворлари, иккинчиси шаҳар яъни шахристон девори (бу девор маълум даврларда узгариб турган) ҳамда учинчиси бутун Бухоро воҳаси аҳолисининг чул ергларда яшовчи кӯчмачи-чорвачи қабилаларнинг босқинчилик ҳужумларидаи сақлаини мақсадида ураб олинган мустаҳкам девордир.

Бухоро аҳолисининг қаҳрамонона меҳнати натижасида бунёдга келтирилган воҳа девори харобалари то ҳозирги вактга кадар сакланиб колган бўлиб, у маҳаллий халқ орасида “Канпирлар”, “Кампирдевор”, “Девори Канпирлар” деб аталган. Воҳа атрофида турли давр даврларда барпо этилган 2 та девор бўлиб, улардан бири анча қадимийроқдир, иккичиси эса VIII-IX асрларда оид бўлиб хисобланади.

Аҳоли орасида ҳозирги кунга кадар сакланиб келаётган бир афсонага кўра, Кампирдеворнинг барпо этилиши гўёки қадимги бир кампир подшохнинг номи билан боғлик бўлиб, шу сабабдан у “Кампирдевор” деб аталиб кетган. X аср тарихчи Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида деворнинг қурилиши хусусида шундай маълумотларни келтиради: “Бухоро амири бўлиб турган Мухтадий ибн Ҳаммод деворни қуришга, ҳар бир фарсанг (масофада) бир дарвоза қуришга ва ҳар ярим мил (масофа)да биттадан мустаҳкам минара кўтаришга буюради. Бухоронинг козиси бўлган марҳум Саъд ибн Халоф ал-Бухорий бу ишга муттасаддий бўлди. Нихоят де-

вор икки юз ўн бешинчи йили (28 февраль 830-17 феврал 831) Мухаммад ибн Ҳалжод ибн Варакнинг даврида қурилиб битди".

Ўрта аср тарихчи ва географларидан Ибн Ҳурдодбех, Кудами, Ибнал Факих, Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Макдисий, Самъони. Масъудий ва бошқаларнинг асарларида Канпирак девори ҳакида баъзи бир маълумотлар келтирилган. Масалан Масъудийнинг "Китобут танбих ва-л ашроф" номли асарида келтирилган маълумотларга кўра, девор Бухоро шаҳридан 4 фарсаҳ (1 фарсаҳ 6-9 кмга teng) масофада Тавовисдан шарқда Самарканд йўлинн, Бухородан 3 фарсаҳ гарбда Ҳуросон йўлини кесиб ўтади.

Ибн Ҳавқалнинг "Ал-масолик ва ал-мамолик" ва Макдисийнинг "Ахсанат такосим фи маърнфат-ал-аволнм" деган асарларида кайси шаҳарлар деворнинг ичкарисида ва қандай шаҳарлар унинг ташкарисида ўрнашганлиши ҳакида ҳам маълумотлар келтирилган. Х аср географи Истаҳрий ўзининг "Китоби масоликул мамолик" (Йуллар ва мамлакатлар китоби) асарида Бухоро атрофини 22 районга булиб, шу районлардан 15 таси Канпирак деворининг ичкарисида, 7 таси эса Канпирак деворининг ташкарисида бўлган деб ёзади.

Професор М.Е.Массон ҳам Канпирак девори ҳакида бироз маълумот бериб, у манбалар асосида деворнинг узунлигини 200 километр деб аниклаган. Кадимги Бухоро воҳасининг обод ерларини ташки душмандан мудофаа килиш учун қурилган бу деворнинг узунлиги 350-400 километр масофага чўзилган булиб, унинг кенглиги 12-14 метр ва баландлиги 8-10 метр бўлган. Асрлар давомида табиат кучлари ва ўзаро урушлар натижасида девор нураб емирилиб, хозирги узун кетган сунъий бир кирхолига келиб колган. Кирнинг баландлиги турли жойларда ҳар хил булиб, ўрта хисобда 1 метрдан 3 метргача, хатто 4 метргача етган. Унинг кенглиги ҳам ҳар жойда турлича сакланган ва ўртacha 20-30 метрни ташкил этади.

Шаҳар деворини Академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов

Шариф шаҳар ёдгорликлари

тадқик этган бўлиб, унинг маълумот беришича, Бухорода ўтказилган археологик экспедиция натижасида моддий маданият изларн орасида 15,5 метр ҳамда 18,5 метр чукурликда ковлаб очилган кадимги икки мудофаа деворлари колдиклари мухим аҳамиятга эга бўлиб, биринчи мудофаа девори 2,5-3, иккинчиси 2-2,5 метр баландликда сакланган. Мирараб мадрасасининг якинида олиб борилган қазишмалар чогида 4,5 метр чукурликда шаҳарнинг кадимги мудофаа деворлари колдиклари кайд этилди. Девор пахса ҳамда хом гиштдан бўлиб, 5-6 метр баландликда сакланган. Ушбу мудофаа инишооти V-VI асрларда кад кўтарган бўлиб, бир неча бор таъмирланиб, қайта-қайта тикланган. Шу сабабдан илк ўрта асрларда келиб унинг кенглиги 17 метрга етган.

Бухоро деворлари кўплаб хукмдорлар томонидан қайта курилиб таъмирланган. Хусусан Аҳмад ибн Холид, Масъуд Қилич Тамғочхон, Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш даврларида шаҳар ва воҳа деворлари янгидан курилиб, таъмир этилган. Аммо Сомонийлар хукмдори Исмоил Сомоний Бухоро воҳа деворини куришни ҳам, тузаттиришни ҳам рад этган ва у: “То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан” деб, устига олган вазифани тўла бажарган, у доимо жангларда ўзи катнашган ва Бухоро вилояти устидан душманларнинг зафар топишига йўл қўймаган. (канпирак)

Бухоро шаҳрининг мудофаа деворлари мустаҳкам курилганлиги туфайли, у “мисдан куйилган шаҳар” ёки “мисдан ясалган истехком”га рамзий киёс килиниб, унга “мис шаҳар” маъносини англатувчи “Мадинат ус-суфрия” атамаси берилган. Бундан ташкири Бухоронинг мустаҳкам кўргон шаҳар эканлигига нисбат берилиб, Нумижкат, Бумискат деб аталган. Бу номлардан биринчиси Навмичкат, у учта форс-тожикча “нав”-янги, “мич”-калъа, истехком ва “кат”- қишлиқ каби сўзлардан иборат бўлган. У “Янги калъа”, “Янги кўргон” маъноларини англатган.

Шаҳарнинг тарихий тараккиёт боскичларида Бухоронинг мустаҳкам ва қалин мудофаа деворлари мухим ўрин тутган ва улар ўз даврида шаҳарнинг кудратини оширишга хизмат килган.

МАГОКИ АТТОРИ - ҚАДИМГИ ОТАШПАРАСТЛАР ИБОДАТХОНАСИ

Тарих-тилсум. Не-не даврлар ўтсада, инсоният ойдига янги-янги саволларни қўйиб келаверади. Ўзбекистонни, хусусан, Бухорони ўтмани сир-сиюатларга бой шаҳар, деб аташ мумкин. Шахримиз ҳудудида мозийдан сукловчи не-не археологик ёдгорликлар аниқланмаган дейсиз? Мисалан, Мағоки Атторон ёдгорлиги қадимги давлатчилик ҳамда шаҳар маданиятига оид иёб мъалумотларни ўзида сақтаб келмоқда. Бухородаги ушибу мъеморий ёдгорлик шаҳар марказида жойлашган булиб, илгариги атторлар расаси ўринида қурилганлиги туфайли Атторон масжиди деб аталаған. Мағок эса, чуқурликда жойлашган деган маъноши англатади.

Шоҳруд канали якинида жойлашган бу антика обида Эски шаҳар ҳудудидаги бошка бинолардан ажралиб турари ва жуда қадимиyroқлар. Археолог олимларимиз томонидан Бухоронинг қадими шахристон кисми аллақачон аниқланган. Лекин шахарнинг энг қадими маркази шахристон эмас, мана шу масжид атрофидир. Мағоки Атторий масжиди ўрнида араблар истилосигача Моҳ (Ой) бозори бўлган, бу ерда бут, доривор ва зира-врлар билан савдо килинган, оташпарамастлар ибодатхонаси ҳам шу ерда бўлган. Бухоронинг машхур тарихчиси Мухаммад Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” китобида куйидагиларни баён киласди: “Бухорода бир бозор бор эдики, уни “Бозори Моҳ Рӯз” дер эдилар. Бу ерда йилига икки марта бозор бўлар ва бутлар со-тилар эди. Ҳар бозор куни 50 000 дирҳамдан ортик савдо булар эди. Қадим вактларда Бухоро аҳолиси бутпарамаст бўлганлар ва бу бозор расм бўлиб, ўша даврлардан бошлаб бу ерда бут сотганлар”.

Абу-л Ҳасан Нишопурийнинг “Хазонн ул-улум” китобида ай-

тилишича, кадимда Бухорода Моҳ исмли подшоҳ бўлган. У шу бозорни курдирган ва барча дурадгор ва наккошларни шу ерга бут йўнишга жалб қилган. Моҳ подшоҳ халқ бут сотиб олишига кизиксин учун, шу бозорга келиб Моҳ (Магоки Атторон) масжиди ўнашган ерда таҳтда ўтирган ҳамда бозор ва савдони кузатиб турган. Бозорда жами 10 000 дўкон бўлган. Подшоҳ савдо-сотнкни янада ривожлантириш максадида бу ерда оташпастлар бутхонасинн ҳам курдирган. Наршахий бу хақда шундай дейди: “Бозор куни одамлар бу ерга йигилганларида ҳаммалари ибодатхонага кириб оловга топинар эдилар. Бу ибодатхона то исломият давригача бор эди, мусулмонлар кувватланиб кетгач, мазкур (Моҳ) масжидини худди шу жойга бино килдилар. Ҳозир у Бухоронинг мўътабар масжидларнандир”.

Магокки Атторн масжиди (IX аср) ўрнида XII асрда эски лойиха асосида қайта курилган. Масжид тархи (13,35x17,6) сода ечимга эга бўлиб, 6 устунли, 12 гумбазли килиб курилган. Масжиднинг жанубий пештоқидаги мураккаб накшлар ҳайратланарли ва дикқатга сазовордир. Шаркий кисмини кенг пиллапояли зина эгаллаган. Бош тарзидаги пешток ғайриодатий равишда бинонинг ён томони, яъни жанубда жойлашган. У кейинчалик шаркий кисмига қайта курилган. Пештоқининг кўринишида ёйсимон чукур равок ва ундаги ўзига хос безаклар мухим ўрин тутади. Ганч ва майда гишт булакчаларидан безатилган нешток ҳашами гоятда нафис ва юксак бадиий дид билан бажарилган. Намоён ўлчамларига мутаносиб равишда мураккаб буртма безаклар ишланган. Устунгушалари ўйма накшлар билан, бошаси вазасимон шаклда кўркамлаштирилган. Бино безаклари XII аср Бухоро меъморлик мактабининг юксак намунаси сифатида Ўзбекистон меъморлик тарихида алоҳида ўрин тулади.

30-йилларда таникли археолог В.Шишкиннинг обида остини 6 метр чукурликда казиши натижасида масжид остидан оташхона колдиги топилган. 70-йилларда яна бир ғурух бухоролик

тадқиқотчилар мейманий ёдгорлик атрофини 7 метр калинликдаги тупроқда тозалаб, бино пойдевори остига кудуклар қазишган эди. Бунинг натижасида обида ўрнида турли даврларда устма-уст З бино барпо этилганлиги аникланган эди. Энг пастки қадимги кисмидан оташпаратлар бутхонасининг пахса девори очилган.

Ушбу масжиднинг Кутайба ибн Муслим оташхонаснин вайрон килиб, ўрнида курдирган ва Магоки Атторон, яъни “чукурликдаги бозор” деб атаган. Шаҳарда масжидлар жуда кўп бўлган. Магоки Атторон масжиди ҳам шулардан бири бўлади. Шу сабабдан ҳам Бухоро “Шаҳарлар имоми” дея эътироф этилган.

Бухороликлар орасида Магоки Атторон масжиди хусусида шундай бир ривоят мавжуд. Ҳўжай Хизр бир куни пешин намозини Бухородаги Магоки Аттори масжидида ўқир экан. Бир куни намоз ўқийдиганлар орасида Ҳўжай Хизр ҳакида гап бўлиб колади. Шунда улар орасидаги бир чол:

- Мен ҳар куни беш вакт намозни шу масжидда ўқийман, лекин бирор марта ҳам Хизрни кўрганим йўк. - дебди. Бу гапни эшишиб турган бир йигит:

- Сиз кирк кун бу масжидга ҳаммадан олдин келиб, ҳаммадан кейин чикинг, шунда Хизрни кўриш шарафига муюссар бўласиз, - дебди.

Чол ўттиз тўккизинчи куни масжидда бир йигит билан бирга колибди. Йигит чолга масжид эшигидан чикиш учун йўл берибди ва чолдан неча ёшга кирганлигини сўрабди. Чол:

- Саксон беш ёшга кирдим,- деб жавоб берибди. Чол ҳам йигитдан неча ёшга кирганлигини сўрабди. Йигит чолга:

- Неча ёшга кирганлигимни билмайману, лекин Бухоро етти марта бузилиб, етти марта бунёд бўлганлигини, бу масжид дарёнинг магоки, яъни энг чукур жойида бунёд бўлганлигини кўрганман, -дебди.

Чол шунча кўп умр кўрган кишини кўриш ниятида орқасига

Шариф шаҳар ёдгорликтари

ўгириса, йигит ғойиб бўлган экан. Шундагина чол бу йигит Хизр эканлини англаб етибида ва у билан бафуржа сухбатлаша олмаганидан афсусланибди. Албатта бу ривоят ёки афсона булиши мумкин. Лекин ҳар кандай ривоят замирида ҳам бир оз бўлсада ҳакикат бўлади. Чунки Бухорони азалдан “Хизр назар карда” деб келишган.

Магоки Атторон масжиди Токи Саррофон ва Токи Телпакфуршон билан бирга яхлит бир комплексни ташкил этади. Масжид ёнидаги якиида очилган эски ҳаммом қолдиклари ҳам гўшага ажиблик ва гаройиблик баҳш этиб турибди. Илгари бу мавзе Файзула Ҳўжаев номли хиёбон деб аталарди. Бугунги кунда ушбу обида нчида гиламлар музейн ҳамда кўргазмаси фолияти йўлга кўйилган. Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-куриқхонаси гиламлар фонида сакланаётган 104 та асосий экспонатларнинг 30 тасн экспозицияга кўйилган ва намойиш этилмоқда. Улар орасида XIX аср бошларида тайёрланган чет элнинг хитой, туркман, арман, эрон минтақамизнинг эса сурхон, кашкар, нурота гиламлари алоҳида ажралиб туради. Бугун ушбу мўъжаз маскан нафакат бухороликларнинг, балки барча юртдошларимизнинг ажойиб зиёратгоҳларидан бирига айланниб колган.



ИМОМ ҲОЖАТБАРОР ЁХУД АБУ ҲАФС ҚАБИР

Юртимиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисоблашиб, бу табарруқ таниндан не-не оғиму фузалотлар, алтамаю мутаффаккирлар, авлиё ва машойихлар етишиб чиққан. Уларнинг буюк хизматлари ва шарофатлари билан ўлкамиз юксак мақам ҳамда марта-баларга эришган. Ҳусусан, Бухоро VIII асрда Абу Ҳафс Қабир туфайли “Қуббот ул-ислам” – “ислам динининг ҳумбази” каби унвонга ўга булган.

Буюк фикхшунос олим Абу Ҳафс Қабир Бухорий 767 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухородан Бағдодга бориб И мом Мухаммад Ҳасан Шайбонийга шогирд тушган. X аср тарихчиси Мухаммад Жаъфар ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” ва “Фаводил-ал Бахия” номли асарларида мазкур буюк уламонинг ўз даврида кўзга кўринган мутаахайирларидан, машҳур факихлардан бири бўлганлиги айтиб ўтилган.

Абу Ҳафс Қабир хаёти ва фаолиятини кўп йиллар тадқик этган бухоролик йирик тарихчи Нарзулла Йулдошев ўз асарларида ҳазрат тўғрисида кўплаб муҳим аҳамиятга эга маълумотлар келтирган. Ривоятларга караганда ҳожилар карвони ҳаждан кайтиб И мом Ҳафс Қабирнинг ҳузурига бориб, ундан маслаҳат сўрар эканлар. Шунда Абу Ҳафс: “Узинг Ироқдан келаяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?”, дер экан. Улар эса: “бу масалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдик, жавоб беролмадилар. Буни Ҳожа Абу Ҳафс Қабир Бухорийдан сўранглар дедилар”, деб жавоб қайтарган эканлар.

Абу Ҳафс шу даражада салобатли ҳамда буюк уламо бўлган эканки, унинг олдига борганингизда хеч бир сўз айттолмай колар экансиз. Бунга ишонч ҳосил килиш учун шахсан Бухоронинг ўша пайтдаги амири Мухаммад Толут ҳазратнинг олдиларига

борали. Абу Ҳафс унга савол билан мурожаат килганларида, амир гапирмокчи бўлиб канча уринмасин, бир сўз хам айта олмабди. Бухоро амири ўз саройига кайтиб вазирларига, “мен бир неча марта Араб халифаси хузурига бориб, у билан сўзлашганман. Халифанинг ҳайбати мени сўзлашдан тўхтата олмаган эди, аммо Абу Ҳафснинг салобатидан сўз айта олмай колдим” деб жавоб бериди.

Бу улуг зот кароматпеша бўлиб, одамларнинг мушкулини осон килиш кобилиятнга эга бўлган. У киши шахар ахлини тўплаб кўплаб маърифий сұхбатлар ўтказиб турган. Ҳазратнинг сұхбатларида бева-бечоралар, дардмандлар, кўзи ожизлар хам катнашишар, сұхбатни эшитган заҳотиёк кўзи ожизларнинг кўзи очилиб, дардмандлар дарддан фориғ бўлиб кетишган. Сұхбатда бўлган ҳар бир кишининг ҳожати барор бўлгани учун бухороликлар ҳозирги вактга кадар хам бу кишини Имоми Ҳожатбарор (Ҳожат чиқарувчи имом) деб атashади.

Ҳазрати Имом Ҳожатбарорнинг мақбаралари Бухоронинг 7 та (кейинчалик 11 та) дарвозаларидан бири хисобланган “Дарвозаи Нов” (ҳозирги Ҳазрат Имом) дарвозаси қаршисидаги теналикда жойлашган. Ҳозир хам бу тепаликни “Ҳазрати Имом Ҳафс тепалиги” деб атайдилар.

XX аср бошларида бу тепаликдаги масжид ва ибодатхоналарда ҳамиша маҳаллий аҳоли кўп бўлиб, уларнинг кўпчилиги Абу Ҳафс Кабирнинг кабри ва тупроғини табаррук деб билган, у жойни “Харрарх” (Ҳак йўл) деб атаганлар. Одамлар ўша ерга бориб фатво олишган. Унинг фатвосини Бухоро ҳукмдорлари хисобга олишга мажбур бўлган. Ўша даврдаги Бухоро ҳукмдорлари ва вазирлари хам Абу Ҳафс Кабир билан ҳисоблашган. Сабаби, Ҳазрати Имом Бухоро уламолари орасида катта нуфузга эга бўлган. Ҳаддан ташкарн муридларн кўп бўлган. Олимдан бизгача фақатгина “Ал-Ахвъ-вал-ихтилоф” (“Ҳавойн гаплар ва келишмовчиликлар”), “Ар-радду алал-Лафзий” (“Юзаки қаровчиларга раддия”) номли китоблари етиб келган.

Имом Ҳафс Кабир Бухорий ҳакида бухороликлар орасида

қадимдан колған машхур бир ривоят сакланиб колған. Ҳозирги Ҳазрати Имом кабристонида бир майдонча бұлиб, халқ бу жойни “Уштур гардон” (“Түя кайтиши”) деб атайди. Ривоятда келтирилишича, Абу Ҳафс Кабир араб шаҳарлари Макка, Мадина, Бағдод, Шом ва бошка шаҳарларга бориб, у ердаги олимлардан күп илм ўрганади. Кирк йил илм олиб, имомлик лавозимига эга бұлади ва ўзи түплаган, ёзган китобларини киркта туяга ортиб ўз она шахри Бухорога келади. Бухоронинг “Нав” (кейинчалик “Ҳазрати Имом”) дарвозасига кечкурун етиб келади. Бу пайтда Бухоронинг ҳамма дарвоздары күлфланған бўларди. Ҳожа эшикни таъкиллатади ва мен Абу Ҳафс Кабирман дея дарвозабон сокчига ўзини таништиради. Дарвозабон: - “Бизлар Абу Ҳафс Кабирнинг донишмандлигини ва унинг бутун дунёда шуҳрати тарқалғанлигини эшитганимиз. Агар Сиз ҳакикатдан Имом Ҳафс Кабир бўлсангиз, менинг ягона саволимга жавоб берсангиз, мен сизни шаҳарга кўйман”.

Абу Ҳафс Кабир рози бўладилар. Дарвозабон: “Камоли имон нима?” деб савол беради. Имом Ҳафс Кабир жуда күп нарсаларга жавоб берадилар. Аммо дарвозабон жавоблардан қоникмайди. Шундан сўнг, Абу Ҳафс: “бир дарвозабон саволига жавоб беролмадим, эртага Бухоро уламоларига қандай жавоб бераман”, деб китобларни киркта туяга юклаб, уқишини давом эттириш учун яна Арабистонга кайтиб кетганлар. Шу сабабдан бу ҳудуд “Уштур гардон” – “Түя кайтган жой” деган номни олган. Саволнинг жавоби эса – сабр-токат бўлган. Дарвозабон бу саволни беришидан максад – дарвозаларнинг калитлари Аркка миршаб томонидан олиб кетилган, калитларни эрта тонгда олиб келишади, шунгача сабр-токат килинг, демокчи бўлган.

Абу Ҳафс Кабир 832 йилда Бухорода вафот этади. Қабрлари Ҳазрати Имом кабристонидаги тепаликка кўйилган. Собик Шўролар даврида зиёраттоҳ жуда хароба ҳолга келиб колған эди. Макбарага шўрланиш жуда каттик таъсир кўрсатади. Мустакиллик шарофати билан қадамжойда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бухоройн Шарифнинг улуғ намоёндаси учун

Шариф шаҳар ёдгорликлари

кайтадан макбара бунёд этилади. Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг мукаддас макбараси 2010 йилда кайта курилди. Баландликда қад кўтарган макбарага зинопоя оркали чиқилгандা инсон қалбини қандайдир илохий туйғулар эгаллайди. Абу Ҳафс Кабир ва ул зотнинг якинлари мукаддас кабрлари устидаги мармартошларга ёзув ва накшлар билан зеб берилган. Абу Ҳавс Кабир Бухорийнинг кабр тошида: “Мовароуннаҳр олимлари ва диншунослярнинг устози”, деган ёзув бор. Афсоналарга кўра Имом ҳожатбарор мозорининг ёнидаги тепаликда Афросиёб ҳам дафн этилган эмиш.

Макбара салобатли иншоот бўлиб, у IX аср меъморчилик услубида барпо этилган. Унинг атрофида зиёратчилар учун айвон курилган. Истикол күёши туфайли табаррук масканда янги салобатли макбара, икки қаватли масжид ҳамда знёратгоҳ ташки кисмида Ҳазрати Имом дарвозаси, хуллас XXI аср обидаси бунёд этилди. Макбара Ислом Сомонийнинг биносига киёсланиб, намуна олиб, янги киёфада тикланди. Бинони куришда шаркона меъморчилик услубларидан унумли фойдаланилган. Макбарани ўраб турган нозик ўймакорлик санъатини ўзида мужассам этган айвон ҳам композицияга алохида кўрк багишламокда. Тарихий-меъморий мажмууда янгидан курилган масjidга кирап экансиз, кўзингиз ҳашаматли ҳамда нозик нақш ва безаклар билан ишланган пештокка тушади. Масжиднинг бошқа бинолардан фарқли томони унинг гумбази ярми тикланган, ярми эса курилмай кок ўртасидан ойна билан ёпилган. Бундай килинганига сабаб, ойналар күёшга каратилган, шу билан таралган нур масjidга кириб, бинони тўлиқ ёритади. Зиёратгоҳнинг йўл ёқасида ўз ўрнида кайта тикланган “Имом дарвозаси” эса мажмууга кириш остонаси, рамзий дарвозаси бўлиб хисобланади. Бу жой нафакат бухороликларнинг, балки республикамиз ҳамда хориждан келадиган меҳмонларнинг мукаддас ва табаррук маскани хисобланади.

СОМОНИЙЛАР МАҚБАРАСИ – САККИЗИНЧИ МҮЪЖИЗА

Дунё яратибдикى замоңлар оша ҳар бир давр үзининг инсон ақлу заковати, иөёб тафаккури ила бүйөд этган мұғжизаларини күз-күз этиб келади. Гарчанд жаҳон мұғжизалари хосиятلى етти рақамига ишлюс этталған бұлсада, аммо уни истиесно этиб, ҳайратамуз иншооптар қаторига саккизинчисини ҳам құшиши бу фазилаттинг жаҳоний шүхретини камайтирасдан, аксинча унга сайёхтариңг қызықишини үйгөтаверади. Асрлар оша нағислиги бежиримдиги, шохий қуввати, фалак үйгүнлиги билан Шариф Бухоронинг күрки тароватига айланыб, инсониятты мағтүн этиб келәеткан Подшо Исмоил Сомоний макбараси ҳам ана шуидай жавоғирмонанд обидалардан бириди.

Мана ўн икки аср үтибдикى, Ўзбекистон дурдонасига айланған Сомонийлар макбараси салобат түкиб, нафакат маҳаллий ахолининг, балки сайёху мемонларнинг ҳам ҳайратига сабаб булиб келмоқда. Тарихчи журналист Нусратилло Наимовнинг макбарага нисбатан “мөймөрлик санъатини тошда котирилган мусика охангига қиёс этиш мумкин. Агар бу үхшатишни мантikan давом эттирсак, Бухоро осори атикалари буюк бир симфония булиб, Исмоил Сомоний макбараси унинг энг юксак нұктасидир” деган таърифни берган зди. Бухорога ташриф буюрган ҳар бир сайёх бу бетакрор обиданн зиёрат килмасдан кайтмайди.

Мозийнинг мұғжизакор макбараси Бухорода IX асрда хукмронлик килган Сомонийлар хукмдорн Исмоил Сомоний томонидан отаси дағн этилган жойда үзи ва фарзандларига атаб тахминан 892 йилда бунёд этилган. Пишик ғильтан курилган ёдгорлик квадрат шаклда булиб, түрт томонида ҳам бир хил

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ранг-баранг гиштин нақшлар ишлатилган. Макбаранинг ички ва ташки деворлари тўртбурчак гиштдан жимжимадор килиб терилган. Бу эса мохир устанинг гишт теришни сават тўкиш, тўкишдан нозик нақшлар ташкил қилиб билишини исбот килган. Макбара деворларида занжирсизмон тизилган гиштин халқалар ҳам ана шу зар санъатнинг намуналаридир. Деворнинг калинлиги 1,8 метр бўлиб, тархи ташкариси $10,80 \times 10,70$ метр, ичкариси эса $7,20 \times 7,20$ метрни ташкил этади. Бу калин деворлар эса ёдгорликни минг йиллар давомида бузилишидан саклаб келган. Усти гумбаз билан ёпилган иншоотнинг тўрт бурчаги жа устунсимон шаклда ишланган.

Тарихий обидани диккат билан кузатар экансиз, унинг ҳар бир парчасида пурмаъно хикмат яширифтанинг гувоҳи бўласиз. Гумбаз атрофида тўртта кубба ўрнатилган бўлиб, у дунёнинг тўрт томонига ишорадир. Ҳар бир томоннинг ўрта кисми аркалар (пештоклар) билан кесилган, уларнинг бурчаклари курратли гишт устунлар билан мустаҳкамланган. Шунингдек, девор тепасининг ҳар бир томонида ўнтадан, жами киркта дарича бўлиб, ундан кирадиган нур нафакат, макбара ичкарисини ёритган, балки макбара ичидаги ўзига хос сехрли нур тарқатган.

Ички деворнинг гумбази остидаги устма-уст равокчалар устунчаларга таянган. Равокчалар эса саккиз киррали гумбаз асосини ташкил килган. Бинонинг ички ва ташки деворлари нақшлик гиштлар билан безатилган бўлиб, улар деворларга ёргулек ва сояни таркатиб, бинога қандайдир енгиллик берган-дек гўё. Макбаранинг дағн учун мўлжалланганлигини, унинг квадрат шаклида бўлиши, интеръерининг тузилиши тўрт, саккизлик ва гумбаздан иборатлиги унинг жозибадорлигини оширган. Обида шу даражада математик, астрономик аниклик ва изчиллик асосида бунёд этилганки, гиштлар жуда санъаткорона, текис ва залворли терилиб, улар тўгри ва параллел тушган. Гиштларнинг девордан бир кадар чиқиб туриши латиф сояли чизикларни хосил килишга хизмат килган. Шунингдек, куёш ну-

рию ой шуласининг бинога таъсири уни куннинг етти маҳалида турли кўринишларда жилолантиради.

Макбара курувчиларининг меъморчилик-конструктив режаси шундан иборатки, улар кубик ҳажмга эга бўлган ва гумбазли бино барпо этишни максад килган. Буни эса уч боскичли конструктив тузилишга эга квадрат бинодан қаватли елканлар оркали гумбазга ўтиш оркали амалга оширганлар.

Бинонинг хар томонида макбарага кирадиган алоҳида эшик бор. Макбаранинг шарқ томонидаги эшиги асосий деб хисобланади, чунки бу эшик табакасида И smoilning ўзи, ўғли, сўнgra, унинг невараси кўмилганлиги баён этилган. Аникроғи эшни устидаги ёғочда кўфий хатида “И smoil” сўзи сакланиб қолган. Айни шу эшик нештокида настга йўналтирилган учбурчак накшнинг борлиги ҳам эркак кишининг даҳмаси эканлигини эслатиб турган. Кейинчалик макбара Сомонийларнинг оиласи мозорига айланган. И smoil Сомоний макбараси бадиий кўрки ҳамда, тарихий-меъморий аҳамиятига кўра Ўрта Осиёning гоят буюк обидаси хисобланади.

Хозирги кунгакадар халкорасида Сомонийлар макбарасининг курилиши ҳакида турли хил ривоятлар юради. И smoil Сомоний хукмонлиги даврида авлодлари унга холис баҳо бериши ҳамда тарихда номи колишини хохлаб уламоларига мурожаат килади. Улардан бири ҳамиша ҳалк манфаатини кўзлаб, адолатли сиёsat юритинг деса, бошқаси дунё ахли кўрмаган иншоот куриб, бу бинонинг ягоналигини таъминлаш учун меъмор устанинг қўлларини чопиб юборинг деган таклифни берибди. Подшо обдон ўйлаб дунёнинг энг яхши курувчиларини чакириб, макбара куришга фармон беради. Курилиш бошланиб, хар бир гиштнинг лойини кориш учун кўплаб кора товук тухуми керак бўлибди. Жарчилар кимдаким тухуминн берса, ўрнига тилла олишини эълон қилишибди. Лекин оддий ҳалк ҳеч кимга ишонмай, ризқ насибасини подшо орзуси туфайли йўкотишни истамабди. Макбара иши тўхтаб колибди. Шунда И smoil Сомоний

Шариф шаҳар ёдгорликлари

биринчи уламонинг гапларини эслабди ва ўн йил давомида мамлакат ахолисига кўплаб нмтиёзлар жорий этиб, соликларни камайтирибди. Натижада халкнинг турмуши яхшиланибди. Йиллар ўтиб, яна макбара қурилиши бошланиб, энди гиштлар учун оддий лой суви тайёрлаймиз деганда, катта оломон йигилиб, қулидаги тухумларнни топширибди ва эвазига тилла ҳам олмабди. Тухумларни бир жойга йигиб қурилса, улар бигтамас, бир нечта макбара қуришга етаркан. Усталар ишни бошлаб анча вакт давомида мўъжизакор бино ростлаб, сехрли санъатни на мойиш этишибди. Ўша пайтда кошин бўлмаганлиги учун бинога жимжнмадор гиштлар билан зеб берилибди. Исмоил Сомоний иншоотни томоша килиб, ўйлаганидан ҳам зиёда эканини таъкидлаб, устага ярим мамлакатни ваъда килиб, яна тилагини сўрабди. Шунда меъмор ҳазина эмас, ўз қўлларини ҳадя этишини сўрабди. Исмоил Сомоний эса меъморнинг камтарлигига тан бериб, унга юкори лавозим бериб, саройида колдирнбди.

Зар кадрини заргар билади деганларидек, ноёб архитектура намунаси йиллар давомида халқ томонидан авайлаб, асраб келинмоқда. Бахтли тасодиф дея шуни айтишаркан. 1220 йилда Чингизхон Бухорога бостириб кириб, шаҳарни ер билан текислашни буюради. Жафокаш халқ эса санъат мўъжизасини асраб колиш максадида уни копларга кум тулдириб, сунъий тепалик сифатида яшириб кўйишади. Албатта, бу каби тенгсиз ёдгорликлар ҳамма асрда ҳам бунёд этилавермаслигини шариф шаҳарнинг донишманд халки яхши билади.

Таъкидлаш жоизки, кум остида колган макбара ўтган асрларда очиб олиниб, яна муқаддас замин бағрига қайтди. Лекин, тарих синоати бинога ўз таъсирини ўтказмай кўймали. Зах ва шўрланишлар барча обьектлар сингари мазкур ишоотга ҳам ўз хукмини ўтказди. 1925 йилда макбара гумбази таъмир этилди. 1927 йилда бухоролик профессор Мусо Сайджонов катнашган археологик казилмалар натижасида макбарада икки ёғочли тобут жой олганлиги аникланди. В.Вяткин бошчилигига архе-

ологик текширувлар олиб борилиб, бино кўмиб юборган заҳ тупроклардан тозаланди. Шунингдек, Б.Засипкин ва Уста Ширин Муродов бошчилигида усталар ҳам мақбарага кайта жон багишлиашди.

Мустакиллик қуёшидан кайта кўрк очган мақбара бугунги кунда Сомонийлар номидаги вилоят марказий маданият ва истироҳат богининг тўрида жойлашган. Ҳозирда жаҳон меъморчилигининг нодир намунасини меъмор ва олимлар зўр кизикиш билан ўрганмоқдалар, рассомлар унинг киёфасини ўз асарларида акс эттиromoқдалар. Бухоронинг юбилей тантаналари ва кўплаб юксак тадбирлар арафасида Ислом Сомоний мақбарасида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Унинг олдидаги салкин ҳовузи, нуроний тут дараҳтлари ҳам гўё подшога хайриҳоҳдек, мақбарага сокинлик баҳш этиб, файз таратмоқда. Биллур жавохирдек нур таратаётган обида бутун дунё ахлини ўзига чорлаб, меҳмонларни лол этмоқда. Бухоро сафарига келган америкалик сайёҳ мақбара оғирлнги баравар олтин бериб, уни ўз юртига олиб кетиш таклифини билдирганда, мақбара коровули бутун дунё миллионерлари бор бойлигини йигиб, оркалаб келгандა ҳам уни сотиб олишга ожиз эзникини билдирган экан. Ҳакикатдан ҳам хеч бир ҳазина билан ўлчаб бўлмас обида Бухоронинг фахру ифтихори, ғурур тимсолидир.

Сомонийлар даҳмасини қанча кузатсанг ҳам, ундан йироклашгинг келмайди. Аксинча, уни янада томоша килгинг, нақшларида яширин хикматни излагинг келаверади. Албатта, унинг ҳар бир гишти инсон қалб кўридан куч олиб яралган маънолар ҳазинасининг гулдастасидир. Буюк аждодларимизнинг тенгсиз аклу заковати ила яралган мақбара дунёning нафакат “саккизинчи”, балки тенгсиз мўъжизаси сифатида самога нур таратиб, Шариф Бухорони оламга машхур айлайверали.

СОБИРЛАР СУЛТОНИНИНГ САБР ЧАШМАСИ

Бундан беш минг йиллар муқаддам Айюб пайгамбар Бухорога келган ва ҳозирги зиёратгоҳ ҳудудига якин бир ерга хассасини урган экан, чашма отилиб чикибди. Суви дардларга даво бўлибди. Бу, албатта, афсонавий ривоят. Шундан бухороликлар бу жойни муқаддас, деб хисоблашади.

Афсоналарда келтирилишича, Ҳазрат Айюбнинг бехисоб давлати, йигирма тўрт фарзанди – 12 ўғил ва 12 кизи бўлган. У ҳамиша шукrona килиб, борига қаноат килиб яшар экан. Буни кўролмаган шайтон эса арши аллога бориб, Айюбнинг устидан арз килиб, уни ёмонлай бошлабди. Айюбнинг фарзандлари кўп, мол-давлати бехисоб, саломатлиги ҳам жойида, шунинг учун факат у дилида шукronалик каломини келтиради, дебди. Буни синаш учун унинг фарзандлари дарёга гарк этилибди, бор молу давлати – қўю туялари, чўпонлари ҳам йўқ килинибди. Шунга қарамай Айюб барибир шукrona килаверибди. Кейин унинг соглигидан ҳам жудо килишибди. Унинг бутун баланини курт ея бошлабди. Куртларга Айюбнинг факат юраги ва тилини емаслик буюрилибди. Чунки у юраги билан тангрини ёд этар, тили билан эса унга шукrona келтирас экан.

Айюб пайгамбар бошига тушган бу мусибатларга жавобан шундай дебди: Мен ёлғиз эдим, худо менга шунча фарзандларни ато килди, керак бўлибди, яна ўзи олибди. Молу давлат менда йўқ эди, бу бойликка парвардигорнинг марҳамати или эришдим. Саломатлигим ҳам менга ҳадя килинган эди.

Айюбнинг танасида куртлар пайдо бўлганини эшитган барча хешу ақраболар ундан юз ўгирибди. Одамлар Айюбнинг шаҳардан чиқиб кетишини талаб килишибди. Ҳазрат ўн саккиз йил давомида шу дард билан касалланади. Унинг рафикаси Раҳима Айюбни чўлу саҳроларга олиб кетиб, унга қарай бошлабди. Айюб эса хеч ҳам нолимасмиш. Бундай шукronалик,

кўзи тўклиқ, камсукумликдан Айюбнинг танасидаги куртлари бирин-кетин ерга туша бошлабди. Айюб эса куртларни яна қайтиб баданига кўяр экан. Шунда унга куртларни баданингга кўйма, улар вазифаларини бажарди, дея ваҳий келибди.

Шундан кейин Ҳазрат Айюбнинг олдига Жаброил келиб, унга иккита анор тутказган экан, Айюб уларни еб, тангрининг қудрати билан баданидаги яралар бита бошлабди. Сўигра турган жойида асосини бир ерга урган экан, чашма отилиб чикибди. У шу чашманинг суви билан ювинганда баданида қолган иккита куртдан биттаси чашмага тушиб зулукка айланнибди. Яна бири эса тут дарахтига чикиб, ипак куртига айланнибди.

Махаллий ахоли ҳанузгача бу мукаддас ва шифобахш сувдан ичиб, дардлардан фориг бўлишмоқда, тери касаллигига чалингган беморлар ҳам шу сувдан шифо тонмоқда. Айюб пайгамбар эса сабр-бардошлиги сабаб Собирлар сultonига айланган. Шу сабаб кексаларимиз бироннинг бошига оғир мусибат тушса, сизга Чашмаи Айюб сабрини тилаймиз, дейишади.

Халк орасида “Чашмаи Айюб” ёкн “Чашмаи Аюби Собир” номи машҳур бўлган макбара XII асрда барпо этилган. Унинг олд кисми XIV асрда Амир Темур фармони асосида курилган. Буни зиёратхона деворида “Амир Темур фармойишига биноан, 1379 йилда унга тақаб кулохий гумбазли катта хона, бурчакларида миноралари бўлган дахлиз қурилган” деган ёзувлардан ҳам билиш мумкин. Мукаддас зиёратгоҳ биноси тўғри тўртбурчак тархли (19×26 м) бўлиб, гарбдан шаркка чўзилган тўртта хонадан иборат, ҳар бир хона бир-бирига ўхшамаган турли хил гумбазлар билан копланган. Макбарадаги энг кадимги хона — мурабба тархли ($4,5 \times 4,5$ м) кудукхона бўлиб, у Арслонхон даврида бунёд этилган деган ривоятлар ҳам мавжуд.

Чашмаи Айюб макбарасини кузатар эканмиз, ундаги уч хил гумбаз уч давр меъморчилигини ўзида акс эттирганлигини кўрсатади. Бухорода бу каби ноёб архитектура ёдгорликлари камдан-кам топилади. Шаҳримиздаги Сомонийлар но-

Шариф шаҳар ёдгорликтари

мидаги марказий истироҳат боғи ёнгинасида жойлашган мазкур зиёратгоҳ истиқлол шарофати билан қайта кўрк очди. Ҳозирда унинг атрофида шахмат таҳтаси шаклида тут дараҳтлари ўрнатилган. Бу тутлар обидага ҳам тарихий, ҳам эстетик жиҳатдан кўрк багишлаб, сайёҳлар дикқатини тортиб келмоқда.

Чашмаи Айюб мақбараси каршисида мустакиллик йилларнда кад ростлаган Имом ал-Бухорий хотира-меъмориал музеи ҳам қадамжода симметрияни ҳосил килиб, яхлит комплексни ташкил этган.

Бугунги кунда Чашмаи Айюб мақбараси ичкарисидаги кудукда мukадdas ва шифобахш сувни барча пок ният ила ис-теъмол килмоқда. Ҳозирда обида ичида музей ҳам ташкил этилган, унда Бухорода қадимда сув таксимлаш тизими, суғориш ускуналари, сув айирғичлари тарихига доир экспонатлар, сув ташилган идишлар, мешкоблар, миробларнинг маҳсус асбоблари ва бошқа буюмлар ўрин олган. Бундан ташкари, музеяда Бухоронинг алангали саҳроларида барпо этилиб, неча йиллар давомида инсониятга хизмат қилган сардобалар, шаҳардаги ховузлар, умуман шаҳарни оби ҳаёт билан таъминлайдиган канал ва ариклар харитаси тасвирланган. Бу эса зиёратгоҳга ташриф буюрган ҳар бир меҳмонни Бухоронинг сув тарихига доир маълумотлардан хабардор килади.

Ҳар тошида сир-синоат, ҳар гиёҳида хикмат яширин шариф шаҳарга, айниқса, Чашмаи Айюб зиёратгоҳига ташриф буюрган ҳар бир чет эллик сайёҳ бу ердаги мukадdas сувдан ичиб, ўзида поклик, руҳий тетиклик, кучли сабрни хис этиб, эзгулнк тугёнини кўп йиллар давомида қалбида саклаши, шубҳасиз.

НАМОЗГОҲ – МОЗИЙДАГИ ОБОД МАНЗИЛГОҲ

Шарқнинг қадимий көнтлари ичида мулки амният саналган Бухоро тарих чархпалағида жудам улугелар юрти, даҳолар замини бўлиб, шон-шухрот топган. Бунга унинг дунёнинг эт юксак илму маърифат, маданият учоги бўлиши учун асрлар силсиласида қурилган ишлй гумбазли масжидлару, мухтишам мадрасалари сабиб бўлгани айни ҳақиқат. Мусулмон оламида “масжиди панжвакти”, “масжиди жамоев”, “масжиди мусалла” намлари билан маъқум бўлган саждагоҳларнинг Бухорода кўплаб қад қутаргани латиф шаҳарни янада муборак шаҳарга айлантирган. Масжиди мусаллатарда Курбон ва Рамазон Ҳайити намозлари ўқилиб, сайилгоҳлар бўлиб турсан. Айни шундай мӯъжизакор масжидлар сирасига кирувчи Намозгоҳ масжидининг ўтмиши ва бугуни хусусида атрофлича мулоҳаза юритамиз.

Ҳайит намозларини жамоа бўлиб адо этиш учун ҳамда кўп мингли Бухоро ахлини бир меҳроб каршисида жамлашни максад килган Намозгоҳ масжиди шаҳарнинг жанубий чеккасида, корахонийлар сулоласининг ёзги қароргоҳида, аникроги Шамсиобод боғида 1119-1120 йилларда барпо этилган. Айтиш жоизки, масжид ҳудуди бундан бир неча асрлар олдин Бухоро хукмдорларининг шикори, яъни ов киладиган манзилгоҳи бўлган. Малик Шамсулмулк таҳтга ўтиргандан сўнг шу жойда ўзи учун фавворали боғу роф курдиради. Унинг вафотидан кейин эса бу ерлар қаровсиз қолиб кетади. Шундай бўлсада, Бухоро ҳалки ушбу масканни Шамсобод, яъни Шамсулмулк обод килган маскан сифатида ёд этиб келишади.

Шундан кейин, ҳар йили Наврӯз байрамида бухороликлар шу ерга йигилиб, сайиллар уюштиришган. Ахоли гавжумлашиб, савдо расталари, дўконлар очилган. Савдо дўконлари шу кадар

Шариф шаҳар ёдгорликлари

кўп бўлганки, томдан томга ўтиб масжидга етиб бориш мумкин бўлган. Эътиборлиси, саккиз аср давомида масжид атрофидаги кенг майдонда маскарабозу дорбозларнинг мохирона санъатлари намойиш этилиб, ушбу маскан халқ учун ардокли сайилгоҳга айланиб колган.

XII-XVI асрлар меъморчилик услубларининг энг нозик жиҳатлари мужассам бўлган меъморий ёдгорлик маҳобати, улугворлиги, йирик композицияга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Масжид пишнг гиштдан курилган булиб, ўзида тақрорланмас накшу нигорларни жамул жам этган. Куббавий обида курилиши ҳакида сўзлар экан, «бу ерни жуда баланд девор билан ўраб олдилар, пишик гиштдан меҳроб ва минбар ясадилар ва шу билан бирга такбир айтиш учун баланд жой ўрнатдилар», деб хотирлади.

Масжид курилишида турли хил материаллардан фойдаланилган. Бу ерда жуда кимматли гиштлар, «бантиклар» билан бирин-кетин терилган ва бўрттириб ишланган ёзувлар, терракотадан ишланган мураккаб шаклли чамбаралар, арканинг остларида унча катта бўлмаган ганч ўймакорлиги санъати намуналарини учратиш мумкин.

Бинони ташки томондан кузатар экансиз, асосий кириш пештоқи иккита ичма ич аркалардан иборат эканлиги яккол кўзга ташланади. Икки қанотдаги аркалар ҳам симметрия булиб, усти кичик гумбазлар билан ёпилган. Марказдаги асосий гумбаз эса бошқаларидан кўра анча йирик. Мазкур гумбазни ўзаро кесишган учта токили туртта равок кутарнб турибти. Масжид ўнг томонида такбир ўкиш учун 9 зинали баланд кутарма килинган булиб, унинг ҳамма томонида бежирим аркални дерезалар мавжуд. Такбир ўқиладиган жойнинг ичкарисидан масжид томига чикиладиган пиллапоя булиб, у ҳозирда хавфсизлик нуктаи назаридан девор билан ёпилган.

Масжиднинг атрофига суфа булиб, унинг биринчи погонасига асосий киришнинг икки томонидан чикилади, кейинги сүфага эса тўрт томондан кутарилиш мумкин. Мармар зиналар оркали масжидга кираверар экансиз, ҳакка етмоқлик учун ҳаёт пилла-пояларни бирин-кетин босиб ўтмоқлик кераклигинн теран анг-

лайсиз. Асосий хона марказида туриб уч томондаги гиштин айвонлардан атрофни бемалол кузатса бўлади. Шунингдек, уч томонлама шамол айланиши ичкаридаги хавонинг мусаффолигини таъминлаган. Яратганинг муборак хонасидан атрофга разм сола туриб, оддийгина кўринган масжидда минглаб ҳикмат яширинганини хис этасиз. Сабаби, масжиднинг турли жойларида қадимий битиклар, гиштдан ишланган деворий ёзувларга кўзингиз тушади.

Намозгоҳ масжиди олдида чиройли меҳроб ва баланд минбар солинган булиб, меҳробга ишланган нафис уймакорлик безаклари хозиргача яхши саклангани ҳар бир томошабинни лол этади. Меҳроб ва унинг атрофида ишланган безаклар обида архитектурасининг энг нодир намунасиdir. Меҳроб ярим бузилган ҳолатда сакланган бўлсада, ундаги гўзалликдан ҳайратингизни яширолмаслигингиз табиий. “П” шаклида ишланган меҳробда накшлар ва безаклар кетма-кет тартиб билан жойлашган. Икки томонида узун кетган устун булиб, юкориси анорий накш билан тугалланган. Кейинги қаторларда ромб, олтнбурчак, занжирсимон гиштин накшлар усталик билан ишлаб чикилган. Масжиднинг пештоки Қуръондан кўчирилган оятлар, геометрик накшлар билан bezatilgan. Безаклар XVI аср мъеморчилик услубига оид фируза ва кўк рангли кошинлардан бажарилган. Масжиднинг ички орка деворида XII асрга хос безак ва накшлар сакланмоқда.

Меҳроб гўзаллиги ва томошасидан баҳра олиш баробарида, ундаги ҳар бир безак давр тарихидан дарак бераётган булали, гүё. Ҳар бир безак инсониятни эзгулик ва саховатга, меҳр ва муруватга, бирдамлик ва дустликка чорлашига шубҳа йўқ. Кишига эстетик завқ тухфа этувчи безаклар Бухородаги Исмоил Сомоний, Магокки Атторон, Баёнкулихон, Самарканнадаги Шохи Зинда, Карманадаги Работи Малик обидаларига уҳшаб кетади. Аммо, Намозгоҳда шундай накшлар борки, уни нафакат, Бухоро балки Шарқнинг энг нодир ва ноёб нақши сифатида эътироф этиш мумкин.

Намозгоҳ ёдгорлигининг асоси ҳарсанг мармартошлар билан мустаҳкамланган бўлсада, асрлар давомида жангу-жадаллар,

Шариф шаҳар ёдгорликтари

ёнгину тӯғонлардан омон қолган кисми факатгина бир-бирига туташ уч гумбаздир. Намозгоҳ масжиди Чингизхон боскини даврида вайрон этилгач, XIV асрда Темурйлар даврида таъмир этилган. XVI асрда эса Абдуллахон даврида хонақоҳнинг уч гумбази бино этилган.

Бугунги кунда Намозгоҳ масжиди ўта таъмрталаб ҳолатга келиб қолган. Чор Россияси боскини ҳамда мустамлакачилик даврида обида кўп зиён захматларнн бошидан кечирди. Қўш канотдаги деворларда сиркор парчинлар ўғирлаб кетилган, ёки синдириб ташланган. Парчинларнинг деворди қолган излари бундан гувоҳлик беради.

Истиклол йилларида обида атрофи кўркам боғга айлантирилди. Қархисида жойлашган қадимий ҳовуз таъмир этилди. Шунингдек, Универсиада-2013 мусобокаларига шаҳrimiz мезбонлик килиши муносабати билан обида атрофидаги йулакларга тош тахталар ётқизилди. Кўплаб манзарали дараҳтлар ўтказилди.

Лекин дилни хира киладиган бир жиҳат борки, маҳобатли масjid нураб қолган иншоотга айланиб бормокда. Ҳозирда ёдгорлик ичкарисида факат тупрок уюмлари ва синган гиштларни кўриш мумкин. Гумбаз остида ҳам анчагина жойларда дарз кетган. Суфа атрофидаги гиштлар тўкилиб бормокда.

Эътибор берилса, тарихий ёдгорлик замонавий иншоотлар марказида жойлашган. Вилоят Перинатал маркази, Бухоро Нефт ва газ саноати, Банк ва Тиббиёт коллежлари ҳамда “Азиатрансгаз” кўшма корхонасининг бинолари обида атрофига қад кутарган. Талabalар шахарчасида жойлашган маданий меросимизни асрash максадида “Савоб ишни ҳар ким килиши керак, ҳар кун килиши керак” деган хикматга амал килиб, Бухоро нефт ва газ саноати касб-хунар коллежи ўқувчилари доимий равишда ҳар хафта мъеморий иншоот атрофига ободонлаштириш ишларини олиб бормокда.

Кўп аср давомида бухороликларнинг кадрдон маскани хисобланган ушбу зиёратгоҳда реставрация ишларини олиб бориб, меҳробни портал сифатида тиклаш, уни туристик маршрутга киритиш максадга мувофик бўларди. Бундан 800 йил олдин мозийдаги обод манзилгоҳ саналган Намозгоҳ янада янги киёфа касб этиб, ҳалкимиз ва меҳмонларнинг кутлуг қадамжосига айланишига ишонамиз.

МОЗИЙНИНГ МАНГУ МАЁГИ

Кидимдан минори бор юртнинг қадди ҳамиши сарбатлананд бўлади, дейишади. Ана шундай магрут, тарих синовларида тобланган, улугвор миноралар шахри – Бухоро үзининг минг йиллик обидагари билан дунё аҳлини мана неча асрларки, ҳайратга солиб келади. Утмании тоглиарданда юксак, шонли тарихнинг жонли гуваҳи бўлган Бухорода кўплаб миноралар мавжудки, улар қарийб уттиз асрни қарашласан шариф шаҳархуснинг кўрк қўшиб келмоқда. Вобкент минораси, Чорбакр, Касри Орифондаги минора ва бошқалир шулар жумласидандир. Аммо, Бухоро миноралари орасида Минораи Калон (Китта минора) үзининг маҳобати, нақшларининг мураккаблиги, бејсириклиги ҳамда ие-ие жангу жадаллар ва табиат синовларига дош бериб келётганилиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунинг сир-сипоати нимада дейсизми? Унда диққат қилинг!

Миноралар турли даврларда турли функцияларни бажаргани барчамизга яхши маълум. Қадимдан миноралар масжид ва мадрасалар ёнида уларга туташ курилган. Албатта, ӯшанда бундан кўзланган асосий максад ҳаммани намозга чорлашдан иборат бўлган. Аммо минора сўзининг лугавий таржимаси, арабчада “маёқ” маъносини билдириб, горизонтал ўлчамга нисбатан вертикал ўлчами ортиқ бўлган баланд иншоотни ифодалайди. Шу сабабдан муҳим савдо-сотик маркази, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Бухорога кўплаб карвонлар, савдогарлар тандирдек кизиган кум барханли сахролардан ошиб келишган. Бухоронинг ўша даврдаги хукмдори Арслонхон Қорахоний (1102-1130) шаҳар атрофидаги сувсиз сахроларда карвонларнинг адашиб ҳалок бўлиши оқибатларини ўйлаб, шаҳарда энг баланд иншоот куришни мўлжаллайди.

Шариф шаҳар ёдгорликлари

1124 йили энг машхур ва сара уста-курувчиларнинг лойин-халари билан шахсан танишиб чикади ва Уста Бақонинг лойиҳасини маъқуллайди. Шу асносида курилиш ишларига рух-сат берилиб, минорани тиклаш ишлари бошланади. Минорани кўтаришда тайёрланадиган махсус коришмага юлгун қууни, узум шираси, кора товук тухуми, тая жуни ва сутидан фойдаланишади. Бу эса миноранинг мустаҳкам булишига хизмат килган бўлса, ажабмас.

Арслонхон номини абадиятга муҳрлаган Минораи Калон 1127 йилда куриб битказилади. Баландлиги 47,5 метр бўлган (асоси 10 метри ер сатҳида чукурликда) минорага 105 та погона оркали чикилиб, энг юкори кисмидаги 16 та дарича оркали шаҳарни кузатиш мумкин. Миноранинг тепа кисмida шам фонулслари ёқилиб, даричалардан нур тарапланади. Натижада кечала-ри 50-60 чакирим масоғадан ҳам чироклар ёргуи маёқ сифатида карvonларни адашмай шаҳарга кириб келишида йўлчи юлдуз вазифасини бажарган.

Қарийб 900 йилдан бўён барчанинг ҳайратига сабаб булиб ке-лаётган Минораи Калонни янада жозибали ҳамда нафис килиб безаш максадида унинг белбогида гиштларга шакл бериш йўли билан 20 дан ортиқ нақшинкор ҳалкалар ҳосил килинган. Бе-заклар бир - бирини асло такрорламайди. Унда куфий, ҳандасий ёзувларни ҳам учратиш мумкин. Минорада нафакат ҳукмдор, балки иншоотни бунёд этган устанинг номини ҳам колдириш максадида энг устки ҳалкалардан бирида нақшинкор гиштин ёзувлар билан “Амали Усто Бақо, милодий 1127 йил, Минораи Арслонхон” деган сўзлар битилган. Неча асрлар ўтибидики, бу муборак номлар авлоддан авлодга ўтиб, тилларда достон бўлмоқда.

Тўккиз асрки, шариф шаҳrimизнинг тимсоли булиб келган обида кўплаб вазифалар учун хизмат килган. Минора шаҳарда куриладиган бошка иморатлар учун ражжа (ўлчов, белги) вази-фасини ўтаган. Шунингдек, у оркали ёвнинг қай томондан ки-риб келиши назорат килинган. Ва албатта, мардонавор калкон бўла олган.

Чингизхонни лол эттан минора

1220 йил мӯгулларнинг шаҳримизга босқини даврида Чингизхон Минораи Калон олдиға келиб, унга бир разм солгандা бошидан сарпӯшак (бош кийим) тушиб кетади. Дунённинг не-не юртларини ўзига бўйсундирган буюк хоконнинг бош кийимини ҳали бирор кимса туширолмаган бўлсада, маҳобатли бу иншоот оламни ларзага солган саркардани лол колдира олган. Буюк аждодларимизнинг акл-у заковатига, билим тажрибасига ҳамда илохий меъморчилик кобилиятига тан бермасликнинг иложи йўқ. Бу албатта, улуғ меъмор Усто Баконинг нечоғли кўлигуллиги билан изоҳланади.

Айтишларича, Усто Бако умри поёнига етай, деб колганда, шундай васият килибди: “Менинг жанозамни Масжиди Калонда ўкинг, жасадимни эса мана шу Минораи Калон ёнидаги ҳовлига кўминг. Агар Минора куласа, кабрим устига куласин. Суякларимни майдада-майдада этсин! Лекин худо шоҳид! Қиёматгача Минораи Калон куламайди”. Ҳакикатдан ҳам, неча-неча замонлар ўтибдики, минора ўз жойида мангу кўним топиб, викор билан салобат тўкиб келмокда. Яна бир гап. Меъмор минорани бироз кўринмайдиган даражада киярок килиб курган. Минора кайси томонга оғган бўлса, устанинг кабри ҳам ўша ерда жойлашган экан. Бундан кўринадики, устанинг юкоридаги васияти ҳакикатдан йирок эмас. Ҳозирда ҳам Минораи Калон соясининг энг юқори нуктаси тушган жойдаги Эски шаҳар ҳовлиларининг бирида Усто Баконинг кабри мавжуд. Улуғвор маёқ эса замонлар оша ўз устаси устида соябон бўлиб, васиятни бекаму кўстадо этиб келмокда.

Ўзбекистоннинг етти мўъжизасидан бири сифатида эътироф этиб келинаётган Минораи Калон ва унинг курилиши ҳакида маҳаллий ҳалк орасида кўплаб ривоят ва афсоналар сакланиб колинган. Ҳикоятларда маҳобатли санъат асарининг барпо этилиши тарихи, улуғворлиги ва буюклиги мадҳ этилганки, уни барча жон кулоги билан тинглаб келади.

Бухоро подшоҳи Арслонхон келгуси авлодларга салтанатидан

мангу бир нишона қолдириш ниятида ажиб бир иншоот бунёд этишга жазм этади. Бу хайрли ишга барча мунажжим, меъмор ва устазодаларни жалб этиб, улардан иморат лойихаларини бир ой муҳлат ичидаги топширини буюради. Муддат тугагач, меъмор ва муҳандислар турли шаклдаги масжид, мадраса, хонаколарнинг лойиха чизмаларини ҳукмдорга тақдим этишади. Лекин, унга бирортаси ҳам маъқул бўлмайди. Шу пайт майнин кашмир инағидан либос кийган, бежирим мўйловли, ўзига ярашиб турган кора кош йигит ўртага чикиб, ҳукмдорга ўз чизмасини тортиқ килади. Арслонхон когоз ўрамини очиб караса, унда ер юзидан самога кадалган минора акс этган экан. Шоҳ йигитдан ушбу иншоотнинг максади ва эҳтиёжи недур, деб сўраганида, ёш уста буюк аждодимиз Ҳазрати Одамнинг кадду коматларини дунёга намойиш этмоқдур. Шунингдек, табарруқ шаҳримизда аzonни баралла ўқимок, минора чўккисида ўрнатилган машъала коронгу тунда манзилгоҳ излаётган карвонларни адаштирумай, Бухорога олиб келиши ҳамда Минора тепасида туну кун сергак турган посбонлар салтанатингизга тажовуз килмоқчи бўлган душманлар юришидан огоҳ этишдир, деб жавоб кайтарган экан. Бир иморатда шунча максад борлигини кўриб, ҳайратда колган Арслонхон унинг курилишга изн беради ҳамда хазинадан чекланмаган микдорда маблағ ажратишни фармон килади.

Дунё мўъжизаси

Минори Калон Бухоронинг не-не яхши ва ёмон кунларини, тарих ҷархпалагининг кўплаб воеа-ходисаларининг шоҳиди булиб, мўйсафид обида сифатида Шариф заминнинг рамзий тимсолига айланиб колади. Лекин, минора бошидан кора булулар сувзан мудхиш даврлар ҳам ўтди. Собик Иттифок даврида аттеизм, даҳрийлик сиёсати авж олиб, буюк санъат асарига “Ўлим Минораси”, “Ажал Минораси” деган тухматлар ёғилган. 1920 йилда Фрунзе бошчилигидағи қизил аскарлар дунё мўъжизасини тўпдан ўкка тутиб, 11 та катта калибрлн снаряд-

лар билан Минорани каттиқ шикастлайди. Ҳозир Минора тепасида қолган оқ доғлар шу шикастланишлардан гувоҳлик беради.

Халкимиз ўзининг содик Минорасини ўз ҳолича ташлаб қўймади. 1924 йилда танаси, 1960 йилда уста Очил Бобомуродов томонидан пойдевори очилиб қайта таъмирланди.

Бир сўз билан айтганда, истиклол Минораи Калонга қайта жон бағишилади. Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи арафасида тулиқ ўз ҳолида таъмирланди. Очик осмон остидаги музей шахардаги мазкур обида БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича халкаро ташкилоти - ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон меъморий дурдоналари рўйхатига киритилди.

Халкимизнинг фахру ифтихори рамзи бўлган Минора пойида 1997 йилда Бухоронинг 25 асрлик тўйи, 2010 йилдан бўён “Ипак ва зираворлар” халкаро фестивалининг тантанали маросимлари ўтказилиб келинмоқда.

Шарқ ва Farбда маълуму машхур бўлган ушбу эртак монанд обида мозийнинг мангумайёги сифатида хали минг йиллар давомида, нафакат, Бухоро, балки бутун дунё халклари маънавий оламини ёритиб, мағрур яшайверади.



БУХОРОДАГИ БИРИНЧИ МАСЖИД

Шариф Бухоронинг Шаҳристон бозорини пиёди саир қила туриб, никоҳингиз ўтиқод каъбаси, иймон хонаси – Масжиди катонга тушади. Бир ярим минг йилдан буён мұйтабар заминга ошно тутинган обида, иене даҳшатлы ва саодатли күнларнинг гувоҳи бўлди. Яхши ва ёмон дамларда бухороликларни ўз бағрига алиб, ажсанбий босқинчиларга мардонавор қалқон турди. Мана неча аср ошибдики, пойдевори осмон тоқига тирзак бўлган ушибу ишиоот бугун яна муқаддас масканнинг саждаоҳи бўлиб келмоқда.

Пойи Калонostonасини тўлдириб турган Масжиди калон давр ва замон алмашинуви натижасида Бухоро хукмдорлари томонидан қайта ва қайта курилиб, шаҳарнинг марказий йигингохига айланиб борган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида келтирилнишича, ислом дини кириб келгач шаҳардаги оташнарастларнинг оташкадалари вайрон этилган. Аста-секинлик билан мусулмонлар сафи кенгайиб, Аркдаги масжидда намоз-хонлар сиғмай колади. Шундан кейин Арк ва шаҳристон бозори оралиғида 770-771 йилларда масжиди жомъе бунёд этилади. Мовароуннаҳрда курилган биринчи бу масжид Масжиди калоннинг илк биноси эди. Кейинчалик масжид то Исломий Сомоний давригача кенгайтириб борилган. Масжидда буюк мухаддис Имом Бухорий ўн минг кишига дарс ўтганлиги ҳам манбаларда зикр этилган. Лекин бу масжид ёғочдан курилганлиги учун кўп яшамади ҳамда 1067-1068 йиллардаги жанг жадалларда ёнгин натижасида батамом кулга айланади. 1121-1122 йилларда Қораҳоний хукмдор Арслонхон буйругига асосан унинг маблаги эвазига масжид хозирги жойи, Минора ёнида тикланади. Мазкур масжид ҳам пойдор бўлмади. 1220 йилнинг февралида Чингизхон галалари азим шаҳарга бостириб кириб, муқаддас бино-

лар каторида Масжиди калон ҳам ҳаробага айлантирилади.

Калон масжидининг хозирги кўриниши Шайбонийлар меъморчилигига хос бўлиб, 1514 йилда Кўчкунчихон томонидан таъмир этилган. Меъморий ёдгорлик ҳажми жиҳатдан жуда йирик бўлиб, Ўрта Осиёда Самарқанддаги Бибихоним масжидидан кейин иккинчи үринда туради. Бир гектар майдонни эгаллаган масjid ҳовлисининг чор атрофи усти ёпик айвонлардан иборат бўлиб, 288 та кубба 208 устунга таянган. Кенг ҳовли тўрт бурчакли 130x80 метр майдонни эгаллаган. Ҳовлининг тўрт атрофидаги айвонлар накшинли пештоклар билан безатилган. Чап томондаги айвон остида қадимий кудук ҳам хозирги кунгача сакланган. Масjid томидан минорага ўтиладиган кўприкча бўлиб, имомлар аzon айтиш учун юкорига кўтарилган. 10-12 минг (ўтмишда 100 минг киши намоз ўқиган)га мўлжалланган масжиднинг 7 та эшиги бўлиб, шарқ томонидагиси асосий кириш дарвозасидир. Дарвозанинг чап томонида 1541 йилда Абдулазизхоннинг эъон килган фармони битилган: “Кудратли ҳазрати султон, адолатни шиор килган хокон, адолат ва эҳсон байроғини баланд кўтарувчи, жабру ситамни йўқ килувчи, саховат, қарам ва поклик эгаси Абул Фози Султон Абдулазиз Баходур (Аллоҳ мулки ва салтанатини абадий килсин) тарихнинг тўккиз юз кирк саккизинчи йилнинг зулҳижжа ойида (1541 йил март-апрел ойида) Бухоройи шариф ҳалки учун ўттиз олти минг тангачайи тааббулий (муомаладаги чака бухорий пул), ўн саккиз минг тангачайи тафовутий (хар хил тангаларап), тангачайи марвий ва йигирма етти минг тангачайи тавфирийни (нуксонсиз танга), жамиси бўлиб саксон бир минг тангани ҳадя килди. Ва (Абдулазизхон) буюрди: “Ким бундан кейин мазкур тиллаларни ҳалқдан ўмариб олса, унга Аллоҳ таолонинг, фаришталарининг, пайгамбарларининг ва барча ҳалойикнинг лаънати бўлсии”. Буни пир Шайх ал- Пуроний ёзи”. Рангли накшлар билан безатилган асосий дарвозадан 12 зина ҳатлаб масjid ичкарисига тушаркансиз йўлак сизни очик сахиага олиб чикади. Ҳар бир

зина погонасидан гумбазлар намоён була бошлайди. Гиштин гумбаз остидаги мустаҳкам устунлар масжид химоясида турган сокчиларга ухшайди.

Масжидда Имом Абу Ҳафс Кабир ал Бухорий, Ибн Сино, Абдухолик Ғиждувоний, Ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд, Аҳмад Доңиши, Абдурауф Фитрат каби буюк олиму донишмандларнинг кадами теккан. Қайд этиш ўринлики, ўтмишда масжидда 100 минг киши намоз ўқиган.

Бухоронинг нодир курилиш иншоотларидан саналган Калон масжиди гарбидаги нилий гумбазлар ўта ҳашамдор ва жозибали. 35 метр баландликда жойлашган гумбаз гуё осмон ранги билан тулашиб кетгандек, кишига ўзгача хиссиёт багишлийди. Масжиднинг нафис нақшлар билан безатилган XVI аср меҳроби ҳам мъеморчилик санъатининг нодир асаридир. Бу ерда марказдан туриб тепага карасангиз Мир Араб мадрасасининг осмон каби кўкимтири гумбазини кўрасиз. Буларнинг ҳаммаси бир бутун уйғунлик манзарасини ташкил этади.

Пешток олдида 1913 йили Амир Олимхон фармонига биноан Усто Ширин Муродов қурган саккиз ёкли усти гумбаз билан ёпилган кичик кўшк бор. У “Қабри шахидон” деб аталади. Айтишларича, Жаллод Темучин Бухородаги гўдакларни ўлдириб, ҳаммасини бир ерга кўмган. Кичик макбара эса норасида гўдакларни ёд этиш учун кўйилган эҳтиром намунасиdir.

Бинони кузатар экансиз, фасад томонидаги деворлари равоксимон токчаларга ухшаб курилган. Девордаги парчинкор нақшлар кулфнинг калитини эслатади. Худдики, иймон ва эътиқод калити шу масжидда яширинган, сингари хикматни ёдга solaётдек. Масжид айвонида сирли мўжизани кўриш мумкин. Асосий эшикдан киргандан сўнг, чап томондаги иккинчи катор олтинчи гумбаз остида туйнук бор. Бу ажабтовур туйнукдан Минора учини, тепасидаги нақшларни бемалол ҳудди яқиндагидек, томоша қилиш мумкин. Обиданинг мўъжизасини кўриб, ота-боболаримизнинг аклу заковатига тан бермаслий-

нинг иложи йўқ.

Шахар тош солномасининг кизикарли варакларидан бири хисобланган Масжиди Калои XIII асрда даҳшатли воқеаларни бошидан кечирди. Тарихчи Рашиддин бу ҳакда шундай деб ёзгани: “узининг мӯғул жангчилари билан бирга Чингизхон Бухорога қалам кўйди. Жума масжидининг ажойиб биносига, унинг жуда безатилганлигига Чингизхоннинг кўзи тушиб колади, аввало ўзининг ўғли Кули билан бирга отдан тушмай, масжидга киради ва масжиднинг бош минбарида тўхтайди. Кули минбарга чикиб олади. Чингизхон тўпланганлардан “бу султон саройи эмасми?” деб сўрайди. Унга “бу худонинг уйи” деб жавоб берадилар. Шундан сўнг Чингизхон отидан тушиб минбарнинг бир неча зинасига кўтарилади ва ўз оркасида бўлган мӯгулларга: ўтлок ўриб олинди, отларингизга ем беринглар” деб кичкиради. Ана шу шартли ишорадан сўнг ёввойи мӯгуллар очкўзлик билан Бухорони талашга киришадилар.

Ривоят қилишларича, Чингизхон бинога кирганида остоңада кокилиб кетади ва йикилганича нигохи меҳробга тушади. Бу пайт масжид имоми Нуриддин Сирфий ҳазратларн меҳроб ёнида ибодат билан банд бўлган. Чингизхон ҳарчанд ул зот юзини ўзига қаратмоқчи бўлмасин, лекин имом муборак юзларини боскинчининг номуборак юзига ҳаргиз ўгирамайдилар. Охири Чингизхон ўз кўли билан Ҳазрат Нуриддин бошларини ўгириб, ўзига қаратмоқчи бўлганида, ҳазрат мӯгуллар сардорининг шум юзига тупурганлар. Бу холдан газабланган конхўр эса Нуриддин Сирфийни меҳроб ёнида киличдан ўтказади. Бу ҳам етмагандек, теридан ясалган сандиклардаги кимматли китоблар хайвонлар оёги остига отилади. Ҳакоратланган масжид, ёнгин даврида бутун колиб, мӯғул боскинчилари ваҳшийликларининг гувоҳи бўлди.

Мирзо Улугбекнинг “Тарих-иарбаъулус” (“Тўртулустарихи”) китобида конли воқеаларни куйидагича изоҳлайди: “Чингизхон лашкарига деди: сахрова ўт йўкки, отларни тўйдирсангиз. Уша

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ердаги сандикларни нарсасидан тозалаб, арпага тўлдиридилар ва отларга охур килдилар. Жиловларини уламога тутқаздилар. ...Бир кунда ҳулу қурук ёниб битди: на жонсиз нарса колди, на жонли. Шаҳарда бирорта ҳам сипоҳ колмади. Улар ўрнида факат кора тутун бурксирди". Вокея якунини олим куйидаги назм ила якунлайди.

Шаҳру бору, дарвозадан қолмади нишон,

Бундайин дардга ким топар дармон.

Бухоро тақдирин қилиб амода,

Бошини фаҳран қурди самода.

Шўролар даврида ҳам масжидга беписанд қаради. Аввал дон кабул килинадиган жой, кейинчалик умумий омборхонага айлантирилган. Бора-бора масжид оёқ-ости булиб, ҳаробага айланган эди. Обиданинг кариб 30 дан ортиқ гумбазларн ёрилиб, йикилған эди. Собик тузум Калон масжиди бошига не кулфатларни солмади. Шариф шаҳарни аэропланларда бомбардимон килган учувчиларнинг бири ўтган асрнинг ўттизинчи йилларда Нижний Новгородда нашр эттирган эсадаликларида Бухорага ёғдирган бомбаларининг ортганинн хар гал Масжиди калон гумбазларн устига ташлаганлиги билан мактанган.

Лекин, борбардимонлар ҳам Масжиди калонни вайрон эта олмади. Мустакиллик шарофати ила Калон масжиди яна Бухоронинг марказий масжидига айланди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 22 майдаги 207-1 сонли Карорига мувофик усталар ва мутахассислар томонидан таъмирланди. Бухоронинг юбилей тўйи арафасида масжид гумбази устига 100 кг ли олтинранг қуббани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Ғайбулло Мухаммедов, моҳир уста Карим Толиболовлар ўрнатдилар. Доирасининг узунлиги кариб 42 метрли улкан гумбаз қайта таъмирланди. Гумбаздаги нилий кошинларнинг 3700 дан зиёди асл ҳолида сақланиб, 1600 га яқини янги тайёрланган безаклар билан алмаштирилди. Қарор асосида масжидда 125 млн сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Масжид галлереясида 288 та кичик гумбаз таъмирланди. 239 та устун

пойдевори мустаҳкамланиб, 40 та устун кайтадан тикланди. 300 дан зиёд уста курувчилар меҳнат килиб, 5 минг кубометр кум чикариб ташланди. Албатта, амалга оширилган ҳар бир хайрли ишнинг мукофоти бор. Бу каби савоб ишларни ҳар ким, ҳар куни килиш даркорлиги ҳаётимизнинг ажралмас кисмига айланаб колган. Бугун масjidга келаётган ҳар бир мўмину мусулмон ўтганлар ҳаккига, истиқлолимизнинг пойдор бўлишига дуо килиб, уста меъморлар маҳоратига тасаннолар айтишади.

Таъкидлаш ўринлики, Калон масжидининг бугунги кунга кадар етиб келишидаги синоатлардан бири унинг Куёш буржнга караб курилганлигидир. Коинот жисмлари билан ҳамоҳанглиги унинг бардавомлигини таъминлаган. Бундан ташкари, Калон масжида Хонаи Каъбанинг асл, олдинги шаклига монандлиги учун Оллоҳ назари тушган заминда умри бокий ва бардавомдир.



МИР АРАБ МАДРАСАСИ- МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ

Айримлар Бухорони нафис нақшкор тарихий ёдгорликлар ва обидалар, мунажжимлар ва ало-малар юрти дейшишса, бошқалари тарих зарварагининг безатувчиси мақбара ва мидрасалар маскани дейшишади. Дирҳақиқат, шариф шаҳаригар түгдори синаған Бухорода илму маърифат маркази – мадрасалар жуда куп. Улар орасида Шарқу Гарбда маълуму машхур бўлган Mir Arab мадрасаси алоҳида изжралиб туради.

Бухорода мадрасалар қуриш иши ўзига хос тарзда амалга оширилган. Асрлар оша бу иш билан шугулланилганлиги боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланиб бўлган эди. Шунинг учун Бухоро мадрасалари нафакат ўкув юрти, балки ўзига хос меъморий иншоот ҳам эди. Бухородаги Улуғбек, Мир Араб, Нодир Девонбеги, Кўкалдош, Абдуллахон ва Абдулазизхон мадрасалари бебаҳо ва нодир меъморий ёдгорлик сифатида ҳозирги кунда ҳам машҳурдир.

Бухорода энг машхур ва нуфузли олни ўкув юрти бу Мир Араб мадрасаси бўлган. Ушбу мадраса Бухоро меъморчилигининг ноёб дурдонасидир. Мир Араб мадрасасининг ислом оламидаги нуфузи жуда юкорн бўлиб, унда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги сўзлари Миср ва Ҳижзода ўқиганларнинг сўзларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган. Шундан келиб чиккан ҳолда Бухоро амирлигига энг машхур ва нуфузли олий ўкув юрти бу Мир Араб мадрасаси бўлган. Мадрасанинг номи ҳам уни курдирган шайх Мир Араб номи билан боғлик бўлиб, унинг тўлик исми ҳазрат Сайид Абдуллоҳ ал-Яманий бўлган. У киши найғамбарларимизнинг авлодларидан, шайбонийхонлар пири ҳисобланган.

Мир Араб Убайдуллахон ҳукмронлик килган даврда Бухоро-

га келади. Ўша пайти Нажми Соний бошчилигидаги 80 мингга якин Эрон қўшини Бухоро ва Самаркандга ҳужум килади. Унга каршилик курсатганлар кирғин килинади. Бухоро ҳарбий аскарлари сони 15 минг киши булишига қарамай душман қўшини устидан ғалаба қозонади. Улкан қўшинни енгишда Бухоро амирiga ҳазрат Мир Арабнинг доно ва оқилона маслаҳатлари жуда катта ёрдам берган. Зайнiddин Муҳаммад Восифийнинг ёзишича, бу жангдан кейин Бухоро амири Мир Араб ҳазратларига қўлга киритилган барча ўлжаларни, бойликларни, мулкларни хадя этган экан. Лекин у киши бу хадяларни олмай, унинг ўрнига Шофиркондаги Ҳожа Ориф Ревгариининг қабрларини обод ҳолга келтириб, у ерга сув бориши учун канал қазиш кераклигини айтган. Ўша маблағ эвазига Шофирконда ҳозирги Султононбод канали қазилади.

Ривоят килинишнча, Убайдуллахон ҳазратга алоҳида хурмат-эътибор курсатиб, Фиждувондан то Бухорогача у кишининг отларини жиловини ниёда олиб келган эканлар. Мир Араб шарофати билан Шайбонийлар сулоласи Ўрта Осиёда 40 йилдан зиёд ҳукмронлик килган.

Мир Араб хижрий 928 йили вафот этади ва мадрасанинг чап томонидаги ҳужралардан бирида дағн этилади. Кейинчалик ҳазратнинг ёқлари остига ва олдиларига Убайдуллахоннинг ўз васиятига кўра ўзи, фарзандлари ва набиралари қўйилган. Саганалар орасида Мир Арабнинг шогирди Убайдуллахоннинг саганаси ажралиб туради.

Мир Араб мадрасасининг қурилиши куёви Шайх Закариё томонидан давом эттирилган, унинг бежирим ва бетакрор архитектураси жуда ҳам нафис ва салобатли бўлиб, ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида барпо этилган. 1530-1536 йилларда бунёд этилган Мир Араб мадрасаси шаҳарнинг марказий кисмида қурилган. Мадраса 25-30 йил давомида қурилган деган тахминлар бор. Ушбу мадраса Масжиди Калон ва Минораи Калон билан биргаликда Бухоро шаҳрининг чиройли архитектура ансамблини ташкил килади. Мадраса қурилишига Убайдулла-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

хон маблагини сарфлаган.

Мадрасанинг умумий тархи 68,5x51,8 метр, ховли 35,4x31,3 метр, дарсхона 8x8 метрни ташкил этади. Ҳовлиси тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофини олди равокли, икки ошёнли 114 хужра ўраб туради. Ҳужралар сони Куръонн Каримдаги сураларга ишорадир. Томонлар ўртасидаги тўрт баланд пештокли дарсхона - айвон ховли маҳобатини оширади. Тузилиши жихатидан накшинкор жанубий пештокнинг дастлабки киёфаси сакланиб колган, бу накшларнинг таркибий кисмида юлдузсимон безаклар учрайди. Ундаги безакларнинг сакланиб колган айрим парчаларидан накшлар гоят нафис ва нозик бўлғанлигини билиш мумкин. Ривоятларга кўра, мадраса асосн чукур килиниб, тоғ тошлари билан мустаҳкамланган, кор, ёмғир сувини кочириш учун тазарлар ишланган, улар орқали сувлар шахар қўргонидан ташқарига чиқарилган. Мадрасада Ўрта Осиё диний мактабларн қурилишига хос анъанавий лойиҳа ва мужассамот ўз ифодасини топган.

Мадрасанинг баланд пештоклари ва гумбазлари бўлиб, шимолий гумбази ярим кошни билан қопланган, жанубий гумбази эса безатилмаган. Панелларн ранг-баранг кошин билан, деворлари ва шипи ўймакор, ганч билан безатилган. Мадрасага ҳашаматли баланд пештоқдан кирилган. Мадрасанинг режаси ва ундаги бинолар худди Улугбек мадрасасидагидек жойлаштирилган. Мадрасани безашда, асосан ок, сарик, яшил ранглардан унумли фойдаланилган. Мадраса ҳовлисининг чор атрофи икки каватли ҳужралар билан ўралган. Ҳозирги пайтда пештокнинг юкори кисми, асосий фасаднинг бутун шимолий каноти тикланган, гумбазларнинг курилмалари ва ховли аркаларн мустаҳкамланган. Мадраса ташки томонидан икки каватли қўринисада, аслида тўрт каватдан иборат. Тўртбурчак шаклида курилган бўлиб, ички томони конуссимон дерезачалар орқали ёритилган. Мадраса биноси тўртта пештоқдан иборат. Айтишларича, Мир Арабнинг ўзи бир кечада мадраса пештоки тархини чизиб берган экан. Ҳаттоқи у кишининг рухлари жанинатга бориб, ўша ердан нусха олиб келган, деб ривоятлар келтирилади. Мир Араб мадрасаси пештоқлари баланд килиб қурилиши астроно-

мик кузатишларни олиб бориш имконини берган. Мадрасанинг ёгоч дарвозаси ҳам ўта нафис ва ҳашамдор. Унда Ҳаттот Мирали Фатҳободий — Бухорийнинг ушбу форсий китъасини ўкиш мумкин: “Мир Араб фахри Ажам онки кард — Мадрасаи олии бас бул ажаб. Бул ажаб он аст ки тарихи у: Мадрасаи олии Мир Араб”.

Мир Араб мадрасасида диний фанлар билан биргаликда дунёвни фанлар ҳам ўқитилган. Ҳусусан: тибиёт, илми нужум (астрономия), мантиқ, ҳаттотлик ва бошка билимлар ҳакида сабок берилган. Талабалардан Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” китобини ёд олиш талаб этилган. Талабалар ўз билимларини ошириб бориб мударрис, охун ва аълам даражасига ҳам етиб борганлар. Мадрасани битириш олдидан талабалар Арк майдонида Наврӯз байрами вактида имтиҳон топширганлар. Имтиҳондан яхши ва аъло даражада ўтган талабаларга: “Сиз энди олим бўлдингиз”, - деб амирлик томонидан “даҳяқ” – 120 кумуш танга мукофот берилган.

Мир Араб мадрасасидаги масжид ўртacha 100-150 кишига мўлжалланган. Унинг XVI асрга оид беш асрлик тарихга эга минбари кандақорликнинг ноёб ва бежирим сирларини ўзида уйгуналаштирган юксак санъат асари хисобланади. Мадрасада минглаб китобларга эга кутубхона ишлаб турган. Ҳозир ҳам кўплаб қадимий китоблар сакланиб келинмоқда. Ўз даврида Мир Араб мадрасаси нафакат Марказий Осиё, балки Шарқ оламида яккаю ягона бўлган илм маскани, диний олий ўкув юрти эди.

Мир Араб мадрасасининг вакфномасида қайд этилишича, бу ердан жуда ҳам кўп олим ва уламолар етишиб чиккан. Улар орасида Россия муфтийлари кенгаши раиси Равил Гайнутдин, Татаристон Республикаси муфтийси Талгат Тожуддин, Озарбайжон муфтийси Оллошукур Подшозода бор. Замонамизнинг машҳур уламоларн шайх Абдулғани Абдуллаев, шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, устоз ҳожи Абдулғофур Рассоков ҳам шу мадрасанинг талабалари эдилар. Бугунги кунда Мир Араб мадрасаси Тошкент Ислом университети, Мадинадаги Ислом Университети, Кохирадаги ал-Азҳар Университети ва бошка бир канча олий ўкув юртлари билан якиндан ҳамкорлик алокаларини олиб бормоқда.

ШАЙХУЛОЛАМ ЁХУД САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ

Шайх Сайфиддин Боҳарзий улуг уламо булиб, у кишининг шарофатлари билан минглаб инсонлар ҳак ўулуга кирсан ҳамда ислом дини тараққий этиб, ўзининг юксак чуққисига эришган. Шу туфайли ул зотининг буюк хизматлари ўтироф этитиб Шайх-ул-олам, шаҳримизга жса “Бухоройи шариф” уйвони берилади. Ҳозирда Ҳазратининг зиёратгоҳтари Бухоронинг шимоли-шарқий қисмида, Фатхобод даҳасида жойлашган булиб, сутим ва мұтабиар гушага айланган.

Бухоро илм ахлининг тафаккур чироги асрлар мобайнода Шарқ халкларини юксак маънавий комиллик руҳида тарбиялашдек хайрли ишга хизмат килиб келган. Ана шундай буюк зотлардан бири Шайх Сайфиддин Боҳарзийдир.

Сайфиддин Боҳарзий XII асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1190 йилда Хурросон вилоятининг Боҳарз (Эроннинг шимолий шарки) мавзеида туғилгаи. Кубравийлик диний сўфийлнк таълимотларни тарғиб килиш учун Шайх Нажмиддин Кубро маслаҳати билан таҳминан 1218-1219 йилларда Бухорога келади. Абдураҳмон Жомийнинг ёзиича, Боҳарзий диний илмларда ноёб муваффакиятларга эришгандан сўнг, у бироз Ҳоразмда яшаб, сўнг Бухорога ноиб килиб юборилади. Бу давр Бухоронинг энг мураккаб, ўлкамиз тарихининг аянчли пайтларига тўғри келади. Чингизхон босқинидан сўнг шаҳар аёвсиз таланган, ярим аср давомида Бухоро харобага айланади. Сайфиддин Боҳарзий мӯгуллар зулмн даврида Бухорода кариб 40 йил яшайди ва юкори даражали лавозимда ишлайди. Бу инсоннинг шарофати билан халқнинг ўз шаҳрига бўлган меҳр-муҳаббати жуда кучайиб боради ва Бухоро яна қайта тикланади. Шаҳарнинг кўркам миноралари яна карвонлар учун маёқ вазифасини давом эттиради, улкан биноларнинг мовий гумбазларн бир-бири билан хусн талашади.

Сайфиддин Боҳарзий мӯгулларга карши чикиб, уларни мусулмончиликни кабул килишлари ва исломни улкан давлат динига айлантиришларига даъват этади. Мӯгул ҳукмдорларидан бири Сайфиддин Боҳарзийга карши 1700 нафар қушин тортиб келади. Шайх душманга карата бир олмани отганларида бир неча аскарларнинг боши танасидан жудо булиб ерга тушганлигини кўрган мӯгуллар бу улуғ зот кароматпешаликлари га тан бериб, исломни қабул килган. Маълумотларга кўра, Сайфиддин Боҳарзий Олтин Ўрда хонига мактуб йўллаб, агар улкан салтанатни осойишталик билан бошқаришни истаса, мӯгуллар исломни қабул килишлари, бошка үлкаларда ҳам мусулмонникини жорий килишни маслаҳат берган. Мӯгул ҳукмдори Беркахон Шайх ҳазратлари хузурига совға-салом билан ташриф буюриб, муридликни қабул килади. Шайх ҳазратлари шарафига хонако, масжид ва мадраса барпо этилишига фармон беради. Шундай килиб, Сайфиддин Боҳарзийнинг буюк хизматлари билан бир томчи ҳам қон тўкмай, миллионлаб инсонлар ҳак йўлига етиши, ислом улкан бир давлат фукароларининг расмий динига айланшига эришилади. Бундан хабар топган Араб халифаси Сайфиддин Боҳарзий ҳазратларига Шайх-ул-олам (Оlam шайхи) унвонини, Бухорога эса "Шарнф" ("Муқаддас шахар") макомини бериш тўғрисида ёрлик юборади ва Бухоро "шариф" унвонига сазовор бўлган учинчн шахар булиб колади. Ўша пайтда мусулмон дунёсида ислом вужудга келган Куддус бундай сифатлашга муносиб топилган эди, холос. Мана шу муқаддас ном Бухорони Шарифни деярли минг йилдан бўён бало-қазолардан асрар, ҳар кандай оғатдан кейин қайта тикланишига кафолат бўлмокда.

Ҳазрат 1261 йилда Фатхобод кишилогида (кейинчалик шахарга кўшилган) вафот этадилар. Шайхулоламнинг вафотларидан кейин ҳам мӯгул ҳукмдорлари ҳазратнинг муриди булиб колаверадилар. Кейинчалик, ҳатто Бухоро амирлари ҳам таҳтага ўтиришлари заҳоти биринчи навбатда Шайх Сайфиддин Боҳарзий қабрини зиёрат килишган.

XII-XIV асрларда мұльтабар авлиё қабри устига макбара курилган. Бизгача сакланиб қолган Боҳарзий макбараси эса XIV асрнинг иккинчи ярмида, унинг улкан портали анча кейинрок курилган. Макбара ўз шаклининг улканлиги билан, тузилиши-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

нинг маҳобати, месъморий гоясининг аниклини билан кишини ўзига жалб килади. Дунёда хали бунака жозибадор мақбарани учратмадим деб ёзади сайёҳ олим Ибн Баттута ўз эсдаликларида. Уни X асрдаги ёдгорликлар билан таққослагандаги месъморчилигини миз тараккиёти ривожини кузатамиз. Бу Сомоний мақбарасига ўхшаган бир камерали мақбара эмас, балки мураккаб режали мақбарадир. Зиёратгоҳда дарчалар бўлиб, улардан бинога текис, ёкимли ёргулар таралиб туради. Мақбара қабр тошидаги безаклар, араб ёзувлари ўрта асрларда ёғоч ўймакорлигининг нодир нусхасидир. Зиёратгоҳнинг ўрнашган жойи хозирда Фатхобод деб аталади. Бунда ҳам рамзий мано мужассам. “Фатх”-босиб олинган, яъни босиб олинган ерларни кайта обод этган Боҳарзийга ишорадир.

Шўролар даврида бу жойлар вайрон килинган. XIII асрда Ҳазратнинг кабрлари устига кўйилган ёғоч ўймакорлик намунаси саналмиш бебаҳо лавҳа ўғирланган. Шунингдек, нодир ашёлар билан бир каторда Шайх Сайфиддин Боҳарзийнинг бошлири ҳам Рус хукуматининг марказига олиб кетилган.

Вакт мақбарани ҳам аямади. Йиллар синоати ўз таъсирини курсатиб, деворларнинг гиштлари аста-секин нурай бошлайди. XX асрнинг олтмишинчи йилларида бу ерда бироз таъмирлаш ишлари олиб борилди. Том мустахкамланиб, ёдгорлик деворлари янгиланган. Аммо табиий оғат яъни 1976 йил Бухородаги кучли ер силкиниши оқибатида гумбаз батамом ҳаробага айланади.

Мустакилликка эришганимиздан сўнг шаҳардаги барча муқаддас ёдгорликлар рестоврация килиниб, асл ҳолига кайтарилади. Шу каторида Сайфиддин Боҳарзий месъморий мажмуасида ҳам 1995 йилда таъмирлаш ишлари олиб борилали. Гумбаз кайта ўрнатилди. Кум остида қолган кабрлар очилиб, тозаланди. Зиёратгоҳ ёнида минора бапро этилди. Икки йил мобайнида (2007-2009) таникли месъмор уста Музаффар томонидан куриб битказилди. Мажмуа атрофинга плиткалар ётқизилди. Бухоро шаҳар ҳокимлигининг саъй-харакатлари билан эски битум ишлаб чиқариш корхонаси ёпилди, темир йўллари олинади. Атрофидаги шу пайтгача сакланиб қолган кабрлар олинниб,

Ҳазрати Имом кабристонига кўчирилади. Макбаранинг 195 кв.м худуди катта боғга айлантирилади.

Макбара ичиди жами 11 та қабр булиб, икки ўғил Жамолиддин Мухаммад ва Мазхариддин Мутаххир, невараси Абу Муфахир Яхъё ва эваралари Хованд Бурғониддин, Рухиддин шайх Довуд ва бошқаларнинг кабрларидан иборат. Кунлардан бирида Вилоят ҳокимлиги ходимлари макбарани ўрганиш чогида бир тош бехосдан қабрнинг ичига думалаб тушиб кетади. У ердан эшитилган овоз оркали кабрларнинг ичи сувдан тўлганлиги аниқланади. Кабрларнинг барчасини зах ва намдан муҳофазалаш максадида ишлар амалга оширилди. Энг катта савоб ишлардан бири 2000 йилда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ҳазратнинг Санкт-Петербургга олиб кетилган бошининг келтирилиб, ўз жойига қўйилиши ва руҳининг тинч ором олиши учун хайрли ишлар амалга оширилишидир.

Халк ижодининг нодир асарларидан бўлган макбарани Бухоролик усталар ва Ўзбекистон ёдгорликларни таъмирлаш ва консервациялаш маҳсус илмий-тадқикот институти олимлари бузилишдан куткаришга киришдилар. Ёдгорликни мустаҳкамлаш ва қайта тиклаш лойиҳаси тузилди.

Бухоро маҳсус илмий ишлаб чиқариш устахонаси бу муҳим ишни таъмирловчилар авлодидан бўлган уста Азим Ҳайитов бошлиқ бригадага топширди. Бригада аъзоларидан Камол Отаев, Ҳусайн Нажмиддинов, Умид Ҳабибов ва бошка қадимги ёдгорликларни таъмирловчилар бинонинг деворларини мустаҳкамладилар. Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан бу зиёратгоҳ таъмирланди, атрофи янада ободонлаштирилди. Зиёратгоҳ хонақоси ва масжиди учун нафис биллур кандиллар инъом этилди.

Бугунги кунда масжидда 300 га яқин киши намоз ўкиш имкониятига эга. Жума кунлари 600 дан ортиқ, байрамларда эса 1000 га яқин инсонларни ўз бағрига ола олади.

Сайфиддин Боҳарзий макбараси хашаматлиги ва улугворлиги билан шахримиздаги бошка обидалардан алоҳнда ажралиб туради. Мажмууда бунданда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, халқимизнинг маънавий меросига айлантирилади.

БАЁНҚУЛИХОННИНГ ОЛМОС КЎЗЛИ МАҚБАРАСИ

Чигатой улуси хонларидан ҳисобланган Баёнқулихон номи билди ататувчи мақбарани мугул меъморчиларининг бор ютуқлари, ранглар жиёносини узида музжасам этган мукаммал санъат асари дейши мумкин. Меъморий ёдгорлик деворларининг тулиқ нақши ва беzaқлар билан қопланганлиги, қимматбахо тошлиар билан зеб берилганлиги Ўрта Осиёда Шоҳизинда ансамбли ва айни шу мақбарарада яққолт акс этган.

XIV аср меъморчилигининг ноёб намунаси саналган хашамдор мақбара шайхул олам Сайфиддин Боҳарзий кабри якинида Чигатой улуси хони Баёнқулихон кабри устига курилган. Бино шайхул олам мақбрасининг ўнг томонида, ундан бироз узокрокда курилиб, гуёки шайхнинг оёклари томонидан жой олгандек. Мақбара ўзининг ҳажми жиҳатдан машҳур шайх мақбрасидан анча фарқ килиб, бу эса шайхга муриднинг хурматини билдиради. Бинолар курилиши даври орасида қарийб юз йил фарқ бор. Улар ягона меъморчилик мавзусини ривожлантириб, тузилиши бўйича бир-бирига ўхшаш бўлса-да, бирок бадиий талқини бошқачадир. Бинолардаги ўхшашлик гаройиб. Сайфиддин Боҳарзий гўрхонасида ёғоч ўймакорлиги намунаси ажойиб “тош” Баёнқулихон мақбрасидаги ёғоч ўймакорлиги намуналарига ўхшалиги тасодифий эмас, уларнинг бир замонда яратилганлиги, бир замонга тегишлилиги кўриниб туради.

Баёнқулихон 1358 йилда Самарканда бўлиб ўтган халк кўзголони вактида ўлдирилган. Унинг мақбраси унчалик катта бўлмасада, лекин Ўрта Осиёда ўзининг майда ўлчамлари ва архитектура-композицион жиҳатидан унга тенг келадиган мақбара топилмайди. Мақбара биноси мӯъжаз ва серҳашам. Айникиса, пештоки майда ва нафис нақшга, сиркор беzaқларга бой. Бухоронинг кўпгина тарихий архитектура ёдгорликлари

ри орасида Баёнкулихон макбараси ўзининг меъморлик композицияси ҳамда чиройли кошиналари билан ажралиб туради. Макбаранинг саккиз метрлик пешток фасади уймакор чиройли сопол билан копланган. Тўрт метрли пешток равогида ёзув сирли сопол териш йўли билан бажарилган. Макбаранинг асосий киришдаги пешток аркасида 18 та олмос тошли кўзлар кадалган бўлиб, у ёдгорликка зеб бериб турган. Мазкур кимматбаҳо тошнинг хусусияти шундаки, у кун буйи күёш нурини ўзига тортиб, кечалари шуъла мисол таратиб турган. Аммо мазкур мўъжизакор хилқат жангу жадаллар даврида ковлаб олиниб ўгиrlаб кетилган. Ҳозир ўйик ковак шаклида бўлиб қолган жойлари ўша гавхарларнинг зебо ўринлари эди.

Макбаранинг композицияси XI - XII асрларда курилган иншоотларга ўхшайди, лекин унинг деворларига берилган кошинкор безаклар бинони XIV асрда курилган биноларга ўхшатади.

Композицион томондан караганда Баёнкулихон макбараси аввалги макбарага нисбатан анча мукаммаллаштирилган, такомиллашган. Боҳарзий макбарасида уч архитектура ҳажми мавжуд, булар – пешток, зиёратхона гумбази ва гурхона гумбазидир. Улар бир-бирига ёпишиб тургандек. Уларнинг композицион бирлигини ана шу уч ҳажм бирлаштиради. Баёнкулихон макбарасида эса муштараклик тўла мужассамлашган. Бош фасад силлик портали сал баландга ўрнатилган, у унча баланд бўлмаган деворлар канотлари билан органик боғланган, улар табиийки, ён томондаги фасадларнинг деворлари билан қушилиб кетган. Ўзининг ҳажми билан Боҳарзий макбарасидан анча кичик бўлган Баёнкулихон макбараси монументал, ташқаридан йирнк бинодек бўлиб кўринади. Бу усталарнинг моҳирлик билан бутун нарсалар майда деталлар билан аник қўшилганлиги маҳорати натижасидир. Бино ташки томонидаги гиштин безаклар дикқатни тортади. Макбара ичкариси феруза ранг билан зийнатлангани ташкарисидан ҳам аъён бўлиб туради. Гиштлар орасида феруза рангли саккиз ракамнга ўхшаш шакллар кўйиб чиқилган. Сирли шакл ўша давр меъморчилигини ёки мухим рамзни билдиришига шубҳа йўқ.

Шариф шаҳар ёдгорликлари

Бир иеча зина кўтарилиб, мақбаранинг кадимий ёғоч эшиклидан ичкарига кирган киши феруза рангнинг жозибасию накшлар гулдастасидан ҳайратда колади. Мақбаранинг ичи икки алоҳида хоналардан – зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Зиёратхонанинг хажми гўрхонадан анча каттарок. Гўрхонага ёруғлик тепасидаги кенглиги 55 сантиметр бўлган туйнукдан тушиб турди. Гўрхонадан чиқилганда иккита торгина долончага кирасиз. Долон мақбаранинг калин ён деворига ишланган бўлиб у зинага тақалади. Зиналар билан мақбара томига чикиш мумкин.

Айтиш жоизки, вакт ва табиатнинг таъсири билан мақбара деворларида биринчи марта терилган гиштлар ҳозиргача факат гарбий ва шимолий фасадларининг изораларида сакланиб колган, холос. Мақбаранинг ажойиб, кўркам, нафис безаклари гумбаз, саккизёклик ва унинг асоси-мураббанинг ички деворларига берилган. Деворларида ложувард, феруза, оқ рангли, ислимий ва гирих накшли ўймакор сопол парчиллари ишланган.

Мақбаранинг панел орнаментларининг геометрик асоси - гирих нодирликлари одам назарини ўзига тортади, чунки бизгача етиб келган архитектура ёдгорликларида бунга ўхшаш нусха - гирих учратилмайди.

Мақбаранинг мурабба асоси пастак гумбазни кўтариб турган саккизёклик айланадан иборат. Мақбаранинг мурабба деворлари чиройли ўсимликнусха орнамент ва мураккаб тенг бурчакли паннолар билан копланган. Ички бурчакларининг юқори кисмига шинам безак берилиб, унинг пастки кисмida мукарнас ишлатилган. Мавзолей равок безаклардан иборат. Равок безаклар Ўрта Осиё архитектурасининг илк услублари булиб, улар Исмоил Сомоний (IX-X асрлар) ва бошқа архитектура ёдгорликларида учрайди.

Мақбара ичкариси полдан гумбаз учигача безаклар билан пардоzlанган. Ҳар бир панорамада алоҳида-алоҳида безаклар ишланган. Айниksa, гумбаз остидаги 20 га яқин саккизбурчак шаклидаги йирик безаклар ўта жозибалидир. Унинг пастида эса трапеция ва учбурчак шаклида декорациялар давом этган. Деворнинг тўрт томонида ҳам 8 та ажойиб аркали накшлар ишланган

бўлиб, бир-бирига параллеллиги билан эътиборни тортади. Ҳар бир арка атрофида хукмдорни васф этувчи хикматли фикрлар битилган. Орнаментлар шу кадар нозиклик ва аниклик билан терилганки, мъеморларнинг сабрига койил колмасликнинг иложи йўқ. Макбара деворларидағи декорация шу кадар мафтункоркн, хон макбарасини беzaшда минглаб мохир уста мъеморларнинг кули текканидан гувоҳлик беради. Соатлаб томоша қилинсада, безаклардан зерикмайди киши, аксинча эстетик завк олиб, хурсандчилиги ошаверади. Разм соганинг сайин янгидан янги мӯъжизалар, сиру синоатлар кўзга кўринаверади. Мана беш аср ўтибдики, безаклардаги яркироқлик, жилокорлик ўчмаган.

Баёнкулихон макбараси ичкарнисида туриб, яна бир сирли мӯъжизанинг гувоҳи бўласиз. Эшик табакалари ёпилгандан сўнг хона коронгулашадию, аммо тўрдаги кабр устида ёпилган заррин кабрпуш устидан нур таралади. Гўрхона шифтидаги туйнукдан тушган куёш нури унга таъсир этиб, хушманзарни хосил килади. Шунингдек, накшу нигорларнинг жилвакор жилоланишининг ҳам шоҳиди бўласиз. Ажиб шула хона накшларига жон баҳш этгандек гўё.

Макбара мъеморий кўринишидаги уйғунликка асосий сабаб декорациянинг ички ва ташки безатилишидаги ҳамоҳангликдир. Уларни безатишда асосан кошинлар ишлатилган. Бу билан бирга уста энг асосийси олдинги фасадни безатувчи расмларни зич ва мураккаб жойлаштирган, пештоқ аркаси ва унинг безакларини эса соддарок ишлаган.

Кўп асрлар мобайнида вакт ўзининг шикаст етказувчи изларини бу ёдгорликка ҳам колдириди. Макбара деворлари безакларининг аксарияти Бухоро бошига ёgilган турли оғатлар натижасида вайрон бўлди. Ҳозир макбаранинг ҳар жойида безаклар сакланиб колган холос.

Мустакиллик йилларда Баёнкулихон макбараси кайтадан асл ҳолица қадимиyllигича таъмнрланиб, нисбатан неча аср олдинги ҳолатига кайтарилди. Макбара атрофида янги хиёбон ва боғлар яратилди. Баёнкулихон макбараси сирли ошёни илгариgidай яна Бухоро меҳмонлари назарини ўзига тортмокда.

УЛУГБЕКНИНГ ИЛМ МАСКАНИ

“Билим олиши ҳар бир мусулмон ғрекк ва аёл учун фарздири”. Мана етти асрки, Улугбек мадрасаси пештоқида ираб тишида битилган ушибу ҳадис ҳанузгача инсониятни илму маърифатга чорлиб, “дунёда илмдин боиқа најсот йўқ ва бўлмагай” деган ҳаётий ҳикматни ифодаламоқди. Диний ва дунёвий фанлар ўйгуни равшида олиб борилиб. Шарқда етакчи илмий муассиса номи билан донг таратган Мирзо Улугбек мадрасаси бугунги кунгача филакиёт илми султонининг илм машъяласи бўлиб кетмоқда.

Мирзо Улугбек 1411 йилда Мовароуннахр тахтига чикиб, мамлакатда 36 йил ҳукмронлик килган бўлсада, аммо шу даврларда, ҳатто темурийзодага салбий муносабатда бўлган тарихчиларнинг таъкидлашича, мамлакатда бирорта ҳам ҳалқ кўзголони бўлмаган, ҳарбий харакатлар деярли тўхтатилган, иқтисод ва маданият ривожлана борган. Ҳарбий ишлардан кўра илму фанни хуш кўрган Улугбек маданиятни янада тараккий этириш максадида мадрасалар куришга алоҳида эътибор берган. Шарқнинг маънавият учоги саналган Бухорода Улугбек биринчи мадрасасини қурдирганилиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Мирзо Улугбек томонидан курилган учта мадрасаларнинг энг кадимийси хисобланган мазкур илм даргоҳи 1417 йилда барпо этилган. Мадраса ўша давр энг яхши бинокорлари ва қули гул усталари Нажмиддин Бухорий ва Исмоил бинни Тоҳир бинни Маҳмуд Исфаҳонийлар томонидан курилган.

Мадраса тўғрибурчакли икки қаватли бино бўлиб ҳовли ва кириш дарвозасидан иборат. Икки қаватли бинонинг ўртаси кошинкор баланд пештокдан, канотлари эса “гулдаста” - буржлар билан тугаган. Миёнсарой йўлаги эса иккига булиниб бири дарсхонага, иккинчиси масжидга олиб келади. Миёнсарой йўлаги би-

лан хужралари равоклар билан ўралган чорсудан ховлига чикиш мумкин. Ҳовлининг пойгоҳи ва пешгоҳи пештоқли айвон билан ажралиб туради. Мадраса архитектура шаклининг соддалиги кўзга ташланиб туради. Талабалар икки қаватли хужралардан иборат ёткxоналарда яшаганлар. Бинонинг иккинчи қаватида кутубхона жойлаштирилган.

Мадрасанинг архитектураси ва унинг безатилиши диккатга сазовордир, чунки бинонинг деворлари, айвон ва бошка кисмлари буюк астроном-олим Улуғбекнинг чизмалари асосида коинотнинг сирли кошинлари билан безатилган. Шунингдек, мадраса астрал характерга эга бўлган орнамент (накшлар) билан безатилган бўлиб, улар Улуғбекнинг астроном сифатида дунёкарашини ифодалайдилар. Биринчи қарашдаёқ мадраса ўзининг ажойиб гармонияси билан кишини маҳлиё килади. Кейинрок Марказий Осиёда мадрасалар худди шу нусхада курила бошланганлиги маълум.

Равокли пештоқдан миёнсарой орқали ховлига ўтаркансиз, миёнсарой ички гумбази 12 киррали, ғиштдан тўрсимон шакл килиниб, ораларига кўк ва ҳаво ранг кошин терилганлигини кўрасиз. Ҳовли 26×25 м бўлиб, атрофини 2 қаватли хужралар катори ва пештоқли 2 айвон эгаллаган. Ҳовлининг шимолий ва жанубий томонлари кискарок кўринишга эга бўлиб, деворлари, равок ва пештоклари оқ, феруза ва бинафша ранг сиркор гиштлар билан пардозланган.

Мадрасанинг ўзи унча катта бўлмай, $53 \times 41,6$ м ни ташкил этиб, хужралари мўъжаз, ўзаро муттаносиб, ички ва ташки тузилиши кишини ҳайратлантиради. Мадрасанинг масжиди $15,5 \times 5,5$ м, дарсхона эса $5,5 \times 5,5$ м дир.

Мадрасани кузатиш, ёзувларида жо бўлган фикрларни укиш жуда марокли. Таъкидлаш жоизки, бинода яна бир қалом «Китоб дурданаларидан баҳраманд бўлган одамларга Аллоҳ Таоло раҳмат эшигини очгай» деган сўзлар ҳам бор. Улуғбекнинг фикрича, мадраса маорифнинг ҳакиқий үчоғи бўлмоги керак.

Шариф шаҳар ёдгорликлари

Таникли тарихчи В.В.Бартольд ўзининг “Улугбек ва унинг замони” китобида кайд этишича, “Восифийнинг баён этишича, Улугбек мадрасасининг биринчи мударриси килиб мавлоно Мухаммад Ҳавафийни тайинлаган. Қурилиш нийоясига якинлашганда Улугбекдан мадрасанинг мударриси ким бўлишини сўраганларида у: “Ҳамма фанлардан хабардор бўлган киши бўлади” деб жавоб кайтарган. Шу ерда ифлос кийимда, «гиштлар ўюмида» ўтирган мавлоно Мухаммад Улугбекнинг сўзларини эшигач, ўзининг мударрисликка тайинланиш хукукига эга эканлигини айтади. Улугбек у билан савол-жавоб килади, унинг донишмандлигига ишонч хосил килгач ва уни ҳаммомга олиб бориб, ювинтириб, яхши либос кийинтириши буюради. Мадрасанинг очилиш кунида мавлоно Мухаммад Ҳавафий мударрис сифатида вааз ўқииди, унда 90 олим катнашган эди.

Мадрасада таълими борасида рус сайдхларидан И.Ханиковнинг хабар беришича, унда таълим олиш ун беш йилдан йигирма йилгача чўзилган. 1841-1842 йилларда унда 80 хона бўлган. Талабалар йилида 3,5 тилла олганлар. Машгулотлар ҳар кун куёш чикишидан то ботишигача давом этган (жума ва се-шанба кунларидан ташкари). Мадрасани битирғанлар орасида араб тили ва схоластик теология (илоҳиёт)ни яхши билганлар кўп эди. Дарслар эркин шаклда ўтилар, талаба истаган мударрисдан сабок олиш хукукига эга эди. Дарсларнинг кўпчилиги савол-жавоб шаклида ўтарди. Эътиборлиси, Абдураззок Самаркандийнинг хабар килишича, Улугбек мадрасасига келиб илм олувчи талабаларга моддий рағбатлантириш максадида инъомлар улашилган.

Йиллар ва замонлар оша мадрасада таъмирлаш ишлари олиб борилган. 1586 йилда Абдуллахон II даврида Ҳўжа Саъд Жўйборий томонидан ташки пештоги ва ёнларидаги хужралар таъмир этилиб, пешток безагида майда ёзувли ва накшли кошин ишлатилган. Ҳовли гарбидаги хужра тепасида ганчкорн безак-

лар орасида таъмирловчи уста И smoил ибн Тоҳир ибн Махмуд Исфаҳоний номи сақланган.

Улуғбек мадрасаси XVI-XVII асрларда, 1950—70 ва 1990—96 йилларда таъмирланган.

Бетакрор санъат обидаси ўрта асрларда Ўрта Осиё минтакасидаги давлатларда курилаётган ўкув-юртларининг бинолари учун намуна бўлган.

Хозирги кунда мадрасада “Хаттотлик санъати тарихи” музейн фаолият кўрсатмокда. Экспозициялардан эпиграфик ёзувлар, чойжўш ва чойнак расмлари солинган сопол лаганлар, шохкоса парчалари, куфий ёзувли кўзалар, қаламдон ва мойчинроқ, нодир кўлёзма кисмлари ва бошқалар ўрин олган.

Якин кунларда Мирзо Улуғбек мадрасасида нодир китоблар кутубхонаси очилиши режалаштирилган. Не ажабки, буюк олим Улуғбекнинг маърифат маскани яна Бухоро ахлининг илм ирфон масканию, донишмандлар хонасига айланса.



ХЎЖА ЗАЙНИДИННИНГ ЗИЙНАТ ХОНАҚОСИ

Мозийининг мұғжизавиј марвариди, бүглур діно, нурла нақылтар жиғоси, нозик наққошларине нағис нигори. Меморчилікниң энг сара жиҳатлари ва мұкаммалтікни узда жо этган мазкур таърифлар ҳамма обидага ҳам құттанилавермайды. Аммо, Бухоронинг Пойи Калон ансамблі яқинида ҳамда шаҳир жанубий-гарбий қисмининг зич үй-жойлы маҳаллалар ичида Хўжа Зайнiddин масжид-хонақоси борки, у айни юқоридағи мактобларга мес ва хос тарихий иншоотдир.

Хўжа Зайнiddин 1465-1480 йилларда Бухорода қозикалон лавозимида ишлаган, масжид-хонақоси эса унинг бошчилигіда шу гузарда истикомат килган Имом ал-Бухорий шарафига уста Мир Дустумбий томонидан бапро этилган. XVI асрнинг биринчи ярмиға оид бўлган меъморий ёдгорлик икки кўча кесишиган ерда бунёд этилган. Уннинг курилиши 1550 йилда ниҳоясига етган. Узининг композияси ва лойиҳаланиши жиҳатидан гузар масжидлари турига қўшилса-да, аммо яшайдиган хоналари бўлганлиги учун хонако, яъни дарвиш-каландарларнинг яшайдиган жойлар каторига киради. Шариат коидаларига мувофик масжидга кўмиш ман этилса-да, Хўжа Зайнiddиннинг қабри хонаконинг жанубий томонидаги равоклардан бирига қўйилган. Масжидга мўлжаллаб курилган бинонинг пештоқгумбазли катта хонасидан ташкари бешта кичик хужралари бўлиб, унга икки томондан айвонлар туташган. Хонакодан уч томондаги жами еттига икки табакали ёғоч эшиклар оркали кучага чиқилади. Шунингдек, бинонинг жанубий фасади ўзига чуқур токчани олган бўлиб, у бу ерга келувчи кишиларни кабул килади, уларни сояли йўлаклардан масжид ичкарасига бошлайди.

Бутун гузарни безаб турувчи масжид-хонако ўша жойнинг жамоат ва диний маркази эканлиги билан аҳамиятлидир.

Хонако эшикларидан ташкарига чикарканыз, Минораи Калон, Калон масжиди ҳамда Арк қалъа деворлари кафтдек намоён бўлади. Иншоотга алоҳида кўрк ва салобат баҳш этиб турган шимоли-шаркий ёғоч айвон эътиборингизни тортади. Баландлиги 7 метрли айвон шифти ва текис томини 8 та безакли ёғоч устунлар кутариб туради. Устунларнинг бари қулрангли мармар тагкурсиларга мустаҳкамланган. Шифт токили, юлдузсимон 7 ховузакларга бўлинниб, ҳандасий нақшлар билан жозибадор бе-затилган. Ундаги безаклар Боло Ҳовуз масжиди ва Ситорай Моҳи Хосса саройидаги айвонларга ўхшаб кетади. Шаркий томондаги марказий кисмида юлдузсимон ховзак ишланниб, мукарнаслар билан безалган. Юлдузсимон шаклдаги ховзакнинг ўн икки бурчигидан йирикроқ ёғоч таҳтачалардан бўрттириб ишланган геометрик нақшлар тарқалган. Ҳовзак юлдузсимон мукарнаслар ёрдамида безалган карниз билан якунланиб, ёnlари шарафалар билан безалган. Айвоннинг бурчак кисми ҳам серҳашам безалиб, юлдузсимон мукарнаслар билан тўлдирилган иккита олти киррали ховзак ишланган. Айвоннинг деворларнга ганч ишлатилган бўлиб, ок рангли девор ва айвоннинг кошинкорлиги усталарнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Бизгача этиб келган айвоннинг ҳарили шифт ва томи XVI асрга хос бўлган ёғоч ҳарилар ва текис томлар конструкциясининг ажойиб намунасидир. Шаркий томондаги иккита асосий устун юзарок ўйма геометрик нақш билан безалиб, юкори кисми мадоҳил нақшли кош билан якунланган. Бинода монументал мъеморчиликнинг классик шакллари халқ ёдгорлик мъеморлиги шакллари билан уйғунлашиб, бирлашиб кетган. Айвон кенг гумбазли бўлмага олиб келади. Бўлмани ички кисми ноёб ҳаворангли кошинлар билан копланиб, нақшинкор гумбаз билан тугалланган.

Атрофи ҳарсанг мармартошлар билан мустаҳкамланган пешайвон ҳовлиси ҳовузга караган. Масжиднинг жанубний-шаркий томонида жойлашган ҳовуз Бухородаги энг қадимиј сув ин-

шоотлари дандир. Ҳовузнинг кирғоклари мармар тошлар билан копланган. Маҳалла аҳолиси шу ҳовуз сувини истеъмол килган. Чеккалари бир оз кесилиб ишланган ҳовузга икки томонидаги маҳсус 10 га яқин мармар зиналар орқали тушилади. Пилла-поянинг сўнггиси, яъни туби ёгочлар билан мустаҳкамланган. Ҳовузга сув шаҳарнинг Шоҳруд канали орқали оғзини ланг очиб турган аждаҳо кўринишидаги ўймакор мармар сув қўйич (тарнов) орқали етиб келган. Тарнов Бухоро амири Олимхон замонида Газгон мармаридан маҳаллий усталар томонидан тайёрланган. Бу тўғрисида сув тарновнинг бир чеккасида сакланган ёзувдан ўкиш мумкин. Ҳовуздаги тарновда форс-тожик тилида настаълик хатида қуйидаги мисралар битилган: “Сайид Амир Олим Баҳодирхон давлатининг баракотидан унинг асрида ҳеч бир инсофсизлик, мурувватсизлик жорий бўлмаган. Амир Насрulloҳ күшбегининг саъй-ҳаракати ва ташабbusи билан бу мустаҳкам тошли бино ҳайрия тарикасида курилди. Одамларга маълум булиши учун унинг таъмир йилини акл эгаларидан сўрадим. Лутф ва валоят эгалари менинг жавобимга шундай дедилар: “Бу ҳайрлн иш жорий булиб, оламга хушхабар етди 1345/1926”. Ҳовуз асрий чинор, тут ва узум дараҳтларнинг соясида ястаниб ётади. Унинг атрофи бўйлаб эски уйлар булиб, пасткам эшиклари ҳовуз томонга караган. Сояли айвон ва тош плиталари билан ўраб олинган ҳовуз масжидни маҳалла билан боғлагани унинг ўзига хос хусусиятидир. Масжид ва ҳовузни олдинлари темир панжара ажратиб турарди. Ҳозирда унинг ўрнида эса 16 арка дерезачали гиштин накшинкор панжара мавжуд.

Меъморий ёдгорликнинг ҳайрат фалсафаси унинг ички бе-закларию, накшлар уйғунлигидадир. Девор пастидан гумбаз учигача зийнатланган безакларни кўриб ҳайратда колади киши. Хона ичкариси эшиклар юкорисидаги дерезалар ҳамда гумбаз остидаги тўртта бир-бирига параллел бўлган, жами 11 та даричалар орқали кучсиз ёритилган. Девор безаклари парчинкор накшлар билан бошланади. Мозаика панели, алоҳида тўғри бурчакли майдонларга бўлинган, улар геометрик шакллар билан

безатилган. Унда асосан, яшил, ҳаворанг, сарик ва оқ рангларидан унумли фойдаланилган. Юлдуз шаклдаги безаклар орасидаги гул накшлари ажойиб ишланган. Гиламга ўхшаш накш ва безаклар атрофини ўсимликсизмон накшлар ташкил этади. Кейинги деворий панорамада янада мураккаброк кизғиши гулли накшлар безаклар давом этади. Аммо, улар яхши сакланмаган. Ундаи юкорироқда нафис гуллар коллекциясининг намойиши бошлиниб, сизни ўзига мафтун этади. Сиркор парчинли изоралар тўғри тўртбурчакли намоёнларга бўлинган. Намоёнлар ўсимликсизмон накшлар ва геометрик безаклар билан тўлдирилган. Ундаги безаклар ранг-баранг учбурчак, бешкиррали ва юлдузсимон сирли парчинлардан иборатдир. Ўсимликсизмон композицияли намоёнлар зангори ва яшил ранг заминли шаклдор равоклар ёрдамида безалган. Равоклар юзасидаги чирмашган жимжимадор шохчалар ва япроқлар зарҳал билан ишланган. Ранг-баранг сирли парчинлар рангларининг шаффоғлиги ва равшанлиги билан ажралиб туради.

Параллел симметрияларни ҳосил килган аркалар ҳам ута ажойиб. Шунингдек, йирик аркалар остида иккитадан жами тўртта токчалар мавжуд. Таъкидлаш ўринлики, деворий накшлар яхши сакланмаган бўлса-да аммо колган излар, гул жойлари бетакрор санъат асари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Деворлар чиройли кундал усулидаги накшлар, геометрик шакллар ва изоралар билан ҳошияланган. Деворлардаги расмлар ҳозиргача ҳам аввалгидек ялтираб туради. Хона дерезалари аркали бўлиб, улар тепасида оятлар ва мукаддас калом кизғиши рангда битилган. Безакларнинг хар жойида чараклаб турган қуёш тасвирланган бўлиб, гүё масжид-хонакодаги гулбарглар шу офтоб тафтидан нур олаётгандек. Секин-аста гумбаз остига якинлашаверамиз. Хона шифтининг тўрт бурчагида кабарик шаклдаги гаройиб аркалар гумбаз гўзаллигини бир бутун этмоқда. Хона деворларидаги ушбу тахмонлар мукарнаслар тарзида ишлангани билан кишида кизикиш уйготади. Мукарнасли аркалар атрофини заррин камарлар безаб турибди. Бурчак аркаларининг иккитаси кизғиши рангда бўлиб, яна иккитаси ҳаворангда безатилган. Улар

Шариф шиҳар ёдгорликлари

атрофида очик ҳаворанг ромбик безаклар шаклан ва мазмунан мужассамлашиб борган. Хона салобати ва ҳашамдорлигининг тожи саналган гумбаз гўзаллиги ҳар қандай инсонни сеҳрлаб кушиши шубҳасиз. Гумбазнинг пастки учидаги айланга лента бўйлаб битилган эски ёзув ва мукаддас битиклар бежирим хаттотлик қуринишида. Хона гумбази мураккаб қалконсисмон бағаллар ёрдамида асосига таянган, гумбаз ичи 32 га булиниб, улар ҳалланган майдада гуллар билан безатилган, гумбазнинг куйи кисми эса мукарнаслар катори билан ҳоцияланган. Гумбаз, тахмонлар, меҳроб ва гарбий девордаги ёзувлар катори кундал усулида бажарилган. Гумбаз куйи атрофида кўкимтири накшлар бўлса-да, марказида учига интилаётган ўсимликсисмон накшлар ва гулбарглар гулдастаси акс этган. Чинни-олтин косанн эслатувчи гумбазга диккат билан разм соларкансиз, булатлар орасидан нур сочиб, чараклаётган куёш кўзга ташланади. Расм ҳозирда кирмизи ранг ва кўк рангда, аввал зарли ёки зарли фонда бўлган. Бир вактлар “кундал” техникаси билан ишланган таассуротни кичик ҳажмда бўлса-да бера олади. Аммо, ҳозир ҳам интеръернинг ҳаворанг-кўк ва сарғиш-қизғиши безатилиши кучли таъсир колдириб келмокда. Масжид гўзаллиги ва тароватини таърифлаб адогига етиб бўлмайди. У шунчалар инсон кўнглига пайвандки, ундан узоклашгинг сари яна бағрига кайтинг, хикматига кулок тутгинг келаверади.

Бугунги кунда мўъжизакор обидани келгуси авлодга бешикаст етказиш максадида унда таъмирлаш ишлари доимий олиб борилмокда. Айвон устунлари, хонако эшиклари уз жойида реставрация килинди. Ҳовлига кириш эшиклари ва долонлари янгидан курилди ва таъмирланди. Хонако ичкарисида сакланган накш изларини мавжудларига қараб тикиш, ҳовузда кенг таъмирлаш ишларини олиб бориш ва Ҳўжа Зайниддин қабрини таъмирлаш келажакда обидани сайёхлик йўналишига киритиб, тарихимизни янада тараннум этишга кўмаклашади. Ҳўжа Зайниддин масжиди XVI аср мейморларининг истеъдод ва маҳоратига қўйилган ёдгорлик экан, уни янада обод айлаб жавохир дурдонага айлантириш бизнинг аждодлар олдидаги карзнимиз.

АБДУЛАЗИЗХОН МАДРАСАСИ ГАРОЙИБОТЛАРИ

Отамда гаройиботлар ва мӯъжизалар жуда күп. Уларнинг ҳар бири яратилишида инсониятнинг моҳир қўлларию, тенгсиз тифаккури мужассам булиши ҳеч кимга сир ғас. Леонардо да Винчанинг Монастира асидаги минглаб сир-синоитлар, яширишган ажойиботлар ҳанузечи одамизодни ҳайратга солиб келмоқда. Бухорода ҳам моҳир меъморларнинг тенгсиз қобилияти, нуҳти тажрибалари асосида меҳробда ҳуқидор сийрати тасвирланган ана шундай санъат асарига Абдулазизхон мадрасасиди дуч кетасиз.

Кўш мадраса услубида қурилган Абдулазизхон мадрасаси Улугбек мадрасаси билан бирга ажойиб архитектура ансамблини ташкил этиб, бу каби композицияларн Бухорода камдан кам учратиш мумкин. Обида шаҳарнинг жанубий кисмida 1561-1562 йилларда Жоний ҳукмдорларидан Абдулазизхон ибн Надрмуҳаммадхон ибн Жонибекхон буйругига асосан меъмор Мимҳокон ибн Ҳўжа Муҳаммадамин томонидан барпо этилган.

XVI асрнинг энг моҳир меъмор усталари томонидан яратилган мадраса Бухоро меъморчилиги энг унумли ва равнак топган лаврига тўғри келади. Мадраса биносининг бадиий безак техникикаси ва услубида ҳашамдорлик ҳоллари хаддан ташкари авж олганлиги буни исботлайди.

Бино аслида ўкув юртини жойлаштириш учун қурилган. Мадрасанинг майдони 50x67 м бўлиб, ҳовли майдони 28x35 метрни ташкил этади. Икки каватли мадрасада жами 64 та ҳужра ўқиш ва дам олишга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир каватда 32 тадан ҳужра ўрнн олган. Иккинчи каватда ажойиб накшлар билан безатилган дарсхона мавжуд. Шунингдек, мадрасанинг гулдор гумбазлардан иборат бўлган кутубхонасн ҳам гаройиб бўлиб, рангбаранг накшларнинг гўзаллигини қайта-қайта томоша килиш инсон қалбига чексиз хузур бағищлайди.

Абдулазизхон мадрасасини ташки томондан томоша қилар экансиз, ганчкор бўртма нақшлар сизни ҳикматлар бўстонинг гарк этади. Иншоотнинг икки бурчагида б даричали минорачалар булиб, унинг гумбазида лайлак уялари бугунгacha сакланган. Мадрасага ҳикмат улашиб турган хосиятли кушлар инлари тақводор ҳукмдордан нажот излаётгандек, гўё. Илм маскани ташки сахнидаги иккита мармар тош ва узун йўлак ҳам ошиқаётган меҳмонларнн ҳукмдор саройи ва унинг сирли сийратининг томошасига олиб бориш учун хизмат килаётганга ухшайди.

Масжид, мадраса, умуман ҳалқ корига ярайдиган бино қурган инсоннинг номи умрбокий булади, дейди мўйсафедларимиз. Мадрасада ҳам обидани бунёд этган Бухоро меъмор ва курувчиларнинг номлари ўйиб ёзилган. Булар орасида бош меъмор Мухаммад Солих, хаттод Мухаммад Амин ва унинг ўғли, саркор Мим Ҳоконларнинг номлари хозиргача сакланиб келмокда.

Ёруглик соясининг жилватар ўйини

500 йиллик тарихга эга Абдулазизхон мадрасасининг ичкарисига кадам ранжида этарканси, чан томондаги сирли масжид сизни ўзига чорлайди. Сехрли нурлар билан уйқаш хона остонасидан 7 кадам узоклашиб, меҳробга диккат билан разм солинса, ҳукмдор Абдулазизхоннинг сурати аста-секинлик билан гавдалана бошлайди. Ривоят килишларича, Абдулазизхон олтинчи марта ҳажга жунаб, сафар чоғида унинг тушига бир нуроний кирибди. Мўйсафед хонга “Сен сафардан кайтганингдан сўнг Ватанингда шундай бир меъморий обида курдирки, у бокий ва фоний дунё ифодасини топсин. Асрлар оша ҳалқ ундан баҳраманд булиб, сени ёдга олсин”, - дебди.

Ҳукмдор унга амал килиб, мамлакатдаги сара усталарни жамлаб, обида куришни, деворий безаклар бир-биридан фарқланишини, энг асосийси, деворларнинг бирида ўз сиймоси акс этишини айтибди ва катъий талаб кўйибди. Маълумки, бу даврда инсон расмини чизиш ман этилган эди. Шунга карамай уста меъморлар бино куришга киришадилар. Иншоот курилишининг анча кисми якунланганда, Абдулазизхон бу ерга ташриф

буюриб, мадрасадаги ишлар билан танишибди. Ҳон ўнг тарафдаги хонага кириб, девор суратларини диккат билан кузатибди. Жанубий деворда илон ва чаёнлар сурати ишланган бўлиб, бу фоний дунёнинг машаккатлари ҳакида маълумот бераркан. Шимолий кисмида тасвиirlанган чизгилар эса фоний дунёнинг азоб уқубатларига бардош берадиган одамларга бокий дунёда жаннат эшиклари очикилигидан далолат бераркан. Ғарбий деворда ишланган иккита айик суврати эса мансаб ва бойлик Оллоҳ томонидан одамларни синааб кўриш учун берилишини англатса, шарқ кисмида тангрини ҳамиша ёд этиш ҳакидаги оятлар битилган. Абдулазизхон уста маҳоратини юксак баҳолабдию, аммо ўз суврати йўклигидан газабланибди. Шунда уста подшоҳни эшнкдан олиб чикиб, гарбий деворда чизилган меҳроб ичилаги бир даста гул тасвирига диккат билан қарашни сўрабди. Қараса, гул тасвирида ўзининг сиймоси турган эмиш. Шундан кейин, Абдулазизхон усталар мӯъжизасига тан бериб, умрбод ибодатга берилибди.

Уша пайтларда масжидда пешин намози тугагунгача, яъни куёш ўз йўналишини ўзгартиргунга кадар ҳукмдорнинг суврати кибла меҳробида намоён бўлиб турган. Ҳуддики, намозхонлар буюк зътиқод соҳиби Абдулазизхонга сажда килгандек, бамисоли. Сехрли синоат яширин масжидда ҳозирги кунда ҳам мазкур мӯъжизани томоша килиш мумкин. Пешин соат иккига кадар Абдулазизхоннинг салла ўраган оппок бош ва елкалари пайдо була бошлади. Айтишларича, сирли снйрат факат қалби пок инсонларга намоён бўлармиш. Бетакрор накшлар билан ишланган мафтункор ва мӯъжизакор хона ўта баланд ва ҳашамдор. Маҳобатли хонадаги ҳар бир накшинкор тасвиirlарда жонзорлар суратлари яширинган. Бу ердаги катибалар, уштургардон, изора, ирокий ва шарафаи оvezону ҳавзаклар ҳусну жамоли ҳатто олтин кўзгуда ҳам йўқ. Хонанинг энг юкори кисмида 4 та, турли бурчакларида яна 5 та, жами 9 дерезалар ўта аниклик билан нукталарда ўрнатилган бўлиб, улардан тушадиган куёш нури накшларни табиий жилолантириб турган. Бу эса куёш ботгунга кадар сехрли хонанинг сирли кашфиётларини томоша килиш имконини берган. Бухоронинг бошка обидаларида учрамайди-

Шариф шаҳар ёдгорликтари

ган ганчкор бўртма нақшларда товус, кушлар, оҳу, кийик, шунингдек, аждар бошининг акс эттирилганлиги ҳукмдорлик рамзларига ишора эканлигига шубҳа йўк. Шунингдек, Хитой Қакнусиу, Самандар кушлари нақшлар орасидан жонланиб, кўзга кўрингандек бўлади, гўё. Фаройиб масжид томошасидан сўнг, уни “кўринмас шаҳзода”, “яширн шоҳ” деб юритилиши бекорга эмаслигининг гувоҳи бўласиз.

Шунингдек, масжид ичиди насталиқ хатида байт ва устаннинг исми ёзилган: “Мавжудликни бокий деб кўрмаганимиз учун максадимиз ўзимиздан бир нақш колдириш. Ҳеч бўлмаса бир куни бир сохибдил инсон бу мискиннинг ҳолига раҳмат билан дуо килса, бас. Буни усто Нажафкули Қазвиний ёзди”.

Мадрасанинг очик ҳовлиси ҳам гаройиб. Тўртбурчак иншоотнинг ички пештокларининг чап ва ўнг томондагилари жуда улуғвор ва салобатли. Ҳовлини кузата туриб, бинонинг чап томони нақшлар билан зийнатлангану, ўнг томони эса оддий лой сувок билан колганлигини кўриш мумкин. Қайд этилишича, Абдулазизхон мадрасани безаш ишларини бошлаб, жуда катта маблагларни сарфлаган. Шоҳ 1681 йилда ҳажга жўнагандан сўнг, мадрасани таъмирлаш ишлари тўхтаб колган. Ҳоннинг вафотидан сўнг ҳам бинога зеб бериш ишини бирор ҳукмдор давом эттиргаган. Бино пойdevоридаги мармар тошлар ҳам жуда нақшинкор ва салобатли. Ҳовли ўртасида 16 метрли кудук бўлиб, у мадрасани доимий сув билан таъминлаш вазифасини ўтаган.

Чиллахонадаги чил мўъжиза

Мадрасанинг биринчи қават бурчагидаги бир ҳужрада чиллахона бўлиб, унда дардманлар, фарзанд талаблар ёки бирор-бир орзуманд кишилар 40 кун шу хонада тоат ибодатда бўлишган. Чиллахонага кириб, чил мўъжизанинг гувоҳи бўлдик. Ҳужра икки қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда дам олиш учун жой ҳамда ўчок ва қўза мавжуд. Иккинчи қаватга эса 5 та зина оркали кўтарилсангиз бежирим нақшлар билан ажойиб безатилган хонани кўрасиз. Бу қават ибодат қилиш учун бўлиб, хона ўртасида сандали ҳам мавжуд. Хона шифти аркали бўлиб, гулли нақшлардан унумли фойдаланилган. Параллел икки томонда уч қаватли токчалар бўлиб, ҳар бир томонда уларнинг сони 20 та.

Уларда китоблар ва бошка жиҳозлар сакланган. Одди ганчкор накшли панжара билан ёпилган хонанинг ҳар бир гулида рамзий ишора бордек. Накшларда кӯза, ундан юкорнга караб барк урган гуллар тасвири сизни мафтун этади. Турда икки ён томонда кичик меҳроблар бўлиб, ибодат учун кўйилганлигига шубха йўқ. Ҳар икки канотдаги жами 8 та деворий аркалардаги накшлар бежирим ва нафис бўлиб, ундан кўз узолмаслигингиз аник. Ранглар ҳам 5 асрдан бўён бир хил сакланган.

Маълумотларга караганда, мадрасада симсиз телефон ўтказилган бўлиб, барча бинолар оркали керамик қувурлар маҳорат билан деворлар ўртасида ўрнатилган экан. Уларнинг акустик ва овоз кучайтирувчи жиҳатлари мадрасанинг ҳар бир хонасидан товушларни эшитиш имконини бериши ҳам мўъжиза.

Ўз даврида Абдулазизхон мадрасани энг нодир иншоотга, Бухоронинг ҳашаматли илмгоҳига айлантиришни ният қилганлиги шубҳасиз. Айтиш ўринлики, Собик тузум даврида бу ерда дориҳона, савдо расталари, омборхоналар, ҳарбий комиссариат жойлашган бўлиб, мадраса 1941-1942 йилларда 101-ўқчи дивизиясининг ётокхонаси сифатида хизмат килди. Бундан ташкири мадраса биносида иккинчи жаҳон уруши фронтига аскарлар жўнатишга тайёргарлик кўрилган. Ҳозир накшларда дарз кетиш бошланган. Зина ва хужралар жуда таъминалаб. Шаркнинг бетакрор мўъжизасидан келгуси авлодлар ҳам баҳра олади, деган умиддамиз.

Бугунги кунда мадрасада ёғоч үймакорлиги музейи фаолият кўрсатиб, экспонатлардан ҳасса, лавҳ, куттилар, шахмат тахталари, нақшинкор хонтахталар ва қадимий ёғоч эшиклар каби бошка ашёлар ўрин олган. Мадрасада хозирда 20 га якин хунармандлар фаолият кўрсатиб, хунармандчиликнинг турли соҳалари ривожига муносиб хисса қушиб келишмоқда.

Беш асрдан бўён инсониятни ҳайратга солиб келаётган Абдулазизхон мадрасасидаги сир-синоатлар, сеҳрли ғаройиботлар хукмдорни умрбокий агадиятга муҳрлadi. Таширif буюраётган меҳмонлар эса мадрасанинг мўъжизакор хилкатидан баҳра олиб, уста меймурлар заковатига тан бериб, “кўринмас шахзода”нн тилларда достон этишмоқда.

ШАРҚНИНГ ШОИИ ИПАКЛАР БОЗОРИ

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Бухоро узоқ вақт давомида нафакат маданийтлар ажмашинуви маскани, балки Шарқни гарб билан, Чинни Рум ўлкаси билан боғлаган дустлик ва савдо-тижорат шахри булиб келган. Муборак шаҳарни идора этган ҳар бир ҳуқидор уни Магрибу машриқининг латиф маскани, шунингдек, саводгарлар марказига айлантиришани ният қўлган. Мозийда буюк бунёдкор намо билан қўлган шайбоний Абдуллахон II инг амалга оширган мислииз меъморчилиги ҳам дунё аҳлиниң ҳайрату ҳавасига сабаб булиб келмоқда. Йирик савдо маҷмууси сифатида донг таратган Абдуллахон тими жа Шариф шаҳар жаҳоний шуҳратини оширган меъморчиликнинг подир намунасидир.

Тики Телпакфуруушон ва Тики Заргарон оралиғида токлар тоғи булиб салобат тўкиб турган Тими Абдуллахон 1577 йилда шайбоний ҳукмдор Абдуллахон II томонидан бунёд этилган. Уч аср давомида Шарқнинг ипак бозори сифатида шуҳрат козонган обиданинг курилишини шахсан ҳукмдорнинг ўзи назорат килганлиги унинг кўркам ва мафтункор бўлишига хизмат килган. Айтиш жоизки, Бухоронинг пойтахт шаҳар сифатида ги меъморчилиги, кад ростлаган савдо расталарию токлар, мадрасаю хонаколар айни Шайбонийлар сулоласи даврига түгри келади. Шаҳар киёфасини тубдан ўзгартириб юборган улкан курилишлар Бухорони ўрта асрларнинг ноёб шаҳрига айлантириди. Айникса, савдо-сотик ҳамда тижорат ривожига хисса қўшган йирик иншоот - Абдуллахон тими шариф шаҳарни оламга “мадинат ут-тужжор” – савдогарлар шахри сифатида машҳур айланлиги эътиборга молик.

Энг катта усти берк савдо раастаси ҳисобланган обида мурабба тархли булиб, 39x42 метрни ташкил этади. Пишиқ гиштдан

курилган (22x27x3,5 см) бинонинг деворлари танч сувокли, накшин безаклари эса деярли сакланмаган.

Обида гарбидаги уч дарвозали пештокнинг қай биридан кирманг, Шаркнинг жўшкун бозорлари, ахли уламонинг ғала гувурлари эшитилгандай, димогингизга ипак ва шойи матоларнинг эпкин шамоллари урилгандай бўлади гўё. Ранг-бараиг газламаларнинг сержило товланиши, сехрли маъвоси хаёлингизни бирдам эртаклар оламига сайр элтади. Нозик накшлар ила безатилган дарвозалардан ичкарига киаркансиз, йўлаклар тугри миёнсаройга олиб боради. Ўртадаги миёнсарой диаметри 10 метрлн баланд гумбаз билан ёпилган бўлиб, унга саккизёкли арконлар таянч бўлган. Арконлар орасидан ўтган пуштан равокларнинг бир-бирини кесиб ўтганлиги ажиб геометрияни хосил килган. Гумбаз остида сакланган кулранг накшларда эса арабий ёзувлар битилган. Миёнсаройнинг тўрт томонидан йўл кетган бўлиб, улар тимхонадаги 30 дан ортик дўконларни айланиш имконини беради. Дўконларнинг 4 таси кийимликлар, 4 таси гилам, 6 таси газмол ва бошка маҳсулотлар сотиладиган дўконлар бўлган.

Абдуллахоннинг ёпик бозорида яратилган имкониятларни кўриб, бундан олти аср олдин замонавий "гиппермаркетлар"ни ота боболаримиз ўйлаб топганлигига тасаннолар айтамиз. Тўрт бурчакдаги олти даричали куббачалардан тушган ёргулик бозорни тенг ёритган бўлса, ундан айланадиган шамол ҳавони муттасил алмаштириб, шунингдек, кондиционер вазифасини ўтаган. Айникса, туйнуклардан тушган куёш нурлари банорасу бекасам матоларни ял-ял "ёндириб" харидоргир килган бўлса, не ажаб.

Кўп гумбазли тим остидаги галереяларда катор савдо растлари жойлашган бўлиб, у ерда савдо килинган маҳсулотлар бутун Буюк инак йўли бўйлаб тарқалган. Шунинг учун халқаро бозорга айланган тимхонадан дўконни ижарага олиш осон кечмаган. Бунинг учун хар бир матофуруш Абдуллахон саройига катта микдорда ижара хакки бериши лозим бўлган.

Таъкидлаш ўринлиқн, Абдуллахон II мөймурчилик иншоотлари куришни давлатнинг устувор йўналиши деб белгилаган. Ривоят килинишича, Абдуллахон ҳар гал бирор мамлакатга юришга чишидан олдин, аскарларига кайтишда икки донадан гиштни хуржинига солиб келишни фармон берган. Сафардан кайтгач тўпланган гиштларни тўплаб, Бухорода бир нодир ёдгорликни – масжид, мадраса, карvonсарой ёки тимхонани барпо этган. Ҳукмдорнинг оқиллигию донишмандлиги таҳсинга лойик. Ҳакикатдан ҳам XVI аср Бухоро учун мөймурчилик ва ободлик асри бўлган, десак, асло муболага бўлмайди. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” ёхуд “Абдулланома” асарида келтирилган фикрлар ҳам бунинг яккол тасдигидир: “Доно мөймурлар ва забардаст бинокорлар яхши баҳт толеида ва кутли замонда жаннатга ўхшаган олий биноларни курдилар. Ҳар кун эрталаб ер куррасининг мөймори бўлган куёш ер юзидаги мамлакатларни обод килмок учун фалаклар деворига қадам кўйганда, устод, хунарманд ва мардикорлардан ҳар бири ўз ишида чакконлик ва маҳорат курсатар эди”.

Шариф Бухоронинг айни шу даврда дунё мамлакатлари билан савдо-сотик килиши учун барча тусиклар фозил ҳукмдор Абдуллахон томонидан олиб ташланган эди. Тижорат ишлари ривожи учун карвон йўллари таъмир этилди, савдо йўлларида қўрикчи аскарлар кўйилди, работу сардобалар кад ростлади. Ҳаттоқи, энг хавфли тошкайларда ҳам карвонларнинг хавф-хатарсиз дарёдан ўтишлари учун иккита йирик кўпприк қурилганлиги Бухоро савдогарларининг дунёга чиши, маҳсулотларининг дунё чеккасигача бориши учун яратилган тенгсиз имконият эди.

Абдуллахон томонидан давлатлараро савдо-иктисодий мунносабатлар истикболлари учун килинган саъй-харакатлар бе жизга эмаслигини тарихнинг ўзи кўрсатди. Бухоро савдогарларининг рус тадбиркорлари билан алокаси тобора юксала борди. Биргина 1558 йилда Иван Грозний ва Абдуллахон II нинг ўзаро элчилик алмашинувлари, Москва ва Бухорога юборилган

вакилларнинг икки томонлама хамкорликни кучайтиргани кўп вокели клардан дарак беради. Колаверса, бу даврда уч маротаба, яъни 1572, 1577 хамда 1585 йилларда Абдуллахон II ва бобурий хукмдор Ақбаршохларнинг элчилик алмашинувлари рўй бе-риб, Бобурийлар ва Бухоро хонлиги яқиндан хамкорликни йўлга кўйганлигини кўрсатади. Бу эса Бухоро бозорлари катори, Абдуллахон тимидағи савдо пештахталаридан Ҳинд юртининг но-дир буюмлари хам ўрин олганлигидан гувоҳлик беради.

Бугунги кунда Абдуллахон тимида тўкувчилар, гиламдузлар фаолият кўрсатиб, хунармандчиликнинг сирли жилосини на-моён этишмокда. Сехрли кўллардан яралган гиламларни томо-ша килиб туриб, афсоналардаги учар гиламлар хаёлингиздан бир-бир ўтади. Вакт машинаси ортга кайтсаю, сехрли гиламларда парвоз килиб, Тими Абдуллахоннинг файзли ошиёнидан баҳраманд бўлгингиз келади гохида. Аммо асрлар ўтса, насллар бойлиги бўлиб келаётган бетакрор обида Абдуллахонни абадий тарнхга муҳрлаб, Шариф Бухорони эса оламнинг тужжорлар марказига айлантириб, жаҳон пешайвонига чикариб қўйди.



МОДАРИХОН МАДРАСАСИ

Шарқ халқтаридан соҳиби давронглик қилган кўплаб ҳуқиқдорлар волидаи муҳимирамасини ўзозлаб, унга атаб гўзат боғлар, саройлар, жамоат биноатрини барпо этгани барчамики маълум. Бу орқали онасишинг намини тарихга абадийлаштириши, умрбоқиликка муҳрлашни ният қилгани шубҳасиз. Шайбоний Абдуллахонининг онасига ҳурмат эҳтирами рамзи сифатида бунёд этгип Модарихон мадрасаси ҳам ана шуидай багишлов обидаларидан биридир.

Бухоронинг кадимги Хиёбон мавзеида курилган Абдуллахон ва Модарихон мадрасалари Бухоро меъморчилигининг такрорланмас дугона типидаги обидаларидандир. Ўша даврда “Қуш” усулида курилган бинолар энг кучли таассурот колдирувчи анъанавий архитектура бинолари деб ҳисобланган. Абдуллахон ўз онасига шарафига 1566-1567 йилларда қурдирган Модарихон мадрасаси мана беш асрки меҳр ва муҳаббат рамзи, буюк зотга эҳтиром обидаси бўлиб келмоқда. Сарой тарихчиларидан бирининг йилномасида “унинг баланд пештоқлари ва баланд гумбазлари юкори ва пастки бинолар ва пойдеворлари настдан баландгача жуда мустаҳкам ишланган” - деб ёзилган. Ҳакикатдан ўта аник изчиллик асосида тайёрланган иншоот тархи ва унинг безаклари гаройиб.

Мадраса чорсу тархли 67x45 м бўлиб, ҳовли тўрт томони икки каватли ҳужралардан ташкил топган. Бош тарзида улкан пештоқ ва унинг икки ёнидаги икки каватли, олди равоқли уч киёмга ажратилган хоналар олди ҳандасий услубда кошинкори нақшлар билан безатилган. Бурчакларида сиркор гишталар билан нақшланган гулдасталар жойлашган. Мадраса олд кинсидаги пештоқи турли рангли гишт мозаика билан жуда бой безатилган. Улар ранг-баранг геометрик безакларни ташкил этади. Фасад-

нинг безатилишига турли хил майолик плиталари ишлатилганлиги, улар гулгунчаларга ўхшаб кетиши ажабтовур. Пештоқда асосан гулбарглар, нозик ва ўта белгили накшлар борки, гүё обида аёл кишига мансублигини ифодалаётгандек. Энг юкори кисмида парчинлардан тайёрланган ёзувлар бўлиб, айрим жойлари тушиб кетганлигини кўриш мумкин.

Мадрасанинг икки томонида тут дараҳтлари мавжуд бўлиб, худди улар маликага таъзим этиб, мозий баётидан шивирлаётгандек гүё. Бош тарзидаги эшикка рамз солсак. 500 йилдан ошган икки табакали ёғоч эшиклар ҳали ҳам мустаҳкам ва муҳташам. Эшик юкорисида арабий ёзувлар сакланган. Заррин зулфли эшикларни очиб, ичкарига кирав экансиз, шайбонийларнинг маърифат зиёси уфргандай бўлади. Кўкалдош, Абдулазизхон, Мир Араб мадрасаларидек, Модарихон мадрасасининг ховлисига ҳам миёнсаройнинг икки томонидан кирилади. Миёнсарой гумбази остида кўп бурчакли геометрик шаклларни кўриш мумкин, лекин улар буғунгача яхши сакланмаган.

Ховлининг тўрт томонидан иккинчи каватга олди ёғоч билан мустаҳкамланган 15 га якин зиннапоялар оркали чикилади. Юкори каватдаги хужраларнинг олди балконлардан ташкил топган. Иккинчи каватдан мадраса томига яна 10 та пиллапоя ёрдамида аркали узун тор долон билан кўтарилади. Балким подшоҳ волидаси шаҳар гузаллигини мана шу юкоридан туриб томоша килгандир.

Хоналарнинг ҳар бирида эшик ва унинг тепасида ганчкор кошинлар билан безатилган панжара мавжуд. Хужралардаги бу кенг саккизкиррали дерезалар ховлига каратилган бўлиб, хонага кўёш нурини етказиб турган. Бош тарзидаги миёнсарой, дарсхона ва масжид, ховли тўрининг икки бурчагида жойлашган хоналар чархи гумбаз билан копланган. Багаллари ганчдан тўрсимон шаклда ишланган. Тўрт тўгри бурчакли мадрасанинг ичкарисидаги ховли одатдагидек икки ёки тўрт айвон эмас, факат бир айвондан иборат. Ховли икки каватли аркада

ўраб олинган, уларнинг оркасида хужралар жойлашган. Модарихон мадрасаси девори курилмаси XVI аср Бухоро меъморлигига хос бўлиб, икки чеккаси пишик гиштдан терилган, уртаси эса синик гишт булаклари билан тўлдирилган.

Шаҳарнинг жуда “камтарин” биноларидан ҳисобланган Модарихон мадрасаси йўлга нисбатан бир оз бурилган ҳолда бўлиб, шу сабабли ансамблда аник симметрия йўклигини қузатиш мумкин.

XVI асрда Бухоронинг қадимий Хиёбон кўчасида қад ростлаган мазкур меъморий иншоотдан ўтган асрда ётокхона сифатида фойдаланилган.

Хозирда Мирдустим кўчасида жойлашган бу жой бундан олдин Сари пули ошуқон номи билан аталувчи мавзега карап эди. Уруш йилларида кўчириб келтирилганлар Модарихон мадрасаси хужраларига жойлаштирилган. Ҳар бир хужараада бир оила яшар эди. Кейинчалик 1970 йилларда шаҳарда янги кўп каватли уйлар курилиши натижасида одамлар мадрасадан кўчирила бошланди. Мадраса биноси 1997—1998 йилларда таъмирланган. Кошинлари ва парчин безаклари ўз холича мълум даражада тикланди. Обидани бундан кейин ҳам муҳофаза этиш мақсадида рестоврация ишларини олиб борнш мақсадга мувофик.

Ноёб архитектура кўринишига эга Модарихон мадрасаси сирли синоати, ҳаётий ҳикмати билан умрбокий яниб, зиёратчиларнинг обод қадамжосига айланиши мукаррар.

АБДУЛЛАХОННИНГ ОЛИЙ ИМОРАТ МАДРАСАСИ

Бухорода ҳуқирионлик қилган асариют ҳуқидорлар инг машҳур илм маскани ва муҳташам обидасига айлантиришига ҳаракат қилишган. Олийиморат мадрасалар қурилишида шахсан уллари шатирок этган. Ширқу гарбда машҳур таълим даргоҳи сифатида донг тирагин Абдуллахон мадрасаси ҳам замонасининг намдор таълим даргоҳи бўлиб, таърифи бўсунса қадар етиб келган.

Бухорода мадрасалар қурилишига катта эътибор каратилгани архитектуравий кўш, ансамбл обидаларнинг вужудга келишига асос бўлган. Мадрасалар аслида дугона, сегона шаклларда бунёд этилган. Модарихон мадрасасидан 23 йил ўтиб бапро этилган Абдуллахон мадрасаси ҳам ана шундай дугона ёки кўш услубдаги иншоотларданdir.

Шариф шаҳарнинг қадимги Хиёбон кўчаси ёхуд Сари пули ошикон номи билан юритиладиган мавзеда салобат тўкиб турган шайбоннй оламгир мадрасаси маҳобати, кўркамлиги ҳамда нуфузи жиҳатдан бошка обидалардан юкори турган. Ўрта Осиё меъморлигининг энг улугвор архитектура обидаларидан бири саналган мадраса қўш ансамблнинг шимолий кисмида жойлашган бўлиб, Абдуллахон томонидан 1588-1590 йилларда курдирилган.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шохий” асарида келтирилишича, Абдуллахон уламоларнинг мустаҳкам ўрни бўлган Бухоронинг ташки кальясида, шаҳарнинг гарб тарафида, Хиёбон кўчасида, Хон ҳаммоми каршисида хижрий 974 йилда тоқилари баланд, гумбазларн юкори ва икки қаватли, кўп хужралардан иборат бўлган олий мадраса қуришни буюрди.

Мадрасага диккат билан разм согланда унинг пештоқи Мо-

дариҳонга томон эгигрот килиб курилгани кўринади. Бунда ҳам рамзий маъно бор. Гарчанд, Абдуллахон буюк подшоҳ, унинг мадрасаси қанчалик сарбаланд бўлмасин барибир волидаи мухтарамаси олдида мудом таъзимда бўлади деган хикмат яши- ринган.

Абдуллахон мадрасасини бадиий жиҳатдан безашда, умуман бутун ансамблни яратишда янгиликлар киритилгани сезилади. Шунингдек, меъморнй обиданинг жозибадор безатилишига катта эътибор каратилгани кўриниб туради. Жуда киммат бўлган рангли мозаика ўрнига стандарт майолика плиткалардан фой- даланилган. Деворлар очик чокли кошинлар билан безатилган. Натижада расм жонли, ёркин, бадиийрок, аммо бироз хирарок чиккан. Аммо у мадрасанинг ташки кўринишига унчалик таъсир килмаган, чунки майолика расми узокдан ягона, рангли доғдек ажойиб кўриниши сирли санъат намоёнидир. Бино олд кисми баланд пештокининг баландлиги 45 аршин ($71,12 \text{ см} \times 45 = 32 \text{ м}$) келади. Фасаднинг йирик улчамлари ва жуда яхши безатил- ганлиги сабабли у тантанали кўринишга эга. Куёшли кунларда унинг кўк, яшил-кўкимтири, ок безаклари товланиб туради.

Мадрасанинг моҳир санъаткор кўли билан гоят мурракраб 10 йўлли гирих билан безатилган накшинкор ёғоч дарвозаси яра- тилган бўлиб, у майнин безаклар билан алоҳида бўлакчалардан бирорта михсиз ва елим ишлатмасдан бир-бирига жнпслашти- рилган. Мадрасанинг вестибиюли (катта даҳлизи) икки кисмли ховлига кириш жойига эга. Унинг бош гумбази 16 устунга ўрнатилган бўлиб, конструктив каркасни ташкил этади, кар- кас тозаланган (силликланган) гишт билан тўлдирилган. Устун- чаларнинг кобир-галарн гишт терилишига ўхшайди, унинг боғланиш жойларига эса кўк рангли (хаворанг) майолика иш- латилган. Гумбазда беш, саккиз ва ўн бурчакли юлдузчалар ша- клида ишланган безаклар мавжуд. Шунингдек, гумбаз четла- рида терракот ленталар бўлиб, улар кўк рангли майолик фон- да ишлатилган. Тўк кўк фонда ёркин тўрсимон безак жуда яхши

қўринади.

Обида Абдуллахон даври меъморлигининг етук намунаси бўлиб, Бухоро меъморчилигининг XVI асрда эришган барча ижодий ютукларини намойиш этган. Абдуллахон мадрасаси масжид ва дарсхонага, ховлиниң гарб томонида айвонига эга. Тузилиши одатдаги мадрасалардан анча фарқ қиласди. Ховли атрофини икки ошёнли 141 та хужралар ўраб турди. Ҳар икки томонида баланд пешток жойлашган. Пештоклар орқали ичкари хоналар ва хонакоҳга ўтилади. Мадрасанинг катта пештоқи жа-нубга караган. Пешток қанотлари ва гулдасталар сиркор безаклар билан пардоzlланган. Дарвозадан ўтиб, икки ёқдаги катта хоналар — дарсхона ва масжидга кирилади.

Таълим даргоҳида илмни чуқур эгаллаш масаласи энг устувор вазифа этиб белгиланган. Бино нақшу нигорларида “Илм шундай нарсаки, унга бутун умрингни бермагунингча, сенга ўзининг бир кисмини ҳам бермайди” ҳадисининг борлиги ҳам буни яккол ифодалайди.

Мадрасада яширинган мұъжизалардан яна бири ундағи меҳробидир. Курувчилар меҳробни Макка томонга қаратиб тайёрлаганлар. Уша давр үлчов асбоблари орқали кабатуллоҳ йұналишининг түгри ва аник танланганлиги таҳсинга лойик. Масжиднинг түгри бурчакли ховлисида баланд порталли тұрт айвон бор, улар кенг гишт мозаика “белбог”лар билан безатилған, порталлар устунлари юкори кисмлари ҳам безатилған. Бундан ташкари, айвон оркасида, гарбий томонда, ёпик ховли атрофида, бир неча хоналар мавжуд. Шу вактгача мадраса ичкарисида ёпик ховличалар қурилmas эди, демек, уларнинг қурилиши-махаллий курувчилар киритган янгиликлардан яна биридир.

Шайбоний хукмдор мадрасаси ҳамиша چарогон бўлган. Мадраса тұртта фонус билан ёритилған. Биринчи ва иккинчи каватларда саккизта фонус бўлиб, ҳар бир фонусда 16 мураббабъ хужра қурилған.

Абдуллахон мадрасаси ўз даврида йирик маърифат маркази хисобланган. Мадраса нуфузининг ошишида унга биринкетинлик билан мударрисликка тайинланган мавлоно Поянда, кози раис Садир, жаноб мавлоно Мулла Амирларнинг хизматлари катта бўлган.

Йирик мадрасаларда бўлгани каби Абдуллахон мадрасасининг ҳам ўз вакф маблаглари бўлган. Абдуллахон мадрасасининг вакф маблагини Фитрат 50 минг танга деб таъкидлайди. Вакф мулкидан тушган маблаг куйидагича тақсимланган. Энг аввало, маблаг мадраса биносини доимий равишда таъмирлаб боришига сарфланган. Колган маблагнинг бешдан бир кисми икки нафар мударрисга иш ҳаки сифатида берилган. Вакф мулкини бошқарувчига (мутаваллига) колган маблагнинг 20 дан бир кисми ажратилган. Шунингдек, мадрасада номонга йилига 200 кумуш танга, муаззинга 100 танга, навбат билан хизмат килган уч нафар фаррошнинг ҳар бирига 60 танга, масжидни ёритишга (шам, чирок учун) 24 танга, намат ва бўйра сотиб олиш учун 60 танга сарфланган. Нихоят, юкоридагилардан колган маблаг мадраса талабалари уртасида тақсимланган.

Шундай килиб, хон ва модарихон обидаларидан иборат кўш мадраса ансамбли Бухорода катта меъморчилик курилишининг янги боскичи хисобланадики, у юксак бадиийликни саклаш билан бирга, янги иктисадий изланишлар даври маҳсули ҳамdir. Кадимги меъморлар бу масалани муваффакиятли ҳал кила олганлар. Кўш мадрасанинг улуғвор иншооти саналган Абдуллахон мадрасаси курилганига бир неча асрлар бўлибдикি, шакл чизикларнинг баркарорлиги, нақшларининг гузаллиги ва рангларининг ўчмаслиги билан бундан кейин ҳам гузаллик шинавандаларини ўзига ром этиб келаверади.

ТОҚИ ЗАРГАРОННИНГ ЗАРРИН ТУҲФАСИ

“Бухоро қум гардиши олмос ўлкаси булади ва шарқ мамлакатлари уртасида энг кузга куринарли ўринни ҳаллайди, - деб юртимиз ҳақида фахр билан ёзган ўзи машхур можар оғими Ҳерман Вамбери. Бу мақтоВтар айни шаҳарнинг бой савдо тизкорат чорраҳаси саналган Тоқи Заргаронга берилгии бўлса не ажад. Кадимийлик ҳикматига йўғрилган савдо чорраҳаси бугун ҳам сирти сиёатини намоён этиб, сийёҳу савдогарларнинг ошно маскани бўлиб келмоқда.

XVI асрда шаҳарнинг гавжум маскани ва чорраҳа кисмида курилган заргарлар токи - заргарлик буюмлари сотиш учун мўлжалланган савдо маркази ҳисобланган. Бино гумбази араблар босқинига қадар курилган деб тахмин килинсада, Восифийнинг XVI аср бошларида ёзган асарида Бухоро чорсуси сифатида тилга олинади.

Пойи Калон мажмуасидан шарқда жойлашган Токи заргарон усти ёпик бозорларнинг бошланиш ва кириш жойи эканлиги билан эътиборлидир. Токи заргарон Улугбек мадрасаси ёнида, кадимги шаҳристон маркази — икки катта кӯча кесишган чорраҳа устини коплаб туради. Бино асосан, XV асрда курилган бўлсада, аммо, XVI асрда тўла тўқис таъмирланган. Токнинг улкан гумбази саккизта токига ўрнатилганлиги билан атрофдаги тим ва бозорлардан ажralиб туради. Бош гумбаз квадрат пойдевори саккизта устунларга таянган, уларнинг пасти эса худди кўпкиррали ногорага ўхшайди. Унинг тархи $45,4 \times 43,5$ м, баландлиги 16,7 м бўлиб, гумбазининг асос айланаси 14 м ни ташкил этади. Пойгумбази кўп киррали, ундаги 16 та дарча оркали бино ичига ёруғлик тушиб туради. Токи Заргароннинг устига ёпилган меридионал кобилларига эга бўлган баҳайбат гумбаз унга улугворлик баҳш этаётир. Гумбаз атрофида квадрат шакли-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ни ҳосил килювчи дўкон ва устахоналар курилган бўлиб, ушбу дўконлар гумбази баландлиги 5-7 метрdir. Бу усулда курилган кенг дўкон ва устахоналарда ёзги иссикда оромбахш салкинни таъминлаш мумкин. Утмишда унинг долонларида 36 та заргарлик устахонаси ва дўконлари фаолият юритган. Заргарлар махсус чукур хужраларда ўзларнинг унчалик мураккаб бўлмаган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан ишлаганлар.

Савдо иншооти атрофига савдо расталари, омбор, карвонсаройлар курилган. Токнинг устахоналарида катта маҳорат билан ишлайдиган кўли гул заргарлар авлоддан авлодга нозик асбоблар билан нафис узук ва зираклар, курол-аслаҳага ажойиб гардиш ва безаклар, уйма муҳрлар ва бошка хотин-кизлар тақинчоқларини ясар эдилар. Бухоро заргарлари яратган хилма-хил тақинчоқлар – билакузук, зирак, узук, попук ва тиллақошлар факат Бухорадигина эмас, балки бошка юртларда ҳам манзур бўлғанлиги ушбу касб соҳибларининг нозик техникани эгаллаб олганликларидан далолат беради.

Бино ўзининг қадимги номи – Токи Заргаронни саклаб қолган. Бу улкан гумбазли бино кенг серқатновли кўча, дўкон ва устахоналар галереяларини бирлаштиради. Заргарлар ўз олтин-буюмлари ва маҳсулотлари билан фаол савдо-сотик килишган. Качонлардир бу ер қадими Шаҳристоннинг гавжум ва сершовкин маркази бўлган. Савдо расталарига атроф кишлок ва якин дашт кишилари, чет эл савдогарлари: хиндлар, форслар, араблар, турклар, хитойлар, кейинрок руслар, шунингдек, Фарбий Европа мамлакатларининг савдогарлари келишарди. Олиб келинган моллар орасида Кашмир рўмоллари, Хитой шойиси, араб жойнамозлари, Миср зарбоф газламалари, нафис ҳинд матолари, Тибетнинг хушбўй зираворлари, духобанинг алоҳида турлари ажралиб турган.

Токи Заргаронда умумий овкатланиш учун ажратилган жойларда нон, сомса, иссик таомлар тайёрлаб сотилган. Бундан ташкари, бозорларда ҳукмдор фармонлари эълон килинган,

гуноҳкорлар жазоланиб, интизом чоралари олиб борилган. Ҳалк байрамлари, подшохнинг оиласи тантаналари, унинг зафарли юришлардан кайтиши. элчиларнинг ташрифи куни хам ушбу савдо мажмуалари гавжум бўлган. Мазкур кунларда шаҳарликлар бозор деворларида гиламлар осиб безатишган ва байрамона тарзда кийинишган. Демак, савдо токи факат тижорат ва ҳунармандчилик маркази бўлмасдан, иш билармон ва тадбиркор кишилар учрашув жойи, донишларнинг мулокот маскани, умуман, маданий марказ эканлиги маълум бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жой ҳайит кунлари, амир ва унинг зодагонлари ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд зиёратига бораётганда одамлар билан гавжум бўлиб кетарди. Агар Токи заргарондан ўтиб шарқка томон юрсангиз чапда Мирзо Улугбек мадрасаси, ўнгда XVI асрда курилган Абулазизхон мадрасасини кўрасиз. Турт томонли Токи Заргарондан ўнгга – жануб томонга караб юрсангиз бош йўлдан ўтишда, чап кўлда чет эл моллари билан савдо-сотик килувчи Тими Абдуллохонга дуч келасиз.

Токи Заргарон Бухородаги токиларнинг жамланмаси марказида жойлашгани иншоотга ўзига хос кўрк бағишлиланган.

Эски шаҳар шаҳристонининг Регистондан Лаби ҳовузгача борадиган чорраҳаларида курилган савдо токиларнинг хар бирида Шайбонийлар сулоласининг бунёдкорлигию савдо-тижоратга ҳомийлиги кўзга ташланади. Бухородаги тўртта энг йирик савдо иншоотларининг бири ҳисобланган Токи заргаронда хам нафакат ички савдо, балки ташки ҳалқаро савдони амалга ошириш учун барча шароитлар мухайё этилган. Бу эса ўз навбатида Бухоронинг тижоратчилар маркази, савдогарлар шаҳри дея шуҳрат топишига асос бўлган.

ТЕЛПАКФУРУШЛАР ТОҚИ

Бухородаги савдо чоррахаларининг иккинчси саналади. Тоқи Телпакфурушон ўзининг куриши техникиси, мураккаб архитектураси, шаҳарнинг гавжум марказида жойлашганини билан ўтиборлиидир. Мазкур мақола ҳам айни телпакфурушлар тоқининг заррин саҳифасида мухризиган бой тарихи ва фаолиятидан сўзлаиди.

Токи Саррофоннинг эртакмонанд тафсилотларини якунлаб, қадимги ҳаммомлар ва Мағоки Атторон масжиди орасидан оралаб юраркансиз, савдо чоррахалариннинг иккинчи занжири хисобланган Тоқи Телпакфурушонга кўзингиз тушади. Бино атрофидаги катор карвонсаройлар, масжидлар, айникса, 2005 йилда курилган, қадимги меъморчилик анъаналарини ўзида жо этган тўрт юлдузли ҳашаматли – “Бухоро-Азия” замонавий меҳмонхонаси бино меъморий манзарасига жуда ажойиб тарзда уйгуналашиб кетган.

1570-1571 йилларда барпо этилган савдо чоррахаси бош кийимлар тайёрлаш ва сотишга мўлжалланган гумбазли бино саналади. Вакф хужжатларига кўра, иншоот турли томонлардан келиб туташган беш кўчанинг кесишган жойида курилган. Тоқи Телпакфурушон номи замонлар ўтиши билан унда сотилаётган етакчи маҳсулотга асосан ўзгариб борган. Масалан, ток илгарилари Чоҳарсуйи Оҳанин деб юритилган бўлиб, кейин Тоқи Китобфурушон ва Тоқи Ҳожа Муҳаммад Паррон каби номлар билан машҳур бўлган. Ундан сўнг Чоҳорсуйи Анорфурушон, кейинчалик Тоқи Ордфурушон ва Тоқи Аллофи деб аталган.

Бухородаги бозорларнинг ўзига хос жихати шундаки, унда факат маълум турдаги белгиланган маҳсулотлар савдоси йўлга кўйилган. Чет мамлакатлардан келган савдогар, элчи, савдо вакиллари ва сайёхлар ҳар бир маҳсулотнинг алоҳида жойларда сотилишининг бундай тизимидан ҳар вақт завкланишарди.

Сайёхлардан бири ўз хотираларида “Бухорода хар бир хунармандчилик ўз жойига ва ўз бозорига эга” деб ёзган эди.

Меъморий ёдгорлик бошка токларга нисбатан кенглиги, хашамдорлиги, кўчаларга олиб чикадиган узун йулаклари билан чинакам Шарк бозорини акс эттирган. Токи Телпакфурушон бошка токларга ўхшаб чорраҳага курилган, лекин бу ерда кўчалар мунтазам бурчаклар хосил килиб эмас, балки кесишиб ўтган. Токи Телпакфурушон кесишиб ўтган бешта кўчани ажо-йиб буришлар килиб мунтазам олти ёкли шаклдаги хонада бирлаштирган. Токнинг бош гумбази олти киррали девор устига ўрнатилган булиб, атрофи — кўча, кўчалардан кириш кисмлари эса кичик гумбазчалар билан ёпилган. Айникса, Токи Телпакфурушон ўзининг Абдуллахон тимиға ва бошка кўчаларга олиб борадиган гумбазларн билан машҳурдир.

Гумбаз диаметри 38 м, зал шифти эса 10 м, савдо кўчасининг сакланиб колган майдони 28 м, кўча кенглиги 14 метрни ташкил этади. Бино ўн икки киррали ёруглик фонусида унча баланд бўлмаган даричали гумбаз билан ёпилган. Курилманинг уланувчи олтига устун ўртасидан мохир усталар йўллар ўтказишган.

Ўтмишда токи телакфурушон гумбази остида бош кийим ва китоб сотувчи муковасоз усталарнинг дўконлари булиб, кизгин савдо-сотик амалга оширилган. Курилма айланасида омборлари бўлган галерея курилган. Бир вактларда эса бу ерда ажо-йиб телпаклар, зар дўппилар ва бошка бош кийимлари сотилган. Телпакфурушон токнинг салмокли гумбазлари ичидаги дўконларда тарихи асрлар ичра кўмилган ва кайта тирилаётган Бухоро хунармандчилик санъати маҳсулотлари билан савдо қилинади. Икки четида дўкон ва устахоналар жойлашган кўчалар, одатда, бозор бошига - чорсуға кўшилиб кетарди. Бозор атрофида истикомат килувчи ахолининг каттагина кисми маълум даражада бозорнинг савдо – ишлаб чиқариш ҳаётига жалб бўлган.

Тоқдан Абдуллахон тими томон чиқаркансиз, ўнг кўлда XVI

Шариф шаҳар ёдгорликлари

асрдан бери узлуксиз ишлаб келаётган — Ҳаммоми бозори корд – Пичоклар бозори ҳаммомини кўрасиз. Бу ҳаммом 500 йилдан бери узлуксиз ишляяпти. Ҳаммомга кириш Сизни кўп дардлардан холос киласи. Сизни хурмату эхтиром билан авлод-авлоди шу касб эгаси бўлган ходимлар қарши олиб, киздирилган тошларга ёткизиб укалайдилар. Суяқ оғрикларингиз бўлса кутиласиз. Шунда ўзингизни кайта туғилгандай енгил хис киласиз. Ҳаммомнинг рўпарасида ота-боболари темирчилик касбини улуглаб келган Усто Шокирнинг Бухоро темирчилик музей-устахонасини кўрасиз. Бу хурматли зот Бухоро хунармандчилик санъатини дунёнинг кўп мамлакатларига ўзининг кўргазмалари билан тағриб килган моҳир темирчи устадир.

Токи Телпакфурушон нафакат савдо-сотик маркази, бозор иншооти, балки муқаддас жойлардан биридир. Сабаби, ток гумбази остидаги бурчакларнинг бирида миршабларнинг пири Ҳазрат Ҳожа Мухаммади Паррон кабри жойлашган.

Таъкидлаш ўринлики, қадим Бухоро шаҳри савдо йўлининг кок марказидан ўрин олган савдо чоррахаси икки томондан Токи Заргарон ҳамда Токи Саррофондан келадиган сайёху савдогарлар, мусофири харидорларни ўз бағрига олган. Токни томоша киларкансиз, унинг бир йўлагидан Заргарон токиу Тими Абдуллахон, яна бир томонидан эса Токи Саррофон кафтдек намоён бўлади.

Бугун Токи телпакфурушон сайёху зиёратчилар билан гавжум. XVI асрнинг мўъжаз обидаси мана беш асрки барчани тарих тилсимотларидан викиф этмоқда.

САРРОФЛАР ЧОРСУСИ

Бухоронинг оригинал монументал архитектура-ларидан бири бу XVI асрда бапро этилган савдо чорраҳалари бўлиб, у ўзининг гаройиблиги билан шаҳар меҳмонлари эътиборини жалб этилоқда. Шарқ давлатларининг биронта ҳам шаҳрида учрамайдиган савдо рас-талари Тоқи Заргарон, Абдуллоҳон тими, Тоқи Телпак-фурӯшон ва Тоқи Саррофон Бухоронинг асосий савдо чорраҳалари кесишган жойида бўлиб, «тоқи» гумбаз тами-ли бир қучадан бошқа қучага ўтиладиган катта бозор би-носи маъносини ифодалайди.

Ток араб тилидан олинган бўлиб, бино ва иншоотларнинг ярим шарсимон килиб ишланган томи, гумбаз остидаги растани билдиради. Ўрта аср Ўрта Осиё шаҳарларидаги тўрт равокли гумбазли мазкур иншоотда асосий савдо зали, катор савдо рас-талари ҳамда ҳунармандлар устахонаси бўлиб, улар шаҳар мар-кази, чорраҳа ва чорсуларида бунёд этилган. Токи саррофон эса форсча саррофлар – пул алмаштирувчилар раастаси бўлиб, валюта алмаштирувчилар бу жойда савдо ва судхўрлик битимлари, валюта операцияларини, “банкир” саррофлар эса даллолликла-рини килишган. Улар ўз сандикчаларига эга бўлиб, турли мам-лакатларнинг пулларини алмаштириш ва судхўрлик операция-лари билан шугулланган.

Шунингдек, Буюк ипак йўли орқали узок Хитой, Арабистон, Ҳиндистон, Эрон мамлакатларидан келган савдогарлар ҳам мана шу ерда ўз давлатлари пулини Бухоро тангасига алмашиб, савдо-сотик килишган. Бир вактлар Токи Саррафон гумбази ости оппок салла ўраган бухоролик, заррин ковушли хинду, бе-лига албатта зуннор (ип) боғлаган яхудий, бошида қизил қалпок кўндирган туркиялик, европача кийинган бошқа кишилар билан гавжум бўларди.

Шариф шаҳир ёдгорликлари

Токи Саррофон ажойиб архитектурага эга бўлиб, у меъморлик жихатидаи бетакрордир. Курилмадабир-бириин кесиб ўтувчи аркалар гумбазнинг ўзига киритилган бўлиб, кичик фоиусга қадар кискартирилган. Курилмада масжид, дўконлар, ҳаммом миёнсарой мавжуд. Пишик гиштдан терилган равокларнинг ички ва ташки томонлари рельеф билан белгиланган. Равоклар тагидан ўтадиган йўллар Бухоронинг асосий жойлари Лаби Ҳовуз ва Регистонга олиб боради. Токи Саррофон қадимий Шоҳруд ариғи устида жойлашган. Шоҳруд Шахристоннинг жанубий томонида, ўрта асрлардаги работнинг Регистон йўли бирлашган жойидан окиб, арикнинг баъзи бир кисмлари кўча остида қолиб кетган.

Шахристоннинг икки кўчаси кесишган жойда, қадимги Шоҳруд ариғи устида саррофларнинг дўконлари курилган. Бино саккиз киррали тархи 25x24м бўлиб, гумбазининг ички диаметри 12 м, ташки гумбазининг баландлиги 16,5 метрdir. Токи устига ўрнатилган иншоот шахарнинг жанубидаги чорраҳа устини беркитиб туради. XVI асрнинг иккинчи ярмида залнинг тўрт кесик бурчакларидан бирига масжид, бошқасига Саррофон ҳаммоми, колган иккитасига саррофон дўконлари келиб туташган. Масjidга кираверишда “Бу курилиш 1534—1535 йиллари Убайдулла Баҳодирхон подшолиги даврида якунланди” деган ёзув сакланган. Бу атрофдаги биноларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Шайбонийлар даврида Бухоро хусусий тадбиркорлик, карз бериш ва пул алмаштириш марказига айланган. Бухорода саррофлар номи билан боғлиқ уйлар, савдо гумбази, карvonсарой, масжид, ҳаммом ва бошқа иморатлар мавжуд бўлган.

Бухорода чорсуларнинг курилиши хусусида Мизро Салимбек ўзининг “Кашқули салимий таворихи муттакадимин ва муттаахрини” номли асарида келтирадики, “Аблуллахон Бухоро шаҳри чорчуйида уч иморати роъфе ва бир катта тим ва уч шаҳар дарвозаси тўккиз юз тўксан хижрий (1582-1583 милодий) йилида бино килди. Уларнинг номлари токи Саррофон, токи ки-

тоб фурушон ва тоқи Заргарои бино килиб, уларни Мушфиқий
қўйидагича таърифлаган эди:

Фатак хонидек шоҳлик маснадига ўтирган Абдулло

Худонинг ҳимоясидаги раҳм қўливчи халифа эди

Унинг давлати Фохира деб аталаған жойда

Жаннат боғидан ҳам чироғли иморатлар қўрдли, етти гумбазда

Чорсу бино қилдики у бўлди саккизинчи айланма

Мушифиқи унинг тарих йилини чиқарди

Шу қисм бўлди Чорсуйи шоҳи жаҳон

Токи Саррофонда турли буюмлар зардўзлик дўппилари, оплок саллалар, мўйна билан безатилган кийимлар, исирга, кимматбаҳо беҳаклар, идиш-товоқлар савдоси бўларди. Айтиш жоизки, бундан бир неча йил илгари В.М.Филимонов раҳбарлигига Токи Саррофонни таъмиrlаш ишлари бошланган эди. Аввал токин меъморлар ва археологлар ҳар томонлама, син-чиклаб ўрганадилар. Тўрт юз йил давомида Саррофон кариб икки метр ер остида кўмилиб колган. Шунинг учун тўпланган кум уюмини олиб ташлашга киришилди. Таъмиrlаш жараёнида ўта кизикарли конструктив деталлар аннкланди.

Токнинг шимолий-гарбий кисмida, пойдеворлар билан биргаликда Шоҳрудга тушиб учун маҳсус зина топилди, унинг ёнида эса кичкина ҳовузча бўлганлиги аннкланди. Зинанинг четлари ва бурчаклари шикастланган эди. Демак, мешкоблар, бу ердан жуда кўп сув ташиғанлар. Бу ердан сув Саррофон ҳаммомига ҳам борганига шубҳа йўқ. Чунки ҳаммом арикка жуда яқин жойлашган. Қадимда меъморлар Шоҳруднинг Токи Саррофонга таъсирини хисобга олиб, гумбазнинг шимолий-гарбий ва шимолий-шаркий кисмларидаги пойдеворлари жуда мустаҳкам калинлиги 4-4,5 метр пишиқ ғишт ва тошлардан ишланган. Бирок, бу гидроизоляция унчалик мустаҳкам бўлмаганлиги сабабли пойдеворлар сув таъсири натижасида ўпирила бошлаган ва XX аср бошида гумбаз емирилган. Қайта тиклаш вактида гумбазнинг баъзи жойлари асосига қадар бузилиб, қайта тикланган. Хусусан, таъ-

мирлаш арафасида Токи Саррофонинг шимолий-гарбий кисми бузилган ҳолатда эди. Токи Саррофон қурилиши бошланган XVI асрда XV аср бошида қурилган эски бино деворлари пойdevор ўрнида ишлатилади, гумбаз ўртасида “арча” шаклида терилган гишталар кўринади. Токи Саррофон деворлари силликланган пишик гишт билан безатилган бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида сувоқланган эди. Ҳозирда таъмирловчилар бино деворларини яна пишик гишт билан копламоқдалар.

Бухоро бозорларининг кўшимча биноларини жуда кўп ҳаммомлар ташкил килар эди. Улардан ҳаммоми Саррофон, шу номли биринчи гумбаз ёнида, ҳаммоми Бозори Корд, иккинчи гумбаз ёнида, ҳозир ҳам ишлалепти. Бу ярим ер остида жойлашган бинолар бозор иншоотлари орасига тикнитириб қурилган ва улар ўзларининг кўримсиз, паст гумбазлари билан кўчадан унча қўринмайдилар ҳам, уларнинг тепаларидағи деразачалар бино ичига жуда хира нур киритиб туради. Истиклол йилларида, хусусан, Бухоройи Шарифнинг 2500 йиллик юбилейи арафасида кўплаб тарихий иншоотлар катори Бухоронинг қадимий савдо расталари, Ҳаммоми Саррофон ҳамда уларни бир-бирига уловчи йўллар ҳам қайта таъмирланди. Бугун савдо расталари кесишма йўлларини сайр киларкансиз, тоқлар ўтмишдан буюк келажакка ўтадиган сирли иншоотлардек сизни буюкликка чорлади. Тарихий савдо мажмуалари тоқлар, тимлар жаҳон савдо ахлини қадим гўшага чорлаб, уларни ҳайратга солиши шубҳасиз.



ФАЙЗИОБОДНИНГ ФАЙЗЛИ ОШЁНИ

Азиз авлиёларга бешик булган Бухорода шундай қаримитпеша зотишиарифлар ўтганки, ҳайрли амаллари, эзгу фатилатлари боис халқ уларга ҳолис ўтиқод қўйган. Донишманот Бухоро ҳалқи улардан паноҳ излаган ва мақсаду муродларига етшиған. Манбаларда Муҳаммад Шоҳи Ахсий Файзиободий номи билан машҳур булгани ушбу буюк зотининг ҳаёт олами ва обод зиёратгоҳи бугун ҳам барча учун азиз ва мұтабардир.

Поянда Муҳаммад Ахсий Файзиободий XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида, яъни Абдуллахон Шайбоний ва Аштархонийлар биринчи подшолари йилларида нақшбандия тарикатининг давомчиси сифатида кўзга кўринган улуғ марта-ба эгаларидан бири хисобланган. Ул зот жуда ҳам окил шахс сифатида катта билим соҳиби бўлган, тарнқат соҳасида, айникса, Нақшбандия тарикатини бошкалар дилига жо килиш кувватига эга бўлган. Шунингдек, осмону фалакка пайравлик килгани учун у хавф-хатарни олдинрок билиш кобилиятига эга бўлган. Инсонларни эса бўладиган ҳар кандай осмоний ва заминий оғатлардан огоҳ килгувчи эди. Бухоро ҳалқи орасида баланд макомга эга бўлганлиги боис халқ уни Сўфийлик тарикатининг шоҳи деб атаган.

Файзиободий милодий 1601 йилда вафот этгач, уни Файзиобод мавзеида, 1598-1599 йилларда қурилган хонаконинг шаркий кисмидаги майдончада дағн этадилар. Ҳозирда Файзиобод мавзеида авлиё Муҳаммад Шоҳи Ахсий Файзиободий ва унинг авлодларининг кабрлари ўрин олган бўлиб, ушбу жойдаги бир неча туглар мазкур азизларнинг муқаддас жасадлари борлигини билдиради. Тугнинг юкорисида беш нанжа белгисининг борлиги ислом динининг беш арконига ишора эканлигига шубха йўқ. Ҳозирда азиз зотлар дағн этилган жой атро-

фи мармар харсангтошлар билан мустаҳкамланган баланд сұфача шаклида булиб, түрт томони настгина ёғоч чамбара билан үраб олинган. Үз вактида ушбу мавзеда яна ҳужралар, гумбазли таҳоратхона ва гүслхона ҳам барпо этилиб, булар учун бир неча минг таноб ер, ўнлаб дўконлар, тегирмон ва ҳаммомлар вакф килиб берилган. Вакф даромадларининг аксарияти хонако ҳисобига тўғри келиб, улар хонако ҳужраларида ётиб юрган мусофириларга, сўфийларга, камбағал-кашшок бечораларга сарф килинган.

Файзиобод хонақоси бетакрор меъморий ечимга эга. Унинг архитектураси Бухоронинг бирор обидасида учрамайди. У очикравокли галеря шаклида курилганлиги билан ажралиб туради. Бино атрофида кад кўтарган галеря Марказий Осиё иклими учун жуда зарурдир. Уч томондан атрофини равокли бостирма галеря ўраб олганлиги ибодатга келувчиларга салкинлик яратган. Ҳозирда бино икки канотининг ҳар бирида бештадан кўркам токлар борки, улар композицияга алоҳида уйғунлик бахш этмоқда. Бинога рамз соларканмиз бош фасад бўйнча уч босқичли композиция пайдо бўлганлигини, яъни, галеря аркаси, икки ярусли токчалар ва марказида гумбазли портални кўришимиз мумкин.

Файзиободнинг орка фасади ҳам кишида жуда катта таассурут қолдиради. Бу ерда улкан меъморий шакллар функционал лойиҳалаш ва муҳандислик-конструкция асосида илгари тамоман ишлатилмаган усулда бажарилган. Улкан ҳажмнинг йириклишиб бориши галеря аркасининг кенг йўлидан бошланади. У иккита саккиз бурчакли гумбаз конструкцияси, ташқари томондан бирлаштирилган гумбазлар билан бирлаштирилган. Ташки кўриниши меъморий формаларнинг жуда кудратли, мустаҳкам бўлишига қарама-карши, зал ичкарисида чамбарали парусларнинг жуда енгиллиги сезилиб туради. Уларнинг тепаси сталактит кошона, яна баландроқда гумбаз “косаси” булиб, у жуда чиройли безатилганки, бу безаклар газмоллардаги безакларни эслатади.

Кўп хонали хонакоҳ пештокгумбазли бўлиб, тархи 35x28,8 метрни ташкил этади. Марказида гумбазли катта хонакоҳнинг хажми эса 12,7x12,7 метрдир. Иншоот олд томонида улкан пешток бўлиб, икки ён томонида икки каватли ҳужралар хамда равокли йўлак жойлашган. Пешток ва ҳужралар тобадонига ганчкори панжаралар ишланган хамда хонакоҳ гумбази саккиз киррали пойгумбазга ўрнатилган. Хонага ёргулик пойгумбаздаги саккизта дарчалардан тушиб туради. Хонакоҳ ичи, гумбаз ости кирма пардози накш билан нафис безатилган. Кулранг ва сарик ганчдан ўйиб ислимий накш ишланган. Багаллари мукарнас билан, ҳошияси содда нақшлар билан зийнатланган. Хонако атрофидаги саккизта икки табакали ёғоч эшиклар айвонларга чикиш учун хизмат килган.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган асрда Файзиобод хонакоси буткул вайронага айлантирилган эди. 1930-1940 йилларда Файзиобод хонакоси ва Шояхси масжида намоз ўқиш таъкиланган. Муқаддас бинолар омборхоналарга айлантириб юборилади. Вайронага айланган Файзиобод хонакоси гарчанд XX асрнинг 70—80 йилларида Бухоро маҳсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси усталари А. Ҳайтов, Р. Қурбоновлар томонидан қайта тикланган бўлсада, аммо мустақиллик шарофати ила табаррук кадамжога айланди. Бугун масжидда 280 киши, ҳайит намозларида ташки ҳовлиси билан бирга 1000 га яқин киши намоз ўқиш имкониятига эга. Арабий ёзувлар билан зийнатланган ойнаванд эшиклардан ичкарига кирап эканмиз, ҳашаматли гумбаз остидаги билур кандил диккатимизни тортади. Тұрт каватли муҳташам кандилни ўз чирокларидан ташкари токчалар устида унга йўналтирилган чироклар хам ёритиб, хонакони чарогон этади ва ажиб нақшлар ўйинини ҳосил килади. Бино салобати ва улуғворлиги гумбаз чиройи билан бир бутун. Кандил юкорисида гумбаз ости бир куришда яхлит кўринисада, аслида бир неча бўлаклардан иборат. Ундаги жилвакор нақшларни томоша киларкансиз, бир ўсимликсизмон безаклар, бир эса кушлар

Шариф шаҳар ёдгорликлари

тасвири кўз олдингизда гавдаланади. Гумбаз атрофидаги дерезалар ёруғлиги тўғри кандилга тушиб, деворларда камалак жилосини ҳосил этади. Шу билан бир каторда яна еттита каттарок дерезалар бинодаги ҳаво айланиши ва ёритишга мўлжалланган. Деворлар бўйлаб ҳаворангнинг кўпроқ ишлатилганлиги эзгулик ва саховатдан дарак. Тўрт томондаги деворий токчаларда китоб тахталари қўйиб чиқилган.

Хонакоҳ меҳроби ҳам ўта нозик ва нафис. Уч кисмдан иборатлиги ажойиб: арка, тўртбурчак, унинг ичида яна арка ҳосил килинган. Меҳроб безаклари ичида гулбарглар тасвирланган юлдузсимон накшлар акс этган. Балким бу хонакоҳ ташкарисида юлдуз шаклларнинг кўплигидадир. Марказда эса күёшдек нур сочаётган айлана безак бўлиб, атрофидаги Куръон суралари бўртма тарзда бажарилган. Иморат ичкарисини соатлаб търиф этса бўлади. Ундаги ҳар бир детал ўз ўрнида окилона ишлатилган. Бугунги кунда собик Бухоро ёғ заводи ҳамда экскаваторлар заводи оралигидаги катта йўлнинг жанубида жойлашган зиёратгоҳ ҳар бир йўловчининг кутлув кадамжосига айланган. Ўтган-кайтганлар эхсон улашиб, Файзибод хаккига дуо килишади. Килинган эзгу хайрнинг ҳосияти улуғлигини бухороликлар яхши билишади. Поянда Мухаммад Аҳсий Файзибодий кадамжоси шонли тарихи, улуғлиги билан Бухоронинг нурли ҳикмати бўлиб, шариф шаҳарни янада юксакларга кўтариши мукаррар.



ГАВҚУШОН ГУЗАРИНИНГ ГАВҲАРИ

Бухоро меъморчилигида ансамбль тишидаги меъмо-
рий ишишотлар алоҳида ажralиб туради. Пойи Ка-
лон, Лаби Ҳовуз қаторида Гавқушон ансамбли ҳам тақрор-
ланмас архитектуравий еҷими, конструктив уйгулиги
ҳамда ажисб мӯъжизавий хилқати билан кишини маф-
тун этиди. Бу мавзеда бўлган киши Жўйбор ҳўжаларининг
хайру саҳоватидан ҳайратди қолиши шубҳасиз.

Лаби Ҳовузнинг гарб томонида, Токи саррофондан ўтганда
қадимий карвонсаройлар бўйидаги йўлак ажойиб мажмуя,
қадимий кентнинг гавжум масканларидан бири бўлган Гавқушон
ансамблига олиб боради. Мажмуя ўз таркибига XVI аср-
да курилган —Хўжай Калон жомеъ масжиди, минораси ва ёни-
даги ҳовузнинг шарқ киргогида XIX асрда курилган Абдул-
ло Турсун мадрасаси ҳамда кўхна Шоҳруднинг чап томонида-
ги Гавқушон мадрасаларини камраб олади. Ушбу маконни сайр
килганингизда Бухоро маърифатпарварларию, улуғ фузалола-
рини ёдга оласиз, тарихий обидалар куршовида ўзингизни XVI
—XVII асрлар кучаларида юргандай хис киласиз.

Гавқушон мажмуасининг барпо этилиши ҳакида шундай ри-
воят мавжуд. Ҳазрати Хизр Бухорони айланиб юриб, шу ерга
келганларида “хай”, “хай” деб ўтарканлар. Муридлари ундан не
боисдан бундай килганини сўраганида, Ҳазрат “бу ерда минг-
лаб жоноворларнинг кони тўкилган. Улар Гавмардан норози.
Чунки Гавмард Наврӯз пайтида ҳамма кўкликтан овқат тайёр-
лаган пайтида у Бакар номли дустини ўлдириб, гўштини дас-
турхонга тортган. Шунинг учун одамлар неча минг йиллардан
буён хайвонларнинг гўштини истеъмол қилиб келишади. Ӯша
хайвонларнинг руҳи эса уларнинг конлари тўкилган жойда айла-
ниб юради. Бу жой бир вактлар күшкүшона, яъни кассобларнинг
мавзеи бўлган. Ҳайвонларнинг колган кони эса “мени ювинг”

Шариф шаҳар ёдгорликлари

деб хар ўтганимда илтижо киларди. Бу сафар рози бўлиб, “хай, “хай” дедим – дебди. Мурид воеадан таъсирланиб, ўша гузар ахли билан маслахатлашиб, бу ердан ҳовуз қазибидилар, ҳовуз неча йиллардан бўён шу ерда тўкилган қонларни ювиб турибди. Кейинчалик бу гузардаги ҳовуз ёнида Гавкушон мадрасаси ҳам барпо этилади.

Бухородаги 200 дан ортиқ гузарлардан бири Гавкушон гуваридаги мазкур ансамбл XVI асрда шаклана бошлаган. Гузарнинг кўпчилик кисмини бинолар ташкил этади. Гузарнинг кенг майдонидаги иккита – Хўжа Калон ва Абдураҳмон Аъзам мадрасалари илму маърифат масканлари сифатида Бухоро шуҳратига шуҳрат кўшган бўлса, масжид ёнидаги Шоҳруд бўйида кад ростлаган минора эса ахли гузарни жамоатга чорлаб турган. Айникса, Гавкушон мадрасаси эътиборга молик. У 120 та ҳужрадан иборат бўлиб, курилишига эса 150 000 тилло танга сарфланган. Шунингдек, Гавкушон ҳамда Жуйбор мадрасаларининг беҳисоб кутубхоналарида 8 минг жилдан ортиқ китоблари сакланган.

XVI асрга мансуб иншоот жуйборлик Хўжа Саъд Калонхўжа номи билан бевосита боғлик. Унинг фармойиши билан бинолар ўртасида атрофи ғишт билан ўралган ҳовуз, унинг олдида эса бозор ташкил этилиб, уни Бозори Хўжа Калон дейишарди. У ерда савдо расталари, телпакдўзлик дўконлари жойлашган. Гузарда эркакларнинг ҳамоми (Ҳамоми Гавкушон) ҳам мавжуд бўлган.

Хожа Саъдга отасидан катта ер, мол-мулк мерос колган. У Абдуллахон II ҳурматини шунчалик қозонган эдики, бунга куйидаги воеа мисол бўлади. Янги очилган ери учун арик казиш вактида бир дехкон ерига озгина зарар етказилган. Заарар кўрган дехкон подшохга Хожа Саъд устидан арз килиб келганида подшох чора кўриш ўрнига: “Агар Хожа Саъд менинг икки кошим ўртасидан арик чикармокчи бўлганида ҳам мен монелик килмаган булўр эдим”, деб жавоб кайтарган.

Мазкур қадимий мавзе асрлар оша йириклишиб бораверган. 1927 йилги гузарларнинг хисоботи олингандан у ерда 24 хўжалик бўлиб, 144 киши истиқомат киласди. 1929 йилги гузарларни қайта рўйхатдан ўтказишганда Гавқушон, Сиёҳкорон, Мағоки кўрпа гузарлари бирлаштирилиб, Усмон хўжа гузари деб номланади.

Гавқушон мажмуаси олдидаги бинода илгари банк идораси, хозир эса рассомларнинг кўргазма зали жойлашган. Бугун ушбу обод қадамжодан истиқлол шарофати ила сайёҳу зиёратчиларнинг қадами узилмайди.



ЛАБИ ҲОВУЗ - ОБИ ҲАЁТ ОБИДАСИ

Маълумки, Бухоро қадимдан Буюк итак йўли чорраҳасида жойлашган саҳродан шаҳарлардан бири бўлган. Жазира маисиқ, тандирдек қизиган кўм бархалар ҳар бир сайдеху мусофирини, меҳмону мезбонни соя салқинга чорлаған. Айни шумаксадда аҳолига фараҳбаҳилик, роҳит ва фарогат багиш этиши учун Бухорода кўнглиб ҳовузлар қурила бошланган. Тоғи Махалу Миср ҳрамлари билан бўйлаша оладиган мафтункор ҳовузлар Бухорони Шарқнинг зебо шаҳрига айлантирган. Бухоро ҳовузлари ичидаги йириги ҳамда бежирими “Лаби Ҳовуз” иншооти булиб, ҳозирги қидар бухороликларнинг гавжум маскани булиб келмоқда.

Ҳовуз – сув уйи, жамланмаси деганидир. Сувни кадрлайдиган бухороликлар юртида оби ҳаёт уйлари жуда кўп бўлган. “Лаби Ҳовуз” атамаси форс-тоҷик тилида ҳовуз бўйи маъносини билдиринб, мавжланайтган ҳовуз атрофидаги иншоотларни, унинг кенг хиёбонини ифодалайди. Ҳовуз 1620 йилда Нодир Девонбеги маблағлари эвазига бунёд этилган. Илгари бу майдонда - бозори шаб (Кечки бозор) бўлган, кейинчалик майдон марказида катта ҳовуз қазилган. Ҳовузнинг атрофлари синчлар билан мустаҳкамланган, харсанглардан зинапоялар, мармардан тарновлар ишланган булиб, шагал ва тупрок билан тўлдирилиб шиббаланган.

Лаби Ҳовузнинг барпо этилиши ҳакида шундай ривоят мавжуд. Нодир Девонбеги Ҳиндистон сафаридан хотинига сирға олиб келган экан. Хотини шундай олис юртдан “девонбеги бўлсангизда менга кичик совға олиб кедингиз” деб хадядан мамнун бўлмабди. Девонбеги “Майли каттарок совға олиб келарман” деб сирғани сотишга буюради. Кунлардан бир кун Девонбегининг хотини эри олиб келган совғани аёлларга мактамоқчи

бўлиб сўраб колибди. Шунда Нодир девонбеги ўша совғани кўрсатмок учун маликани ҳозирги Лаби Ҳовузга олиб келади. Малика чачвонини юзидан олиб караса, улкан иморатлар кад ростлаганмиш. Уста наккошлар ишлаб ётибди. Ўртадаги тиник сув мавжланиб, биноларга хусн багишлаётганмиш. Малика “бу биноларга катта маблаг кетгандира?”, деган экан, Девонбеги ўша сирғанинг ярим маблагини сарф этганини айтган экан. Шунда хотини: “тавба килдим, бегим, менга шунчалик кимматбаҳо совга келтирганидингиз”, дея ҳайратда колган экан.

Шаҳарни асосий сув билан таъминловчи Шоҳруд ариги киргогида жойлашган ҳовузнинг эни 36 м, бўйи 45,5 м бўлиб, чукурлиги 5 м ни ташкил этади. Шаҳарнинг марказига айланна бошлиган ҳовуз атрофида бирин-кетин янги иморатлар кад кўтара бошлайди. Ғарбидаги Нодир Девонбеги хонақоҳи, шарқида Нодир Девонбеги мадрасаси, шимолда Кўкалдош мадрасаси ва ҳозирда сакланмаган Эрназар элчи мадрасалари кад кўтарган. Лаби Ҳовуз сув ҳавзаси бир неча тарихий обидаларни ўз ичига олган архитектура ансамблиниң композицион марказидир. Лаби Ҳовузнинг ансамбл каби шаклланиши диккатга сазовордир. Куюқ дараҳтлар билан үраб олинган кенг ҳовузнинг монументал бинолар комплексига кўшиш Марказий Осиё санъат тарихида янги меъморчилик услубини бошлаб берди.

Бухородаги бетакрор йирик композиция ва ансамблни ташкил этган Лаби Ҳовуз мажмуаси файзу таровати, хусну жамоли, айникса, Шарқнинг энг нозик хилкатини ўзида жо этганлиги билан барчани ошно этади. Атрофида мўйсафед бўлиб турган, диаметри 5 метр келадиган юзийиллик тут дараҳтлари нафакат гўзал табиат манзарасини, балки қадимийликка йўғрилган хикматни жо этган. Бугунги кунга кадар сакланиб келаётган XIV асрдаги тут дараҳти етти асрки боботут бўлиб, ҳовузга содик колган ҳамроҳдек тарихнинг кўп воқеликларига гувоҳ бўлган. Аслида ҳовуз меъморчилиги билан эмас, бакли тут дараҳти тагидаги сўриларда гурунг этаётган нуроний чоллардаю, ҳовуз зина-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ларидаги чинору мажнунтолларда сакраб юрган болажонларнинг ҳайкиригига. Ёз кунлари, оқшом пайтларида бухороликлар Лаби Ҳовузнинг салқин кирғокларида сайр килиб дам олиши, гавжум шаҳар ахлининг ғала-ғовури мажмууга ўзгача файз баҳш этади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухоро шаҳристонининг ўзида 103 та ҳовуз бўлиб, улар ўз вақтида шаҳар кон томири саналган. Ҳовузлар факат, икlimни мўътадил ва салқинлаштириш учун эмас, балки энг муҳими аҳолини сув билан таъминлаган. Биргина Лаби Ҳовуздан 80 та мешқоб сув олиб шаҳар ахлига оби ҳаётни етказиб турган. Ҳовузларга сув тарихда "Руди зар" номи билан машхур бўлган Шоҳруд аригидан оқиб келган.

Ҳовуз зиналарининг тошлари ости ва орасига тут ёғочларн куйилгани унинг мустаҳкамлиги ва пишиклигига хизмат килган. Шунингдек, сувни ер шимиб кетмаслиги учун ҳовузлар тўрт томони ёғоч билан уралган. Бундай ҳовузларни ҳавзи тахта, кейинчалик тоштарошлик ривожланиб тахта ўрнига тош ишлатилгач, тошҳовуз деб атай бошлаганлар. Эътибор карагилса, Бухородаги кўплаб йирик ва маҳобатли иншоотлар олдида ҳовузлар барпо этилган ва атрофларида тут ва чинор дарахтлари экилган. Масалан, Гавкушон мажмуаси, Боло Ҳовуз масжиди, Исмоил Сомоний мақбараси, Баҳоуддин Накшбанд мажмуаси, Ситораи Моҳи-Хосса саройи, Чор-Бакр ёдгорлиги ва бошкалар. Бундан кўзланган асосий максад иморатларни зах таъсиридан муҳофаза этиш бўлиб, уларнинг умрбокнйлигини таъминлаган.

Лаби Ҳовуз йиллар ва асрлар ўтиши билан ҳам бухороликларнинг энг кайноқ ва жўшкин марказига айланиб борган. Айникса, бу ерда Шашмақомнинг ижро этиб келингани куй ва гўзалликни ҳамоҳанг этиб, барчани шарқнинг этракнамо оламига ошуфта этган. Ҳаттоқи, можар олими Ҳерман Вамбери ҳам Бухорога келганида кадим воҳанинг юраги бўлган Лаби Ҳовуз бўйида сирли навони тинглаш учун халкнинг тили, дини ва урф-

одатларини мукаммал ўрганган.

Шарқнинг мұъжизаси сифатида эътироф этилган Лаби Ҳовуз ансамблининг кўрки таровати Шўролар дарида вайронага айлантирилган. Ачинарлиси, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Лаби Ҳовузнинг суви куритилиб, ўрни волейбол майдончасига айлантирилган. Маълум вакт оралагида Бухоро ахли ўзининг тароватли марказидан ажралиб колган эди.

Мустакилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида тарихий шаҳарнинг кайнок маркази қайта таъмир этилди.

Лаби Ҳовуз ансамбли Бухоро шаҳрининг тарихий маркази сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилди. Ҳар йили "Ипак ва зираворлар" халқаро туристик фестивали симфоник оркестрининг шаркона оҳангининг Лаби Ҳовуз пешайвонида жаранг сочиши бутун Бухорони, хорижий сайёхларни сирли хаёлот оламига гарқ этмоқда.

Бугун сирли ва мўъжизакор хиёбонга айланган ҳовуз атрофидан меҳмону сайёхларнинг кадами узилмайди. Айникса, шариф Бухоронинг кулгу устаси саналган Ҳўжа Насриддин Афандининг инсонга завқ улашувчи ҳайкалининг ўрнатилгани ансамбл композициясининг ажралмас кисми бўлиб колган. Мадрасаю хонаколар пештоқидаги нақшларнинг ҳовуз юзида мавжланиши, мажнунтолларнинг сувга эгилган шоҳлари, мармар зина-поялар устидан отилаётган фавворалар Лаби Ҳовузни Боги Эраму Бобил осма боғларига айлантиргани шубҳасиз.

Агар Бухоройи шарифни гўзал бир келинчакка киёс этадиган бўлсак, Лаби Ҳовуз ансамбли ана шу сулув юзида ярашиб турган дона холидир. Тўрт асрдан ортиқрок вакт давомида оламни ҳайратга солиб келаётган нодир меъморий ёдгорлик янада файзу тароватга тўлиб, дунё ахлини ўзига чорлайверади.

ҚУЛБОБО КЎКАЛДОШ МАДРАСАСИ

Тарих зарвирақтарини варақтаб, қадим ўтишига кўз ташалаганда гароийб ва таажжубли тасодиғларни сувоҳи бўлади киши. Мозий сир-синониттар сандигини очиши инсониятга ҳар бир тилсим замирида ҳикмат борлигини намоён этади. Айниқса, афсоналар шахри Бухорода қад кутарган ҳар бир обидада минғиаб мұъжиза ва ҳикматлар яширингни бизни яна мозий қаърига етаклайди. Лаби ҳовуз ансамблиниң асосий ишоюотларидаи ҳисобланган Кўкалдош мадрасасининг шонли тарихи ҳам бир неча асрларни бўйлашиб, замондошлиарга илм масакинининг бунёд бўлиши ва серқирра фиолиятидан дарак бериб келаётир.

Лаби Ҳовуз ансамблиниң шимолида жойлашган Кўкалдош мадрасаси 1568-1569 йилларда шайбоний Абдуллахоннинг вазири Кулбобо Кўкалдош томонидан барпо этилган бўлиб, катталиги жиҳатдан Ўрта Осиёда иккинчи, илму ирфон маркази Бухорода эса биринчи ўринда туради. Мадрасасининг Кулбобо Кўкалдош номи билан юритилиши барчани кизиктириши табиий албатта. Маълумотларда келтирилишича, Абдуллахон дунёга келганда онасининг кўкрагида сути бўлмайди. Бу даврда валиаҳд чакалокиининг энагаси ҳам Кулбобони дунёга келтиради. Ҳалол ва покиза аёл ҳисобланган энагага Абдуллахонни ҳам эмизиш вазифаси буюрилади. Икки мургак бир онанинг сутидан катта бўлишади. Кўкалдош атамаси ҳам аслида кўкракдош бўлиб, бир онанинг сутини эмган, эмикдош деган маънони англатади. Вакт ўтиши билан улар улгайишиб, Абдуллахон тахтга ўтиргач, замонасининг илгор намоёндаси, олиму фузалоларнинг ҳомийси бўлиб этишган эмишган укаси Кулбобо Кўкалдошни муҳандис, лашкарбоши, маслаҳатчи, кейинчалик ўзининг вазири этиб тайинлайди.

Кулбобо ўз маблаглари эвазига Бухоро ва Тошкентда иккита бир ном билан “Кўкалдош” мадрасаларини курдирган. Саййид Мансур Олимийнинг маълумотларига караганда Бухородаги мадрасани куришда 150 000 Бухоро тиллоси сарф килинганд. Мадраса икки қаватли 160 ҳужра (айрим манбаларда 165 ҳужра) дан иборат бўлиб, бир масжид ва кироатхонасига эга бўлган. Ҳужраларнинг хар бирида иккитадан турттагача муллабачаталаба яшаган. Икки қанатли бош тарзи ансамбль майдонига қаратилган бинонинг пештокини безатиб турган кошинлар ҳозирда сакланиб қолмаган. Мадраса пештокидаги дарвоза гирих ва ислимий накшлар билан безатилган бўлиб, хотамкори услубида териб маҳкамланган, пилакчалардан ясалган дарвоза табакаси яхлит таҳтадан тайёрлангандек кўринади гўё. Иншотнинг гумбази ва ташки биринчи қаватдаги ўнга якин ҳужра эшиклари ҳам ўзига хос архитектуранн намоён этган.

Мадраса ҳовлисига беш гумбазли миёнсарой оркали кирилади. Миёнсаройнинг ички гумбазлари ва багаллари, шипи ўзига хос турли шаклдаги мураккаб тўрссимон-юлдузсимон, колибкори ва ироки услубида пишик гиштдан ганч коришмасида терилган. Декоратив гумбазлардан иборат миёнсарой силликланган гиштлардан терилган. Бу гумбазлар Бухоро уста мейморлари томонидан ишланган энг яхши монументал санъат намуналари хисобланади. Кiriшдан ўнг қўлда кенг дарсхона жойлашган. Яна бир хонада эса кутубхона фаолият кўрсатган. Миёнсаройнинг икки томонидаги кичик эшиклар ортида яширинган зиналар оркали иккинчи қаватли кўтарилиш мумкинлигини сезиш кийин эмас.

Сиркор кошинлар билан безатилган улкан пештокли бинонинг умумий ўлчами 60x80 метр бўлиб, узун ҳовлиси 42x37 м ни ташкил этади. Миёнсаройнинг икки қанотидаги ёнбош хонақолар орасидаги долон оркали кенг ҳовлига кирар эканмиз, икки қанатли равоклар каторини юзма-юз килиб солинганд пештокли баланд айвонлар ажратиб турганлигинн кўрамиз. Хар

Шариф шаҳар ёсгорликлари

бир равоқдан алохидаги хужрага кирилади. Тўгри геометрик шаклга эга мадрасанинг биринчи қаватида обод турар жойлар, айвон, хоналар ва хўжалик бинолари мавжуд. Мадрасанинг олд томонидаги ён фасадларида юкори равоқли балконлар курилган. Ён томонидаги хужраларнинг пастки қанатининг ташки деворларида хонани ёритиш учун панжаралар ўрнатилган. Юкори қанатига эса катор килиб чукур равоқлар ишланган. Кўкаaldoш мадрасасидаги хоналар жуда тор, йўлаклар, ўтиш жойлари, зиналар жуда кўп. Мадраса ўзгача мъеморчилик намуналари – икки асосий заллар – масжид ҳамда дарсхоналарнинг тузилиши ва декоратив безатилиши, шунингдек, ўтиш жойларининг гумбазлар билан бирлаштирилишини мерос колдирган. Уларнинг дарвозалардан ховлига олиб киришн, дарвозалар ўйиш йўли билан мураккаб безаклар билан безатилганлиги кишида катта таассурот колдиради. Бош тарзида пештоқ китобасида ёзувлар сакланган. Пештоқининг икки ёнидаги масжид ва дарсхона олдига икки қаватли уч кисмга ажратилган чукур равоқлар ва бурчакларидаги гулдасталарда Бухоро мъеморлигига хос кадимий миллий анъаналар акс эттирилган.

Мадрасанинг шуҳрати ўз даврида жуда баланд бўлган. Бу ерда диний фанлардан ташқари, хандаса, математика, фалакиёт фанларидан дарс ўтилиб, машғулотлар эркин мунозара куринишида ўтказилган. Ҳар бир хужранинг йиллик пул маблаги, шунингдек, вакф даромадлари бўлгани мадраса таъминр ишлари ва бошқа харажатларни коплаганига шубҳа йўқ. Аммо, XVIII аср бошларида мангит сулоласидаги ўзаро ихтилофлар мамлакат ўқитиш ишларини издан чикариб, мадрасанинг секин-аста ҳароб бўла бошлаганлигининг сабабчисидир. Бухоро таҳтига амир Шоҳмурод ўтиргач, унинг маҳсус фармони асосида мадраса қайта жонланган. Мадраса куплаб улуғ олиму фузалоларни етиштирган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, шоир Бобораҳим Машраб, Маҳтумкули ўз замонасида мазкур мадрасада яшашибган. Шунингдек, мадрасада XX

асриинг йирик ёзувчиси Садриддин Айний ўқиган ва ўз асарларида ўкиш жараёнини акс эттириб, талабаларга сабок берган. С.Айний мадрасада 1901 йилдан 1917 йилгача истикомат килганилиги манбаларда қайд этилган.

Мадраса 1920 йил сентябрда Бухорода бўлган мудхиш бомбардимон оқибатида каттик шикастланган. Миёнсарой долонидаги гумбаз остида қолган кора тутун излари ўша машъум кунлардан дарак беради. Бир неча йиллар давомида мадраса дарсхонасида кўмондон Фрунзенинг идораси жойлашган эди. Бундан ташкири, Собик Иттифок даврида мадраса хужраларидан меҳмонхона сифатида фойдаланилган. Обида 1960-70 йиллар, кейинчалик 1974-1985 йилларда таъмир этилиб, қисман аввалини холатини тиклаган.

Мустакиллик йилларида кўплаб тарихий ва маданий обьектлар каторида Кўкаaldoш мадрасаси ҳам қайта чирой очди. 1995-1997 йилларда обидани таъмирлаш ишлари олиб борилган. Бугунги кунда мадрасада хунармандлар фаолият кўrsatiшмоқда. Ташки томондаги хужраларда эса сайёхлар учун сервис хизматлари йўлга кўйилган. Ипак ва зираворлар халқаро туристик фестивали доирасида обида ичкарисида Узбекистон Республикаси кино фото ва фондо хужжатлар давлат архиви томонидан Бухоронинг ўтган асрлардаги тарихий лавҳаларининг намойиш этилиши тарихни гавдалантириб, эски шаҳар кўчаларига сайди элтади.

Бугунги кунда мадрасада Садриддин Айний музей хужраси ташкил этилган бўлиб, ундаги тўрт хужрада маърифатпарвар аждодимизнинг хаёти, фаолияти, дарс сабоклари билан боғлик 70 га яқин экспонатлар ўрин олган.

Биринчи хужра ҳам ёток ҳам дарсхона вазифасини ўтаган. Иккинчи хужра токчабанд бўлиб, унда адабнинг классик мусикага кизикишига доир чолгу асбоблари, “Бухоройи шариф” газетасининг 1912 йилдаги айрим сонлари, “Судхўрнинг ўлими”, “Куллар”, “Одина”, “Бедил” каби китоблари, асарлари акс этилган.

Шариф шаҳар ёдсор тиклари

ган графика ва гравюралар ўрин олган. Шунингдек, хонада Айнийнинг 1917 йил хибсга олиниб, 75 дарра урилгани, Арк обхонасида ташланиб, кейинчалик Когон касалхонасида даволанганиги билан боғлик суратлар ва хужжатлар кўйилган. А.Қаххор, А.Фитрат, А.Кодирий, Ф.Ғулом, Ойбек, А.Фадеев каби ёзувчи-ларнинг адигба билдирган фикрларининг ҳам хонада борлиги экспозицияни янада бойитган.

Учинчи хона овқатланиш ва ўтириш хонаси эканлигини ўчок, козон, сандали, офтоба, китобдон ва каламдон, яктак ва салла кийимбошларидан билиш мумкин. Айтишларича, хонани ўчок тутуни девор оркали иситган бўлса, кули сандалига ташланиб исинилган. Тўрт зинали танчаннинг ости омборхона вазифасини ўтаган. Хонада Айнийнинг 100 йиллиги муносабати билан гиламда чизилган суратининг ўрин олганлиги нодир экспонатлардан биридир.

Тўртингчи хона ҳам учинчи хонага ўхшаш бўлиб, уч каватли суфаси билан фарқ қиласи. Энг юкорисида меҳроб бўлиб, баъзи пайтлар Айний масjidга бормай намозни шу ерда адо этган.

Шарқ оламида зиё масканси сифатида донг таратган Кўкалдош мадрасаси эса шонли ўтмнши, мъеморчилиги, улуғворлиги билан Лаби Ҳовуз ансамблида янада салобат тўкиб, сехрли ёѓдусини таратишда давом этаверади.



НОДИР ДЕВОНБЕГИ ХОНАҚОСИ

Үрта Осиё минтақаси қадимдан тасаввуфлар ва тариқатлар маскани сифатида донг таратган. "Кубравия", "Нақибандия", "Яссавия", "Кодирия" каби кеп қулоч ёзған тариқатларга әргашған тақвадорлар анча бўлиб, улар "шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат бўла олмайди" деган ҳикматга амал қилған. Тариқатдан ҳақиқат излаганлар айниқса, илму маърифат, дину диёнат маскани булған Бухорода кўп бўлиб, улар зикру амалларини адo этишлари учун диний жамоат бинолари, йигинхона ва ибодатхонлар қурила бошлиған. 1620-1621 йилларда Шариф Бухорода Бухоро хони Имамқулихоннинг вазири Нодир девонбеки Мирзо Тогай иби Султон буйругига биноан қурилган Нодир Девонбеки хонақоси ҳам сүфийларни бир ерга жамлаган маърифат масканларидан бири бўлған.

Хонақоҳ диний мөъморий иншоотлардаги катта хона бўлиб, зиёратчилар учун қурилган жамоатхоналар, ҳужралар ҳам айни шундай номланған. Шунингдек, бу биноларда сүфийлар ўз машгулотларини ўтказиб, ундаги катта хона ва ҳужраларда илму толиблар ҳам таълим олишган. Тўрт томони ҳужралар билан ўралган мазкур масжидсимон биноларда дарвешлар дунё лаззатларини инкор килиб, Аллоҳга яқинлашишни истаб, кечакундуз тоат-ибодатда бўлиб, ҳақиқатни излаганлар.

Бухородаги йирик хонақолардан бири ҳисобланған Нодир девонбеки хонақоси шаҳар ахолисини асосий сув билан таъминловчи Шохруд аригининг гарбий кирғогида кад ростлаган бўлиб, катта гумбази ва улугвор пештоки билан Лаби Ҳовуз ансамблидаги бошка обидалардан ажралиб туради.

Ҳовузга қарама-карши, кирғок бўйида салобат тўкиб турган мөъморий ёдгорлик гўзаллиги ва мөъморчилиги нуктаи назар-

дан жуда мураккаб бўлиб, ансамблга ташриф буюраётган хар бир зиёратчининг эътиборини тортади. Ҳовуз киргогидан бешта мармар зинапоя оркали обидага томон кўтарилар экансиз, буюклик ва улугворлик сизни карши олади. Бино икки томонидаги киррали гулдаста-мезаналар олд кўринишга салобат баҳш этиб турибди. Нодир девонбеги хонакоси симметрик тархи 27,5x25 м бўлиб, кираверишда айвон, хонакоҳ 11,2 x 11,2 м ни ташкил этади. Асосий ташки кириш пештоки накшлар билан зийнатланган бўлиб, унинг атрофида арабий ёзувларда оят ва калималар билан тилган.

Нодир девонбеги хонакоси марказий гумбазли катта хона, атрофида зиёратхона, Қуръон мутолаа килиш хужраси, доимий яшовчи сўфийлар, зиёратчилар хужраларн, ошхона ва омборхонадан иборатдир. Хонаконинг учта дарвозаси бўлиб, асосий кириш эшиги ҳовуз томонда жойлашган. Икки табакали кадимий эшикнинг атрофида ўймакор накшлар ишланган. Обида ташки томондан тўрт каватли бўлиб кўринисада, аслида икки каватлидир. Хонакоҳнинг жануб ва шимол томонларидан ҳам хужраларга кириладиган эшиклари бўлган. Ташкарида атрофидаги биринчи каватда 8 та хужралар бўлиб, ундаги паствхам эшиклардан иккинчи каватга кўтарилиш мумкин. Гулдастлар ичидаги айлана зина айнан бино тепасига олиб чикиш учун қурилган. Икки ён томонда иккинчи каватнинг хужрали айвонлари ўрин олган. Хужраларнинг аксариятини дарвешлар ётоги ташкил этган.

Хонакоҳ ичкарисига кирап эканмиз, унинг кенг хонаси, ҳашамдорлиги, акустикаси сизни ром этади. Усти катта гумбаз билан ёпилган кенг хонани атрофидаги еттита деразадан тушадиган табиий ёруғлик ёритиб туради. Деворларнинг айрим жойларида рангли накшлар, улар ичидаги арабий ёзувлар сакланганлиги кўриниб туради. Тўрт томони бир бирига параллел ҳамда симметрия шаклда бўлган аркаларнинг накшлари ҳам бир хиллиги гаройиб. Безакларда асосан гулбарглар тас-

вирланган. Хонакоҳ ичкарисида бир мунча яхши сакланган дешт бу нафис ишланган пештоқли меҳробдир. Мой бүёк билан бўялган меҳробдаги ранглар муттаносиблиги, нозиклигидан кўз узолмайсиз. Меҳроб билан гумбаз кесишув кисмлари Бухоро наккошлик мактабига хос бўлган исломий, хаттотлик санъати, мукарнаслар, шарафалар ва гулдасталар билан безатилган. Меҳробнинг бошқа хонакоҳ ва масжид меҳробларидан фарки шундаки унда асосан кўёш ва юлдуз тасвиrlанганлиги, накшлар ичида ёзувларнинг жойлашганлигидир. Меҳроб ичидаги кичик гумбазча бўлиб, у хам хайратланарли килиб зийнатланган. Меҳроб марказида жойлашган айлана, ундаги бўёклар, ёзувлар кариб 400 йил ўтибдики ўчмаган. Айлана марказида саккиз кирави юлдуз тасвиrlангани мусулмон оламида мукаммаллик белгиси эканлигидан далолат беради.

Тарихий обиданинг орка деворида авлиё Ҳазрати Ҳўжа Каримнинг кабри сакланиб колганлиги обиданинг мукаддас кадамжо ва обод зиёратгоҳ эканлигини англашиб турмоқда. Нодир девонбеги хонакоси XVII асрнинг иккинчи ўн йиллигига бино этилганлиги унинг Лаби Ҳовуз меъморчилик ансамбли умумий композициянинг якунловчи тарихий ёдгорлиги бўлиб хизмат килганлигини кўрсатади.

Йиллар тарихий ёдгорликка ўз таъсирини ўтказмай колмади. Бино таъмирлаш ҳолатига қелиб колган эди. Сўнгги марта обида деворлари 1914—1916 йилларда Бухоронинг охирги амири Сайид Олимхон томонидан таъмир этилган ва бинонинг асл кўриниши ўзгарған. Таъкидлаш ўринлики, обод кадамжо Собик тузум даврида ёпилиб, иирик омборхоналарнинг бирига айлантирилган. Бинодан моддий даромад обьекти сифатида ўз манфатлари йўлида фойдаланилган.

Мустакиллик йилларида Нодир девонбеги хонакосида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда бинода Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей кўрикхонасиннинг “Бухоро кулолчилик тарихи музейи” ташкил этилган. Ундаги 40 га якин

Шариф шаҳар ёдгорликлари

витриналарда Бухоро кулолчилиги, сопол буюмлари, ўрта асрларга оид шаҳар хаёти, меъморий ёдгорликлари фотосуратлари акс этган экспозиция ўрин олган. Айникса, кўргазмалар орасида Бухоро Эски шаҳар кисмииинг юкоридан кўриниши тасвирланган харитали макетининг борлиги сайёхларга йўл кўрсаткич вазифасини ўтамоқда.

Музей экспозициясида амалий санъат соҳасининг илгор на-моёндалари гиждувонлик усталардан Усмон Умаров, Ибодулла Нарзуллаев, вобкентлик Ҳамро Рахимова, Кубаро Бобоеваларнинг пластика – хайкалтарошлиқ ва ўймакорлик намуналари намойиш этилмоқда. Эътироф этиш жоизки, қули гул хунармандларимиз ўз асарларида қадим тарихни яна гавдалантиришди. Бухоролик кулоллар Алишер ва Абдувоҳид Каримовлар Сўғднинг қадимий кулолчилигини сопол гулдонлар, кўзалар, лаган ва пиёлаларда илк ўрта аср услубини кайта ти-клашди.

Бугун Нодир девонбеги хонакоси нафакат мозийнинг нодир меъморчилиги, балки, маданияти, хунармандчилиги ва илму маърифати каби афсоналар шаҳрининг сеҳрли сир-асрорларидан барчани вокиф этмоқда.



НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИДАГИ СИРЛИ СИНОАТ

“Бухорога кирап бўлсанг ковушинг ечиб кир, дил ниятинг эзу амал қилиб кир”, деган эди машойхлардан бири. Бу фикрлар муқаддас заминнинг ҳар заррасида бўюклар излари музжиссамлигию қадамида мұътабар биналир бино булғанилигига ишора этилган бўлса не ажаб. Бухорода XX аср бошларига қадар 104 та мадраса, 360 та масжид, 108 та ҳовуз булғанилиги ҳам унинг маърифат ўчоги эканлигини аъён этади. Ана шу маърифатни узининг ҳикматлар машъаласи ва афсонавий хилқати билан чарогон этиб турган яна бир обида борки, бу Нодир девонбеги индрасасидир.

Бухоронинг кадимий маъвосидан дарак берувчи Лаби ҳовуз ансамблини сайр элтар экансиз, мажмуанинг шаркйи кисмидаги куюк тут дараҳтлари, азим чинорлар орасидан маҳобат обида сида гўё жонланиб турган Семург кушлари кўз олдингизда на-моён булади. Кўкка парвоз элтаётган афсонавий жонзорлар на-фосати сизни ўзига ром этиб, хаёлингизни бир зум мозийнинг заррин сахифаларига етаклади.

Нодир Девонбеги номи билан шуҳрат қозонган мазкур обида 1622-1623 йилларда Бухоро хони И момқулихоннинг вазири Нодир мирзо Тогай ибн Султон томонидан курдирилган бўлиб, гўзаллиги ва нағислиги жихатдан Бухоро мадрасаларининг ма-ликаси саналади. Бино аслида карvonсарой максадида барпо этилган, бирок унинг очилишида қатнашган И момқулихон бе-хосдан уни мадраса деб эълон килганлиги сабаб илм маскани мадрасага айланади. Унда шунинг учун мадрасаларга хос ай-вон, масжид ва катта дарсхона йўқ. Хон карорига биноан бинонинг бош фасадига пешток ва бурчак миноралари, лоджиялар, ҳовли атрофининг тўрут томонига икки қаватда ҳам хужралар

Шариф шаҳар ёдгорликлари

курилади. Мадраса олд томонига пешток ва ён равоклари янги-дан курилганда бино тантанавор кўркамга эга бўлади. Хуж-раларга ўймакори усулида бозатилган эшиклар, эшиклар тепа-сидаги тобадонга эса панжаралар ўрнатилган. Олий мадрасалар сирасига кирувчи таълим даргохининг юздан ортк ҳужраси бўлиб, унинг курилишига 150 000 Бухоро тилла тангаси сарф этилган. Ҳовлига пишик гишт ётқизилган. Бинонинг бош тар-зи майдонга, яъни ҳовуз томонга каратилган. Нодир девонбеги мадрасаси нафакат ўкув юрти, балки ўзига хос меъморий ишо-от бўлиб, даражаси жихатдан Бухородаги Улуғбек, Мир Араб, Кўкалдош, Абдуллахон ва Абдулазизхон мадрасаларн билан бир каторда турган.

Мадраса пештоки ўзига хос маҳобатли ва серҳашамдир. Ун-даги ўсимликсимон накшлар орасида куёшга интилаётган афсо-навий хумо куши ва бугунинг ўтлаб юрган тасвирининг кошин-кори безаклари ёркин бўёкларда акс эттирилган. Шунингдек, пештокнинг энг юкори кисмida асад ойи белгисини билдирувчи чараклаб турган куёш тасвири туширилган. Ундаги рамзий ишо-ра бутун борлик, мавжудот куёшга интилади. Бундан ташкари, афсонавий жонзотлар тимсолида инсониятнинг Аллоҳга инти-лиши ўз аксини топган. Ҳошияларига, китобасига арабий ёзув-лар битилган. Устунгўшаси бурамасмон, пештогининг икки ён канотидаги икки қаватли учтадан чукур равокли пешайвон алоҳида зеб бериб пардозланган. Бурчакларидаги икки гулдаста равоклардаги накшлар билан ўзаро уйғунлашган.

Меъморий ёдгорлик тархи 52x49 м бўлиб, ҳовли 34 x 30 м дан иборат. Нодир девонбеги мадрасасининг бошка мадрасалардан фарки унда асосий кириш эшигидан тўғри ҳовлига чикилади. Бошкаларда эса икки томондан миёнсарой оркали чикилишини кўриш мумкин. Мадрасанинг пештоки ҳар бир кишида кизикиш уйғотиши табиий. Чунки, кириш пештоки учта ичма ич кичик пештоклардан иборат. Юкоридан пастга томон кичрайиб бора-ди. Худдики, маҳобат обидасига кичик эшик оркали кириб, ке-йинчалик унда мукаммал таълим олиб, илм пиллапояларида юк-салиб бориш мумкинлиги архитектурада акс этгандек гўё.

Ривоятларда келтирилишича, Ҳиндистон подшохи И момку-

лиҳондан вазири Нодир девонбегини хазинани ҳисоблаш ишларида кўмак бериш учун маълум муддатга Ҳинд юртига юбо-ришни сўраб мурожаат килади. Шундан кейин девонбеги ўзга мамлакат ишларини ҳам муваффакиятли йўлга кўйиб, Ҳинд ҳукмдорининг эътиборини қозонади ва у Нодир девонбегига миннатдорчилигини бир жуфт кимматбаҳо зирақ билан изхор этган. Бухорога кайтган девонбеги шу тақинчокнинг бир пойини сарфлаб, мазкур мадрасани бунёд этган. Айтишларича, Нодир девонбегининг фарзанди бўлмаган. Солих фарзандни камолга етказиш савоби насиб килмаганидан, Нодир девонбеги ҳалқка хизмат килувчи обидани куриб берган.

Обиданинг ташки томондан барча деворлари кундалий накшлар билан безатилган. Мадраса худди ўтовларга ёки коракалнокларнинг уйларига ўхшатиб тўрсимон накшлар билан безатилган. Бу накшларни факат ҳозирда бинонинг ташки безакларида кўриш мумкин холос.

Мадраса 1920 йил амирликни тугатиш боскини даврида катта талофат кўрган. Бомбардимончи аэропланларнинг хосиятсиз учишлари Нодир девонбеги мадрасанинг гумбазини ҳам шикастлаб, вайронага айлантирган эди. Кейинчалик, обида бир неча марта таъмирланиб, гумбаз, равок ва деворларидағи намлиқ йўкотилиб, бузилиб кетган хужралари қайта тикланди. Самарканд ва Бухоро усталарининг саъй-харакатлари билан бош тарзи қайта жилоланди.

Бугун обиданинг биринчи қаватида хунармандлар фаолият курсатиб, сайёху меҳмонлар билан гавжум. Мисгару кандакорлар, патдўзлар обиданинг сирли накшу нигорларини ўз асарларида муҳрлашмоқда. Мадраса ҳовлисида хорижий меҳмонлар учун Бухоро филармониясининг кўргазмалн чиқишлари, модалар намойншининг ўтказилишн ҳам ундаги асрий ҳикматни бир бутун этмоқда.

Турт юз йилдан ортикрок вакт давомида афсонавий тасвирлари билан барчани ҳайратга солиб келаётган Нодир девонбеги мадрасаси бундан кейин ҳам нурли жилосини тараннум этиши шубҳасиз. Чунки обида И момкулихон мерос колдирган жаҳоний шуҳратнинг барҳаёт тимсолидир.

ПОШША БИБИ МАДРАСАСИ

Бухоро багри хазина. Табиат хилқатларидан тор-тиб, оби гиштдан бунёд этилган гўзат иморатлар-гача бу ҳалинада жойлашиб олиб, абадий яшаётганини гаройиб. Минора, Бухоро девори, Магоки Атторий, Сомонийлар мақбараси, Сиёвуш бунёд этилган Арки олий... Бу занжирилар олтин бандларини янада қатор қилиш мумкун. Лекин, “ҳа, деб” олтинларни кўз-куз қилган хазина-бон ҳам посамишмайдай кўришиши мумкун.

Бухорода саховатпеша, бой-бадавлат, кузи тўк, шайх, олим, хожа, шоир, табиблар катори меросий мулки даромадини шахар, туман, кишлок, жамолини янада кўркамлаштиришга сарфлаган Окила хонум, Бибижон Хонум каби хонзодалар ҳам талайгина. Бутун бошли вилоят худудида аёлларнинг табаррук даромадлари хисобидан бунёд этилган иморатларни санаб чиксак, бир ховуч жавохир шодаси нур таратиб турганини кўрамиз.

“Наводирн Зиёя” рисоласининг муаллифи Садри Зиё бу тўғрида бир катор маълумотлар беради. Садри Зиё маълумотларига таянган ҳолда Сарой Ойим, Зубайда Ойим, Мангит Ойим, Биби Халифа, Модари хон, Шарофатбону, Қалмок Ойим, Чучук Ойим мадрасалари хусусида фикр юритиш ўринли. Асарда оби гиштдан курилган Чучук Ойим мадрасаси “Сангин мадрасаси” деб номланади. Зубайда Ойим мадрасаси эса бугунги Ойбинок мадрасасидир, Сарой Ойим мадрасаси яъни Хонумия обидаси Чингизий хонлар даври иншооти бўлиб, бугунгача сакланмаган. Мангит Ойим - мангит подшоҳларига мансуб аёл курдирган обида ҳам мавжуд эмас. Модарихон – Абдуллахоннинг волидаси шарафига атаб курдирилган мадраса шаҳарнинг кадимий Хиёбон мавзеида кад ростлаб турибди. Шарофатбону мадрасаси – Жўйборий хожалар авлодига мансуб аёл томонидан Чаҳорбакрда барпо этилган. Қалмокхон Ойим, Чучук Ойим-

лар мадрасалари бузилиб кетган. Факат Ғиждувон туманидаги Корахоний кишлогида аёл тиклаган масжид халигача мавжуд.

Аёл номлари билан аталувчи мадрасалар орасида Пошша Биби мадрасаси ҳам алоҳида ўрин тутади. Мадраса тавсифидан олдин аввало, Ой Пошша Биби шахсиятига аниқлик киритсак. Бу аёлнинг асл исми Пошша Биби бўлиб, бу ном унинг қабри устига кўйилган гўрхатдан топилди. Ҳонзода қаброшида нафакат унинг насаби, шажараси, бакли ундаги мармар лавҳда насталик хати, форс тилида куйидаги марсия ҳам битилган: “Бу оламдан поклик фариштаси жуда ёш кетди. Чунки у ўлим куши хабарини эшитиб, яхши бўстондан кетди. Окибат шу бўлдики, сомондек сариклик (ғам-окнбат) уни ер остига олиб кетди. У жуда юкори мартабали, бошқаларга жуда марҳаматли, андишли, окибатли аёл эди. У ҳамиша поклик билан пайваста эди. Ана шу покликнинг файзидан у ҳамиша баҳравар эди”.

Унинг номи Пошша Биби бўлса-да, лекин ҳалк Ойпошша Биби деб атаган. Бу хонум Жўйборийлар оиласига мансуб бўлиб, туғилиш тарихи жуда ҳам узун. Пошша Бибининг волидаси Бибижон хонум Жонибек Султоннинг кизи бўлган. Бибижон Хонумнинг отаси, акаси, укаси ҳам Бухоро таҳтига ўтириб, хукмдорлик килганлар. Бибижон Хонумнинг акаси Бокимуҳаммадхон аввал Бухоро, кейин Самарканд ва Балхни эгаллаб олгач, унинг ҳамфирни сифатида маънавий мадад берган жўйборний Хожа Абдиҳожага илтифот юзасидан синглиси Бибижон Хонумни никоҳлаб беради. Бибижон Хонум Абдиҳожадан икки ўғил, бир киз кўрди. Абдиҳожа шоҳ билан муносабатларнга совукчилик тушиб, Ҳиндистон томонга бориб, 27 ёшида вафот этади. Бокимуҳаммадхон бева колган синглисини эса Абдиҳожанинг акаси Абдураҳимхожа ўз никоҳига киритади. Абдиҳимхожадан Бибижон Хонум киз фарзанд кўради. Исми ни Пошша Биби қўядилар. Ана шу Пошша Биби катта бўлгач уни Абдулазизхон ўз никоҳига олади. “Матлаб ут-толибин” китобининг маълумот беришича, Абдулазизхон бутун Мовароуннаҳр

подшоҳи бўлгач, Пошша Биби Хонум саройнинг бош бекаси бўлади. Пошша Биби солиҳа, фозила, зоҳида ва тақвадор аёллардан бири бўлган. Бош беканинг онаси, отаси, шоҳ эридан мерос қолган мулклари кўп бўлиб, унинг даромади ҳам талайгина эди. Ана шу даромадлардан Пошша Биби XVII асрнинг иккичи ярми, таҳминан 1670-1671 йилларда Жўйбори Дарундан бир каватли мадрасани куриб, кўплаб ерларни ҳам мадраса вакфига кўшади. Бино худуди Жўйбор мавзесига кирувчи Ҳавзи Нав гузарида жойлашган. Шаҳарнинг шаҳристон девори мавзени иккига – Жўйбори Дарун (ички жўйбор) ва Жўйбори Берун (ташки жўйбор)га бўлиб турган. Жўйбор сўзи эса тоҷикча сўздан олинган бўлиб, “катта оқар ариқ”, “арик бўйи” маъноларини англатади.

Мадраса кўриниши жуда гаройиб, баланд пештокли, мадрасанинг дарвозаси күёшчикар томонга караб очилади. Бино ташки кўринишидаги катиба, изора, шарафа кисмлари яхши сакланган. Катибасида ёзув бўлиб, хозирда сакланмаган. Пешток ташки томонидаги ҳар икки канот деворида 5 тадан жамн 10 та хужра эшиклари мавжуд. Деворларнинг кўча томон юзида аркалар билан безак берилган. Пешток икки томонида гулдаста, гулдастада кўшк йўқ. Мадрасанинг безаклари гулнорий рангда кошин билан парчинкорий қилинган. Пештоқнинг юза кисмida кошинкорийдан намуналар мавжуд. Дарвоза рўпарасидаги супа олдида ихчамгина мармар тошли ҳовуз бўлиб, сув маҳзанига ўнга якин пиллапоя оркали тушилади.

Ойпошша Биби мадрасаси курилишида азалий анъанага риоя килинган. Ҳашаматли пешток ичидаги икки паллали қадимий ёғоч дарвоза оркали миёнсаройга кирилади. Чап кўлда гумбазли масjid, ўнг кўлда томга чикиладиган 17 зинали пиллапоя ва хужралар тизилмаси ўрин олган. Миёнсаройнинг гумбаз ичкариси юксак дид билан ишланган. Гумбаз остидаги безакларда нур сочётган күёш ва юлдуз безаклари акс этган. Мадраса бир каватли бўлиб, 29 та хужраси мавжуд. Ҳозирда хужраларнинг

23 таси ўкув хоналардан иборат бўлиб, 5 таси ётотхона, бит-таси омборхона вазифасини ўтайди. Мадраса хужралари бир-бири билан том усти гумбазчалари оркали туташтирилган. Кучава саҳн томонга каратилган ёргуликкирар гирихли панжаралари мавжуд. Мадраса ичкари ховлисининг девори безаксиз, хужралар юза кисми, эшиклар устига оби гишт кесмалари билан оройиш берилган. Бино хужраларига паст эшиклар оркали кирилса-да, аммо баланд, кенг ва юлдуз шаклли гумбазли хоналарга кирилади. Мадраса таъмири пайтида хужраларининг биридан сопол хум ва қўзалар топилган бўлиб, хозирда улар ўкув юрти хоналарида экспонат сифатида сакланмоқда.

Шуролар замонида мадраса ўта аянчли ахволга келиб колган эди. Меъморий ёдгорлик корамоллар оғулхонасиага, кейинчалик нонвойхона, сунгра шиша қабул килиш марказига айлантирилган эди.

Истиклол обидани яна халқимизнинг илму маърифат мас-канига айлантириди. 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб мадраса Жўйбори Калон аёл-кизлар ўрта маҳсус ислом билим юрти сифатида ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, мадраса 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги рўйхатидан ўтказилди. Бугунги кунда билим юртида 19 нафар мударр-салар 70 дан ортиқ талабаларга таълим бериб, илм зиёсини улашишмоқда.



ВОЛИДАИ АБДУЛАЗИЗХОН МАСЖИДИ

Бухоро ҳикматлар бустони. Унда сайр этган сари, донишшу зиётиларни англагаси қадар истму тафаккур уммонидан баҳра оглаверади киши. Айниқса, шариф шаҳарда аёллар шарафи, эҳтирамага атаб бунёд бўлган жисвоҳиротлар одамзотни тераи мушоҳадага ундиҳди. Абдуллаҳон ўз волидасига атаб Модариҳон мадрасаси, Мирдӯстимбий рафиқасига багишлаб Робия Султон мадрасаларини барпо этишган. Мозийнинг бунёдкор сиймоларидан бири Абдулазизхонининг онаси орзуси рӯёби саналсан Волидаи Абдулазизхон масжиди ҳам мана нечка инсониятга буюк эҳтирамнинг юксак намунасидан дарак бермоқда.

Иирик масжидлар орасида Ҳовузи Нав ансамблидаги меъморчилиги жиҳатидан ўзига хос Абдулазизхон I масжиди алоҳида ажралиб туради. Якин-якингача бу масжид Халифа Худойдот, шунингдек, Волидаи Абдулазизхон номи билан машхур бўлган. Эндиликда, топилган ёғоч устунлар ҳамда шимолий кираверишнинг тепа кисмидаги эпиграфик ва янги манбашунослик маълумотлари ҳакикатни тиклаш имконини берди. Дастребаки ўқилишига кўра, масжид Абдулазизхон I хукмронлиги даврида ва унинг буйругига биноан, яъни 1540-1550 йилларда куриб битказилган.

Ўз даврида “кўш” услубида Жўйбори калон масжидига қарама қарши жойлашган бу масжид ўртасидаги ҳовуз билан бирга Ҳовузи Нав (яънн янги ҳовуз) ансамблини ташкил этган. Ҳовуз ўрни кўмилиб йўколиб кетган эди. Якин йилларда ҳовуз казилиб, яна мозийнинг кадим мавзеи ўз ўрнида тикланди.

Масжид биноси икки кисмдан иборат бўлиб, ёзги ва кишкнга бўлинади. Тўғри бурчакли масжид биносининг тарҳ бўйича марказида квадрат шаклидаги кичикроқ ҳовли бор.

Бўйлама ўқ бўйича ховлидан гарб томонда масжиднинг гумбазли зали, шарқида эса оддий гумбазли равок-устунли галерейя мавжуд.

Масjid биносини шимол ва шарқ томондан устунли айвон ўраб туради. “Г” шаклидаги шимолий-шаркий ёғоч айвон гужум, ёнғок ва тут дараҳтларидан ишланган 15 та устунларга таянган ҳолда бинога алоҳида кўрк баҳш этмоқда. Барча устунлар Ғозғон мармаридан ишланган “сари кўзаги буҳорий” тагкурсиларга ўрнатилган. Айримларида арабий ёзувларни учрашиш мумкин. Мармартош пойдеворлари ховузакли бўлиб, изори оби безаклари атрофида айланган. Ёғоч устунларни безашда морпеч безагидан унумли фойдаланилган. Пастки кисми эса калампир безагини ўзида жо этган. Устунларнинг бари шифтга “калла мукарнаси буҳорий” билан туташтирилган. Шифт анъанавий ховузакларга бўлинмай, аксинча васса ва болорлар билан якунланган.

Айвон остидаги деворларда ганчкор 10 та панжарали дерезалар, яъни тобадонлар бўлиб, улар масжиднинг айвонли галереяси ҳамда масжид ичкарисини табиий ёритган. Аркасимон тобадонлар айримларининг атрофида заъфароний, раҳхоний каби баҳорий накшлар кошинкори услубида моҳирлик билан ишланган. Бундан билинадики, иншоот ташки томони табиятнинг энг нафис гуллари билан пардозланган. Бу орқали балки подшоҳ во лидаси шарафига курилган обидани маликаларга хос накшу нигорлар, охору безаклар билан зийнатлашни мақсад килган.

Шимолий-шаркий айвон бурчагида аzon айтиш учун кичик минора мавжуд. Бешинчи типга кирувчи минора унчалик ҳам баланд эмас. Миноранинг 6 та дерезачаси бўлиб, ичидаги 5 та пиллапоя мавжуд. Минора баладроқда жойлашган бўлиб, унинг суфасигача яна 10 та зина орқали кўтарилади. Минора суфаси баландлигининг сабаби, унинг остида гумбаз аркали ўтиш йулаги мавжуд.

Меъморий иншоотга шимол томондаги уштургардон услуби-

да ишланган миёнсаройли асосий дарвозадан кирилади. Квадрат шаклдаги ховлининг шимол, жануб ҳамда гарб томонидиа усти гумбазчалар билан ёпилган айвонлар ўрин олган. Галеремали айвоннинг кай томонидан кирманг сизни йирик гумбазли катта залга, меҳроб олдига олиб боради. Масжиднинг кадимий меҳроби бир мунча яхши сакланган. Унда парчинкори услубида Бакара сураси зикр этилган. Мукарнасли меҳроб остини кузатар эканмиз, унда гирихи румий, ислимий ҳамда косагулга ўхшаш накшлар ншлатилганлигини куриш мумкин. Хона гумбази “дуостара”, яъни ич бўлиб, истиқтол йилларида хожи Абдулло Шарипов бошчилигида кайта таъмирланиб, чирой очди. Бу турдаги гумбаз мөйморчиликда камдан-кам учратилиб, у архитектуравий жиҳатдан мустаҳкамлиги, шамол айланишини яхши йўлга кўйилганлиги билан аҳамиятлидир. Гумбазнинг тўрт томондаги тагкурсиси бағалларга таянган.

Кишки масжидга шарқ томондаги эшиклар оркали кирилади. Олти куббали масжид 200 кишига мўлжалланган. Ёзги кисмдаги айвонда эса 150 киши намоз ўкиши мумкин.

Абдулазизхоннинг некбин мақсадда қурдирган нодир обидаси афсуски, собиқ Совет даврида кўплаб масжидлар катори азият чекди. Тарихий ёдгорлик пахта тараш, токарлик цехига, шиша кабул килиш марказига, шунингдек, чўян эритиш устахонасига айлантирилган эди.

Мустакиллик шарофати ила масжид тубдан таъмирланиб, намозхонлар ихтиёрнга кайтарилди. Бинода кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Масжид ташки томонидаги йўл бўйидан 30 аркали бежирим гиштин чамбара билан ўраб олинди. Масжидда кўп йиллар имом хатиблик килган Нуриддин Шарипов раҳбарлигига тарихий ёдгорлик ўзгача киёфа касб этиб, яна багри кенг халқимизнинг бокий меросига айланди.

Ўзига хос тарихий-этнографик ҳудуд ҳисобланган мавзе таркибида илгари Жўйнзар, Дастроандон, Чакар, Жаъфарон маҳаллалари бўлган. Солорхаж (хажга борувчилар бошлиги)

дарвозаси ҳам шу мавзеда жойлашган. Ҳажга борадиган бухороликлар ҳозирда Коракўл номи билан аталувчи ана шу дарвоздан чиқиб, каъба зиёратига борншган.

Бухоронинг файзли масканларидан бири саналган мавзедаги ховуздан Бухоро ахли кўп асрлар оби ҳаётдан баҳраманд бўлдилар. Масжидга бориб, саховатли оналар меҳнати ризоси шукрини килдилар. Мадрасадан эса дарси ибрат ўргандилар. Бугун эса “Волидаи Абдулазизхон” мавзеидаги бу жавохиротлар элга, илму маърифатга чексиз муҳаббат тимсоли сифатида кад ростлаб, зиёратчиларни мозий сирларидан хабардор этмоқда.



БОЛО ХОВУЗ - МАЛИКА ҲАДЯ ЭТГАН МАСЖИД

Мозий қаърига назар таштар эканмиз, тарих саҳнасида аёлгап ҳам мұхым рөль уйнаб, уларнинг зуқко қобилиятлари, доно амаллари или мамлекатда барқарорлык хукм сурид, бунёдкорлик ва ободончиллик кенг күлөч ёзғанлигини күзатиш мүмкін. Ҳусусан, уч минг йылдан тарихга эга Бухоро заминида умргузарошлиқ қилган не-не салтанат хукмдорларининг рафиқалари ҳам уларидан келгусида эзгу нам қолдириш мақсадида бежириш ва бетакрор меморий обидаларни бунёд этишигина. Манбазарда Биби Ойхоним нами билан учрайдиган Аштархоний Абулфайзхоннинг онаси мабтаги эвазига қурилган Болоховуз масжиди ҳам санъатнинг сехрли көшопасидир.

Арк кальясининг каршисида салобат түкиб турган Болоховуз масжиди қурилганлигига мана 305 йил тұлди. Жума масжиди хисобланған мазкур обиданинг номланиши ҳақида тұхталар эканмиз, боло форсчада юкори атамасини бериб, ховуз юкорисидаги ёки ховуз тепасида бунёд этилган масжид маъноларини англаради. Ривоят килинишича, Болоховуз масжидини Абулфайзхоннинг волидайи мұхтарамаси битта сирғаснинг маблагини сарфлаб бунёд этирган. Маликанинг саховатпешалиги таҳсинга лойик. Албатта, бу замин Темурдек буюк бунёдкорларни дунёга келтирған волидалар юрти. Малика ҳам оламга эзгулик ва маърифат нурини таратған Шариф шаҳарин янада машхур айлашни ният килған бұлса не ажаб.

1712 йилда барпо этилган ушбу обиданы Регистон томондан күзатар экансиз, масжид, ховуз ва минорадан иборат яхлит композиция сизни лол этиши шубхасиз. Меморий ёдгорлик турли даврларни үзіда мужассам этган. Гумбазли масжид XVIII асрға

хос булиб, ҳовли ва ҳужралар XIX асрда, олдидаги ёғоч устуни-ли айвон эса XX асрда, яъни 1915-1917 йилларда Бухоро амири Амир Олимхон томонидан курдирилган.

Иншоот тарихини бирин-кетинлик асосида баён этиб, аввали масжид биносининг ички ва ташки тавсифидан бошласак. Бино квадрат шаклида булиб, унинг томонлари 11,5 метрга тенг. Масжид майдони 656 кв.метр булиб, гумбаз билан баландлиги 16 метрни ташкил этади. Икки қаватли масжидда жами 19 та ҳужра булиб, ўз вактида бу ерда толиби илмлар таҳсил олишган. Ҳужраларнинг иккитаси масжид ичидаги меҳроб тагида булиб, улар чиллахона вазифасини ўтаган. Масжиднинг учта ёғоч эшиги булиб. Арк томондагиси асосий кириш дарвозаси хисобланади.

Бино ичкарисига кирад экансиз, нафислик ва енгилликни хис этасиз. Масжид қалқонсимон ва мураккаб рельефлар билан безатилган. Масжиднинг деворлари ҳамда шарқ томонидаги пештоки ганч шувокли накшлар билан безатилган. Гумбаз ости шу даражада ҳайратланарлики, усталарнинг моҳирлигига тан бермасликнинг иложи йўқ. 8 та аркали накшинкор дерезалардан ёруғлик кириб, гумбазда ажойиб нурни хосил килади. Шуълавор ёруғлик ҳамда яна учта эшик юкорисидаги дерезалар бинони табиий ёритишга мослашган. Масжиддаги накшлар ва геометрик шакллар мутаносиблиги аъло даражада булиб, бирбирини тўлдирган ҳолда давом этган. Эшиклардаги катта ва бурчаклардаги кичик жами 8 та пешток бўртма шаклли накшлар оркали гумбазга интилган. Мураккаблашиб борган накшлар гумбаз учига бориб тугалланган. Улкан пештокларнинг учларида ёғочдан ясалган кичик ғилдираклар булиб, ўша даврларда ундан фонуларда чироклар ёқилиб, кечалари масжидни ҷароғон этишда фойдаланишган. Ғилдиракдаги фонус қанча юкори кўтарилса, бино шунча кенг ёритилган. Бинодаги энг ҳайратланарли манзара, бу меҳробдир. Ганч шувокли пешток масжиднинг шарқ томонида булиб, бўғот ости ганч накшлар

билин безатилган. Пештокнинг ён томонларига икки каватли баланд токчали хужралар қурилган. Мехробда табиий бўёклар усталик билан ишлатилган. Ранглар бири иккинчисини та-корламайди. Уч аср олдинги накшинкор гуллар худди кечагидек сакланган. Соатлаб караб кўз узолмайдиган мўъжизакор меҳробдаги шакллар ва ранглар уйғунлиги ҳар бир томошабинни сеҳрлаб кўйишин шубҳасиз.

Энди Ўрта Осиёда ягона бўлган ёғоч айвонга разм солсак. Мазкур санъат асари Бухоро меъморлари уста Ширин Муродов ва уста Ҳафизов томонларидан қурилган. Баландлиги 12,5-13 метрли айвонда жами 20 та ёғоч устунлар турнақатордек тизилган. Икки каторда 10 тадан бўлиб қад ростлаган ёғочли санъат намуналари айвон шифтига михсиз тахталарни бир-бирига биритириш орқали мустаҳкамланган. Бири иккинчисини та-корламайдиган устундаги накшларда 10 дан ортиқ усталарнинг маҳоратлари акс этган. Худди Амир Олимхон ушбу айвонни бе-затишда моҳир усталар танловини зълон килгандек гўё. Айвон шифтидаги накшлар Мохи-Хосса саройидаги безакларни эслатади. Ҳар бири жозибадор, ранглари эса шуълавор. Мана юз йилдирки айвон ўз жойида мустаҳкам туриб, Бухоронинг файзли маскани бўлиб келмоқда.

Тарихий манбаларда келтирилишича, гарчи Аркда жоме масжиди бўлсада, аммо Амир Олимхон ва унинг амалдорлари ҳар жума куни намозни Болоховуз масжидига келиб ўқишган. Шу куни Аркдан Болоховузгача кизил йўлак тушалган. Амир Олимхондан олдинги амирлар ҳам шу ерга келиб ибодатларни адо этишган.

Ўз номи билан шуҳрат козонган обидадаги ҳовуз ҳам диккатга сазовордир. Ҳовуз жуда эски бўлиб, қурилганига 700 йил бўлганлиги сув тушадиган мармар новда форс тилида кайд этилган. Ҳовуз нафакат бинонинг кўрки таровати, балки худудни салқинлаштиришга хизмат қилган. Мармар тошлар билан безатилган ҳовуз кирғокларн йирик тошлар билан зинапояли қилиб

мустаҳкамланган. Ҳовуз ёнидаги баландлиги 8 метрли минора ҳам композициянинг ажралмас кисмидир. Мафтункор обида-га Арк ва Регистон томонидан карапгана масжиднинг пешай-вони, майдон ёнбошидаги минораси ва ўртасидаги ҳовуз билан бирга меҳмонларга ажойиб таассурот колдириб келмоқда.

Лекин, олтин узукка олмос кўздек ярашиб турган Бухор-нинг Болоховуз масжида Собик тузум даврида ҳалқимиз маъ-навнятидан ажратиб қўйилди. Масжидда ибодат тұхтатилиб, омборхона, кейинчалик 1960 йилда билляд ўйнгохига айлан-тирилганлиги дилимизни хира килади. 1970 йилда картиналар музейн сифатида фаолият кўрсатади.

Мустакилликка эришганимиздан сўнг кўплаб обидалар каторида Болоховуз масжидида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Республикамизда истиқлол йилларида биринчи очил-ган масжид Болоховуз масжидидир. Ҳаким Ниёзов бошли-лигига курувчилар томонидан бино атрофидаги қумлар оли-ниб, зах бартараф этилди. Айвондаги 10 та устунлар ўз жойи-да кўзғатилмасдан таъмир этилди. Бино атрофи ўраб олинди. Биргина меҳробни таъмирлаш ишлари уч ой давом этиб, мас-жид янада кўркам ҳолда ҳалқимиз ихтиёрига қайтарилди. Охир-ги 3 йил давомида ушбу обида масжид имом хатиби Жобиржон Элов бошлилигига ҳамда саховатпеша инсонлар қўмагида яна-да обод этилди.

Эътиборли жиҳати, бинода мустамлакачилар томонидан ёпиб ташланган 24 та девор токчалари топилиб, ўз ўрнида қайта зий-натланди. Масжид накшлари эски парчинлардан намуна оли-ниб, ўз ҳолидек қайта тикланди. Анорий гумбазда ҳам накшлар асл ҳолидек таъмир этилди. Накшларда асосан анор гулла-ри ва бошка бежирим безаклар ишлатилган булиб, гўё малика-нинг ҳусни жамоли шу накши нигорларда гавдалангандек. Ано-рий гулларни томоша кила туриб, Увайсийнинг “Анор” чистони ёдингизга келади. Балким, малика анордаги гўзаллику иффат-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ни, хаёвани ибони масжидда акс эттиришни истаган бўлиши мумкин. Пурмъяно хикмат яширин масжидга совга қилинган биллур кандил ҳам ажойиб. Гумбаз даричаларидан тушаётган нур кандил шишаларида синиб, масжид накшларини жонлантириб, ҳайратомуз манзарани ҳосил қиласди. Бугунги кунда масжид ичкарисида 400 киши, айвонда 700 киши намоз ўкиш имкониятига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизгача етиб келган мӯъжизакор обидани келгусн авлодга ҳам етказиш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Келгуси таъмирлашларда гарбий дарвозадаги маҳобатли пешток безаклари қайта тикланса, масжиднинг бор гўзаллиги яна қайтиши шубҳасиз.

Шаҳарлар имоми шарафига сазовор бўлган Бухоронинг уч асрлик Болоҳовуз масжиди яна учминг аср, балки унданда кўпроқ яшаб, викор билан салобат тўкиб, шонли ўтмишишимизни янада тилларда достон килишига умид киламиз.



АМИРЛИК ЗИНДОНИ

Давлатчилик тарихига назар ташлар эканмиз, мамлакатда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши, иодлат ва диёнат устуни бўлиши учун қонулар устуворлиги шарт бўлган. Узоқ ўтишига эга узбек давлатчилигидаги сұлолаларда ҳам жамият одилона қонулар асосида идора этилиб, ҳар бир аҳли фуқаро белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилган. Шариат қоидаларига амал қилмаганлар эса жорий этилган маҳбусхона, зиндан ва маҳсус биноларда маълум жазаларни ўтаган. XVIII аср иккинчи ярмида Бухоро шаҳристонининг шимолий-гарбий бурчагида худди шундай амирлик зинданни қурилган.

Зиндан – форс тилидан олинган бўлиб, маҳбуслар сақланадиган ер остидаги зах ва коронги жой, атрофи кальабанд бинони ифода этади. Улар асосан, хукмдорлар қасри, кальаси остида конуссимон қудук шаклида казилиб, 5—7 м ер ости суви юзада бўлган жойларда эса пишик гиштдан, гумбаз шаклида ер устидаги курилган. Зинданларнинг яна обхона деган тури ҳам бўлиб, у Бухоронинг қадимги кўргонларида кўплаб учраган.

Бухоро амирининг қамоқхонаси сифатида фаолият кўрсатган Бухоро зиндани мангитлар даврида курилган бўлиб, урта асрларга оид Хўжа Низомиддин боло гузарида жойлашган. Атрофи пишик гишт териб курилган баландлиги ўн метрли иншотга ҳозирда киркга яқин зинапоялар оркали чиклади. Зинданга кичик пештокли ва икки табақали қадимий накшлар билан безатилган ёғоч эшиги оркали дарвозахонадан кирилади. Ҳовлисида турли даврларга оид пастак ғиштин бинолар бор. Булар зинданбон хонаси, солик тўламаганлар, карздорлар ва сиёсий маҳбуслар, ўлнмга маҳкум этилганлар ҳамда учрашувлар учун курилган хоналардир. Зинданбон (сокчилар) хонаси сахнида пастга, чукурликка олиб бориладиган кенг туйнук бор.

Бу йулак орқали чохга, аниқроғи канахонага тушилади, унинг диаметри 5 м, чукурлиги 6,5 метрни ташкил этади. Мазкур чукурликда ўлимга маҳкум этилган маҳбуслар сакланган булиб, уларга егулик - сув ва овқат аркон орқали тушурилган. Унинг ер усти кисми гумбаз билан қопланниб, гумбаз ёритиш туйнугига эгадир. Полда эса катта тешик булиб, ундан чукурликка кириш мумкин. Бу ердан маҳбусларга озик-овқат бериб турилганлигини пайкаш кийин эмас.

Бино хар томондан девор билан үраб олинган. Маҳкаманинг беш функцияни бажарувчи хоналарига бирма бир алоҳида тўхталсак. Кичик бир ҳовлича тош бинога олиб киради, у икки канотдан иборат. Ўнг канотнинг бошида қарздор айбордлар камалган. Унинг энида учта катта хужра булиб, улар ер катламдан анча паст жойлашган. Уларнинг иккитаси кенг арка ёрдамида бир бинога бирлаштирилган. Хоналар айланга шаклдаги ойналар ва гумбазлардаги тешиклар билан ёритилади, тешиклар эса темир чамбаралар билан қопланган. Кириш эшигига металлолосалар ёпиширилган, шу сабабли ҳам бинонинг ичига факат эгилиб кириш мумкин. Бу ерда оёқ қуллари кишанланган маҳбуслар ушланган.

“Зиндони олий” ҳовлисида диккатга сазовор бўлган жой маҳбусларнинг муқаддас ҳомийси авлиё “Қўчкор Ато” (“чўпонлар ҳомийси”) кабри бор. Ҳикоя килишларича, бухорхудотлар сулоласи подшоси Бидун (VIII аср) замонида Қўчкор Ато подшо қўйларини бокувчи чўпон бўлган. Кунлардан бир куни подшохнинг қўйлари бир кечада гойиб бўлган. Бундан газабланган Бидун чўпонни ўлимга хукм килинганлар зиндонига ташлайди. Бир куни зиндонбон зиндон чукурига келиб караса, чўпоннинг атрофини мингларча қўчкорлар үраб олган, у билан базми-жамшид килаётган эканлар. Зиндонбон ушбу хабарни подшохга етказибди. У келиб караса, чукурликда хеч нарса, ҳатто Қўчкор Ато ҳам кўринмас эмиш. Подшо кетгач, бу воеа яна такорланнбди. Зиндонбон яна подшоҳни ха-

бардор килибди. Аммо подшо келса, гойнб булаар экан. Подшо газабланиб, зинданбонни ўзини чукурга ташлаган экан. Шундай килиб, зинданда ётган маҳбуслар кўз ўнгидага Кўчкор Ато гоҳ кўриниб, тоғ гойиб булиб маҳбусларга кийинчиликларга бардош бериш ва ўлимдан омон қолишга ёрдам бериб, уларнинг ахволини енгиллаштирас экан. Баъзан зиёратчилар ушбу ерни зиёрат килганларида, унинг ёрдамига муҳтоҷ эканликларин билдириб, ёрдам сўраш одатига амал килишади.

Зиндан атрофини айланувчи тахминан 100-120 метрли узун ва тор йўлак мавжуд булиб, у бинонинг шаркий ва шимолий томонларига олиб боради. Маҳкаманинг кенг ховлиси ҳам булиб, хафтанинг маълум кунларида маҳбуслар сокчилар назоратида очик куёш нурига олиб чиқилган. Ўзига хос услубда курилган обида хоналарининг томи турли-туман шаклдаги, яъни учбур-чаксимон, конус, айлана ва бошқа хилдаги гумбазлар билан ёпилган. Бу оркали хоналар ҳам жазо кабиналарига булиниб, фарқланаётганлигига шубха йўқ. Кенг суфа деворларидан Арк кўргонининг орка кисми, Минораи калон ҳамда шахристон кафтдек намоён булади.

Хоналарни диккат билан кузатар экансиз, амирликнинг конунчилик тизими, козилик булинмалари, суд жараёнлари ва шунга доир бир катор маълумотлардан викиф буласиз. XIX асрдаги турли хилдаги кишанлар, миршаб кийим бошлари, муҳрларнинг кўргазмали варианatlари, күшбеги ва кози хужжатлари, халкнинг козига йўллаган мурожаатномалари, Рус ҳукумати билан олиб борилган ёзишмаларга оид экспонатларга дуч келасиз. Ўша даврда амирликда давлат бошқаруви тузилмаси кози калон, аълам ва 12 муфтий, 27 беклик козилари ва миршаблардан иборатлиги ҳар бир томошабиннинг диккатини тортади. Шунингдек, миршаблар хонасида зинданнинг XVIII – XIX асрдаги лой сувокли деворлардан иборат суратлари, асл ташки фасади ва портали тасвирланган булиб, сайёхларни обиданинг ўтмиш тарихидан атрофлича хабардор килади.

Эътиборлиси, музей экспозициясида 400 йил давомида Бухоро амирлигига кодекс вазифасини ўтаган Маргинонийнинг "Хидоя" асари муҳим жой эгаллаган. Ушбу асар давлатда бирмунча хукукбузарлик ва қонунлар бузилишига чек кўйган. Амирлик хукмронлиги охирги йилларида зинданда 84 та маҳбус саклангаилиги бундан гувоҳлик беради.

Ҳозирги вактда зиндан биносида вилоят тарихий-улкашунослик музейининг XVII аср охири – XX аср бошида Бухорода хукук ва қонунчилик музей кургазмаси очилган бўлиб, унда 82 та экспонат сакланади. 2012 йилдан бўён фаолият юритиб келаётган мазкур музей хукукий тизим ва қонунчилик орғанларининг ажралмас кисмлари сифатида учта тарихий боскич шаклланишини ёритиб беради. 1. Аштархонийлар давридаги хукук ва қонунчилик тизими (XVII-XVIII асрларнинг ўрталари), 2. Манғитлар даври хукук ва қонунчилик тизими (XVIII асрнинг ўрталари – XIX асрнинг охири), 3. XIX асрнинг охири XX аср бошларида хукук ва қонунчилик тизими ўрин олган. Тарихий обидага йилига таҳминан мингдан ортиқ хорижий сайёхлар, ўн мингдан ортиқ маҳаллий сайёхлар ташриф буюриб, Бухоро амирлигининг хукук тартибот тизими борасида кенг таассуротларга эга булишмоқда. Бухородаги хукук ва қонунчилик тизимини ўзида мужассам этган Зиндан меъморий ёдгорлиги аждодларимизнинг юридик ва бошқарув салоҳиятидан дарак бераби, хукукшунослар ва соҳага кизиқувчи кенг изланувчилар учун тадқиқот обьекти бўлиб хизмат килиши шубҳасиз.



ХАЛИФА ХУДОЙДОТ МАЖМУАСИ

Мисәқид-хонақо, мадраса ҳамда сардобаидаси бир ерда жойлишган яхтит композицион меъморий мажмулар камдан кам топилади. Бухоронинг Жўйбор мавзеда учала архитектуравий инишоотни ҳам ўз бағрига олган Халифа Худойдот аисамбли худди шундай мұйжаз мажмua сифатида мозий ажойиботларидан суктаётir.

Бухоронинг Ҳавзи Нав гузарида қад ростлаб турган XVIII асрнинг нодир тарихий ёдгорлиги Бухорога келган Хоразм шайхзодаси Халифа Худойдот номи билан боғликдир. Унинг тўлик исми Шайх Худойдот ибн Тошмуҳаммад Азизон ал Бухорийдир. О.А.Сухареванинг ёзишича, XIX аср ўрталарида яшаган курувчи Уста Мажид болалик даврида 103 ёшга кирган бир чол билан сухбат қилганда, у чол ёшлигига Халифа Худойдотни кўрган эмиш. Рус олимаси Усто Мажид хотираларидан хулоса чиқариб, ҳазрат 6 ёшлик чогига оиласи билан Бухорога келган дейди. Аввалига Халифа Худойдот Пирмастдаги Қули Одина мавзенда жойлашган Махмуд Анжир Фагнавий қадамжолари якинида истикомат килади. Халифа Мир Араб мадрасасида таҳсил олиб, улуғ пир Ҳазрат Азизон Лутфуллоҳ шайхга мурид тушиб, тарикат одоби, тасаввуф сабогини ўрганади. Сўнгра ҳалқ орасида тариқатнинг улуғ пири, буюк тарбиячи, улуғ аллома ва авлиё мартабаларн билан шуҳрат қозонади. Кишиларни тўғри йўлга, ҳалолликка даъват этиб пайғамбаримиз суннатларини ҳалкка тушунириш, уларни элга ёйишда камарбаста бўлади. Бухоро таҳтига илм-фан ва донишмандлар ҳомийси Амир Шоҳмурод ўтиргач, ҳазрат ҳам шариф шахарга таклиф этилади.

“Тухфат аз-зоҳирин” асарининг маълумот беришича, Халифа Худойдот Бухоро шахридан ўн икки таноб ер сотиб олиб, у ерда тошдан хонакоҳ, унинг атрофида 40 ҳужрали мадраса, таҳоратхона ва сардоба барпо этади. Мазкур инишоотлар

Шариф шаҳар ёдгорликлари

курилини хижрий 1211 (милодий 1786 йил), (айрим манбаларда 1777 йил)га тўғри келади. Халифа Худойдот амири кабир, яъни Амир Шоҳмуроднинг марҳум бўлганидан 6 ой ўтиб, милодий 1800 йил (айрим китобларда 1841 йил)да вафот этади. Жанозаларига Бухоронинг кейинги ҳукмдори Амир Ҳайдар катнашади. Аён булаяптики, Халифага нафакат, Амир Шоҳмурод, балки Амир Ҳайдарнинг ҳам ҳурмат-эхтироми юкори бўлган. Ҳазратнинг кабрларн васиятига кўра мадраса ҳужраларининг 24-сида кўйилган.

Илгари 170 хонадон истикомат киладиган ушбу гузарда иккита ёнма-ён мозор бўлиб, бири Халифа Худойдот, иккинчи-си Эшони Имло деб аталган. Ҳозирда бу мозорлар кўчирилган, унинг ўрнини 14-умум ўртатаълим мактаби, мактабгача таълим муассасаси ва ҳовли жойлари эгаллаб турибди.

Меъморий ансамблга иккита кириш эшиги бўлиб, гарбий томондагиси асосий дарвазадир. Уштургардан услубида ишланган гиштин дарвоза шарафайи ҳавзакдори авезон билан пардозланган. 5 та пиллапоя оркали эшик табакаларига яқинлашаркансиз, гужум дарахтидан ишланган икки паллали безакли эшик сизни карши олади. Бинога миёнсарой оркали кирилади. Унинг кичик гумбазчаси 4 та кичик шарафали бағаллаларга таянган. Миёнсарой тепасида пастигина бежирим мнорача бўлиб, ундан аzon ўкиш ҳамда дарвоза кузатуви максадида фойдаланилган.

Ҳовлининг уч томони бўйлаб бир каватли 40 та ҳужралар жойлашган. Мадрасада икки йиллик олий тизимдаги билимлар берилиб, унда куи таълимни олган талабалар таҳсил олишган. Ҳар бир ҳужра эшиги икки табакали, устидаги тобадон хонага ёргуликни етказиб турган. Ҳоналарда 2-3 тадан токчалар бўлиб, унда илму толиблар шамдонлар ёхуд китобларни териб кўйишган. Мажмуанинг шаркний дарвозаси томондаги ҳужрада Ҳазратнинг кабрларн кўйилган. Эшик олдида туг кўтарилилган бўлиб, унинг юкорисида кўл панжасн мавжуд. Бу белги дунёга кўли очик келиб, қули очик бўлиб кетиш, фоний дунёдан бокий

дунёга ҳеч нарса олиб кетилмасликка ишора бўлса, яна беш кунлик дунёда факат эзгу ва хайрли амаллар килишга шошилиш кераклигини англатади. Ҳужраларнинг 28-сида бинонинг орка томонга чиқадиган эшиги ҳам мавжуд. У ерда ҳам 9 та кабрлар бўлиб, Халифа Худойдотнинг оила аъзолари, шогирд муридлари кўйилгандир, балки кўчирилган кабристонларнинг айримлари шу ерда жамланиб согона килинган, деган тахминлар ҳам мавжуд.

Ховли ўртасида Халифа Худойдот сардобаси бўлиб, у ҳашамдорлиги, бетакрорлиги, мўъжизавийлиги билан кишини ўзига чорлайди. Сардобанинг икки кириш эшиги бўлиб, бири тепададир, ҳовлидан ҳовузга караб 8 та зина билан пастга, яна 5 та пиллапоя орқали эса сув мағзанига тушса бўлади. Иккинчи эшикка эса сардобанинг икки ён томони билан борнб, ҳар иккала томондан 10 га якин зинналар орқали тушилади. Сардобанинг бош дарвозаси икки табакали ёгоч эшикдан ясалган. Дарвоза тепасидаги намёёнада араб тилида битилган ёзув лавҳа ўтган асрда ўғирлаб кетилган. Эшик тепасида олти дерезали иккита бежирим минорачалар мавжуд. Сардoba тепа кисмининг кок марказида худди шундай яна бир минорача бўлиб, улар хонако гумбази учидаги минорача билан бирга мажмуа композициясига бир хилликни ҳосил килган. Гидротехник иншоот ташки томонига ғиштин безаклар берилган. Сардобага кириш зиналарн йирик мармартошлардан тайёрланган ва мустаҳкамланган. Ҳовуз атрофида айланма суфа, яъни йўлак бўлиб, уни бемалол айланиш мумкин. Оби хаёт обидаси ичкарсида овознинг акс-садоси, товуш баландлиги унинг юксак акустикасидан дарайдир. Деворлардаги 6 та даричалар ҳамда учидаги туйнукдан куёш нури тушиб, сув мусаффолиги, мўтадиллиги, хаво айланмаси ҳамда сифати бузилмаслигини таъминлаган. Сардoba суви мажмуа ичкарисинигина эмас, асосан атроф худудлардаги инсонларга оби хаётни етказиб турган. Халифа Худойдот обидаси эса ҳозирда сакланган 9 метрли кудук суви орқали таъминлан-

ган. Бугунги кунда сардоба суви ичишга яроксиз. Сардоба атрофидаги юйиллик кадимий тут дараҳтлари ҳам ҳар бир зиёратчини бефарқ колдирмайди.

Халифа Худойдот ансамблиниң йирик ва салобатли иншооти бу ҳонақохдир. Уч томони “П” симон шаклда үралган ҳонақохнинг ёғоч айвонини жами 18 та устунлар кутариб туради. Ҳар бир устун мармар тағурсиларга үрнатилган бўлиб, юкориси каллапуш билан айвон шифтига туташтирилган. Шифтда вассалар ва параллел болорларни куриш мумкин. Унинг ҳовузакларн эса тўртбўрчак ва ромбсимон шаклда ишланган. Ёғоч шифт деворларга туташадиган жойида ганчкор мукарнаслардан фойдаланилгандиги яккол кўринади. Айвондаги деворларда гулбарглар, нағис дараҳт шоҳаларининг ганч услубида акс этганилиги унинг чиройини янада оширган. Айвонга асосий киравериш шифтидаги накшинкор мукарнаслар ранглар билан безатилган.

Айвоннинг уч томонидан икки табакали ёғоч эшиклар оркали ҳонақога кирилади. Ҳонақога асосий кириш эшигида ёғочга ўйилган ёзув бўлиб, унда “Масжидга салом билан киринг, шунда хотиржам тортасиз” дея зикр этилган. Ҳонақо ичкариси ўта маҳобатли ва хашамдор. Ҳона тўрт бурчагида ҳам кичик ҳужравий эшиклар бўлиб, улардан учтаси вактида чиллахона вазифасини ўтаган. Биттасидан эса 17 та зина оркали томга чикиш учун фойдаланилган. Деворлар бўйлаб токчалар бўлиб, хозирда 4 гасини куриш мумкин, холос. Учала эшиклар устидағи икки каватли тобадонлар ҳамда гумбаздаги даричалар оркали ҳонага ёргулек тушган ҳамда ҳаво айланган. Ҳонақо анъанага кўра тўрт томони бир-бирига параллел йирик пештокли бўлиб, устунгўшалари бурамасимон. Бурчакдаги бағаллалар гумбазга интилган.

Қайта таъмирланиб кўрк очган ҳонаконинг бугунги чиройи ҳар бир томошабинни ҳайратга солиши шубҳасиз. Масжид меҳроби ярим гумбазли пешток остида бўлиб, накшинкор беклари нағис. Пешток остида ислимий ва гирнхн румий

нақшлар уйғунликда безатилган. Устунгүшасига зархал суви юритилган. Мехроб атрофида юлдузсмон, күпбұрчакли, геометрик, нақшлар кизил, күк, сарик ва яшил бүекларда мохирона пардоzlанган. Аллохнинг сифатлари ва тавсифлари баён этилган Оятал курснинг меҳроб атрофида битилганилиги диккатга сазовордир. Шунингдек, меҳроб устида қадимий майолика парчинлари сакланган булиб, унда мусулмонликнинг асосий шарты санаған Калиман шаходат зикр этилган.

Хона улугворлигига зеб беріб турған гумбаз гүзәллиги эътирофға лойик. Гумбазнинг пастки қисмими зархал рангда изоравиј камар айланиб үтган. Унинг юкорисида ҳовузаклар ва юлдуз безаклари акс этган. Тепароқда эса 32 та аркали безаклар ўсимликсмон ва гирих накшларида айланма ҳолатда давом этган. Кейинги қаторда гумбаз учига кадар дон бошоқлари, күёшга интилаётган гул чанокларн тасвирланган. Гумбазни томоша кила туриб, унинг бир бурчагида санъат асарининг муаллиғи томонидан колдирилган “2012 йил – Усто Шодижон шогирдлари билан бажарди” деган ёзувга күзингиз тушади. Гумбазни остида айланма чироклар қўйилган булиб, у накшларни янада ёркинрок кўринишини тақдим этмоқда. Гумбазни тўлдириб турған икки қаватли биллур қандил ҳам заррин занжирга осиглик ҳолатда хонани чароғон этмоқда.

Ана шундай табаррук ва файзли маскан афсускин, совет даврида ташландик ҳолга келтирилган эди. Қадамжони зиёрат килиш таъкик этилган, унинг хонакоси ва хужраларн омборхонага айлантирилган, кейинчалик мажмуа муруватт уйи сифатида фаолият кўрсатган. Сардоба эса ўта аянчли ҳолатга тушиб колган эди.

Истиклол йилларида мейморий ансамблда кенг таъмирлаш ишлари олиб борилди. 1994 йилда айвон устунларининг 10 га якини алмаштирилди. 1996 йилда жоме масжиди сифатида кайта рўйхатга олинди. Масжид ичкариси 2011, 2012 йилларда кайта таъмирланди. 2014 йилда сардоба, 2015 йилда мажмуа

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ховлиси қайта таъмир этилди. Ташки томондан обида 23 аркачали бежирим чамбара билан ўраб олинди. Бугун масжид ичкарисида 300 киши, айвон остида 500 киши, Қурбон ва Рамазон ҳайитларида мажмуа ховлиси билан бирга жами 1500 киши намоз ўқиш имкониятига эга.

Якин кунларда Халифа Худойдот мажмуасининг [ilm.uz](#) сайти ишга туширилиши режалаштирилган. Истиқболда мажмуани сайдхлик йўналишига киритиш, зиёратчиларни кенг жалб этиш томошибинларга нафакат 3250 кв.м ўринда жойлашган меъморий дурдоналар тарихидан хабардор этади, балки шаркнинг жавохир шахрини янада машхур айлаши шубҳасиз.



**Бухоро тарихий
обидалари:**

**ЎТМИШ ВА БУГУН
ЧОРРАҲАСИДА**



Пойкент шаҳри ҳаробалари. Шинак ва миноралар



Пойкент ёдгорлигидаги олиб борилаётган тадқиқотлар



Варахша саройи, ташки кўриниши
(Нилсон реконструкцияси)



Варахша. Сарой деворидаги рангили суратлар. VII аср



*Бухоро шаҳрининг 1920 йилги босқиндан
кейинги кўриниши*



*Бухоро шаҳристон қисмининг умумий
кўриниши (2010 йил)*



Бухоронинг умумий кўриниши. 1928 йил



Бухоронинг умумий кўриниши. 2012 йил



Асрларни қаритган Арки олий. 1915 йилдаги ҳолати



Турки Жанди авлиё (мозори) зиёратгоҳы



Арк кўргонининг таъмирлашдан кейинги ҳолати. 2017 йил



Абу Хафс Кабир Бухорий қадамжосида қайта бунёд этилган мақбара. 2010 йил



Сомонийлар мақбараси. Кече ва бугун





Мир Араб мадрасаси. Кеча ва бугун





Шайх Сайфиддин Бохарзий мақбараси.
Кече ва бугун



Арк қўргонининг Зиндан томондан кўриниши
(XX аср боши)



Арк қалъа деворларининг таъмирдан кейинги ҳолати



**Бухоро шаҳристони. Аркнинг жануб томонидан
кўриниши. Кеча ва бугун**





Самарқандиң көрінісі

Самарқанд дарвозасы. Үтмиши ва бугуни





Шоҳруд ариғи. Таъмирдан кейин





Аркнинг қалъа девори, қадимиий кўриниши



Шаҳар девори ва Таллитоҷ дарвозаси





Магоки Атторий масжиди. Шарқий пештоқи



Магоки Атторий масжидининг жанубий пештоқи



Чашмаи Аюб мақбараси, Түрлө дөврләрдагы күриниши





Улугбек мадрасаси. Үтгән асрдагы җолати



Бүгүн..



Хужа Зайниддин масжид-хонақоси. XX аср ўрталаридағы ҳолати



Обиданинг бугунги түриниши



Масжиди баланд. Собиқ түзүм давридагы аχволи



Масжиднинг мустақилликдан кейинги ҳолаты



Нодир девонбеки хонақоси. Кече ва бугун





Нодир дөвөнбэги мадрасаси. Бино пештоқида афсонавий семург үүшлари тасвирланаан.



Құш мадраса. Абдуллахон мадрасасининг олдинги күрниши



Мадрасасинә ҳозырғы күрниши



Қўш мадраса. Модарихон (Абдуллахон волидаси) мадрасасининг умумий кўриниши. Кеча ва бугун





**Масжиди Калон. Пештоқ кўриниши.
Кеча ва бугун**





*Масжиди Калоннинг шарқ томондан кўриниши.
Кечадан...*



Бугун...



Масжиди Калоннинг 1920 йил босқиндан көйинги ҳолати



Бугунги күриниши



**Масжиди Калоннинг мақсураси ва ички ҳовлиси.
Кеча ва бугун**





Абдулазизхон мадрасаси. XX асрдаги ҳолати



Мадрасанинг мустақиллик дәврида қайта консервацияланган ҳолати



Абдуллахон тимининг ташқи ва ички кўриниши



Тоқи Заргарон. Үтгән асрдагы күриниши



Зарварлар чорсусинина бүгүнги жаполи



Тоқи Телпакфурушон. XX асрнинг ўрталаридағы ҳолати



Савдо чоррахасининг бугунги күриниши



Тоқи Саррофон. Олдинги ҳолати



Саррофлар чорсусининг ҳозирги кўриниши



Файзиобод хонақоси. Кеча...



Буаун...



Гавкушон мажмуаси: кеча ва бугун





*Пошша биби мадрасаси (Жўйбори Калон аёл-қизлар ўрта
максус ислом билим юрти)*





*Волидаи Абдулазизхон масжидининг мустақиллик шарофати
ила қайта таъмиридан кейинги кўриниши*





Боло ҳовуз масжиди. Кеча ва бугун





Зиндан биносининг ташқи томондан кўриниши.
Олдинги ва бугунги ҳолати





Халифа Худойдот мажмуасининг асосий кириш дарвозаси ва ташқи куриниши. Кеча ва бугун



Халифа Худойдот айвонли масжидининг ҳовли томондан куриниши. Кеча ва бугун





*Халифа Худойдот сардобасининг ташқи
кўриниши: кеча ва бугун*





Лаби Ҳовуз ансамбли. XX асрнинг ўрталари



Мажмуанинг таъмирдан кейин қайта чирой очган куриниши



Кўкалдош мадрасаси. Ўтган асрдаги ҳолати



Бузурги кўриниши



Халифа Худойдот сардобасининг ички
кўриниши; кечча ва бугун





Чор минор мадрасаси. Кеча...



Бугун...



*Ситораи Моҳи Ҳосса саройининг асосий
кириш дарвозаси*



Саройининг "оқ уй" қабулхонаси



**Ситораи Моҳи Ҳосса саройининг Мавритания услубида
қурилган гиштин кӯшки. Ҳовуз томондан кўриниши**



Ситораи Моҳи Ҳосса саройининг ёғоч шиўлони



*Амир Олимхон мадрасаси. Олдинги ва
ҳозирги кўриниши*





Сүмитон қишлоғидаги Чор Бакр мажмуаси. Кече...



Капитал таъмиридан кейинги холати



Касри Орифон қишлоғида жойлашған Ҳазрат Баҳоуддин
Нақшбанд тарихий-меъморий мажмұасынинг асосий
кириши дарвозаси. 1993 йыл



Яңгыдан құрғылған рамайән кириш дарвозаси. Ушбу мұхташам
дарвоза 2003 Ылда Ўзбекистон Республикасының Биринчи
Президенти Ислом Каримов ташаббуси асосида бүнөд
эттілди ҳамда у ҳалқымыз томонынан "Боби Ислом"
дарвозаси деб нағланди



*Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳыга
кириладиган йұлаклар. Кеча...*



Бүгүн...



**Б.Нақшбанд мажмуасидаги сақохона (шарбатхона).
Кече ва бугун**





*Б.Нақшбанд мажмуасидаги Абдулазизхон хонақосининг
умумий кўриниши. Кечадан...*



Бугун...



Эшони Имло сардобаси. Эски кўриниши



*Бугунги куриниши (ҳозирда сардоба Бухоро шаҳридаги
14-уртав умумтаълим мактаби ҳоалисида)*



Қоровулбозор сардобаси - чүл бағридағы оби-хаёт манбау





Қадимий Бозори Корд ҳаммомининг ташқи кўриниши



Хўжам Said Пўлој тепа лиги, Ромштан шумани



Бозори Корд ҳаммомининг ички кўриниши



№ 7а. Сардоба йетарасының мадрасасы.



Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг бириинчи ҳалиқ уйи.
БХСРнинг I-курултойи айни шу бинода бўлиб ўтган. Ёнидаги
Шодимбий мадрасаси ҳозирда сақчанмаган. XX аср бошлари.



Тарихий бино куп ишлар Садрiddin Ayni номидаги вилоят
музикалии камедия театри сифатида фаолият қурсатди.
2010 йилда театр тинги бинога кучириди.



*Бухоронинг 2500 йилгик юбилей тантаналари. 1997 йил,
19 октябрь. Пойи Калон ансамбли*



*Бухорода ашъанафи равишада утказиб келинаётган "Илак ва
зираофлар" жағында туристик фестивалининг
XIV тантанаси саҳнага штирилган концерт дастури*



*“Ипак ва зираворлар” халқаро туристик
фестивалининг тантанали очилиши маросими. 2016 йил, май*



Фольклор-этнографик дисталарниң чиқишлари

АСРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ



XV – “Ипак ва зираворлар” халқаро туристик фестивалининг
“мұғжизалар карвони” Арқ қалъасидан шылға чиққында



“Мұғжизалар карвони” сүағрийлар
бояштығында шахристон орталық шылға



Қадим қадриятлар карвони



Хужа Насриддин Афанди - Бухоронинг кулгу устаси



Бухоро ғұзалтари рақс дастаси



Атлас үә адрас маталариншіг сөхрүи жилюси

ЧИРОЙИГА ЧОРЛАР ЧОРМИНОР

Аз алдан Шариф Бухоро күкка бўй чуған утугвор миораглар шаҳри дея тътироф этилади. Бу таъриф табаррүк заминининг нилий думбазларию, заррин миноралари, истеҳкамлардаги деворий шинаклару, калья эшикларидағи “қўриқчи” гулдисталарга ишбатан айтилган бўлса не ажаб. Бухоронинг шимолий-шарқий қисмида, Лаби Ҳовуз ансамблининг ортида жойлашган, муқаддас гушанинг жозибадорлигу ю мафтункорлигини бойитишга хизмат қилаётган Чор-Минор (турт минора) архитектура комплекси ҳам ана шундай меъморий ёдгорликлардан биридир.

Бундан бир неча йиллар олдин оппок лайлакларнинг полопонлари учун уя хисобланган Чор-Минорнинг файзу тароватини томоша килиш учун келган сайёхнинг “табиат уйгунлашган мұъжизакор обида” дея берган баҳоси ҳакикатдан ҳам таҳсинга лойик. Тұрт минорага гүёки ёпинчик соябондек үрнашган лайлак уялар нншоотни донишманд мүйсафедга айлантирганди. Бу минорачалар Бухорога жануб ўлкалардан ҳар йили учеб келадиган лайлакларнинг севимли жойи бўлган. Улар бу минораларға үзларининг улкан телпакларга үхшаган ин (уяларни) қурғанлар. Даражатларнинг яшиллиги, ҳовузлардаги сув сатхлари, хужраларнинг паст бўлиши, масжиднинг ёгоч айвонлари... Буларнинг ҳаммаси меъморчиликнинг тирик табиат билан алокасидан, сайёхни жалб килишга интилишдан далолат беради. Гарчанд лайлаклар ҳозир бўлмасада, обиданинг ландшафт гўзаллиги инсонни ўзига ром этади.

Махаллий ахолининг таъкидлашича, 1807 йилда бадавлат туркман халифаси Ниёзкул маблаглари эвазидаги мадрасани барно этишда меъморлар Аградаги Тож Махал мақбарасидан намуна олишган. Инишоот композициясига кўра ҳовли ва атро-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

фида усти қуббалар билан ёпилган хужралардан иборат. Аслида эса Чорминор бир пайтлар масжид ва мадраса бўлган мажмуага кириш дарвозаси вазифасини ўтаган. Бинонинг чап, ўнг томонларининг хар бирида олтидан жами ўн иккита хужра бўлган булиши керак. Ҳозир эса атнга тўрттаси, асосий кириш кисмининг чап томонида учта, ўнг томонида эса битта хужра сакланиб колган. Хужраларнинг дерезаларн накшинкор килиб безатилган. Бинонинг кириш томонига ишланган дарвозахонаси диккатга сазовордир. Кираверишдаги пештоқда икки рангли ганч ўймакорлиги билан “Чор-Минор” деб ёзib қўйилган. Шунингдек, бино ичида эшикдан ўнг томонда Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг Бухоро васфига форс тилида битган рубоийси бор. Рубоийда “Шарифлик макоми Аллоҳнинг изни билан охирги марта Бухорога насиб этди”, дейилади, аникроғи, Шарифлик муҳри охирги марта Бухорога урилди, дейилган. Иншоотнинг дарвозахонаси квадрат бўлиб, тўрт бурчагида тўртта минора жойлашган. Олд томонида пештоқи бор. Ташқаридаги асосий дарвоза икки табакали бўлиб, унинг юкорисида арабий ёзувлар битилган. Пешток пойдевори бучракларида бежирим накшинкор ёзувли 4 та мармар устунларни ҳам кузатиш мумкин. Чор-минорга кириш кисмидаги дахлиз ўзига хос павильонга айланган.

Обида икки каватли бўлиб, пастки кавати мадрасага кириш учун йўлак вазифасини бажарган бўлса, юкоридаги кават кутубхона дейилган. Унинг усти эса гумбаз билан ёпилган. Унинг хар томонига очик пешайвон бўлган, бурчаклардаги ичига кириладиган минорачалар эса гумбазлар билан ёпилган. Чор-Минорнинг кичик гумбазлари гўё кўк осмон билан чирой талашиб тургандек. Ҳар бир миноранинг ташки юзаси кўм-кўк осмон ва зангори килиб рангдор гиштин кошин билан безатилган. Тепадаги иккинчи каватга жанубий-гарбий минора ичидағи 15 та зина оркали чиқилади. Ундан томга эса 12 зинадан чапга бурилиб, яна 8 та пиллапоя оркали кўтарилиш мумкин. Чор-

Минор минораларидағи даричалар ҳамда кутубхонанинг тұрт томонидаги дерезалар орқали зиналар ва хона ёритилған. Иккінчи қаватдаги хонанинг бурчакларида жойлаштирилған етти-та мармар устунлар ҳам әзтиборни жалб этмай күймайды. Уларнинг ҳар бири үзига хос нақшлар билан зийнатланған.

Меморий ёдгорлик композициясининг ажралмас кисмн ҳисобланған ҳовуз ҳам Чор-Минорга алохида күрк бағнышла-моқда. Атрофи тут дараҳтлари билан үралған ҳовузнинг тұрт томонига 5 та зина ёрдамида тушиш мүмкін. Тиник ва зилол сувда калкиб турған обиданинг аксини мұжизакор асарға қиёслаш мүмкін. Үзига охандрабадек тортаётған ҳовуз ёнида хох пешинда, хох ой шуласида үлтириб, гүзәллікдан баҳра олишнинг гашти үзгача.

Лекин, мозийдан сүзловчи мазкур обиданинг ҳозиргача етиб келиши осон бүлмади. Собик Иттифок даврида жавохир санъат асарига әзтибор берилмаган. Аччик ҳақннат шундан иборатки, Чорминор атрофларидан бир вактлар зовур үтган. У күмилгач, лайлаклар емишсiz колиб, учиб кетишган. Устига устак зах күтарылған, обида пойдевори ҳамда гиштларга каттык шикаст етказған.

Мустакиллікка эришганимиздан сүңг, истиқол обидага қайта жон бағишлиди. Тарихий ёдгорлик ЮНЕСКОнинг Бутун жаһон маданий мероси рүйхатига киритилди. Обидада таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бугунғи кунда Чор-Минор ҳовлисида гарк пишган кирмизи олмалару, ширали үриклар, мозий тафтидан таъмга кираётған анору хурмолар, юз йиллик кекса тут дараҳтларини тұлдириб турған каклику беданалар ҳам мажмua күркига үзгача ҳусн баҳш этмоқда.

Бухорони оламга маҳлиә айлаган Чорминор яна асрлар ошиб, үтмиш күзгуси сифатида ёшларни миллий түрүр рухида тарбиялаб, сайёху мемонларни үз чиройига чорлайверади.

СИТОРАИ МОХИ ХОССА - ОЙМОНАНД ЮЛДУЗЛАР САРОЙИ

Афсонавий Бухоро нафакат, илму маърифат, дину диннат, савдо-сотик маркази, балки север ва садоқат шаҳри сифатида ҳам бутун дунёга машҳур. Қадим заминида бунёд этилган сирти ишшооттарда ҳам бу синоат ва ҳикмат яширин. Жиннатидиг ердаги ифодаси, Эрам боги, мӯъжизалар қасри, мармар күшк намлари билан тилларда достон бўлган Ситораи Мохи Хосса саройи ҳам Бухороди ёркни юлдуз мисол портаб келмоқди.

Бухородан 4 км шимолда жойлашган хушмаъво мавзеда кад кўтарган Бухоро амирларининг ёзғи дам олиш қароргохининг Ситораи Мохи Хосса номи билан юритилиши гаройиб. Форс – тожик тилида ситора-юлдуз, моҳ-ой маъноларини билдириб, кўнгилдаги юлдуз ва унинг самодаги акси бўлган ой саройи ҳамда ой ва юлдузлар қасри эканлигини англатади. Шунингдек, манғит ҳукмдори амир Музаффархон саройни ӯзининг гўзалликда тенги йўқ суюкли рафикаси Ситорабону хотирасига багишлаб шундай номлаган.

Шоҳнинг кўнглидаги юлдузни ифодаловчи сеҳрли саройнинг бунёд булиши билан боғлик турли-туман ривоятлар мавжуд. Уларнинг бирида, Амир Насруллоҳон боғли саройнинг жойини танлашда оқилона иш тутган. Тўртта кўйни сўйиб, шаҳарнинг тўрт томонидаги дарвозаларига осиб кўйишни буюрган. Уч дарвазадаги гўштлар тезда айнийди, аммо шимолдаги Самарканд дарвозанинг гўшти уч кун мобайнида бузилмай туради. Шимолдан эсиб турадиган майин шамол ҳавонинг мусаффолиги, дарё сувининг салқинлиги билан кўшилиб худуд об-ҳавосинн мўттадиллаштирган. Ҳудди мана шунини инобатга олиб, ёзги қаср шу ерда курила бошланади. Азал-азалдан оромбахш хисобланган бу худуддан Мулиён ариғининг ирмоклари

окиб ўтган, унинг хушманзара таърни эса оламга донг таратган. Саройнинг икки дарё учбурчаги-дуобасида курилганилиги ҳам унинг салкин ва баҳаволигини таъминлаган.

Сарой Бухородаги мангитлар сулоласининг учинчи авлодига мансуб бўлиб, дастлабки бинолар Насруллахон (1826-1860) ва Музаффархон (1860- 1885) хукмронлиги даврида курила бошланган. Абдулаҳадхон хукмронлиги даври (1885—1910)да сарой ва хушманзара боғ барпо этилган. Ситораи Мохи Хоса хосса саройнинг асосий бинолари Бухоронинг сунгги амири Саййид Амир Олимхон (1910-1920) даврида курилган. Умумий майдони 10 гектарлн саройнинг ҳозирда 6,7 гектари колган холос. Колган худуддаги бинолар сакланмаган ва ерлари бўлиб олинган.

Мұжнзакор саройга кириладиган икки эшик бўлиб, ҳозирда очик булган асосий дарвоза жуда тантанавор ва нафис ишланган. Дарвоза порталида кўфий хатида қўйидаги ҳадис битилган: “Султон – Аллоҳннг ердаги сояси”. Дарвозанинг тепасида ҳам ёзув бўлиб, унда “Шохона бахтдан олам иши айланади. Чунки подшоҳларнинг бахти адолатдан бино қилинди” деб ёзиб кўйилган. Икки каватли муҳташам дарвозадан ичкарида ўнг томонда ҳазинахона, чап томонда сокчилар хонаси жойлашган. Шимолий дарвоза эса ҳовуз томонда бўлиб, жуда таъмирталаб бўлгани боис фойдаланилмайди. Ўз вактида бу дарвоза болохонасидан туриб амир ўз отхонаси ва филхонасини томоша килган. Муҳташам сарой иккита ҳовлига: ҳавли дарун ва ҳавли берунга ажратилган. Иккала ҳовлини Самарканд терагидан тайёрланган икки табакали эшикдан кириладиган долон ажратиб турган. Долондан саройга кираверишдаги ок дарвоза устида 1905 йилда муҳрланган ушбу ёзув мавжуд: “Мүминлар амири, подшоҳнинг фармони билан олий даражада турфа хил таъмирланди. Осмон остида бу каби гўзал тархли бино йўқ. Уни кўрган ҳар бир киши: “Салом бердик, минг оғарин”, — дейди. Уста Шириндан унинг курилган тарихини сўрадим: Эй олий каср, Ер юзидаги жаннат деб айтди”.

Долондан ўтилганда ҳавли даруннинг “П” шаклида курилган бош ҳовлиси яъни саломхонасига чикилади. 1911-1915 йил-

ларда кад ростлаган бинонинг икки томони хоналардан иборат булиб, бир томони ёгоч айвондир. Саккиз устун устига ўрнатилган тўртта накшинкор аркалар айвон гўзаллигини янада оширган. Айвон деворларида тасвиirlанган эгик мажнунтоллар амирга саломга келган ахли байт ва аркони давлатга таъзимни ишора килаётгандек гўё. Уста Карнмажон Тахта томонидан феруза ранга пардоzланган ёгоч санъатининг ҳар бир детали инсонга эстетик завъ багишлайди.

Ховли марказида кичик ҳовуз булиб, унинг ичидаги мармардан ишланган иккита балик даҳанидан юкорига сув пуркалган. Ўзига хос ечимга эга мазкур фаввора Германиядан келтирилган движоклар асосида ишлатилган.

ОКСАРОЙ АЖОЙИБОТИ

Мохи Хосса саройининг энг серҳашам хоналаридан саналган оксарой гўзаллиги нихоятда мафтункор. Ок уйдан олдин кабулхона жойлашган булиб, у кутиш вазифасини бажарган. “Хонаи интизор” деб номланган хонада келган элчи ва меҳмонлар амир рухсатини пойлаб ўтиришган. Соатлаб кутиш вакти ўтганилигини сезмаслик максадида кабулхона турли мурракаб шаклдаги бежирим, ноёб накшлар билан зийнатланган. Гулхона номи билан ҳам аталувчи хонадаги хилма-хил ранглар мутаноснблиги, бўёклар жилокорлиги ҳар бир меҳмонни ўзига ром этиб, зернишига йўл куймаган. Накшинкор икки табакали эшикдан кирган ҳар бир меҳмоннинг нигохи энди факат ок ранг оркали зийнатланган ганч санъати намуналарига тушгаи. Баландлиги 8 метрли хонада тўрт томони бўйлаб юкорига караб кўтарилиган 18 та ганчкор равоклар жо бўлган. Такрорланмас санъат намуналарини ўзида акс эттирган мұъжиза 25 уста шогирд машаккатли меҳнатининг маҳсулидир. Хона декорацияси ажойиблиги шундаки, бутун хона деворларида Россия шишалари ўрнатилиб, устига ганч накшлари бирма-бир ишлаб чиқилган. Ганчкор безакларни мохирона зийнатлаш оркали ойналарнинг 40 минг бўлакка булиб ташлангани кишида катта та-

ассурот колдиради. Оқ уй Уста Ширин Муродов бошчилигидаги мөмнөлар томонидан мохира бәзаклар асосида пардоzlанган. Хона марказини тұлдириб турган 500 кг оғирликдаги бронза кандил Польшадан көлтирилиб, чироклари Австрияда тайёрланған. Хона токча ва равокларига амир хохишига күра чет эллардан көлтирилған чинни идишлар териб чикилған. Оқ уй пойгасыга түркман аёллари ишлаган кизил баҳмал гилам түшалған. Гилам 14x7 жаһмда бўлиб, 350 кг оғирликни ташкил қилған. Амир оқ уйга ўз ётогидан кириб келганинги хона түрида жойлашған эшиклардан билса бўлади. Бу ерда тўрт эшикли дахлиз бўлиб, эшиклар тўрт томонга олиб чиккан. Бири саломхонага олиб чикса, унинг кархисидаги эшик Абдулаҳад саройига олиб борган, яна бири ётокка йўналған бўлса, бири хазинахонага йўналтирилған.

Қабулхонадан чап томондаги тиник аксни кўрсатадиган Венеция ойналари ўрин олган дахлиздан ўтиб кейинги хона “Хонаи бози”(Ўйин хонаси)га ўтилади. Мазкур хона вактни кўнгилочарлик билан ўтказишга мўлжалланған. Ушбу шотранж хонасида шахмат, шашка, домино ўйинлари йўналған. Хонанинг ўйинбоплигини деворларда Франция рангдор шишаларидан шахмат доскалари териб чикилғанлигидан билиш осон.

РАНГЛАР ЎЙНИ

“Хонаи бози”дан саройнинг энг кўркам ва сирли хонасига кирилади. Мазкур хона зиёфатхона бўлиб, унда турли базм ва кечалар тантанали ташкил этилған. Баландлиги 10 метр бўлған мазкур хона саройдаги энг йирик залдир. 18 та накшинкор устун хона шифтига туташтирилгани ўта жозибали. Деворнинг барча томонлари яхлит шишали мозаика шаклида. Улар олиниб бәзакли накшлар тўрт фаслга караб ўзгартирнб турилған. Юкоридаги рангли ойналардан күёш нури тушиб хонада ранглар ўйини хосил килиши ҳакикий мұъжнза. Хонада ҳар соатда күёш нури турлича тушиб, рангдор шишалардан ҳар томонга ёғду тарал-

ган. Пол еттида дарахт аралашмасидан тайёрланган ҳолда паркет шаклида ишланган. Зиёфатда дастурхон шаркона бөзатылса да, аммо европачада услугда хизмат күрсатилған. Шишили музтатгич, хизмат күрсатиш аравачаларининг хонада борлиги гарб маданиятидан дарак.

Ховлидан Мирзахонага кириладиган эшик бўлиб, ута ҳашамдор. Эшик икки ёнида гозгон мармаридан ишланган кўриқчи шерлар саройга кўрк баҳш этмоқда. Шеър ҳайкаллар муаллифи нуроталик уста санѓтарош Абдурахим Турдиевdir. Мирзахона геометрик гирих безаклари ёгочдан ишланган. Хонанинг ҳашамдор ва накшлардан холилнгига сабаб котиб ва йилномачилар чалғимаслигигадир. Ушбу хонадаги мусикали сейфлар қадама услубида тайёрланган. Шунингдек, хонадаги сирли экспонат бу кирк киз ойнасиdir. Саройга келган ҳар бир канизак ойнага ўнг оёқ билан ният килиб кирган ва истаги кирк кун мобайнида амалга ошган. Баҳт ойнасининг яна бир хусусияти шундаки, ойнада киркта акс кўриниб, канизак саройда ёлғизмаслигини англаb етган.

Сарой бурчагида ойнаванд хона бўлиб, у чойхона деб номланган. Ёз кунларида меҳмонлар шу хонага ўтишган. Барча деразалар очилиб, меҳмонлар сарой ҳовлисидағи боғни, ҳайвонларни, айникса, викорли товусларни кўришга мұяссар бўлган.

Саройнинг асосий бинолари битгач, бօг ичида 1915 йилда ҳакиқий оврупача кўринишга эга саккиз хоналик кўшк – “Хонаи Ҳашт” бино этилади. Бош уста Абдурахим Ҳаётов бошчилигигида ишланган кўшк ута ҳашамдор ва нафис. Айникса, гумбаз остида жойлашган меҳмонхона эътиборни тортади. Иккита асосий хонанинг бири овқатланадиган, бири дам олиш хонасидир. Улар орасидаги кўшалок эшик икки томонга ҳам очилиб, меҳмонларнинг хоҳишига караб эшиклар ўша томонга очилган. Бу мулозамат кайси хонадан кейингисига ўтилишни ишора килган. Меҳмонхона зарҳал безаклар билан бөзатилған бўлиб, унда 4 кг тилла суви сарфланган. Накшларда юлдуз ва ой тас-

вирининг мужассамлиги сарой номини рамзий маънода билдириб турган.

Сайид Амир Олимхон бир неча йиллар Петербургда таҳсил олиб, гарбона архитектура ва ҳашаматли курилишлардан хабардор эди. Ватанида ҳудди шундай оврупача архитектурага хос курилишни истаган ва саройини гўзал кошонага айлантирган.

Ситораи Моҳи Ҳосса саройининг жанубида 1917-1918 йилларда қад ростлаган икки каватли гиштин кўшк энг жозибали ва эртакмонанд бино хисобланади. Уста Ширин Муродов раҳбарлигига курилган бино канизакхона саналиб, бу ерда амнр онаси ва хотинларнинг туар жойи ва ётоги ўрин олган. Ичмайч жойлашган 12 та хоналарнинг ҳар бири маълум вазифага эга. Ётокхона, овқатланиш хонаси, гулхона, аёллар намоз ўкиш хонаси, дахлизлар ва бошқалар. Шунингдек, бино иккита очик ва ёпик айвонига ҳам эга. Мавритания услубида курилган иншоот ҳар бир зиёратчининг диккат эътиборини тортиши шубҳасиз. Бинонинг биринчи қаватидан овқатланиш хонаси ва ётокхона ўрин олган бўлиб, улар ичида марказий дахлиз алоҳида эътирофга лойик. Хонанинг бир эшиги ҳовуз томонга очилган бўлса, унинг қаршисидаги эшик юз турдаги гуллардан иборат бօғ томонга очилган.

Кўшкнинг аксарият ғаройиботларн иккинчи каватда. Йигирмата мармар зина орқали юқорига кутариламиз, хоналардаги голланд услубидаги печлар эътиборни тортади. Калинлиги бир метр келадиган бино деворлари шу орқали иситилган. Амирнинг волидаи мухтарамаси жойлашган хонанинг балкони ҳам бўлиб, она подшохнинг саломини шу ердан кабул килганлиги кўринади. Хонадан кўркам айвонга чикиш мумкин. Ўнта аркали айвондан саройининг жануби, ҳовуз, бօғу роғлар, ҳайвонот бօғи кафтдек кўринган. Манбаларда амирнинг тұртта фили борлиги келтирилади. Улар кейинчалик Москвадаги ҳайвонот бօғига олиб кетилган. Айвон деворлари ўз вактида турли хилдаги расм ва безаклар билан безатилган бўлиб, бугунги кунда

Шариф шаҳар ёдгорликтари

улардан асар ҳам колмаган. Юкоридаги қаватда яна бир узунчок шинам хона булиб, Францияннг рангдор шишалари билан пардозланган. Ойналарда акс этган довуд юлдузи кўзга ташланади. Хонада саватга ўхшаб тўкилган стол ва стуллар мана юз йилдирки бир хилда. Хона тўрисида яна бир эшик булиб, ундан саккиз деразачали кичик минорачага чикилган.

Ёзги кўшкни ховузсиз тасаввур этиб бўлмайди. Куннинг маълум маҳалида икки қаватли бинонинг тўлик акси ховуз сувига тушиб, бир бутун гўзалликни ҳосил этади. Қўлда қазиб чиқарилган сарховуз (бош ховуз)нинг бўйи 53 метр булиб, эни 46 метр, чукурлиги эса 3 метрни ташкил этади. Ховуз Нуротанинг кулранг гозгон мармаридан ишланган булиб, унга ховузга ховли бўйлаб келадиган арик суви аждар оғизли тарновдан куйилган. 1913 йилда ишланган мазкур аждар тарнов нуроталик сангтарош Абдураим Турдиев ижодига мансубдир. Ховуз бўйидан саккизта зина оркали кўшкнинг биринчи қаватидаги беш аркали айвонга чиқилади. Ушбу айвондан тўғрида эшик булиб, утган асрда бу эшик шишаванд ойнали гулхонага олиб чиккан. Бирок бу иншоот бизгача етиб келмаган.

Бугунги кунда канизакхона биносида бадиий қаштачилик музейи ташкил этилган булиб, Бухоро, Шофиркон, Ғиждувон, Шахрисабз, Жizzах, Тошкент, Нуротанинг бежирим кашталари намойиш этилмоқда.

Канизакхона ёнида ёғоч санъатининг бетакрор намунаси мавжуд булиб, бу минорага туташиб кетган шийпондир. Ёғоч безак санъатини ўзида мужассам этган айвонга 12 та зина оркали кутарилади. Аzon айтиш учун курилган ёғоч минорага кутарилиб, ундан кўприкча оркали шийпоннинг иккинчи қаватига чиқиш мумкин. Баланд ва баҳаво шийпонда тўрт томони 16 та ойна билан үралган ойнаванд хона атрофини йўлаклар оркали бемалол айланиб чиқиш имконини беради. Айнан болохонали дарвоза, икки қаватли айвонли кўшк ҳамда баланд шийпондан туриб амир бу ерда уюштирилган кўпкари ўйинларини,

ҳайвонлар ва жонзотларни томоша қилган.

Саройнинг шимол кисмидаги яхши сақланмаган яна бино борки, бу ҳарам хонасидир. Икки қаватли ва ярим доира шаклида иборат бўлган бино Рим меъморчилнгини эслатган. Шимол томондаги айвони ўта жозибадорлиги ва ҳашамдорлиги билан ажralиб турган.

Мухташам саройни кўзидан кечирар экансиз, унинг ҳар бир хонаси, ҳар накшу нигорида, яширинган ҳикматида мохир меъмор уста Ширин Муродовнинг изини куриш мумкин. 1980 йилда Нарзулла Муродов лойихаси асосида устанинг 100 йиллиги ҳамда порлок хотирасига багишлаб унинг бюстиси ўрнатилди. Саройнинг бош меъмори сифатида уста ҳайкали салобат тўкиб турибди.

Бугунги кунда Ситораи Мохи Хосса саройида Бухоро давлат бадиий- меъморчилик музей кўрикхонасининг филиали жойлашган бўлиб, ундаги учта бўлимда жами 724 та экспонат мавжуд. Музей фонди катталиги бўйича вилоятда иккинчи ўринда турари. Таъкидлаш ўринлики, сарой ичидаги 209 ёшли тут, 148 ёшли эман, 100 йиллик чинорлар ҳамда кўп йиллик акация, каталпалар боғнинг мўйсафет дараҳтлариданdir.

Музейлар тарих кўзгуси. Уларни янада бойитиш, ҳакконий тарихимизни тиклаш, ёш авлодга етказиш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ситораи Мохи Хосса музейи ҳам сирлн ошёни билан мозийдан буюк келажак сари мустаҳкам кўприк бўлиб, Бухорони ёркин юлдуз мисол оламга танитаверади.



АМИР ОЛИМХОН МАДРАСАСИ

Бухоронинг узаги илм демакдир. Унинг “Бухор”, “Мадина ал-аъсар”, “Фохира” – фахрли шаҳар, муқаддас замин каби таърифлари ҳам ишму ирфон маркази эканига шигорадир. XX аср бошларида Бухоронинг сунгги амири Саййид Олимхон томонидан уз номи билан қурдирган мадрасаси ҳам шариф шаҳарининг жаҳоний шуҳратини оширишга хизмат қилган маърифий муассасалардан биридир.

Амир Олимхон Минораи Калон орка томонидан илгари ҳаммом сифатида фойдаланилган ташландик жойни обод килиб, мадрасага айлантиришни режа килди ва бу хайрли ишни амалга оширади. Мадрасанинг курилган йили аник бўлмасада, мозийшуносларнинг амир эсадилари орқали олиб борган тадқикоти шуни курсатадики, бино тахминан 1914-1915 йилларга тўғри келади. Амир Олимхон ўзининг “Бухоро ҳалкининг ҳасрати тарихи” китобида курдирган мадрасаси тўғрисида шундай деб ёзади: “Бухоро минорасининг паст томонида ўз номимдан Дори-л-улум – билим уйи бўлган бир мадраса курдиридим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттиридим. Мазкур мадрасада истиқомат киладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечак ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вактда етказардим”. Бу фикрни рус олими Шишкун “Реставрация” номли китобида Амир эсадиларида Бухоронинг куйи кисмида “Дорул улум” - билимлар уйи курилганлиги, у ерда турли фанлардан сабок берадиган донолар йигилганлиги ҳамда билим юртининг харажатларини талабаларнинг емишларидан тортиб, китоб, кийим-кечак барчасини амир ўз хисобидан таъминланганини келтириб ўтган.

Бундан шуни англаш мумкинки, бу мадраса курилган вактда амир Олимхон вакф мулки ҳакида гапирмаяпти. Анъанага

мувофик вакф мулкидан эмас, балки давлат таъминотидан фойдаланганлиги ҳакида гап бормоқда. Ҳукмдор томонидан барпо этилган мадраса тұлалигича амирға қараган. Олий даражадаги мадрасалар типига кирудиң муассаса Бухоронинг Ҳофиз Қўнғирот гузарида жойлашган ва унинг қурилишида 250 минг тилла сарф этилгани ҳам манбаларда көлтириб ўтилган.

Икки каватли мадрасаны ташки томондан кузатар эканмиз қурилиш услуби, декорацияси ўзгачалигини кўриш мумкнин. Асосий қириш кисмидаги икки томондаги параллел турган кичик ғиштин гумбазлар гоятда гаройиб ва бежирим. Гумбазларнинг учидаги саккиз деразачали узунчок пастгина минорачаларнинг борлиги бошка мадрасаларда учрамайди. Яна бир алоҳида йирик гумбази борки, у бинога салобат ва маҳобат баҳш этиб турмоқда. Бинога учта қириш эшиги мавжуд бўлиб, асосий қириш портали ўта жимжимадор ва бой фантазияли накшлар билан безатилган. Қириш пештоки пастрок бўлсада, аммо унинг безаклари уни улугвор килиб намоён этган.

Мадрасанинг ички дарвозаси юкорисидаги накшу нигорларда кўзни кувонтирувчи, дилни хушнуд этувчи энг чиройли “Насхи бухорий”да арабий ва форсий тилларда қуйидаги ҳамду-сано ва ҳикматли сўзлар ёзилган: “Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, жаҳонни яратган парвардигорнинг лутфи қарамидан фикх, тафсир ва ҳадис каби фанлар ўқитиладиган бу беназир мақом (жой) ни барпо этиш Жаҳон Султони амири билан ниҳоясига етди. Ҳаёл кўзгусининг яратилиши яъни қурилиш санасини охирги жумладан изланг. Бу билим даргоҳини бино килувчи адолатли шоҳ (амир) Сайийд Олимхондир”.

Асосий дарвозадан қиришда катта айвон бор. У мураккаб ёғоч ўймакорлиги намуналари билан безатилган. Мадраса иккита катта зал ва 51 та хужрадан иборат. Бинонинг ташки ва ички деворлари декорацияланган. Ғиштин бўртма накшлар, фируза рангли ғиштин мозаикалар, геометрик шакл ва безаклар дикқатингизни тортади. Ҳар бир хона алоҳида декорацияга эга.

Ташки деворларда асосан геометрик шакл безакларининг аник ишлатилгани гуё мадрасанинг олий таълим даргохи, аник дунёвий фанлар ўқитилишига ишора килаётгандек. Хоналар ичкариси эса бўёк санъати билан мохирона безатилган. Амир Олимхон мадрасасини Шаркнинг машҳур илму маърифат марказига айлантиришни ният килган эди.

Беш йил давомида фаолият кўрсатган мадрасада дунёвий сабоклар - табиий, аник ва бошка муҳим фанлардан таълим берилган. Тарабаларни илм олиши учун мўлжалланган маърифий муассасада дарс хоналаридан ташкари тарабаларнинг ётиб туриши учун ҳам куляйликлар яратилган.

Илм даргохидаги пухта билим берилиб, шунингдек, замонаси-нинг зукко олиму фузалоларн йигилган. Йирик илмий муассасанинг айни шаҳарнинг бош маркази, Минораи Калон ёнидан танлангани ҳам бежиз эмас.

Илм даргохидаги 1920 йилда Бухорога уюштирилган боскин даврида анчагина талофат кўрди. Минора томон йўлланган снарядлардан мадраса ҳам каттик шикастланди. Мазкур йилда Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси тузилгач мадраса умуман каровсизлигича колаверди. Собиқ Совет даврида бинода Павлик Морозов номли шаҳар болалар кутубхонаси, кейинчалик, Наршахий номидаги вилоят кутубхонаси фаолият кўрсатди.



ЧОР БАКР - СУМИТОН ЖАВОХИРИ

Донги етти иқтимага етган шариф Бухорода шундай қадамъсолар борки, яхтит мажмуда шаклида бўлиб, мозийдаи дарак берувчи обидалари бир жойда жойлашган ҳамда кичик бир шаҳарчани ташкил этган. Сулолавий ёхуд оилаславий мақбара тардан иборат мажкур ҳудудлар не-кропол (мархумлар шахри) деб ҳам аталаған. Бир ича асрларки, инсоният қалбини үзининг маърифат ёғдуси ила чарогон этиб турган ана шундай зиёратгоҳ ансамблари-дан бири Чор Бакр қадамжосидир.

Бухоро шаҳридан 7 км узокликда Сумитон кишлогида кўним топган Чор Бакр ҳазратларининг мақбара, дахмалари, шунингдек, ул зотлар қурдирган махобатли обидалар, колдирган хикматлар сандиги буғунга кадар одамизотни ҳайратга солиб келмоқда.

Чор Бакр атамаси аслида форс-тожик тилида Чахор бакр бўлиб, тўрт машҳур Абу Бакрлар – Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Тархон, Абу Бакр Фазл ибн Жаъфар, Абу Бакр Ҳомидларни ифодалайди. Ўз даврида мамлакат ижтимоий –сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, ҳалкнинг дардига дармон бўлган бу каби улуг кароматпеша инсонларнинг Бухорога келиб, довруғ солгани барчани кизикириши табиий албатта.

Муаррих Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Жўйбор хўжалари номи билан шухрат топган тўрт Бакрнинг Бухорога келишлари баён этилган. Унда келтирилишича, 899 йилда Али ибн Лайс Жайхун (Амударё)дан ўтиб Бухорога Сомонийлар подшоси амир Исмоил олдига кўмак сўраб келади. Али ибн Лайс билан биргагэ эса тўрт буюк хожазодалар ҳам бу қўёшли юртга ташриф буюрадилар. Исмоил Сомоний юртига донишманл ҳамда улуг мартаба эгалари ташрифидан мамнун бўлиб, уларни ҳозирги зиёратгоҳ ҳудудидаги сўлим боғда карши олган.

Шу билан Али Бакрлар мукаддас заминда қолиб, бу юртнинг илму маърифатини янада юксалтиришда ўзларининг бениҳоя хиссаларини қўшадилар. Маълумотларда зикр этилишича, Абу Бакрлар шарофати ила Бухоро хукмдорлари мудом порлок галабага эришганлар, муаммо ва можаролар ижобий бартараф этилган. Ҳар бир хукмдор уларнинг кимматли маслаҳатларн ва панд-насиҳатларига амал килган.

Чор Бакрларга мамлакатнинг жанубий томонидан беҳисоб хосилдор боғ-роғлар, сув бўйидаги унумдор ерлар ҳадя сифатида инъом этилган. Жуда катта майдонни эгаллаган ҳудудлардан тушган даромадлар факат ҳайрли амалларга, ҳалк мушкулини осон этишга сарфлангани эътиборга молнк. Тарихий манбаларнинг гувохлик беришича, ўз замонасининг етук пири муршиди бўлган бу зоти шарифлар ҳар кун мингта нонни бева-бечора, муҳтоҷ, кам таъминланган оиласаларга ҳадя килар экан. Чор Бакр авлиёлари бошпанасизларни жой билан таъминлаган, толиби илмларга илм ўргатган, адашганларга тўғри йўл кўрсатишган.

Ҳаёти давомида факат ҳалқка беминнат хизмат кўрсатган ка-роматпеша шайхларларнинг иккитаси Абу Бакр Саъд ва Абу Бакр Фазл ўз васиятига биноан Сумитонда, Абу Бакр Ҳомид билан Абу Бакр Тархонлар эса Бухоро шаҳрининг ўзида дағн этилган. Бугунги кунга қадар Бухоро шаҳрида Абу Бакрлар дағн этилган қабристон йўқ. Кадимда Тали Тархон теналиги ўрнашган бу жойда ҳозирда жамоат бинолари, ўкув муассасалари жойлашган. Шу сабабдан 2003 йилда шаҳардаги Мустакиллик кўчаси йули ёқасида рамзий макбара Даҳмайи Беҳиштиён (Жаннатийлар даҳмаси) бунёд этилди.

Чор Бакрлар авлодлари давр ва замон алмашинулари натижасида бир номаълум бўлиб, бир эса намоён бўлиб, юксакликка эришган. Айникса, шайбонийлар сулоласи даврида Жўйборийлар рӯёбга чикиб, нуфузи ошиб борган. Жўйбор хожалари аслида Накшбандия тарикати давомчилари бўлиб, мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Уларнинг энг катта раҳнамоси хисобланган Фахриддин Ҳожа Муҳаммад Ислом

Жўйборий 1493 йил Бухоронинг Жўйбори Берун мавзесида бадавлат оиласда таваллуд топади. Таъқидлаш жоизки, XVI асрнинг ўрталарида Жўйбор хўжаларининг ёрдами билан Абдуллахон II тахтга ўтиради ва Бухорони улуғ салтанатининг пойтахтига айлантиради. Шайбоний Абдуллахон хожазодаларни ўзига маслакдош билади ва ҳар бир ишда уларнинг дуосини олиб, улкан муваффакиятларга эришади. Айни шу даврда хон ўз пири Хўжа Ислом Жўйборий учун олий иморатларни - мадраса, хонакоҳ, масжидларни бунёд этади. Жуда кўп қурувчи ва меъморларни сафарбар этади. Мазкур биноларни куриш учун 70 минг бухорий қўйма соф олтини сарф этилади. Ўн йил давом этган курилишлардан сўнг маҳобатли, улуғвор, узок-узоклардан ҳам кўзга ташланадиган бинолар кад ростлайди. Хонакоҳ пештокининг баландлиги 20 метр бўлиб, деворнинг қалинлиги 2 метрни ташкил этади. Ер остидаги пойдеворининг 12 метрдан иборатлиги уни метинде мустаҳкамлигини таъминлаганига шубха йўқ. Ансамбл марказида жилоланиб турган нилий гумбазининг баландлиги 22 метр, айланаси эса 17 метрни ташкил этади.

Умумий майдони 40 гектарни ташкил этувчи қадамжойнинг даҳма ва ҳазиралардан иборат қабристон кисми 12 гектарни ташкил этади. Абу Бакр Саъд вафотидан олдин Сумитан кўйнидаги боғда дағн этилишини васият килиб, башорат килган эканки, “жаннатнинг етти эшиги бўлиб, еттинчиси ана шу ердан очилади”. Шу сабаб кейинги хожалар бу худудларни кисман сотиб олиб, ўз авлод-ажлодлари учун сўнгги манзилгоҳ этганлар. Ҳозирда бу ерда подшоҳ авлодлари, хожаларнинг ахли аёллари, фарзанд ва неваралари мангу кўпим топган.

Мажмуада йигирмадан ортиқ алоҳида-алоҳида ҳазиралар ва даҳмалар ўрин олган. Уларнинг ҳар бири маълум шаҳс ва унинг авлодларига тегишлидир. Қаброшлардаги нақшинкор хикматли ёзувлар ва битиклар эса эътиборингизни тортиб, сизни хикматлар бўстонига ошуфта этади.

Шаҳар ичидаги жавохир шаҳар сифатида шуҳрат топган Чор Бакр мажмуаси Собик Иттифок даврида ҳалкимиз маънавияти-

дан ўчирнб ташланди. Совет ҳукуматининг омборхонаси, пахта йигиладиган пункти, агротехникалар сакланадиган ҳудудга айлантирилди. Неча-неча улуғ зотларнинг муборак хоки пойлари поймол килиниб, ташландик ахволга келтириб қўйилган эди.

Шукрлар бўлсинким, истиклол насимида кутлуг қадамжо яна ҳалқимизнинг муборак зиёратгоҳига айлантирилди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов шонли тарихимиз жонкуяри сифатида "... миллатимиз равнаки учун умрини бағишилаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар колдирган аждодларимиз меҳнатинн юзага чикариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод килиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз" деган ҳаётний ҳикматни илгари сурган эди. Ҳаётбахш бу сўзлар бухоролик қалбида түғён урди. Ҳукуматимиз раҳнамолиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўта ҳароб ҳолга келиб колган мажмуани кайта ўз ҳолига келтириш бўйича хайрли иш бошланди. Чор Бакр обидаларига иккинчи умр бахш этилди, десак ҳеч муболага бўлмайди.

1999 йилда Сумитондаги жавохир обидаларни ҳашар йўли билан тикишга 11 минг 487 та корхона хайриҳоҳ эканлигини билдириди. Обидалар мажмуи 62 нуктага бўлинди. 400 млн сўм деб белгиланган таъмирлаш ишлари саҳоватпеша инсонлар кўмаги, ҳашар йўли билан амалга оширилди. Шунингдек, "Бухорои Шариф" жамгармасига 1 млн 120 минг сўм маблагнинг тўплангани яна бир бор ҳалқимизнинг тенгсиз фидоийлигини намоён этди. Бир кипринк қокқунча мажмуа таниб бўлмас хушмаъво мавзега айлантирилди. Ӯҳаши ҳеч каерда йўқ райҳоний, гулнорий, заъфароний, кофурний каби тўрт фасл жамолини ўзида мужассам этиб, кайта кўрк очди.

Буюк тарикат ва ҳакикат намоёндалари сифатида донг таратган, ҳикмат булогидан барчани баҳраманд этиб, жаҳон афкор оммасининг ҳайратига сабаб бўлган Жўйбор хожалари мақбараларининг обод этилиши Чор Бакр ансамблини янада хушмаъво гушага айлантириди, жавохир дурданалар эса шонли тарихимизнинг яна бир заррин саҳифаларига айланиб колди.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ МАЖМУАСИ

Бухородан 10 километр шимолий-шарқда Қасри Орифон қишлоғи жойлашган бўлиб, бу ерда узуг пиру камил Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандининг муборак зиёратгоҳлари урин олган. 34 гектарни тарихий-меъморий ёдгорлик мажмуси беш аср мобайнида шаклланниб, бугун нафақат Шарқ мамлакатлари, балки бутуни дунё аҳлиниң қутлуг қадамжосидир.

Баҳоуддин Нақшбанд – Саид Муҳаммад ион Жалолиддин 1318 йил сентябрь ойининг учинчи жумасида Бухоронинг Қасри Ҳиндувон қишлоғида таваллуд топган. Ҳазратнинг туғилишларнни Бобойи Самосий шу ердан ўтаётгандарида бу тупроқдан бир эр йигит иси келмоқдадур, шу зот барокатидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айлангай, дейдилар. Бир оз ўтнб эса ҳалиги эр йигитнинг иси ортиқрок бўлибди, дея таъкидлайдилар. Шу пайтда, Ҳазрат Баҳоуддин туғилган эканлар. Уч кунлик Баҳоуддин Бобойи Самосий маънавий фарзандлиги-га кабул килиниб, Сайид Мир Кулолга унинг тарбияси билан шуғулланишни топширганлар.

“Шоҳи”, “Хожаи Бузрук”, “Балогардон”, “Шайхлар шайхи”, номлари билан шуҳрат қозонган улуғ пирнинг касблари матога гул, накш босувчи бўлганлиги боис Накшбанд таҳаллусини олган. Бутун умр буйи Бухорода ва унинг атрофларида яшаб келган ҳазрат икки марта ҳаж сафарини адо этган.

Тасаввуфла нақшбандия тарикатининг асосчиси хисобланган кароматпеша зот таълимотининг асосида – “Дил ба ёру, даст ба кор” ётади, яъни ҳар бир кишининг дили ёр (Яратувчи) билан, кўли эса иш билан банд бўлмоғи керак. Накшбандия таълимотида руҳий тараккнёт боскичларига тўрт зина орқали чикилади: Шариат, тарикат, маърифат ва ҳакикат... Баҳоуддин Накшбанд

Шариф шаҳар ёдгорликлари

ислом дини кўрсатмаларига катъий итоат килиб тирикчилик килишга, моддий факирлик, аммо маънавий бойлик сари ундаиди. Хайр-эҳсон хисобидан эмас, балки кўл меҳнати билан кун кечиришни тавсия этади.

“Силсилаи Шариф” – олтин занжир ёхуд Xожагон-Накшбандия тарикатининг еттинчи пири комили саналган Баҳоуддин ҳазратларининг таълимотидаги фикр-мулоҳазалари унинг икки асари “Ҳаётнома” ва “Далил-ун-ошиқун” китобларида баён этилган.

Хожа Баҳоуддин Накшбанд доимо узлатда ётмасдан хаётнинг мазмуни билан кизикиб, ҳаракат килиб яаш, саёҳатларга чикиб туриш, ҳар кадамни акл-фаросат ва фикр-ўйлов билан бошиш, олинаётган ҳар бир нафасни хушёрлик билан олиш, вактни, ҳар бир дақиқани қадрига етиш, инсонларга меҳр-муҳаббатли бўлишни тарғиб килган. Хожа Баҳоуддин ўз даврида дарвешлик, қаландарлик килиб кун кўрган кишиларни ўз кўл меҳнати билан ҳалол лукма топиб яашага даъват этган. Баҳоуддин Накшбанд шахсияти ва таълимоти ҳозирги вактда ҳам ислом оламида кенг танилган. Жумладан, Марказий Осиёда, Хиндистондан Туркиягача, Догистондан Волга бўйларигача, Озарбайжон, Индонезия ва Малайзия, Араб мамлакатларида Б.Накшбандни катта хурмат ва эҳтиром билан тилга олишади.

Баҳоуддин Накшбанд ҳалк орасида “Балогардон” (яъни балони даф қилувчи) эпитети билан ҳам машхур. Ҳазрат шогирдлик пайтларида устозлари у кишинга 40 кун бир оёқда чиллахонада ўтирасан, кейин сени муридликка оламан, деган экан. Баҳоуддин 39 кун вазифани адо этиб, чикиб кетадилар. Йулда бораётуб, бир воқеанинг шоҳиди бўлади. Уй эгаси итини канчалик қувмасин, ҳайдамасин лекин у барибир хўжайидан воз кечишини хоҳламайди. Шунда ҳазрат бир жонивор эгасининг берган нон тузига хиёнат қилмай унга содик турмокда деб, афсусда устозларн ёнига кайтадилар. Бу пайт устозлари ёш шогирдга карата “агар яна бир кун вазифани адо этганингда казогардон бўлур

эрдинг, энди балогардон, ҳар қандай оғатни даф килгувчи буласан" деб айтадилар. Ҳожа Баҳоуддин Аҳмад Яссавий хонадонига мансуб Қўсам Шайхдан ҳам олти йил таълим олган. 7 ёшлигига Қуръонни тўлиқ ёд олган. Қўсам Шайх уни шарафлаб: "Тўккизта ўғлим бор. Сен мен учун уларнинг барчасидан улугрок ва олдинроқлирсан" деган экан.

Ҳазрат Баҳоуддининг уч қизлари булиб, учала фарзандлари ни ҳам ўзларининг суюкли шогирларига никоҳлаб берадилар. Ана шундай содик мудирларидан бири Алоуддин Аттор эди.

Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд 1389 йилда 71 ёшида дунёдан ўтган ва ўз юрти Қасри Орифон кишлогида дағн этилган. Ҳазрат вафоти пайтида барча муридларини Ҳожа Порсога тобе булишини васият килган.

Баҳоуддин Накшбанд мажмуаси етти аср давомида шакллана борган. Ўрта аср тарихчилари ҳабар килишича, мемориал комплекс бир неча бор кайта курилган. Бухоро ҳукмдорларининг ҳар бири ҳазратга ҳурмат бажо келтирган ва бу ёдгорликка "узининг" қандайдир қўшимча биносини киритишга харакат килган. "Темур тузуклари"да ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур ҳам унинг "кам е, кам гапир, кам ухла" деган коидасига амал килган.

Убайдуллоҳон ва унинг ўғли Абдулазизхон даврида (1533-1539 йилларда) Баҳоуддин Накшбанд мозори тартибга солиниб, ҳазира барпо этилган. 1544-1545 йилларда унинг кабри атрофида ансамблнинг энг катта биноси-хонако курилган. Баҳоуддин Накшбанд ансамбли Даҳмаи шоҳон (XIV-XVIII асрлар) ва Боҳоуддин даҳмаси, макбара, икки айвонли масжид: Абулфайзхон масжиди (XIX аср), Музаффархон масжиди, сакохона (XX аср), ховуз, қудук, минора (XVIII аср), мадраса (XVIII аср) ва Абдулазизхон хонакосидан нборат. Ҳазрат қабрларигача учта ичма ич қадимий дарвозалар орқали кириб келинади. Булар: Диловар ("Кўнгилни тортувчи дарвоза"), Токи миёна ва Салом дарвозаларидир. Салом дарвозаси мукарнаси остида икки томонда

Шариф шаҳар ёдгорликлари

насталик хатида усталарнинг номлари ва иморатнинг курилган иили баён этилган: “Усто Мухаммад Сайднинг иши. 1129/1813, Усто Мухаммад Абдулхолик ибн Судурнинг иши. 1229/1813”. Ансамбль кичик гумбазли чорток дарвозахонадан бошланади. Йул давомида чапда хонлар мозори-Дахман шоҳон жойлашган. Дахмаи шоҳон туғри түртбурчак тархли, баландлиги 2,5 м, усти кулранг мармар билан безатилган. Дахмаи шоҳондан ўтган йўлак нафис безатилган пештокка олиб келади. Пештокнинг эшигидан ўтилгач, чапда соддагина яратилган 5 устунли, олди айвонли Музаффархон масжиди жойлашган. Масжид ёнида 2 устунли Ҳаким күшбеги масжиди бор. Унинг жанубида накшдор, шимолида накхсиз айвонлар бор. Баҳоуддин даҳмаси мармар копланган каттагина мурабба тархли супа бўлиб, атрофи чиройли мармар панжара билан ўралган. Унинг сал нарироғида томонлари 9,5 м келадиган айлана зинали мармар ҳовуз, унинг шимолий томонида кўркам сакохона курилган. Ундан зиёратчилар ичишлари учун турли идишлар билан “муқаддас” сув (шарбат) узатилган. Ҳаким күшбеги масжидининг шимолида бир минора, ундан нарида ҳовлидаги ҳовуздан З баровар каттарок бўлган бошка ҳовуз бор. Ҳовлининг ташқарисида түртбурчак супа устида хонақо жойлашган. Абдулазизхон курган хонақо 37x40 метрли жамоатхона залидан ва 30 метр баландликда ётган гумбаздан иборат. Хонақо курилганидан бир аср ўтгач Но-дирхон бино атрофига хужралар куради. Ҳужраларнинг бирида насталик хатида шеър битилган: “Накшбанд билан юзма-юз ўтириш – катта баҳт. Бу ерда ҳайратли билан ўтиришда максад эса офату балолардан кутулишдан иборат”. Ансамблнинг шимол томонида 1711-1747 йилларда подшолик килган Абулфайз-хон масжиди курилган. Масжид атрофи пешток равокли айвонлар билан ўралган бўлиб, унинг тўрида чорзамин услубида ишланган кирма нақшли меҳроб яратилган. Масжид подшонинг онаси томонидан курдирилган. Айвоннинг тепалари ва деворлари кошинкор нақшлар билан безатилган. Ҳазрат қабрларидан

минорага томон чиқиладиган дарвозанинг ҳалқасида “Аллох-Мұхаммад” ва устанинг номи “Усто Абдулкодир Бухорий” ёзуви мавжуд. Масжиднинг ташки томонида 1719-1720 йилларда курилган кичкина минора жойлашган. Унинг баланлиги 12,2 м, асосининг диаметри 3 метрга тенг. Минора шарафасида остида араб тилида 1885 йилда битилган “Оқибат хайрли бұлсın” деган ёзув сакланиб қолған.

Таъқидлаш ўринники, Собик Иттифок даврида Баҳоуддин зиёратгоҳи ташландик ҳолга айланди. Бутун ёдгорлик мажмуасын ҳароба ҳолга келиб колди.

Истиколол йилларида тарихий-меъморий мажмуа таниб бўлмас даражада ўзгарди. 1993 йилда Баҳоуддин Накшбанднинг 675 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов саъй-харакатлари билан Баҳоуддин зиёратгоҳи хушмаъво мавзега айлантирилди. Баҳоуддин комплексида катта таъмиглаш ишлари олиб борилди. Мавзолейни кайта тиклаш ишларида республиканизминг деярли ҳамма жойларидан келган таъмиричи усталар ныштирок этдилар. Ҳазратнинг оналари макбарасини хивалик усталар, қадимий мозорни самарқандлик усталар кайта тикладилар, дурадгорлик ишларини Фарғона водийсидан келган усталар амалга оширилдилар, аммо асосий ишларни – хонако, минора, масжид, ҳовузни кайта тиклаш ишларини бухоролик қули гул усталар олиб боришли. Улар орасида Азим Ҳайитов, Файбулло Мұхаммедов, уста Мубин бошлиқ Мұминовлар сулоласи бор эди.

Яна бир гаройиб воеани таъқидлаш ўринли назаримда. Истиколол меъмори Ислом Каримов Баҳоуддин даҳмаси атрофиға айвон қуриш таклифини билдириб, мўлжал килган жойларидан бир пайтлар айвон бунёд этиш ниятида солинган пойдеворлар топилди. Бу балки кайсиидир маънода аждодларимиз бошлаган иш, уларнинг орзу-армонларн бугунги истиколол йилларида амалга ошганига рамзий бир ишорадир. Шу аснода кариб 90


Шариф шаҳар ёдгорликлари

метрлик янги жануби-шаркий айвон ўз ўрнида кайта курилди.

Ҳозирги вактда мазкур зиёратгоҳда XVI асрғи Боги орифон (Оринфлар боги) кайта барпо килинганд. 2003 йилда Ҳазрат таваллудининг 685 йиллиги муносабати билан Биринчи Президент раҳнамолигида зиёратгоҳга кириладиган рамзий муҳташам дарвоза курилади. Мазкур дарвоза “Ислом дарвозаси” деб номланади. Мазкур дарвозанинг юкори кисмida “Аллоҳни ёд олиш билан қалблар ором олур ва таскин топур” деган битик мавжуд.

Бугун миллионлаб меҳмону саёҳатчилар зиёрат киладиган обод қадамжода Баҳоуддин Накшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази, ҳазратнинг ҳаёти ва таълимотига багишлиланган “Накшбандия тарикати” музейи ҳамда “Накшбандия” илмий-ирфоний журнали фаолияти йўлга кўйилган.

“Накшбандия тарикати” музейи XVIII асрда Дониёрхон томонидан курилган мадраса биносида жойлашган бўлиб, унда 8 та хужрада Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши, мусулмон маданиятининг юксалиши, тасаввуф тарикатлари тарихи ҳамда Бухоройи Шариф етти пирининг саёҳат экспозицияси га багишлиланган 300 га яқин ортиқ экспонатлар кўйилган.



БУХОРО ТЕПАЛИКЛАРИ

Тепалик пахсадан ишланган қадимги иншоотларнинг харобалари ва уларни түлдирган маданий катламлардан хосил бўлган дўнглик булиб, археологик ёдгорликлариининг ушбу тури асосан Ўрта Осиё ва Якнн Шарқда кўпроқ учрайди. Худудлардаги сугорма ўтрок дехкончилк хўжалиги, айнан мазкур ернинг ўзида кўп асрлар ва ҳатто минг йиллар давомида кишлок, шаҳар мавжуд бўлишига имкон берган. Вакт ўтиши билан вайронага айлана борган иншоотлар янгилари учун асос булиб хизмат килган ва кишлок баландлашиб борган. 30—40 метрга етган ушбу тепаликлар кўп катламли булиб, улар мазкур ёдгорликнинг стратиграфиясини белгилашда муҳим объект хисобланади.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган тепаликларнинг аксарияти Бухоро воҳасига ҳам тўғри келади. Муаррих Наршахий Пойкент калъа, Ромитон тепа, Зандана тепа, Варахша тепа, Вардонзеп тепаликларини санаб ўтади. Шунингдек, Бухорода яна Гуржон, Вангозича, Барги, Ағзун, Фиждувон, Фиштий, Каптархона, Малик, Хожа Заъфарон, Шикоркент, Жигачи, Қизил кир, Хирматихий, Хожа Порсо, Биби Маъсуман пок, Ургун, Шибирдон ота, Полвон ато тепаликлари ҳамда Қумсултон, Шоварак, Сардорий, Сўфитикан, Наршах, Биби Кабудпуш, Кумушкент калъалари каби бир катор калъа тепаликлар мавжуд бўлган.

Таъкидлаш жоизки, Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида бунгунги кунда тепаликларга айланиб колган 500дан ортиқ қадимги ва ўрта аср калъа, кўргон ва шаҳар харобалари мавжуд. Биргина Пойкент калъасининг атрофида юздан ортиқ работлар тилсимиз тепаликларга айланиб колган.

Хозирда сакланган тепаликлар XIV асрдан кейинги географик ўзгаришлардан кейин юз кўрсатган жойлар булиб, уларнинг ўрни IV асрдан то XIX асргacha калъа, работ, кўшк, диза, кўргонлар бўлган. Бухоро ва ўзга худудларда сув танқислиги, арикларнинг камсув бўлганлиги сабаб, аҳоли калъа, кўргон, ди-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

заларни ташлаб пастга тушган ҳамда кишлоқлар бунёд эта бошлаган. Бугунги Оргун, Ўргун, Метанработ, Сиёзпоён, Сиёзболо кишлоқлари Ағзун кальянинг фарзандлари бўлса, Оржон, Гуржон, Орнфон, Хиндувон, Дабусия кишлоқлари эса Гуржон тепалиги тухфасидир. Вобкент томонидаги бир катор кишлоқлар Наршахкалъа сабаб пайдо бўлган аҳоли манзилгоҳлари хисобланади. Доимий равишда кўрғон, работ, дизадан чиккан аҳоли калья номини ўзи билан бирга олиб кетган.

Серсув Зарафшон дарёсининг ирмоғлари ўзанини ўзгартиргач, Азгункальани аҳоли тарк этади. Бугун катта кабристон макомини олган аҳоли яшаш масканида масжид, мадраса, турли хунармандчилик дўконлари бўлган. Унинг бағридаги одамлар авлод-авлод бўлиб сувлоқларга кўчиб ўтадилар. У ерда маскан тутиб, ўрнашган жойлари номини Ағзунга айлантирадилар. Наршахкалъа ва Гуржон кальядада ҳам Зарафшон дарёси суви камайгач қалъадагилар оқар ариклар буйларига тушиб кетиб, макон тутадилар. Қадимий қалъалар ўрни эса Амир Темур кўрсатмаси асосида кабристонларга айлана бошланади.

Бухоро теналиклари орасида Ромитан қалъаси энг қадимий қалъалар сирасига киради. Тарихчиларнинг Пойкент билан Ромитан қалъаларини Афросиёб бир вактда тиклаган деган фикрлари тарихий манбаларда учрайди. Пойкент араб истилочилари томонидан ер билан текисланган бўлсада, аммо Ромитан тақдирида бундай бўлмаган. Айрим карияларнинг маълумотларига караганда, Ромитан қалъасида 1960 йилгача аҳоли яшаган экан. Кўргонда яшаган кишиларнинг хикоя килишича, тепаликда бир вакtlар шунча кўп аҳоли яшаганки, ҳатто Кўргоннинг у томонидан бу томонигача мушуклар томма-том бемалол юришган.

Бухоро воҳаси қадимий қалъа кўргонлари, теналиклари бир катор сайёҳ ва тадқиқчилар томонидан ўрганилган. Ҳусусан, араб муаррихи Мутаххар Ибни Тоҳири Муқаддаси X асрдаёқ Зарафшон водийси окимларидаги юзлаб тепаликларни шахсан

ўзи тадқик этиб, 961 йилда “Китоб ул бад ват-тарих” номли аса-рида баён этади. Унда Бухоро воҳасини “минг шаҳарлар мам-лакати” деб атайди. Ҳакикатан ҳам воҳадаги ҳар бир тепалик шаҳристон, қалъя ва деворлар билан ўраб олинган мустаҳкам мудофаа қўргонлардан иборат бўлган. Ана шундай муқаммал ихоталанган кадимий қалъалар сифатида Хурметан, Қалайи Муғжин, Қўрғон Ромитанларни мисол келтириш мумкин. Со-монийлар саройида вазирлик лавозимида ишлаган Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммади Балъамий, муаррих Абу Абдулла Муҳаммад Аҳмад ибн Сулаймон Бухорий ҳамда XI аср тарихчи-си Ҳўжа Фунжорилар ҳам Бухоронинг минг йиллик тарихга эга кўхна қалъя қўргонлари ҳакида ўз асарларида маълумотлар кел-тиради. Шунингдек, X асрда яшаган Эрон муаррихи Абу Жаъ-фар ибни Чаририй Табари “Тарих ар-руслул вал мулук” номли асарини араб тилидан тожик тилига таржима килади. “Тарихи Табари” номи билан шуҳрат топган уч жилди бу асарда Хур-метон, Ромитон тепаликлари тарихи бир мунча тилга олинади.

Тепаликлар орасида Қўрғон Ромитан тарихи деярлн бар-ча муаррихлар асарларида учраши унинг ўтмишда муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Наршахнийнинг “Бу-хоро тарихи”асарида Қўрғон ҳакида шундай маълумотларни ўкиш мумкин: “Бу катта бир куҳандизга эга ва мустаҳкам бир кишлок бўлиб, Бухородан кадимийроқдир. Баъзи китобларда бу кишлокни Бухоро деб атаганлар. Бу кишлок кадим вактларда подшоҳларнинг тураржойлари бўлган, Бухоро шаҳари бино бўлгандан кейин, подшоҳлар киш фаслидагина бу кишлоқда ту-радиган бўлганлар. Бу ерлар ислом давлатига ўтганда ҳам шун-дай бўлиб турган. Марҳум Абу Муслим Бухорога келганида шу кишлоқда турган”.

Ўтган асрда кадим ўтмишда сўзловчи кўплаб тепаликлар со-вет тоталитар тузуми даврида вайрон этилди. “Тарихий оби-даларни бузиш имонсизлик ва жиноятдир” дейилади Ҳадиси шарифда. Аммо, собик ҳукумат ўтмиш ёдгорликларини не-

Шариф шаҳар ёдгорликлари

холларга солмади. Биргина Ромитан қўргон мисолида кўрар эканмиз, минг йилдан буён сакланиб келаётган кўхна манзилгоҳ устига сув чиқариладиган насос курилиб, 40 метр чукурликдан сув чиқарилди. Шунингдек, иккита ховуз казилиб, сув билан тўлдирилди. У ерда яна дехкон бозори, олдида мол бозори ташкил этилди. Бундан ташкари, пахта майдонларини кенгайтириш баҳонаси билан Варахша массивидаги бир неча тепаликлар пахта ерларига кўшиб юборилган эди. Бундай ножӯя ҳатти-харакатлар афсуски, ўша кезларда Пешку, Вобкент, Жондор туманларида ҳам давом этган эди.

Хўжам Саид Пўлот тепалиги. Бухоро шаҳрида 160 дан ортик авлиёлик мартабасига кутарилган олимлар ва уламолар, машойихларнинг кадамжолари мавжуд. Шаҳардан ташкарида ҳам воҳа бўйлаб ҳалк томонидан зъозланган мукаддас зиёратгоҳга айлантирилган манзиллар анчагина. (Уларнинг аксарияти кадимий тепаликлардан жой олган). Улардан бири Бухоро вилояти Ромитан ва Пешку туманлари чегарасида жойлашган Хўжам Саид Пўлот ҳам авлиё даражасига етиб, хоки қўйилган жой ҳалкимиз эътиқодий манзилларидан бири хисобланади.

Ромитан туманининг Миришкор маҳалла фуқаролар йигинига карашли Юкори миришкор кишлогидаги Хўжам Саид Пўлот кадамжоси йўл ёқасидан 800 метр ичкарида жойлашган. Ул зот ҳакидаги маълумотлар манбаларда деярли учрамайди. Кексаларнинг тилдан тилга ўтиб келаётган маълумотлари ва ривоятларига караганда илгарилари бу мавзе ҳалк ихлос билан зиёрат киладиган маскан бўлган. Авлиёнинг асл исми Хўжа Ахмад Кабири ҳалқ томонидан ўзгартирилиб, Саид Пўлот тахаллуси билан тилга олинган. Маҳаллий ахолининг ривоят килишича, коғирлар ва мусулмонлар орасида ихтилоф чикиб, икки орада тўкнашув бўлган. Хўжам Саидни ҳам ғайридинлар кувиб келишган. Парвардигорнинг инояти билан у дараҳтнинг ковагига кириб яширинган. Лекин яктагининг бир учи дараҳт тиркишидан чикиб колганлигини қўрган ҳакка буни ҳаммага маълум кила

бошлайди. Ғайридинлар дараҳтни арралай бошлайдилар, аммо арранинг кучи етмай синади. Ноилож дараҳтни ёкишга карор киладилар ва ток новдалари жамланиб гулхан ёқилади. Уч ке-чаю қундуз дараҳт тұхтовсиз ғнади. Аллохнинг мұжизаси билан авлиә оғатдан омон қолади. Халқ бу зотнинг танаси үтда ён-мас экан, метиндең каттық, пұлатдек мустаҳкам деб Пұлот эпитети (сифати)ни авлиә номига құшиб айта бошлашган. Қабир сүзи эса буюқ, улуг деган маъноларни англатади. Дараҳт ичиндан соғ-саломат чиқиб келган Ҳұжам Саид эса коғирларнинг бу килмиши учун “Уш не” (уш – ток дегани) деб бир неча бор та-корлаган эканлар. Яъни, энди бу ерларга ток құкармасин, эккани унмасини, экканининг зурриәди колмасин деб айтғанлар. Ёши улуғларнинг айтишича, үша пайтлар анча вакт бу ерларда узумлар құкармай хосил бермаган змиш.

Ахмад Яссавий силсиласига мансуб бұлған Ахмади Қабирни туб ахоли ҳанузгача Ахмадийлар зурриәидан деб аташади. Мухаммад Тохир 1746-47 йилда ёзған «Тазкираи үл-Накшбандия Тохир Эшон» асарида уч маротаба Сайид Ахмад Ота номлы кишилар санаб үтилған.

1. Ҳазрат Сайид Ота (Ахмад Яссавийга иккиласынчы халифа);
2. Сайид Ахмад Ота (Занги Отага иккиласынчы халифа, Мухаммад(с.а.в)нинг авлоди) - “Тарихи арба улус” асарида ёзи-лишича, 1320 йилда Үзбекхон үз халқи билан шу зотға мурид тушиб ислом динини қабул қилған.

3. Ҳазрати Сайид Ахмад Валий (қабрн Самарқанд қалъасидан ташқаридаги Пойқабок дарвозаси якинида бўлған).

“Мақомоти Амир Кулол”да Амир Кулол асли саййидлардан булиб, оталари Амир Ҳамза Ҳижоздан Бухоронинг Афшона кишилогига күчиб келғанлар. Бу ерга у кишини кўргани Ахмад Яссавий муридларидан Сайид Ота (вафотлари 1321 йил, Абдурауф Фитратнинг 1927 йил “Ахмад Яссавий” номли маколасида у кишининг хижрий 710 йилда вафот этганликлари айтила-ди) хижрий 683 - милодий 1285-86 йилда келиб Амир Кулол-

нинг ушбу оиласда дунёга келишини биринчи бўлиб башорат киладилар. Сайид Ота Амир Калон деб бўлгуси пири муршидга ном ҳам қўядилар ва биринчи бўлиб ўзлари таълим берганликлари ҳакида ёзиб колдирилган. Ҳазратга бўлгуси воқеаларни олдиндан сезиш ва одамларнинг фикрини эшита олиш хислати берилган. Бундан ташқари манбаларда Ҳазрат Сайид Аҳмад Ота Тошкентдан Бухорога келиб бир неча йиллар яшаганликлари ҳакида ҳам манбаларда кайд этилган. Мўгуллар хуружидан сўнг Бухорода илмли, диёнатли кишиларга эхтиёж сезилади, шундай килиб маҳаллий ахолининг мурожаати билан Сайид Аҳмад Ота Бухорода доимий яшаб қоладилар. Юкоридагилардан маълум бўлишича, силсилада иккинчи бор тилга олинган Сайид Аҳмад Отанинг қабрлари вафот этгандан сўнг, илгари Ислане (Хозирги Афшона кишлоги) деб номланган кишлоқдаги тепалик ёнида дағн этилган(баъзи манбаларда Тошкентнинг Занги Ота туманида ҳам қабрлари борлиги ҳакида айтилади).

Орадан анча вакт ўтгач, туб аҳоли мутабар зотнинг қабрини унинг ҳурмати ва иззатини ўрнига қўйиб тепаликнинг энг юкори кисмига кўчирган. Бугунги кунда авлиёнинг факирона макбараси 40 метр баландликдаги тепаликда сакланиб қолган. Унга узун ёғоч йўлак оркали чикилади. Ушбу макbara Ўрта Осиё меъморчилигига ўзига хос камёб ёғоч гумбазли услубда курилган. Макбаранинг илк кўриниши тулик ёғочдан ясалган бўлиб, хозирда тузилишини ўзгартирган. Атрофига гишт терилиб, лой билан сувокланган. Ташки кўриниши уч каватли килиб терилган ҳамда тепасн саккиз бурчакли айланма ёғоч гумбаз билан ёпилган. Макбарага жанубда жойлашган узун, паст ва торгина йўлакдан эгилган ҳолатда кирилади. Кириш дарвосаси тепасида учбурчак белгиси мавжуд, бу макbara эркак кишига тааллукли эканлигини англатиб турди. Бино ичкарисининг тўрида Аҳмади Кабирнинг қабри жойлашган. Эътиборли жихати, макbara ичидаги токчаларда бир пайтлар шам ёқилган ва турли эътиқодий удумлар ўтказилган. Тепаликда топилган

шамдонлар ва уларнинг котиб қолган бир неча йиллик мойла-ри айни шу нарсани англатиб туради. Тепалик ёнидан зовур ўтказилган. Қадимий тепанинг учдан бир кисми эса шарқ томонда ажралиб қолган. Тепаликда сакланиб қолган сопол буюмлар ҳам айнан XI-XII асрларга таалукли бўлиб, мақбара ичини ёритишда фойдаланилган корачироқлар яхши сирланган бўлиб, XVII-XVIII асрларга хосдир. Улар токчалар бўйлаб ёнма-ён кўйилиб, ёнилғи колдиклари 15-20 смгacha етади. Бундан билиш мумкинки зиёратгоҳнинг нурлари узок муддат ўчмасдан ёниб турган. Бу ҳам авлиёнинг ахоли томонидан турли даврларда ҳам улуғланганидан нишонадир.

Мақбаранинг шимол томонида бешта ёғоч туғлар кад ростлаган. Кекса ахборотчилар бу туғлар ислом динининг беш аркони, яъни калимаи шаҳодат, намоз ўқиш, ҳаж сафарини адо этиш, закот бериш, рӯза тутиш каби фарзларни англатади, деб шарҳлайдилар. Авлиёнинг мартабаси ва диний мавкеини кўрсатиш учун катор туғлардан фойдаланилган. Ҳар бир туғнинг остига сопол идишларда сув солинган. Қушлар шу сувлардан баҳраманд бўлиб, ўтганларнинг руҳи покига дуо ўқийди, деб ҳалқ тасаввур килган.

Хозирги кунда Хўжам Саид Пўлот тепалиги маҳаллий кишлок ахолиси қабристонига айлантирилган. Кишлок ахолиси орасида ушбу қабристонга Ибн Синонинг Ҳамадондаги қабридан ҳоки келтириб кўмилган сингари фаразлар мавжуд. Бирок, бу фикр канчалик ҳақиқатга якин номаълум. Аммо, шу аёнки, Абу Али ибн Сино таваллуд топган Афшона кишлоғи ва тепалик орасидаги масофа 500 метрни ташкил этади. Балким, Ҳамадондан Сино юртига келганлар тиб илми дахосига шундай эҳтиром кўрсатишгандир.

Ўтган асрда қадамжо турли кимсаларнинг қўнимгоҳига айланган. Мустамлакачилик даврида босмачилар ўзлари учун кўргонга айлантириб, харакатларни шу ердан туриб олиб боришган.

Халкнинг айтишича, Саид Пулотнинг икки укалари хам авлиё даражасига етгаи. Уларнинг бирни Пешкӯ Афшона кишлогидаги “Хўжай Банди Кушот”, иккинчиси Ромитан тумани Пайшанба кишлогидаги “Ё Захмати Вали” номлари билан маълум қадамжолардир. Банди Кушот авлиёсига буйрак касалига чалинган беморлар бориб најжот истаб шифо топишган. Нафакат инсонлар, балки ҳайвонлар хам масалан, нешоби ўтмай колган қорамоллар шу ерга олиб келингач, тузалган. Ё захмати Валининг ҳакида хам турли ривоятлар таркаланган. Масалан, бомдод намозида ғафлатда колганларга “кузларингни очгин” деб бир неча бор овоз чикарсалар, улар беихтиёр уйкудан уйғонишар эканлар.

Қадамжоларга ихлосмандлар турли ниятлар билан келишган. Бир пайтлар Хўжам Саид Пулот зиёратгоҳидаги катта тут дараҳтига хам матолар боғланиб холис ниятлар килинган экан.

Зиёратгоҳ олдида XX асрнинг 50-йилларида 100 кишига мулжалланган ёғоч масжид, таҳоратхона, айвон қурилган. Шунингдек, мукаддас қадамжо чор атрофи мевали боғ ва салқин ховуздан нборат эди. Мехмонхона хам бу ерга келувчиларга беминнат хизмат кўрсатган. Ҳозирда эса буларнинг бирортаси сакланиб қолмаган. Бор дараҳтлар кесилиб турли максадларда фойдаланимокда. Тепаликнинг пастрогида бундан 20 йил олдин қурилган 80 кишилик масжид колган холос.

Бугунги кунда қадамжони қайта тиклаш, замонавий лойиҳа асосида тубдан янгилаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориши борасида эзгу максадлар кўзланмокда.

Келажакда Ромитан туманининг ушбу мұтабар манзили хам зиёрат масканига айланиб, сайёх ва меҳмонларнинг доимий ташриф масканига айланишига умид қиласиз.

Ватанпарварлик, тарихни севиш, аждодларга ҳурмат рухи жўш урган жасоратли халкимиз ўз тарихини асрлаб колиш ишида жонбозлик кўрсатган эди, албатта. Бу хусусида, мамлакатимиз-

нинг Биринчи Президенти Ислом Каримов шундай фикрларни билдириган эди: “Тарихчилар яхши билади, одатда тепаликлар каърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар колдиклари ястангандан бўлади. Шуро даврида, факат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъкул ишга жасур олим Яхё Гуломов карши чикканини мен яхши эслайман. Унинг ана шу фазилати туфайли тазийик кўрганини ҳам эшигтанман. Лекин бу инсон ўзининг қалбидаги маънавий жасорат хисси туфайли ҳаётий ва илмий қарашларида событ турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади. Мен ўйлайманки, адолатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятни хис этадиган, ҳакикий ватанпарвар одамгина шундай мардликка кодир бўлади”.

Дарҳақиат, тарих бизнинг ўтмишимиз, бугунги ёруғ истиқболимиз ва буюк келажагимизни белгиловчи ўчмас машъяладир. Ўз бағрида нодир жавоҳирлар яширинган ёдгорликларни, қадим тепаликларни асрар қолиш бизнинг келажак авлод олдидаги масъулиятли бурчимиздир.



БУХОРО ҲОВУЗЛАРИ

Оби-ҳаёт манбаси ҳисобланган сув захира тарини жамалаш ва уни гузарлар аҳолисига етказили мақсадиди қуришан Бухоро ҳовузлари подир меъморий инишотлар булиб, ўз вақтида шаҳарнинг кон томири ҳисобланган. Бухоро шаҳристонида 103 та ҳовуз булиб, шаҳар атрофида яи 250 дан ортиқ ҳовузлар мавжуд бўлган.

Бухорода бир неча хил ҳовузлар булиб, ҳавзи хокий, ҳавзи тахта, ҳавзи сангин деб аталган. Тошкудуклар, кумкудуклар ва коризлардан ҳам аҳоли фойдаланган. Ҳовуз аслида сув уйи, хонаси маъносини билдиради. Сув уйининг Бухоро ва унинг қарамогидаги ҳудудларда кўп учраши – сувнинг кўп ёки камлиги билан боғлик бўлган. Каерда серсув ариклар бўлса, у жойларда ҳовузлар кам казилган.

Эски шаҳарнинг кон томири ҳисобланган ҳовузларнинг вазифаси аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш билан бирга яна кўпгина муаммоларни ҳал этнада ас котган. Жумладан, улар шаҳар иклимини мӯътадил саклаш, тарихий обидаларни шўрланишдан асрарашга хизмат килган. Энг асосийси, ҳовузлар атрофида одамлар мирикиб дам олганлар, турли йигин ва тадбирларда иштирок этганлар. Демак, кўхна шаҳар одам танасига киёс этилса, ҳовузлар эса унинг артерия томирлари эди.

Суви камчил туман, кишлок, қальаларда кўпроқ тошҳовузларга эҳтиёж сезилган. Тахтадан ихота воситаси бор ҳовузлар оби ҳаётни кўп вакт саклаган. Тоштарошлик ривожланиб, пишик ғиншт ишлаб чиқарниш йўлга қўйилгач, тошкудуклар кўпроқ қурилиб, кишлок, овуллар сувсизлик чангалидан халос бўлган.

Бухоро ҳудудида сарховузлар фаолияти ҳам йўлга кўйилганилиги учун аҳоли ёзда салкин сарховуз буйида ёзни яйраб ўтказган. Бухоро шаҳристони ичидаги 103 та кўча, гузар, мав-

зе, ховлилар ховузи бўлиб, буидан мешкоблар, масжид, мадраса ахли кенг фойдалаиганлиги тарихий манбаларда ўз аксии топган. Л.И.Ремпель, О.А.Сухарева, Вяткин ўзларининг асарларида шахристон ҳудудидаги 103 та ховуз битта шахристон аригидан сув олганлигинн ёзадилар. Бухорода энг катта ховуз Ситораи Моҳи Хосса сув хазиниаси бўлиб, у Ўрта Осиё ҳудудида иккинчи ўринда туради. Ҳавзи Нодир Девонбеги эса шахристон ичидан бўлиб, у ҳавзи сангин деб номланган. Шунингдек, Ҳавзи хони Зайнiddин, Ҳавзи Чоччахона, Ҳавзи Ойбинок, Ҳавзи Ҳожа Жаъфар, Ҳавзи Нав, Ҳавзи бодом, Ҳавзи шиша, Ҳавзи Арки олни, Ҳавзи Тагманбофонлар ва бошқа ховузларни санаш мумкин. Булар орасида Ҳовузи Девонбеги, Ҳовузи Рашид, Ҳовузи Ҳўжа Зайнiddин, Ҳовузи Боло каби ўнлаб сув манбалари Бухорода машҳур бўлганини эса қариялар таъкидлашади.

Воҳа кишлокларида ҳам серсув ховузлар кўп бўлган. Икки, уч ховли ҳисобига казилган тошховузлардан ташқари маҳалла, масжид, чойхона ховузларн ҳам аҳоли хизматини адо этган. Шахар 10 та катта ариқдан сув олган ва Бухородаги барча ховуз сув билан таъминланган. Зарафшон дарёсидан ариқ-рӯд орқали серсувлиги таъминланган ховузлар каватига эса сардобалар ҳам кўшилган. Булар сони 1000 тани ташкил этган. Ҳожа Убон ёки Чўли Убон ҳудудида ҳам сардоба бўлган. Буни ҳалк тили билан сарон деганлар. Уша сарон қудуги ҳали ҳам бор. Ҳовузлар атрофи мармар ёки йўнилган тошлар билан ишланган, факатгина Эшони Имло, Халифа Ҳудойдод ховузлари устига сардоба курилган.

Бухоро ховузсозлигида машҳур уста Мажид Курбонов меҳнати алоҳида ўрин тутади дейишади, кўпни кўрган кексалар. Ҳовуз учун яхши жой таълангач, кейин чуқур ковланган. Ҳовузни бегона ўт қопламаслиги учун унинг сатхига кигиз тушалган. Сўнгра унинг устига кора оҳак сепилган. Атрофи мармар ёки йўнилган тошлар билан беzaтилиб, зиналар ҳосил килинган. Зиналар мустаҳкам бўлиши учун тошлар ости ҳамда

орасига тут дарахтининг ёғочлари қўйилган. Махсус ишлов берилган бу ёғочлар тошларни силкинишдан саклашда боғлагич вазифасини ўтаган. Уста Мажид Курбонов худди шу усулда кадим шаҳарнинг гузарларида 18 та ҳовуз барпо этган.

Бухоро ҳовузлари суви ва лойидан ҳалк турли касалликларни даволашда фойдаланган. Масалан, Ҳавзи Лесак (Арки Олийнинг жануб томонида жойлашган) суви ва лойини яра, йиринг, захм тери касалликларига даъво деб ҳалк зътиқод килган.

Бухорода сув таъминотини мироб бошкарган. Унинг бошқармаси амир саройи – Ширбудун олдида, Шоҳруд тармогининг бошида бўлган. Сув шаҳар ичкарисига окиб киргани захоти, уни халифа бошқарган. Халифанинг кузатиш жойи Мозори Шариф дарвозаси олдида бўлиб, у шаҳардаги ҳовуз ва боғларнинг сув таъминотини амалга оширган. Чунки, Шоҳруд ариғи Мозори Шариф дарвозасидан Ҳўжа (мадрасаси) бозоригача очик ҳолда оккан. Ҳовузлардан фойдаланиш каттиқ назорат килинган, мишиблар, назоратчилар ҳовузлар сувини ўлчаб туришган. Мешкоблардан сувни исроф килмаслик катъий талаб килинган. Шу боис ҳовуз, унинг суви кадрланган, доим атрофи тоза тутилган.

Аҳолини сув билан таъминлаш мақсадида мешкоблар хизматидан фойдаланилган. Бухоро амиригининг девонхонаси, мадраса, карвонсаройлар, чойхона, бозор, бадавлат хонадонларни мешкоблар доимий сув билан таъминлаб турган. Биргина Но-дир девонбеги ҳовузидан 80та мешкобчи сув ташигани манба-ларда қайд этилади.

Бухородаги ҳовузлар чукурда жойлашгани учун, сувларн окиб турмаган. Шу сабабли ҳовуз суви доим янгила бурилган. XIX аср охири XX аср бошларида ерлар ўзлаштирилиб, Шоҳруд ариғи Бухорогача окиб келолмаганлиги сабабли ҳовузлар сув таъминоти кийинлашган. Бунинг окибатида ҳовузлар суви эскириб хидланган ва аста-секин кўмиб ташланган. Шундан сўнг бухоролик Мирзо Абдулвоҳид Бурхонов (Мунзим) бор мол-мулкини сотиб, тўплаган маблагини Бухорога сув келтириш-

га сафарбар килган. 1920 йил тўнтарншдан сўнг, сентябрь ойида Бухоро Ҳалқ Республикаси ташкил этилгач, Абдулвоҳид Бурхонов Маориф ҳамда соғликни саклаш нозири вазифаларида ишлаб, унинг иштирокида 1925 йилда Арк ёнида Шухов сув минораси қурилиб, шаҳар кувурлар ёрдамида сув билан тъминланда бошланди.

Истиклол шарофати билан қадим Бухоро бағридаги Кўплаб кўхна ховузлар, жумладан, Ҳовузи Нав, Ҳовузи Бобониёз, Ҳовузи Хўжа Зайнiddин, Ҳовузи Лесак, Болоховуз, Ҳовузи Эшони Имло, Исмоил Сомоний, Хўжа Калон ховузлари кайта тъмирланди. Шариф шахримиздаги кўхна ховузларни асл ҳолига келтириш йўлида катта жонбозлик курсатилди. “Девонбеги”, “Ҳазрати И мом”, “Пиридастгир” ховузларининг кайта тикланганлиги бунинг ёркин далилидир.



БУХОРО ҲАММОМЛАРИ

Бухорони кўп йиллар тадқиқ этган олимлар “шаҳар кўчаларини кезганди икки юзлари” аниордек қизил кўркак нуронишларни кўрасиз, бутун дунёни кезиб, биргина шу заминда жуда хуисурит, соглом чоғларни учратасиз ва бундан лол қоласиз” дега таърифлаган ёди. Бу албатти, экзистик ва поклон шаҳрида орасга ва саршина ҳаммомларнинг кўп эканлигидан далолат беради.

Шарқ мамлакатларида ўзига хос меморий ҳаммомлар кадимдан маълум. Ёзма манбалар, археология маълумотлари X-XII асрларда Урта Осиёда ҳаммомлар иссиқликни саклаш максадида ерни чукур қазиб, деярлн ер остида, ярим ер тўла тарзida курилганини курсатади. Шунингдек, ўтмишдаги ҳаммомлар ернинг юза кисмida курилиб, кейинчалик, вакт ўтиши билан чанг, ахлат йигилиб, бунинг натижасида улар бир-икки метр ер остида кўмилиб колган. Бухорода XVI асрда курилган ажойиб ҳаммомлар ўз даврида халқка беминнат хизмат килган.

Бухорода ҳам жисман, ҳам руҳан покланиш маскани саналган қадимий кўп гумбазли ҳаммомлар шаҳар ахлига хизмат килиши баробарида, мусоғир сайёхларининг ҳам дам олиб кетадиган манзили хисобланган. Қадимдан бухоролик ёшу кексалар ҳаммомни бирдек хуш кўрган ва у ерга мунтазам катнаб турганлигини манбалар тасдиклайди.

Ҳаммомлар кудук суви билан таъминланган ва алоҳида тазар оркали сувлар оқизилган. Ҳаммомларнинг иситиш усули ҳам тоят пухта ўйлангани эътирофга лойик. Яъни, 800-850 литрлик мис қозондаги сувни қайнатиш учун диаметри бир метрга тенг бўлган теридан тайёрланган ичи мой (от ёки тия мойи) билан тўлдирилган шамдан фойдаланилган, унинг учидаги пили маҳсус тўкилган ипдан тайёрланган. Бу шам узлуксиз ёниб турган ва алмаштирилган. Шу билан бирга, бу шамлар ҳаммомни иси-

тиш вазифасини бажарганлигига шубҳа йўқ.

Қадимий ҳаммомлар алоҳида-алоҳида хоналарга: кириш хонаси, пул тўланадиган хона (касса), баланд айвонли кийим-кечак ечиладиган хона, пойшуйхона, хунукхона, гармхона, миёнсарой, ҳамба (бассейн), миён суфа, суфа, дам оладиган хона, хонтахталар қўйилган ва чой ичиладиган хоналарга ажратилган. Шунингдек, катта ёғоч устунли хона, ўртада асосий укалаш хонаси, унинг атрофида юваниш хоналари булиб, улар катта ва кичик гумбазлар билан ёпилган. Ҳаммом биносига қўшимча тарзда иссик ва совук сув олинадиган ҳужралар ҳамда тозалаших хоналари ҳам барпо этилган.

Ғишт, тош териб ишланган ҳовузак (бак)ларда иссик ва кайнок сувлар жамланган, хоналар эса остидан кайнок ҳаво билан иситилган. Демак, хоналардан хоналарга ўтилиши уларнинг ичкарига томон тобора исий бориши таъминланган. Хушбўй моддалар ва кул сув, яъни ишкорли сув учун мўлжалланган ҳовузчалар сирти сувга чидамли маҳсус коришмалар (“кир”) билан копланган. Ҳаммом деворларн ганч билан сувалган, безак сифатида сиркор сопол парчинлар билан пардозланган.

Ҳаммом орка томонидан печка оркали иситилган ва хонанинг ҳарорати 30-45 даражага етган. Ҳаммомнинг ер ости кисми спиралсимон зич килиб, чуқурлиги бир метр, кенглиги 40-45 см килиб казилган, ернинг устки кисми эса мармар тошлар билан ёпилган. Ер ости мўрилари оркали иссиклик ҳаммомдаги мармар тошларни иситиб турган. Шу оркали чўмилаётган одамнинг ёқларидан иссиклик бутун баданига тарқаб, танаси яйраган.

Ҳаммомлар курилиши технологиясининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг сув айланиш тизими, чикинди сувларнинг чиқиб кетиши режаси ўта пухта ишланган. Окава сувлар учун маҳсус арикчалар казилган. Ванналардаги чикинди сувлар маҳсус канализация оркали тазарларга борган.

Ҳаммомлар Бухоронинг муҳим фукаро обидаларидан бири эди. Тўрт-беш аср ошган обидалар хозирда анча ўзгарган

Шариф шаҳар ёдгорликтари

холда етиб келган. Ўз вактида Бухорода фалонят курсатган ҳаммомларнинг 19 таси санаш мумкин. Булар: Токи Саррофон ҳаммоми, Хўжа Порсо Ҳаммоми, Говқушон ҳаммоми, Ҳаммоми бозори корд, Ҳаммоми кавши олак, Ҳаммоми Нахиб, Кози қалон ҳаммоми, Тўким тикувчилар ҳаммоми, Ҳаммоми кунжак, Жўйбор ҳаммоми, Ҳаммоми Муҳаммад Пайк, Биби Ҳалфа ҳаммоми, Пойи остона ҳаммоми, Қозиён ҳаммоми, Домла Шер ҳаммоми, Шишахона ҳаммоми, Чашмаи Аюб ҳаммоми, Абдулла Хўжа ҳаммоми ва Ҳаммоми оби оташ.

Йирик-йирик ҳаммомлар асосан бозорлар якинидан жойлашган. Чунки, бу ерда оломон кўп бўлиб, ҳаммомга эҳтиёж сезиб, тез-тез кириб турган. Бозори Нав, Саррофон токи, Фурӯшон токи, оёқ кийими бозорларини бунга мисол келтириш мумкин. Кўплаб ҳаммомлар ўша худуд, жойлашган манзил номи билан номланган. Масалан, ҳаммоми Кунжак Масжиди Калоннинг жануби-ғарбий бурчагида жойлашганлиги учун шундай номланган. Шунингдек, маҳаллалар номи билан ҳам ҳаммомлар номланган. Ҳаммоми Чуқур маҳалла, ҳаммоми Биби Ҳалфа, ҳаммоми Ғозиён, ҳаммоми Шишахона, ҳаммоми Чашмаи Аюб, Ҳаммоми Капна шулар жумласидандир. Бухорода аёллар ҳаммоми факат Кунжак, Шишахона, Биби-Ҳалфа бўлиб, уларга факат эрталаб бориш рухсат этилган. Ғозиён, Бозори Хўжа ва Пойи Остона ҳаммомларига эса яхудийлар учун маълум соатларда рухсат этилган.

Ҳаммомлар хусусий ёки ижарачилар томонидан бошқарилган. Ўз кассирн ва хисобчисига эга бўлган. Ҳаммом хўжайннига яна олов ёқувчи ишчи ҳамда олти нафаргача хизматчиси бўйсунган. Улар кўчада бинонинг ёниб бўлган чинкендиларини йигиб олишган. Бу пайтда эса икки киши кудукдан сувни тортиб турган. Ҳаммом ичкарисида бир неча киши бўлиб, улар ҳар бирининг ҳам ўз иши бўлган. Бири уқаловчи – ходимичи, ҳамда халтачи-халтадор ҳам фаолият курсатган. Оёқ оғриғига чалингланларга семиз күшлар ёғи, тананинг бел ва орка томонларига эса от казиси ёғи яхшилаб суртилган. Бу каби саломатлик сир-

ларининг кўлланилиши ота – боболаримизнинг шарқ табобатидан юкори даражада хабардор эканликларидан далолат беради.

